

ПАРИЗА ҲИКМАТОВА

**ЧИН МУҲАББАТ
ҚИССАСИ**



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи

Тошкент – 2014

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5)17

X-47

URS араб.

Зарифа опагинг
порлоқ хотирасига бағишлайман.

2014/18	Alisher Navoiy
A 14 81	nomidagi
	O'zbekiston MK

10 42329
381

ISBN 978-9943-03-583-6

© Париза Ҳикматова
© Гафур Гулом номидати наш-
риёт-матбаа ижодий уйи, 2014



БИРИНЧИ ҚИСМ

1

Баҳор фасли ҳаммаёкни ям-яшил майсаларга буркади. Ҳар жой-ҳар жойда ўрик, шафтоли дарахтлари оппок, оч пуштирангларда чаман бўлиб гуллади. Гуллар узра асалариларнинг визиллаган, дарахтларда кушларнинг чирк-чирк этган сайроғи эшитилади. Шаҳар марказидаги кенг кўчалар орасига узунаси кишин-ёзин ям-яшил арча дарахтлари экилган. Катта йўлни иккига кесиб ўтган ана шу арчазорнинг бир тарафидан бошқа томонга, иккинчи тарафидан карама-қарши томонга турли машиналар кети узилмай гувиллаб қатнайди. Сал нарироқда Чорсу бозорининг зангори гумбази кўзга ташланади. Беш-олтита оқ каптар гумбаз чордоғида муқим жойлашиб олган. Оппок каптарлар дам қанот қоқиб, кўкда парвоз қилса, дам бино томига қўнганича гув-гувлайди. Кўчанинг икки тарафида баланд-баланд кўп қаватли бинолар қад кўтарган. Ана шу бинолар орғида бир кўча бор. Шу кўчадаги тўйхона, болалар спорт стадиони Элбеклар уйига туташиб кетган. Вақт соат иккиларга яқинлашган, кўчада пешин намозини ўқиб, масжиддан уйга қайтаётган ўн-ўн беш нафар соч-соқолига оқ оралаган, кўк, яшил дўппили нуроний қариялар кўринади.

Шу пайт кўчанинг нариги бошида жойлашган мактабдан “гув” этиб талайгина ўқувчилар чиқди. Бир зумда бутун кўчани мактаб ҳовлисида эшитилган болаларнинг шовқин-сурони тутди. Ўқувчилар қувнаб, бир-бирларини қувлашганларича, тўп-тўп бўлиб уйларига тарқалдилар.

Ниҳоят кулоқларни батанг қиладиган болалар шовқини тинди. Ичкаридан битта-битта қадам ташлаб, иккита қиз чиқди. Қизлардан бири сумкасини ёнидаги дугонасига бер-

ди. У хаво очик бўлишига карамай белбурма, ихчамгина мовийранг плашини кийиб олди. Плашининг йирик-йирик, чиройли тугмаларини қадади-да, дугонасидан сумкасини олди. Кўча муюлишида дугоналар хайрлашдилар.

Мовий плашли қизнинг бирдан кўнгли ўксиди, кўчада ўйчан кетди. Агар ана шу ўсмир қизга диққат билан қарасангиз, унинг чехрасида нақадар маъноли ифодалар зоҳирлигига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Эртақларда таърифланган соҳибжамоллардай унинг юзи ок, тиник. Қоп-қора қошлари, қайрилма киприклари ана шу ок юзда алоҳида ажралиб туради. Қизнинг кўзлари-чи, кўзлари алоҳида ташбеҳга муҳтож. Бежирим қирра бурни, гунча лабларини айтмаса ҳам бўлади. Ҳар қасда бир нуксон...

Қиз оёғидаги нуксонни сездирмасликка ҳаракат қилиб, майда-майда қадам ташлайди. У ҳарчанд айбим билинмасин, дея уринмасин, барибир назарида оксоқланиб юриши сезилгандай. Гўё оксоқланиши унинг бари гўзаллигини бир пул қилгандай, бари хислатларини ювиб кетгандай туюлади.

Қиз уйга келди, кенг, ёруғ йўлакдан ҳовлига ўтди. Ўрик дарахти остидаги супада бувиси китоб ўқиб ўтирарди. Нур бувисига салом берди-да, индамай хонасига кириб кетди. Нур ўсмир бўлиб, вояга етгани сари жуда маънос бўлиб бормоқда эди. Албатта, қиздаги бу ўзгаришни кўриб, оиласидагилар ташвишга тушди.

Санобар ая набирасининг хомушлигидан хавотирланиб, кўлидаги китоби орасига кўзойнагини қўйиб ёпди-да, ўрнидан турди. Келини ошхонада тушликка овқат тайёрлаётган эди. Кампир ўзини бир юмуш билан ошхонага қирган киши қилиб кўрсатиш учун жавонларни титди. Кейин жавондан битта пиёла олди. Ҳозиргина келини дамлаган чойнақдаги чойдан пиёлага куя туриб, сўради:

– Саида, Нурга бирор гап бўлдимми ёки тоби йўқми?

Саида қайнонасининг гапидан ҳайрон бўлиб, аста деди:

– Нега ундай деяпсиз, ойижон?

– Охирги пайтлар у жуда паришон юрибди-ку? Наҳотки сезмаётган бўлсангиз?

Ҳозир кайнонаси унинг кўнглидаги жароҳатга тегиб кетган эди.

– Унинг бу ҳолатидан мен ҳам хавотирдаман, – деди келин овози титраб.

Санобар ая келинининг сўзларига гаши келиб, уни узиб олди:

– Сабабини ўздан сўрамайсизми, ахир онасисиз-ку?

– Сабабини сўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ, – деди келини анчадан буён кўнглига тугиб юрган гапларини дабдурустан тилига чиқариб.

– Нега? – деди ажабланиб Санобар ая.

– Чунки унинг паришонлиги сабабини мен ҳам, ўғлингиз ҳам яхши биламиз.

Санобар ая келинининг бу гапидан ҳайрон бўлди. Бориб, дераза тагидаги курсига ўтирди. Кейин келинидан изох талаб қилгандек, унга савол назари билан қаради.

– Набирангиз вояга етаяпти. Нур ҳам бошқа дугоналари каби кад-коматим келишган, бенуксон бўлсам дейди. – деди келини.

Набирасини беш ёшлигида машина туртиб юборган, ўнг оёғи бир неча жойидан синган эди. Уни операция қилдирдилару, барибир киз оксокланиб юрадиган бўлиб қолди. Санобар ая шуни эслади, кўзларига ёш келди. Ахир гулдек набираси ногирон бўлиб қолса-я. Беихтиёр ўша машъум фалокатни, ўша неварасини уриб юборган машина ҳайдовчисини ичида қарғади.

Саида беихтиёр юрак ҳовучлаб, кайнонасининг ёнига борди.

– Ойижон, мен яхши травматологлар билан гаплашдим. Улар ҳали ҳам кеч эмас, қайта операция қилиб, Нурнинг оёқларини тўғриласа бўлади, дейишяпти.

– Қайта операция? – Санобар ая келинининг гапларини эшитиб, эсанкираб қолди. Аммо аёл бир зумда ўзини қўлга олди, келинининг олдида ўзини хотиржам кўрсатишга уринди. – Болам бечора яна олти ойгача оёғига кишандек оғир темирни кўтариб юрадимми?

– Ойижон, кизимиз ҳали ёш. Олти ой кўз очиб юмгунча ўтиб кетади, – деди келин тез-тез.

У умид билан қайнонасига қаради. Гарчи Санобар ая келинининг гапларига ишонч ҳосил қилган бўлса-да, хомуш тортиб қолди. Ана шу ишонч туйғуси уни ўйлантириб қўйган бўлиши ҳам мумкин. Орага ўнгайсиз сукут чўқди.

– Буни Элбек билан маслаҳатлашдингизми? – деди ниҳоят қайнона сукутни бузиб.

Келиннинг кўзларига ёш келди. У ҳовлидаги оппоқ бўлиб гуллаган олча дарахтига тикилиб қолди. У дарахтдан кўзини узмай, деди:

– Ўғлингиз, кизимга бошка тиғ теккизишларини истамайман, шундок ҳам ёш бошига шунча азоб тортди, дедилар.

Саида эри айтган гапларни унча жиддий қабул қилмаган, чунки бу хонадонда қарорни қайнона қабул қиларди. Элбек эса ҳеч қачон онасининг бир гапини икки қилмайдиган мўмин ўғиллардан. Ҳозир келинни қайнонасининг бу масалага қандай қараши, бу муаммога унинг қандай муносабатда бўлиши кўпроқ ўйлантирарди. Очигини айтганда, ҳозир кизининг тақдири бувисининг қўлида эди. Саида ҳовлига қараганча ўйчан ўтирган қайнонасининг ёнидаги курсига келиб ўтирди.

– Ойижон, икки йил аввал бир дугонам ўн икки ёшли ўғлини худди шундай операция қилдирди. Тошкентлик бир доктор инглизлар билан ҳамкорликда касалхона очган экан. Дугонамнинг айтишича, ўша касалхонада қўли гул, уста хирурглар бор экан. Ўғли беш-олти ойда ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетибди. – Сўнг қайнонасига ёлворгандек деди. – Айтяпман-ку, ойижон, олти ой унчалик узок муддат эмас. Ахир набирангиз бўйи етиб, тенгқурларининг олдида эзиляпти. Оёғидаги нуксонидан ўкиняпти. Менимча, Нурни нима қилиб бўлса ҳам операция қилдириш, ўғлингизни ҳам шунга кўндириш керак.

Санобар ая ниҳоят келинига қарамай гапирди:

– Нимаики умид қилсанг, Худодан қил, унинг даргоҳи кенг.

Санобар аянинг хаёлидан кечгача келинининг гаплари, унинг ёш тўла кўзлари кетмади. Ҳа, келинининг миясига операция деган гап ўрнашиб қолибди. Санобар ая гоҳ набирасини оёқларидаги темир аппаратни кўз олдига келтирар, ваҳимага тушар, гоҳ кизнинг ҳовлида соппа-соғ, оқсоқланмай югуриб-елиб юрганини тасаввур қиларди. У беихтиёр мийиғида кулди. Кечки овқат маҳали бу масала оила муҳокамасига қўйилди. Элбек одатдагидай бунга қаршилиқ қилди. Қайнона ўз қарорини айтди.

– Дадажон, умримнинг охиригача оқсоқланиб юрганимдан кўра олти ойми, бир йилми кийналганим минг марта афзал, – дея йиғлаб юборди кизи.

Элбек кизини қайта операция қилдиришга рози бўлди.

2

Элбек анча йиллар аввал кишлоқдан шаҳарга қайтди. Кўнгли туб-тубига ўрнашиб қолган дилбар хаёлидан айрилганига ҳам анча бўлди. Шундан буён хиссиётга берилмаган, кўнглини бундай туйғулардан иложи борича авайлаган, олиб қочган, ортиқча таъсирчан бўлишдан сақланган эди. Ҳозир эса бақувват қўллари билан фарзанди сочларини силаркан, беихтиёр кўзларига ёш келди. Хотини эса ёлвориб сўраган оҳ-ноласини қабул этган Худога шукурлар қилмоқда эди.

Элбек эртаси куни эрта тонгда кизи билан хотинини олиб, йўлга тушди. Хотинининг дугонаси ўглини операция қилдирган ўша касалхона томон равона бўлдилар.

Касалхона катта мебель дўкони рўпарасида жойлашган экан. Ўртада зувиллаб автомашиналар катнаб турибди. Беш қаватли, оппоқ қилиб оқланган иморатда улар излаган касалхона жойлашган экан. Узунасига саф тортган дераза ойналарига ҳам оппоқ дарпардалар тutilган. Касалхона ҳовлиси сердарахтлигиданми, сўлим, салқин эди. Ҳовлида бир қарич ер ҳам бўш қолмаган, ҳаммаёққа ранг-баранг гуллар экилган эди. Ёз гуллари атрофга муаттар ифорини таратар, бу ерга кириб қолган киши беихтиёр ўзини ка-

салхонада эмас, гўё истироҳат боғига тушиб қолгандек ҳис қиларди. Ҳа, бу гулзор шунчалик меҳр билан парвариш қилинган эди.

Элбек машинасида касалхона ҳовлисига ўтмоқчи бўлди. Лекин дарвоза соқчиси бўлса керак, бир йигит уни тўхтатди:

– Ичкарига бегона машиналарнинг кириши тақиқланади.

– Беморимиз бор, уни касалхонага кўрсатгани келган эдик-да, – деди Элбек ёлворганнамо.

– Мумкин эмас, дедим-ку, – гапида туриб олди йигит.

Элбек касалхона ҳовлисида қатор тизилган машиналарга қараб, деди:

– Уларга рухсат берибсиз-ку.

– Бу машиналар касалхона ходимлариники.

Элбек бу йигит билан тортишиш беҳуда эканини билиб, машинасини четга олди. У машинадан тушиб, яна бояги йигит ёнига келди.

– Касалхонанинг қабул бўлими қаерда? – деб сўради ундан.

Йигит кўрсатиб юборди.

Қабулхона холлида катта-катта сопол гултувакларга ажойиб хонаки гуллар экилган, шунданми, хона ораста ва файзли кўринарди. Қабулхонага кирганларида уларни иккита ёшгина ҳамшира очик чехра билан кутиб олди.

– Келинг, хизмат? – деди ҳамширалардан бири.

– Бош шифокорга учрамоқчи эдим, – деди Элбек.

– Афсуски, бугун қабул кунлари эмас, – ҳамшира мулойимгина эътироз қилди.

– Кўп вақтларини олмайман, у кишида икки оғиз гапим бор, холос, – ёлворгандай сўради Элбек.

– Қабулларига ёзилганмисиз? – сўради ҳамшира.

Элбек ҳамширанинг саволига жавоб бераман, деб оғиз жуфтлаганча қолди. Шу пайт қабулхона эшиги очилди. Ичкарига ўрта бўйли, дид билан кийинган, истараси иссиқ, латофатли аёл кириб келди. Аёл изидан бир тўда китоб-дафтар кўтарган талабалар эргашган эди. Ҳамширалар

шошиб колдилар. Ҳаммалари ҳурмат билан ўринларидан турдилар ва салом бердилар.

– Ҳорманглар, кизлар, – аёл ҳам уларга жавобан табассум билан сўрашганча ўтиб кетди.

Элбек хайратдан жойида қотиб қолди. Ҳа, бу аёлнинг чехраси унга жуда таниш, жуда кадрдон эди. Элбекнинг таажжубланиб қолганини саволга йўйган ҳамшира ўзича изоҳ берди:

– Касалхонамиз раҳбарининг рафикалари.

Элбек шошилиб қолди:

– Уларни ким, ким дедингиз? – сўроққа тутди у ҳамширани дабдурустан.

– Нур Ҳайдаровна, – деди дона-дона қилиб ҳамшира.

Элбек сўз билан ифодалаш мушкул ҳолатга тушиб қолди. У гарангсиди. Кўнглида саволлари шундай йиғилиб қолган эдики...

– У киши ҳам шу ерда ишлайдиларми?

– Йўқ. Нур Ҳайдаровна Тиббиёт институтида ишлайдилар. Баъзан касалхонага оғир беморлар келса, уларни маслаҳатга чақиришади, – деди. Сўнгра бир нуқтага қараганча турган Элбекка юзланди: – Кечирасиз, сиз бош шифокор қабулларига ёзилмоқчимидингиз?


Элбек саволни англамади.

Ҳамшира яна саволини такрорлади.

– А? – ҳозир унинг қулоқлари ҳеч нарсани эшитмас, турган ерида михланиб қолган эди.

3

Аллақачон жазирама ёз саратони ўтиб кетди. Кузнинг ҳам икки ойи ўтиб, ноябрь кирди. Гарчанд куз фаслининг сўнгги ойи бўлса-да, кунлар ҳали иссиқ эди. Дехқон ноябрнинг иссиқ келганидан мамнун. Қишлоқдагилар бутун ёз бўйи етиштирган экин-тикинларини, ҳосилни йиғиб олиш билан овора. Дала, боғлар сарғайган, дарахтлар япроқлари хазон бўлиб, ерга тўкилаётган бўлса-да, кун илиқ эди. Ҳамон қуёш баланд кўкдан нур сочмоқда. Дехқонлар ана шу илиқ



кунлар ғаниматлигини билар, шунинг учун ҳосилни ерда қолдирмай, тезроқ йиғиб олиш тараддудида. Кечпишар мевали дарахтлар, толлар, чинорлар барглари ёлғизоёк йўллар чеккаларида савлат тўкиб, ерга пича соя ташлаб турарди.

Кун қайтди. Кечга яқин кун айниди. Гўё табиат дехқонларга: “Шунча қўйиб берганим етар, йиғим-теримингни тугат-да ахир”, деб писанда қилгандек бўлди. Олис қир-адирлар, тепаликлар узра тўзон кўтарилди. Шамол ердаги бутун тузу тупрокни осмонга кўтарди. Гўё шамол бу қилиғи билан, энди ана шу мавсум умринг тугади, дегандек, дарахтларнинг мўрт шох-бутоқларини, қизғиш, нопармон ва сап-сарик тусдаги япроқларини чирс-чирс узди. Япроқларни жонсиз нарсасидек ҳар томонга учирди. Қаттиқ шамол илдизи теран, бақувват чинор шохларини ҳам кўзга кўринмас ёмғир савалагандек силкитиб, шовуллатди. Узок-узокларга илонизи мисол чўзилган ёлғизоёк сўкмоқларда шамол қутурди, худди жин чалгандай, буралиб ўйнади. Йўл чеккасидаги ариқ бўйида ўсган заифгина, ингичка терак ниҳолларининг яланғоч шохлари кучли тўфон остида икки буқилди.

Телба шамол эндигина автобусдан тушган қизнинг юзига ҳазон аралаш чанг-тўзонни келтириб урди. Қиз шамолга қарши юраркан, энгашиб бир кўли билан этакларини ушлаганча қадамини жадаллатди. Шамол қутургандан-қутурди. Орадан беш-ўн дақиқа ўтди, шамол забти аста-секин пасайди. Қиз ҳам шамол шаштига қараб, қадамини секинлаштирди.

Узоқдан қизнинг уйи кўринди. Пастаккина уй, ховлини ўраган пахса деворлари қор-ёмғирдан ювилавериш, тутдек тўкилай-тўкилай деб турган бу хонадон бошқаларниқидан ажралиб турар, дастлаб кўрган кишида ачиниш ҳиссини уйғотар эди. Одатда сиртдан ғарибона кўринган бундай уйларда яшаш қийинга ўхшайди. Назарингда бунақа харобада ҳаёт кечириш кишини юрагини зик қилиб юборадигандек туюлади. Қоронғи йўлакдан ховлига ўтгунча кишини ғалати

хислар чулғаб олади. Йўлакдан ўтгач, ўнг томонда қадимий услубда қурилган, ром билан ўралган ойнали узун пешайвон кетган. Айвондан эса ичма-ич хоналарга кириш мумкин. Ясалганидан бери бўёк кўрмаган айвон ромлари неча-неча ёзлар жазирамаларида кўчиб кетган, қуйиб, бир-бирига уланган чок елимлари кўзёшларидек оқиб туради. Айвон ромлари шу ҳолида худди дунёга ёғоч бўлиб келганига минг пушаймондек кўринади. Лекин баҳор ҳар қандай харобани ҳам яшилликка бурқаб, айбини ёпгани сингари бу ҳовлининг ҳам чиройини очиб юборади. Бу фаслда ўрик, гилос дарахтлари оппоқ бўлиб гуллайди. Ёз ҳам тантилиқда баҳордан қолишмайди. Қуёш нурлари остида ҳовлидаги дарахтларнинг сархил мевалари, хусусан, ўрик тилладай товланади, гилос ёқут сингари жилваси билан кўзни олади. Кузда дарахт барглари турфа рангга киради. Лекин киш фасли ўзининг бир хил туси билан бу ҳовлини безай олмаётгандай кўринади. Аслида дабдаба-ҳашаматдан холи бундай уйларда инсон кўнгли яшнайти. Бундай қулбаларда инсоний меҳр-муҳаббат иплари кишиларни бир-бирига боғлаб, хонадонга файз киритади.

Ҳаммаёкни остин-устун қилган шамол бир оз тингач, торгина йўлакда ўрта бўйли, зуваласи пишиққина эллик беш-олтмиш ёшлардаги аёл кўринди.

– Зебинисо! – аёл уй эгасини чақира-чақира, йўлакдан тўғри ҳовлига ўтиб келаверди.

Зебинисо опа ошхонада пешинда соғилган сутни пишириб, қатик ивитаётган эди. У шошмасдан “Хув-в”, дея овоз берди. Кейин қатик ивитилган идишлар устига лаган тўнтариб, қатта пахмок сочик билан ўради-да, секин ҳовлига чиқди. Зебинисо опа қорачадан келган, баланд бўйли, елкалари кенг, барваста аёл эди. Зулукдек қоп-қора кош-кўзлари унинг асли қорача юзини баттар бўғиб юборгандек кўринади. У саранжом-саришта аёл, ҳар бир ишни шошмасдан, пухта бажаради. Қизик ҳол: Худо Зебинисо опа билан бир кунда дунёга келган одамларга ҳусн улашаётган маҳал у тошбақа юриши билан имиллаб боргану то етиб боргунича

ажойиб ранглар, чиройли кош-кўзлар, бежирим лаблар тугаб қолганга, шу сабабли бўлса керак, унга бурундан каттагина улуш текканга ўхшайди. Ҳар ҳолда Зебинисо опани кузатган одамга шундай туюлади. Кўпчилик унинг сокин феъл-атвори, хунуклиги ва унча яхши кийинмаслиги учун менсимайди. Одамларнинг ўзига шундай беписандлиги, аввало етимлиги, шу сабаб хўрлигу камситишлар опани зийрак қилиб, акли фаросатини чархлади. Бу ҳол уни ҳамиша қийин вазиятларда ҳам чўчимай, фаҳм-фаросат билан иш қилишга ундади. Мабодо Зебинисо опа билан гаплашиб қолсангиз, енгил тортасиз. Бир марта гаплашган одам опа билан яна бир марта учрашишни, у билан суҳбат қуришни орзу қилади. Асли шинаванда, ҳамсуҳбат одам ана шу суҳбат пайти бу аёлда камдан-кам одамларда учрайдиган қалб гўзаллигини кўриши мумкин. Бу фикримизни исбот қиладиган биринчи жиҳат – Зебинисо опа бошқа аёллар сингари кийим-кечак, зебу зийнатга хуши йўқ, мол-давлат тўплашни ўйламайди ҳам. Эғнидаги кўйлак кийилаверади, бошидаги рўмоли ювилаверади, ахири матонинг ранги ўчиб сузила бошлаганидагина янгилайди. Опа бозордан одми, арзонрок мато сотиб олади-да, ўзига-ўзи кўйлак тикиб олади. Кишилик кийимларини эса авайлаб-асраб, факат меҳмон, бирор тўй-ҳашамга боргандагина кияди. Афсуски, бундай тадбирларга, хусусан, меҳмондорчиликларга жуда кам боради. Шу сабабли бўлса керак, кишилик кийимлари худди кечагина сотиб олингандек оҳори тўкилмай тураверади. Факат сўнгги йиллар Зебинисо опа бир оз тўлишиб қолди, шу боис бир сидра кишилик кийим-кечакларини янгилаб қўйишга мажбур бўлди. Қисқаси, опа рўзгор деган ғорнинг бор-йўғига қаноат қилиб яшади, ҳаётдан ҳеч кимга шикоят қилмади. Оллоҳ унинг ана шу сабрини муносиб тақдирлади. Ана шу мукофот – ёлғиз фарзанди Нур эди.

Зебинисо опа шошмасдан бориб, қўшниси билан кўришиб сўрашди.

– Келинг, Зайнаб опа, яхши юрибсизми?

– Худога шукур, айланай, – дея кўшни унинг сўрашишларини қабул қилди. Сўнг кўлидаги ичига пул солинган шиша идишни Зебинисо опага узатди. – Мен катикка чиққан эдим, янги ивителиганидан борми?

Зебинисо опа идиш ичидаги пулни олди-да, қаршилиқ қилишига қарамай кўшнисининг камзули чўнтагига солиб кўйди.

– Доим мени хижолат қиласиз, Зебинисо, ахир ҳозирги замонда мол бокишнинг ўзи бўладими, – деди кўшни хижолат бўлиб.

– Э, биз ахир опа-сингилдаймиз-ку, пул оламанми. Қани, уйга кириңг, – Зебинисо опа кўшнини айвонга чорлади.

Улар олдинма-кетин айвонга чиқдилар.

– Кеча Ҳанифадан катик олган эдик. Қатиғи бир оз суюкрок чиқди. Абдулла акангиз катик ичгандек бўлмади. Шунгами, бошқа Ҳанифалардан сут-катик олманглар, дедилар, – деди хонтахта теварагига ёзилган кўрпачага ўтира туриб Зайнаб хола.

Шу пайт кўча дарвозаси ғичирлаб очилди. йўлакда енгил қадам товушлари эшитилди. Айвон деразасидан юкорида таъриф қилинган Зебинисо опанинг кизи Нур кўриңди.

Нур айвонга ўтди. Уйдагиларга салом берди, Зайнаб хола билан кўришди.

– Ўқишингга яхши бориб келдингми, дўхтир кизим? – сўрашди Зайнаб хола.

Нур бош ирғади, у билан сўрашди.

– Кизим, кийимларингни алмаштиргин-да, кечки овқатга олов ёқ, ҳали-замон отанг ҳам келиб қоладилар, – деди Зебинисо опа.

– Ойижон, аввал ювиниб чиқай, уйга етиб келгунча чанг-тўзонга қоришиб кетдим.

Киз хонасига кириб кийимларини алмаштириб чиқди. Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор. Халқ бежиз шундай демаган. Кўшнилари у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдилар. Кўшни хотиннинг ана кетаман, мана кетаман, деб ўрнидан кўзгалгунича кечки овқат ҳам тайёр бўлди.

Вакт шомга яқинлашди, Зайнаб хола дастурхонга дуо ўқиб, ўрнидан туришга ҳозирланди.

Шу пайт кимдир кўча дарвозасини тақиллатди. Нур ошхонадан чиқди-да, югуриб бориб, дарвозани очди. Дарвоза олдида баланд бўйли, буғдойранг, хушрўй йигит турарди. Йигит дид билан кийинган эди. Кўринишидан бу ерликка ўхшамасди. Қиз дабдурустдан шошилиб, салом берди-да, бир муддат унга тикилиб қолди. Сўнг деди:

– Келинг, ҳозир отамни чакираман!

У яқиндагина уйга қайтган отасининг ёнига бориб, кўчада бир йигит чакираётганини айтди.

Ҳайдар ака эринибгина ташқарига чиқди. Кеч пайти уни безовта қилган бегона йигитга савол назари билан қаради:

– Хизмат?

Йигит ҳаяжонланганидан, сал бўлмаса, уларникига нима сабаб билан чиққанини унутиб кўяёзди.

– Эртага уйимизда кўшнилари билан танишиш мақсадида кичикрок бир тадбир қилаётган эдик. Шунга сизларни ҳам тақлиф қилгани келувдим, – деди йигит тез-тез.

– Дуруст, – деди Ҳайдар ака. Унинг юзида истехзо аралаш илжайиш кўринди.

– Соат нечада?

Йигит Нур кириб кетган томондан кўзини ололмайд қолганди. Ҳайдар аканинг бу саволидан ўзига келди:

– Соат ўн бирга.

Ҳайдар ака йигитни кузатгач, дарвозани зичлаб ёпди.

– Ким экан? – сўради Зебинисо опа деразадан.

– Анув кўча бошидаги Маҳмудлар борэди-ку, ўшаларнинг уйига кўчиб келган янги кўшнилари йиғин қилаётганмиш.

Бирдан Зайнаб хола пешонасига бир урди.

– Ҳа-я, шунча ўтириб, аслида нима учун чиққанимни унутибман. Кеча ёнимизга кўчиб келган кўшни хотин бизникига чиқувди. “Зайнаб опа, ён кўшни – жон кўшни. дейишади. Мана, кўчиб келганимизга ҳам бир ойдан ошибди. Ҳалигача кўшнилари билан танишганимиз йўқ. Бу ерда сиздан бошқа ҳеч кимни танимайман, эртага соат иккиларда

кўшни аёлларни бизникига меҳмонга таклиф қилмоқчи эдим. Уларни ҳали яхши билмаганим учун ўзингиз олиб чиқсангиз”, деб илтимос қилганди.

Уй эгаларининг кечки овқатга қолинг, деб таклиф қилганларига карамай, Зайнаб хола шоша-пиша уйига чикиб кетди. Бояги шамол қаерлардандир осмонга қора булутларни ҳайдаб олиб келган, шу боис, қоронғи қуюқлашган, кўчада биров бировни танимас эди. Кўшнисини кузатиб чиққан Зебинисо опа уйга кирганида Ҳайдар амаки шом намозини ўкиб бўлганди. У оқсоқланиб бориб айвондаги хонтахта тўрига ўтирди.

– Овқатингни олиб кела қол, – деди ота кизига.

Таом устида янги кўшни хонадон таърифи кетди.

– Янги кўшнилариимиз давлатманд, пули кўп, бели оғримаган бойларданми дейман. Ўғли ҳам шаҳарлик олифталарга ўхшайди. – деди Ҳайдар ака афтини буриштириб. – Одамлар шунча пулни қаердан олар экан, бир йил ичида Маҳмудларнинг уйини таг-туғи билан бузиб, қайта қуришди. Ўғлининг ҳам тагида яп-янги “Жигули” машинаси бор. Уларнинг ҳашаматли уйлари олдида Абдулла акамнинг уйи товук катагидек кўриняпти.

Абдулла амаки олтмиш ёшлардан ошган, Зайнаб хола-нинг эри. Чол-кампир икки кизларини турмушга бериб, ёлғиз ўғилларини уйлантирган, халқона қилиб айтадиган бўлсак, бола-чақадан қутулган. У Ҳайдар аканинг амакиси бўлади. Абдулла амаки отасининг кенжа укаси эди. Шунинг учунми ё болалиқдан ака-укадай катта бўлганлари учунми, Ҳайдар ака уларникида ўзини бегонадай сезмайди, баъзан муҳим ишлар чикиб қолса, фақат шу амакиси билан маслаҳатлашарди.

– Зайнаб опамнинг айтишига қараганда, янги кўшилариимиз оқкўнгил, кўнгли очик, олижаноб одамлар эмиш, – деб қўшиб қўйди Зебинисо опа аста.

– Айтаверишади-да. Осонликча бойиб бўлармиди.

Зебинисо опа эрининг гапига эътироз билдирди:

– Ундай деманг, отаси, одам тўғри, ҳалол йўл билан ҳам ишлаб пул топса бўлади. Эшитишимга караганда, уларнинг тўнғич ўғиллари тижорат билан шуғулланар экан, – деди.

– Сени ўзи нимага ҳам ақлинг етарди! Тижорат билан шуғулланармиш. Эшитдим, ўгли чет элдан тугмача олиб келиб сотаркан. Умрингда тугма сотиб, бойиб кетган одамни эшитганмисан? – деб писанда қиларкан Ҳайдар ака лагандаги ошдан катта-катта ошалади.–Уларнинг оиласи катта эканми, эшитмадингми?

– Уларнинг икки ўғиллари бор экан. Каттасини шаҳардаги ховлиларида қолдиришибди, кичигини шу кишлоққа уйлантиришса керак.

Онасининг шу сўзларини эпитгач, негадир Нурнинг юраги ҳалриқиб кетди. Нима учун бундай холга тушди, ўзи ҳам билмайди.

Қиз таомдан сўнг дастурхонни йиғиштирди, идиш-товокларни ювди, одатдагидек айвон, ошхоналарни тартибга келтирди.

Тун. Бари жонзот уйқуга чўмган. Атроф осойишта. Ана шу осойишталик теваракка ўзгача чирой бағишлагандек. Ҳалигина шивалаб ёғиб ўтган ёмғир кундузги чанг-тўзонни ювиб кетди. Шунинг учун бўлса керак, ҳаво тоза. Осмонда паға-паға булутлар сузади. Булутлар ой нурини хиралаштиради, юлдузлар ҳам аниқ-тиник кўринмайди. Хира ой шуъласида ариқда жилдираб оқаётган сув қорамтир, сирли товланади. Боғлардаги дарахтларнинг қорамтир шарпалари шитир-шитир қилар, гўё кеч кузнинг тунги эпкинида бир-бири билан шивирлашаётганга ўхшарди.

Нур ичкарига кирганида отаси ҳовли чироқларини ўчирмоқда эди.

– Отажон, айвондаги битта чироқ ёник қолсин. Ухлашдан олдин ўзим ўчириб қўяман.

– Ҳовлида бирор ишинг бўлса чироқни ёкиб чиқаверасан.

– Айниқса ҳаво булут бўлганда ҳовлимиз жуда кўрқинчли кўринаркан. Агар осмонда ой-юлдузлар кўринмаса,

назаримда мана, ҳозир бир нарса бўладигандек туюлади. Негадир ўзимнинг соямдан ўзим чўчийман.


Ота-она бир-бирларига қараб қўйдилар. Улар кизларининг бу гапидан хавотирга тушдилар.

– Бу туни билан бўлар-бўлмас китобларни ўқишинг оқибати. Агар мен жаврамасам, хонангнинг чироғи туни билан ўчмайди, – деди ота. Кейин хотинига юзланди. – Ҳар ой чирок учун қанча пул сарф бўлишини билмайсанлар-да. Мана, кеча ҳам тунда ҳовлига чиқсам, столнинг устидаги тунчирок ёниқ. Алламаҳалда нималарни ўқийсан ўзи, билмайман.

–Ўқиши оғир, отаси, дарслари кўп, – гапга аралашди Зеби.

– Сен кўпам қизингни ҳимоя қилаверма, мен ундан ҳеч нарсани аямайман, фақат кўзини ишдан чиқармасин дейман-да...

Молининг феъли – эгасига аён, дейдилар. Зебинисо опа ҳам эрининг табиатини билар, ҳозир эрининг гап қопи очилганини, энди насиҳатдан, вайсашдан тўхтатиб бўлмаслигини, у билан тортишиш бефойдалигидан яна гапирмокчи бўлган гапини ичига ютди. Отанинг қизини тергашига унча эътибор бериб ўтирмади. Ҳа, эрига ҳам, ўзига ҳам бу уйни уй қилиш, оила тебратиш осон бўлаётгани йўқ. “Уйни тузатиб, таъмирлайлик, десанг, аскарлардек, полни ғирчиллатиб юрма”, дейди. “Жуда бўлмаса, айвон полларини янгилайлик”, десанг, “Ўйлаб гапиряпсанми, оғзингнинг бир четидан чиқаверади, бу ерни таъмирлаш учун озмунча маблағ кетадими”, деб дағдаға қилади, важоҳати оламини бузади. Ахир қизининг чивиндек жони бўлса, унинг юрганига пол тешилармиди. Куни кеча кўшнилари Ҳанифа хола чиққанларида жуда кўрқиб кетди. Хола қайта-қайта айвондаги чуқурчани оёқлари билан тепиб, бу ерда танчанинг ўрни бормиди, деб сўрайди. Уялганидан, “ҳа”, деб қўя қолди. Шуни айтса, эридан балога қолади. Ҳа, эри Ҳайдар ака хотинини уйларининг ахволидан оқинди, орасида номусларга ўлишини муҳлақо тушунмайдими нима



бало, доим ўзининг гапини маъқуллайди. Тагин хотинига еб қўйгудек қараб, “Сенларга ўзи ёғоч уёқда турсин, темирдан пол қилиб берса ҳам чидамайди. Уйнинг полини нам латга билан артиш керак. Сенлар бўлсанглар, челақда сув олиб келиб, кўлоблатиб қўйиб, қайта-қайта ҳўл латга билан артасанлар, шунака қилиб полларни ҳам чиритиб юбордиларинг”, дейди. Яна-тагин чуқурча бўлиб колган жойни оёқлари билан босиб-босиб қўяди денг. “Ўзи бу уйнинг қурилганига кирк йилдан ошди, – деб нукади қўли билан хотинининг пешонасига, – агар аяб-асраса яна кирк йил хизмат қилади”.

Зебинисо опа эрининг бу феълини, рўзғор тутаман, бирни ўн қиламан, деб уйдаги нинани ҳам тежаб-тергаши сабабини яхши билади. Сағирлик курсин, кимсасизлик курсин.

Ҳайдар ака ўн тўккиз ёшида онасидан, йигирма икки ёшида отасидан айрилди. Ҳайхотдай ховлида икки укаси билан ёлғиз колди. Бу сағирларга ота-оналаридан факат мана шу ичкари ва ташқари ховли мерос колди. холос. Бир ёқда вояга етмаган укалари, ўзининг қўлида бирор хунари йўк, оила танг аҳволга тушиб колди. Ноилож тирикчилик учун бирор иш излашга мажбур бўлди. Ҳайдарнинг оёғи оксок, шу боис бирор оғиррок ишни удда килолмасди. Ночорликдан мардикор бозорга чикди. Мардикорликни ҳам эплай олмади. Ишга борар, зўрға пешингача ишлаб, чарчадим, деб уйга қайтиб келарди. Унга бирор озода, енгилрок иш бўлса-ю, ишласа. Жуда бойиб кетмаса ҳам кунда кора қозони қайнаб турса, усти бут бўлса бўлди эди. Шундай оғир пайтларда Абдулла амакиси уларнинг жонига ора кирди. Абдулла амаки вазмин ва ақлли одам. У ўз фарзандларини тарбия қилиб, вояга етказди. Амаки акасининг етим колган фарзандларини тақдир измига топшириб қўйишни истамади. Қолаверса, акасининг руҳи олдида ўзини бурчли эканини хис қилиб, жиянларининг тақдирига бефарқ қараб турмади. Аввалига уларнинг рўзғорларига ёрдамлашиб турди. Лекин халқда қўл билан берганга қуш тўймас, деган гап бор. Шу гап тўғри чикди. У-бу бериш билан жиянларининг куни ўтмади. Амаки

бир куни жиянлариникига чиқиб, қачонлардир бир китобда ўқиган ривоятни уларга сўзлаб берди.

Абдулла амакининг ҳикоя қилишича, инсон бу дунёда уч ниятга интилар экан. Ана шу уч ният эса тўрт восита ёрдамида қўлга киритилади. Уч ниятнинг бири – яхши турмуш кечирмоқ; иккинчиси – кишилар орасида обрў-эътибор қозонмоқ ва ниҳоят учинчиси – охират савобига эришиш учун яхши амаллар қилмоқдир. Ана шу уч ниятга эришиш йўлида қанот, восита бўлган тўрт йўл эса қуйидагилардир. Биринчиси – ҳалол меҳнат билан бойлик – давлат тўпламоқ; қўлга киритилган ана шу бойликни саклай билмоқ; исрофга йўл қўймасдан бу бойликни ўзи, оиласи ва ака-укалари учун харжламоқ... Ниҳоят, имкон қадар ўзини зиёнли ишлардан тиймоқдир. Қиссадан ҳисса шулдирки, мана шу тўрт шартдан бировини ҳам бажармаган одам ўз орзусига ета олмайди. Негаки кишининг давлати бўлмаса, ўзи еб, бошқаларни тўйдиролмайди. Агар давлати бўлса-ю, лекин уни расамади билан харжламаса, сал ўтмасдан қўлдаги ана шу бойлиги туғаб битади.

Шунинг учун айтадиларки, мол-давлатни қўлга кири-тишдан кўра уни харжлаш кийинроқдир. Агар одам пул топиб, бойлигига қўшиб турмаса, оз-оздан харжласа ҳам бор давлати тезда тамом бўлади. Ахир эл орасида бежиз гап юрмайди – ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди, деган. Тома-тома қўл бўлур, ҳеч томмаса чўл бўлур, деган гап эса фаросат билан иш тутиб, бойлигига бойлик қўшганларга қарата айтилган. Ҳайдар ака амакиси баён этган ривоятни ёдда тутиб яшади. Бойлик тўплашнинг унчалик эвидан чикмаса ҳам пулни режа билан, ақл билан харжлашни уддалади.

Абдулла амаки эртаси куни жиянлариникига чиқди. Ўзи бош бўлиб турди. Жиянлари билан ичкари ховлидаги томоркани яхшилаб текисладилар. У ерга ҳар хил кўкатлар сепиб берди. Жиянлар аввалига кўкатлар сотиб тирикчилик қилдилар, лекин бу ишлари анча вақтгача ривож топмади. Амакининг маслаҳати билан озрок пул жамғаргач, уч-тўрт йил деганда эрта баҳорда иккита кўзичок сотиб олдилар. Бу

орада Ҳайдарнинг укалари ҳам вояга етди. Амаки уларни бирор хунар ўргансинлар деб ҳар хил касб усталарига шогирд қилиб берди. Катта укасини қўшнилари Ваҳоб ошпазга, кенжа укасини Абдулла амакисининг дўсти уста Олимга шогирдликка берди. Ҳайдар эса бинойидай дехкончилик кила бошлади. Бориб-бориб қўли гул дехкон бўлди.

Нихоят Ҳайдар Абдулла амакиси, унинг хотини Зайнаб келинойиси ёрдамида ўттиз ёшида Зебинисога уйланди.

Асли Ҳайдарнинг ўнг оёғи туғма калта, оқсокланиб юради. Сарғиш юзини сепкил босган Ҳайдарни ҳам Худо хусн бобида сийламаган эди. Шу туфайлидир, турмуш қуриш учун унга қиз топиш ҳам мушкулрок бўлди. Зайнаб келинойиси унга киз қидириб, бир йилдан зиёд юрди. Совчи бўлиб кирмаган эшиги қолмади. Ахири унинг тақдири қўшни қишлоқлик, ота-онасидан эрта етим қолиб, тоғасининг қўлида тарбия топган Зебинисога боғланган экан. Зебинисонинг ҳам ҳаёти унчалик яхши эмас эди. Топилган келиннинг яшаш шароити Ҳайдарникидан ортик бўлмаганлиги учун Ҳайдарнинг кимлиги, уй-жойи, камбағаллиги сўраб-суриштирилмади. Фақат куёв томон келинни ўзлари ўраб-чирмаб олишлари шарти билан кичикрок тўй қилдилар.

Шундай қилиб, Ҳайдар хотинлик бўлди.

4

Нур одатдагидай тонгда туриб, ўқишга шошилди. Уйда куймаланиб юриб, эрталабки автобусга улгура олмади. “Энди нима қилдим?” – дея уёк-буёкка аланглаб, хуноб бўлди. Қишлоқ жойларда такси кам юради, бўлса ҳам уни ушлаш амримаҳол. Кейинги автобус эса роппа-роса бир соатдан кейин келади. Начора, бир соатдан кейин келса ҳам автобусни кутишдан бошка иложи ҳам йўқ. Нурнинг юраги сиқилиб, хўрсинганча автобус бекатидаги якка скамейкага ўтирди. Бугун дарслари Чилонзордаги 16-касалхонада бўлиши керак эди. Касалхона манзилени аниқлаб, сўраб олмагани учун ўзидан-ўзи ўпкалади. Курсдошлари билан соат 8.00да Тиббиёт институтида йиғилмоқчи, кейин ҳаммалари бирга касалхонага бормоқчи эдилар. “Тамом,

кеч колдим!” Нур барибир кеч қолишини билса-да, лекин юрагида “Балки бирор машина келиб колса, етиб борарман”, деган умид ҳам йўқ эмасди.

Эрталаб биров ишга, биров ўқишга шошар, кўча гавжум эди. Гарчи йўлда бирор машина кўринмаса-да, Нур ҳамон автобус йўлига тикиларди. Шу пайт “ғийк” этиб, бир машина олдига келиб тўхтади. Нур асабий, дарсга кеч колдим, деган хавотирда турганидан олдига машина келиб тўхтаганини ҳам билмай колди.

– Шаҳаргами? – деди йигит машина деразасидан бошини чиқариб.

Қиз таниш овоздан атрофга аланглади. Қараса, кеча уйлари дарвозасини такиллатган йигит турибди. Йигит машинадан тушди, қизга яқин борди.

– Шошаётган бўлсангиз, чиқинг машинага, – деди йигит сидкидилдан.

Нур йигит овозидаги самимий оҳангни илғади. Қиз худди hozir йўлидан ёмби топиб олгандай қувониб кетди.

– Ҳа, ха... Ўқишга кечга колдим, – деди Нур тез-тез.

– Унда тез борайлик, – деди йигит. Тез бориб, машина эшигини очди. – Марҳамат.

Нур қувонганидан ўйлаб ҳам ўтирмай машинага ўтирди.

Автомобиль зувиллаб йўлга тушди. Машинага бамайлихотир ўтириб олгач, Нур тинчланди. Йўл – суҳбат қуриш истагида бўлган кишиларга қулай вазият, яхши имконият яратиб беради. Йўл асносида улар танишиб ҳам олдилар. Янги қўшни йигитнинг исми Элбек экан. Қиз ҳам ўз исмини айтди – Нур.

– Қайси томонга боришингиз керак? – орқага ўгирилиб каради Элбек.

– Чилонзордаги 16-касалхонага, – деди қиз қисқа қилиб. Кейин шошиб деди: – Афсуски, бу касалхонага қандай боришни билмайман, курсдошларим билан йиғилишиб, бирга бормокчи эдик. Энди кечикдим шекилли.

Элбек Нурнинг хаяжонларини тушунгандай, дарров деди:

– Йўлимиз бир экан. Лекин мен сизни бошқа жойда ўқийди, деб эшитгандим.

– Тўғри эшитибсиз. Тиббиёт институти бутунлай бошқа томонда. Биз кўпинча ҳар хил касалхоналарда дарс ўтиб, иш ўрганамиз. Баъзан ойлаб институтга бормаймиз.

– Бу касалхонада қанча вақтгача ўқийсизлар?

– Ўн беш кун.

– Дунёда бундан ҳам ажойиб тасодиф бўлиши мумкинми? – деди Элбек орқага ўгирилганча жилмайиб.

Ҳозир йигит айтган гаплардан қизнинг юраги алланечук ғалати бўлиб кетди. У савол назари билан Элбекка қаради. Аммо йигитдан: “Нега бундай деяпсиз?” – деб сўрай олмади. Йигит ҳам қизнинг саволини тушунгандай, самимийлик билан деди:

– Демак, ўн беш кун ўқишга бирга катнашимиз мумкин экан. Мен шуни айтдим.

Нур ҳамроҳини яна саволга тутмокчи бўлди-ю, уялди, индамай кўзини ерга олди. Бу, Элбекнинг фикрини укканлиги ифодаси эди.

Нур касалхонага етиб келганда уни касалхона дарвозаси олдида дугонаси Матлуба кутиб турарди. У дугонасига кўзи тушгач, кадамини тезлатди.

– Келардинг-да, – деди Матлуба асабийлашиб.

– Узр, дугонажон, куттириб қўйдим.

– Тезроқ юра қол, – деди Матлуба Нурнинг тирсагидан ушлаб. – Бизга бириктирилган ўқитувчи ёш бўлса ҳам ўлгудек заҳар экан. У димоғдор энди бизни дарсга киритмаса ҳам керак. Ўн дақиқа кеч қолдик.

– Кечир, Матлуба, мени деб сен ҳам гап эшитадиган бўлдинг. Аслида мени кутмай дарсга кираверсанг бўларди.

– Сени кутмаганимда бу касалхонанинг хирургия бўлимини кечгача юриб ҳам топа олмас эдинг, юр, юр.

Қизлар дарс бўлаётган хона томон югурдилар. Эшик ёнида хансираганча туриб қолдилар. Сўнгра кўрка-писа эшикни тақиллатдилар-да, аудиторияга кирдилар. Аввал Нур ўзини қўлга олди.

– Мумкинми? – деди аста.

Ўқитувчи аудиторияда бошқа талабалар борлигини унутгандек, бир муддат Нурга тикилиб қолди.

– Киригла, – деди шахд билан.

Қизлар жойларига бориб ўтирдилар. Уларнинг оркасидаги курсида ўтирган курсдошлари Носир уларга шивирлади:

– Қиз бола бўлганларингиз учун сизларни сийлаб дарсга кўйди. Ҳозиргина беш дақиқа кеч қолган Зафарни хайдаб солганди.

Қизлар Носирнинг захарханда пичингига жавоб беришни ўзларига эп кўрмай бир-бирларига қараб кўйдилар. Айни дамда Нурнинг хаёли бу ерда эмас эди. Қулоғи остида Элбекнинг овози жаранглади: “Дунёда бундан ҳам ажойиб тасодиф бўлиши мумкинми?” Юраги негадир тўлқинланиб кетди. Қандайдир тотли ҳаяжон билан йигитнинг гапларини эслаб, жилмайиб кўйди. Дарс давом этмоқда, бечора ўқитувчи жон кўйдириб алланималарни тушутирмоқда эди. У ора-сира талабаларга саволлар берар, уларнинг жавобларидан кўнгли тўлмай, бошини сарак-сарак қиларди. Беихтиёр ўқитувчининг кўзлари дарсга кечикиб қирган қиз Нурга тушиб қоларди. Қиз гўё дарсда эмас, осмонда учаётгандай хаёлий киёфада эди. Қандайдир хаёлот оғушига чўмган, мийиғида табассум қилаётган қиз сирли, айни вақтда гўзал кўринарди. Балки у ана шу хаёл ичидаги кўриниши билан ўқитувчи йигитнинг эътиборини ўзига жалб этган ва тез-тез қарашга ундаган бўлса ажаб эмас. Ўқитувчи йигит ҳеч бундай ҳолатга тушмаган эди. У ҳозир қизни уйқудан уйғотишга, ана шу хаёл оғушидан чиқариб юборишга ўзида кучли истак сезди.

У ўзидаги бу истакни босолмади, қизга арзимаган бир савол берди. Қиз ўрнидан турди-да, нима гаплигига тушунмай атрофига аланглади.

– Нима, нима дедингиз?

Ҳамма “гурр” этиб қулиб юборди. Ўқитувчи қулим-сиганча бош ирғади. “Ўтиринг, ўтиринг”, дея қўлларини

силкиб, кизни ўтиришга даъват қилди. Қизнинг юзи лоларанг тус олди. Гапни бошқа мавзуга бураркан, ўқитувчи қиз томон ортиқ қарамасликка, иложи борича дарсини ўтиб, чалғимасликка интилди.

Шу тарика дарс ҳам тугади.

– Сардор Камолович, Сардор Камолович! – бир тўда талабалар аудиториядан чиқишга ҳозирланган ўқитувчини тўхтатиб, уни саволга тутди. Ўқитувчи хаёл асирасига айланган қизга беихтиёр зимдан разм солди. Қиз бошини эгганича дафтарига нималарнидир қизиб ўтирарди. Шу пайт кимдир қизни чақириб қолди:

– Нур, Нур, буёққа қара!

Демак, исми Нур экан-да. Одатда жавобларни бошқа сафарга қолдирадиган ўқитувчи энди талабалар саволларига эринмай жавоб қайтара бошлади. Бир маҳал қиз ўрнидан турди, эшик томон йўналди. Эшик олдида турган ўқитувчи олдига келиб қолди. Шунда ўқитувчининг кўзлари Нурнинг кўзларига тўқнаш келди.

– Нур, бошқа хаёл сурманг-а! – деди секин ўқитувчи йигит ҳазилнамо қўллари билан қизга пўписа қилиб.

* * *

Куни кеча шамол тўполонидан сўнг кундан киш иси келиб қолди, атроф яп-яланғоч, гўё кулранг тусга кирди. Ҳовлидаги гилос, шафтоли дарахтларининг девор панасида саклаб қолган сўнгги япроқлари куннинг совуғига бардош бера олмай, енгил шамолнинг пичагина турткиси билан барглари ширт-ширт узилиб тушмоқда эди.

Нур дарсдан сўнг дугонаси билан кутубхонага киргани учун уйга анча кеч қайтди. Ҳаво булут бўлгани учунми, эрта қоронғи тушган, бирин-кетин яқин-атрофдаги хонадонларда чироклар ёна бошлади. Қиз яна кеч қолганим учун отамдан гап эшитмайин-да, деган ҳадиқда тез-тез юриб борарди.

Ҳайдар ака томорқасига кечки картошка эккан эди. Яхшиямки, илиқ кунларда картошкани совуққа қолдирмай қовлаб олгани. У бир четдан қовланган картошкаларни

йиғиштириб олди. Картошка пояларини кучоқ-кучоқ килиб девор тагига ташиди. Курисин, деб бир текисда ерга ёйди. У картошка пояларига қараб турди-турди-да, сўнг ошхонага кечки овқат тараддудидаги хотинининг олдига кирди.

– Қизинг жуда кеч колди? – деб сўради қозон билан андармон хотинидан.

– Дарсдан кейин дугоналарим билан кутубхонага бораман деганди, – деди хотини кўрка-писа.

– Сенларга сира ақл кирмади-кирмади-да, бир куни юзимни ерга қаратмасаларинг бўлгани! – деб бақира кетди эри. – Она бўлиб бундоқ тарбия берсанг бўлмайдимми? Бўйи етган қиз шу вақтгача кўчада юрадимми?

– Хавотир олманг, ҳозир келиб қолади, – деди она титрок товушда.

Отанинг жаҳли чиккандан чикди. “Энди вайсашдан тўхтатиб бўпсан!” – деди ичида қизининг ҳозир келиб қолса қани эди, деб турган она.

– Агар қизинг сенга ўхшаган беўхшов, бефаросат бўлганида эди, хавотир олмас эдим. Кўриб турибсан, уйимиздан совчилар аримаяпти. Қизимизни ҳозир узатмаймиз, деганларимиздан бирортаси бошини айлантирса, ана урди Худо. Кейин чапак чалиб ўтираверасан...

Ота вайсай-вайсай нари кетди.

– Тавба денг, дадаси, қизимизнинг ақли ҳуши жойида. Нур ҳеч қачон юзимизни ерга қаратадиган иш қилмайди, – йиғламсираб деди она эрининг кетидан.

У қўлидаги капирни лаганга қўйди-да, беихтиёр қозон тагини ўчирди. Нима қилишини билмасдан ташқарига чикди. Бир маҳал йўлақдан таниш қадам товушлари эшитилди. Она бечора енгил нафас олди.

– Ассалому алайкум, ойижон.

Зебинисо опа индамади. У қизига хўмрайиб қараб қўйди-да, индамай яна ошхонага кириб кетди. Нур онасининг нима учун аразлаганини пайқаб, шоша-пиша хонасига кириб кийимларини алмаштириб чикди. Онасининг кўнглини олмоқ учун ишга гутинди.

Кечки овкатга ўтирдилар. Қизи келгач, отанинг жаҳли таркаган эди. У ер остидан кизига бир-икки караб кўйди-да, сўнг салмоқ билан сўроққа тутди:

– Хўш, Нур хоним, қоронғи тушгунча қаерларда юрдингиз?

– Кутубхонада эдим, – деди кизи ерга қараб.

– Қизингни тезроқ эгасига топширмагунимизча тинчимаймиз чоғи?

Нур кизариб ерга қаради.

Овкатланиб бўлинди. Нур идиш-товокни йиғиштириб олди. Дастурхонга дуо ўқилди. У ошхона томон йўл олди. Ота-она кўзлари билан кизларини кузатгач, ҳар кунги мавзуда гап бошланди.

– Дадаси, кизимизни эгасига топширишга кўпам шошилманг, ўқиши оғир, – деб зориллади она одатдагидай. – Қиз бола минг яхши жойга тушганда ҳам бировникида ота-онаси бағрида юргандек бўлмайди. Келинликнинг ҳам ўзига яраша кийинчиликлари бор.

Ота хотинининг гапига бобиллаб берди. Қўлини силкиганча, ўз гапини маъқуллади. Она аста овоз билан ялинганамо деди:

– Ахир ўнта қизимиз йўк-ку, кетидан келаётган сингилларининг йўлини тўсади десангиз.

– Тентак хотин, нима қилсаям товукмиялигингга борсан-да. Бўлмаса қизингни бошингга ёстик қилиб олиб ўтиравер! – деди ота жаҳл билан.

Яхшиям Нур ошхонадан келиб қолди. бўлмаса, эрхотиннинг бу борадаги баҳси авжигга чиқарди.

Ҳайдар ака кечгача молларига қаради, томорқани тозалади, жуда чарчади. Қизи келиб қолгани учун оғзига келиб қолган гапни ичига ютиб, бурчакда турган ёстикни ёнига суриб ёнбошлади.

– Нур кизим, елкам, қўлларим зирқираб оғрияпти. Онанг икковинг бир яхшилаб укаласаларинг-чи. – деди кизига юзланиб.

Зебинисо опа эринибгина ўрнидан турди. Эрининг оёк томонига ўтирди-да, унинг оёқларини укалай бошлади. Нур

ҳам отасининг бош томонига чўккалади. У ҳам отасининг елкалари, қўлларини секин-секин укалай бошлади.

– Жонинг борми, тузукроқ овқат есанг бўлмайдим. Қўлларинг ўлган одамникидай жонсиз! – деди қизига.

Она-бола бир-бирларига қараб кулиб қўйдилар.

– Айтишларича, бу йил киш қаттиқ келармиш. Шунинг учун сабзавотлардан кўпроқ ғамлаб қўйиш керак. Ўзим ташқари ховлидан қаттарок ўра қазимокчи бўламану бел қурғур чатоқ. Мардикор чакиртирсаммикин?

Эрининг бел қурғур чатоқ, деган гапига хотинининг энсаси қотди.

– Картошка ўрани ўзимиз қазиймиз, мардикор чақириш шарт эмас, – деди аччиқланиб.

– Ҳа. Худо хоҳласа, сен ўра қазий бошласанг, келаси йил кузда тугатасан.

– Одам озгина жисмоний ҳаракат қилиши ҳам керак-да. Қорнингизни қаранг, ўтирсангиз, бурнингизга тегади, – деди ҳазиломуз хотини.

– Ҳа, сенга мени мазах қилиш бўлса. Сен яхшиси ўзингни бил. Ўтирсанг туролмайсан, юрсанг, уйларнинг деворлари худди зилзила бўлаётгандек гурсиллайди. Мана шу айвоннинг полини ҳам сен адо қилдинг.

– Бувангизнинг бувасидан қолган чириб битган полларингиз гичирласа, мен айбдор эмасман.

Нур ота-онасининг ҳар сафарги оддий суҳбатлари охири жанжалга айланишини болалигидан яхши билади. Ҳозир ҳам отаси онасини болохонадор қилиб сўкиб қолмасин учун майинлик билан деди:

– Отажон, хуфтон намозига азон айтилди. Туринг, яна намозингиз казо бўлмасин.

5

Элбек қўшни қизни илк бор учратганида ғалати бўлиб кетгани ёдида. Машинада кишлоққа қайтаркан, киз билан учрашуви ёдига тушди, ширин бир ҳаяжондан энтикиб кетди. Тонгги учрашув куни бўйи ёдидан кетмади. Қизнинг нимтабассуми, овози, қарашлари уззукун уни таъкиб қилди.

Шаҳардан кишлокка кўчиб келган илк кунлари кўзига бу жойлар туссиз, зерикарли кўринган эди. Кети кўринмас яйдоқ далалар, кишда унсиз шўппайиб турган яланғоч дарахтлар унда аллакандай нохуш туйғу уйғотган, кишда пилч-пилч лой, ёзда тупроғи чангиб ётган тор кўчаларчи, юрагини баттар сикқан эди. Аввалига шаҳарнинг кенг, озода кўчалари, ҳамма шароити мухайё уйда улғайган Элбек сира кишлок ҳаётига ўрганолмасам керак, деб ўйлаганди. Ғалати ҳол: шу кишлокнинг нозиккина бир кизи, Нур сабаб бугун кўзига яйдоқ далалару боғлардаги яланғоч дарахтлар бошқача кўринди. Нима, бу ерларга меҳр қўяптими? У мийигида кулди.

Дехқонобод қишлоғи чеккасидан ўтган зогарик бўйида янги иморат кад кўтарди. Яқиндагина бу ҳашаматли ҳовлига Ғиёс акалар, тўғрироғи, Элбеклар оиласи кўчиб келди. Гарчанд улар бу ҳовлини сотиб олганларига анча вақт ўтган бўлса ҳам энди кўчиб келдилар. Аввал уйни тағ-туғи билан буздилар. Сўнг иморатни замонавий қилиб, ҳамма шароитларини рисоладагидек қилиб қайта қурдилар. Отаси Ғиёс ака шаҳардаги қандайдир заводда бош муҳандис бўлиб ишлайди. Онаси Санобар ая эса илгари шаҳардаги дорихоналаридан бирида фармацевт бўлиб ишлаган бўлса ҳам ҳозир кишлокка кўчиб келганларидан бери ишламай қўйган, уй бекаси. Элбек ҳам отасининг изидан бориб ўрта мактабни битиргач, Политехника институтига ўқишга кирди.

Элбек димоғида урф бўлган куйни хиргойи қилганча уйга келди, машинасини гаражга қўйди.

– Ассалому алайкум!

Санобар ая ўглининг овозидан кайфияти кўтаринкилигини сезди. Нима бўлди экан? Она: “Нима гап?” – дегандай ўғлига бошдан-оёқ қараб чиқди.

Санобар ая бирор япроқ шитир этмаган ана шу сокин зерикарли куз окшомида қутилмаган бўрон турганлигини ҳис этди. Ўглининг кайфиятини кўтарган қандай сабаб бўлиши мумкин? Унинг кўнглига ҳадик тушди. Санобар аянинг кўнглидан ишқилиб кишлоклик қизлардан бирортаси

унинг бошини айлантормасин-да, деган ўй тўсатдан тим-далаб ўтди. “Ўй-е, кайфи чоғ бўлса бўпти-да, дарров нега ваҳима қиялпман ўзи? Синглимнинг шундай келишган, дидли, фаросатли кизи Саидани ёқтирмаган ўғлим бу қишлоки қизларга қайрилиб ҳам қарамаса керак”, деб ўзига-ўзи таскин берди.

Санобар ая бирмунча такаббур аёл, унча-мунчани назари илмайди. Унинг феъли шунақа. Оилада ҳам унинг гапи – гап. Қовок-тумшук қиладими, зарда қиладими, ишқилиб, уйда гапини ўтказди. Эри Ғиёс ака ҳам можаро-жанжалларни ёмон кўради. Хотинининг ковоғи олиндими, бу ҳозир бўрон кўтарилишидан дарак. Ғиёс ака жанжал чикмаслиги учун ҳам «ха, сеники маъкул», деб қутулади. Ўғиллар ҳам онасига қарши ортикча гап гапирмайди. Санобар ая оилада ана шу ҳукмронлиги билан аксарият эрига итоат қиладиган, соддадил қишлоқ аёлларидан ажралиб туради.

Элбек бирпас уйда ўтирмай, яна кўчага чиқиб кетди. Шу кетганича алламаҳалда уйга қайтди. Қишлоққа кўчиб келишга тиш-тирноғи билан қарши бўлган Элбек нима учун ҳозир ҳаммадан қувнок, хушчакчак? Нега бугун ўғли кўчадан бери келмай қолди? Шунда Санобар ая ўғлининг таниш-билиш орттиришда жуда инжиқлигини ўйлади. Афсуски, унинг бу хотиржамлиги узокка бормади. Одатда она эрталаб ўғлини уйғотиб, нонуштасини тайёрлаб, ўқишига жўнатгунча анча-мунча куч сарф қиларди. Энди эса ўғли ҳаммадан эрта туриб, нонуштасини ҳам ўзи тайёрлайдиган бўлиб қолди. Она ўғлининг нонуштасини қилиб бўлгач, шоша-пиша кўчага чиқиб, кимнидир кутишини, узокдан кутган одами кўриниши билан кетидан чиқиб, у билан бирга ўқишга кетишини сизди. Она сергак бўлди. энди ўғлининг ҳар бир кадамини кузата бошлади.

Зукко она ўғлидаги бу ўзгаришдан ҳадиксиради. Унинг бу ўзгариши яхшилиқдан дарак бермаслигини юрак-юрагидан ҳис қилди. Бу ўзгариш бориб-бориб ўзи кўрккан воқеага олиб келмасмикин? Санобар ая шамолнинг қаёққа қараб эсаётганидан ҳид олди. У юз бериши муқаррар

воқеанинг олдини олиш пайига тушди. Ўша кунлик кечки овқатдан кейин аста ўғлининг ёнига келди. Гапни узоқдан бошлади.

– Элбек, қишлоққа ўрганиб қолдингми, болам?

– Ўрганмай иложим қанча? – дея кулди ўғли. – Ўқишга қатнашга бир оз қийин бўлса ҳам ёмон жой эмас экан. Ҳавоси тоза, тинч, одамлари ҳам содда, самимий.

– Одамлари самимий дегин, – деди зимдан ўғлига назар солиб Санобар ая. Кейин қанча ўзини босай деса ҳам бўлмади. “Тарки одат – амримаҳол”, дейдилар. Ичидагини ташига чиқарди, бир гап билан ўғлини ўйиб олди: – Дарров одамларининг қанақалигини ҳам билиб олибсан-да?

Элбек гап ўзани қаёққа бораётганини ҳам сезмади. Мана, неча кунлардирки, юрагида ажиб ҳаяжон. Гўёки, осмонларда учиб юргандай. Олам гўзал, ҳаёт гўзал. Ана шу туйғулар юрагида меҳмон ўғил онасининг пичингини тезда тушуна қолмади. У очиккўнгиллик билан кўнглидаги гапларни онаси билан ўртоқлаша бошлади.

– Бир пайтлар устозим маданият тобора ривожланиб боргани сайин инсонийлик нарига чекиनावеради, деб айтган эди. Устозим ҳақ гапни айтган экан. Қишлоқ одамлари шаҳарликлардек жуда маданиятли бўлмаса ҳам уларда инсонийлик кучли.

Санобар ая ўғлининг қисқа фурсат ичида қишлоққа меҳр кўйиб қолганини сезиб, негадир гапи келди. Йўқ, рости, бунинг замирида бошқа бир сабаб ётганини, ўғли шу қишлоқнинг бахти кулган қайсидир қизига ошиқ бўлганини аёл қалби дарров англаб етди. Шунинг англаб етди-ю, ўғлини қизганиши ё одатича содда, камсукум одамларни ўздан паст кўришими, инчунин, шу жой одамларини ҳам писанд билмаслиги устига-устак, келиб-келиб, ўғли ҳам шу қишлоқ қизига кўнгил берганими, хуллас, шу ҳислар бари бир бўлиб, бирдан ловуллаб кетди. Зудлик билан бу иш мадда олмасидан йўқотиш керак! Санобар ая кўнглига келган ўйни дарҳол амалга оширадиганлар хилидан эди. Элбек масаласида ҳам у бу одатини истисно қилгани йўқ.

– Элбек, шу кишлокка келганимиздан буён сенга бир гапни айтаман, деб юрүвдим, – секин ўглининг кўнглига кўл солди она. – Майли, болам, агар ўқишга қатнашга кийналаётган бўлсанг, шаҳарҳовлимизда қолавер.

Элбек дабдурустдан онасининг бу қарорга келишидан ханг-манг бўлиб қолди. Ахир у кишлокка келишни хоҳламаса ҳам минг бир баҳонани рўкач килиб, буёқларга олиб келган шу онаси эмасмиди? Онасининг гаплари ҳамон кулоғи остида жаранглайди: “Қани, айт, кишлокнинг нимаси ёмон? Кенг, очик, ёруғ, одамлари ҳам очиккўнгил”... У онасига савол назари билан тикилиб қолди.

– Нега энди бундай деяпсиз, ойи? – деди ниҳоят ўзига келиб. – Аслида шаҳарҳовлида тураверсак ҳам бўлаверарди. Ўзингиз ўйланг, акам кўпинча чет элга кетади, уй-жой ҳаммамизга етарди. Бу ерга келишга келволиб, энди нега шаҳарда туракол, деяпсиз? Сизларсиз шаҳарда нима киламан?

Онасининг гапидан ҳайратга тушиб, саволга тутган ўглининг ҳолатидан Санобар ая ажабланмади. Ичи ёниб гурса ҳам гап жиловини жадаллатмай, оҳиста гап бошлади.

– Буёқларга нима учун акагни ташлаб, ўзимиз кўчиб келганимиздан хабаринг бор. Акагнинг рўзгорини бўлак килиб, шаҳарда қолдиришимиздан мақсад, биласан. Маҳфуза келинойинг билан сира мош-гуручимиз очилмади. Тагипаст одам барибир зотига тортади.

Элбек онасининг табиатини билади. Ҳозир гапни узоқдан бошлаб, бирор ниятни режалаштирган. У, эски пластинка яна айланадиган бўлди-да, деб ўйлаб, кошини чимирди. Келинойисини оқлаб, эҳтимол нечанчи мартадир сўзлаган гапларини яна такрорлади:

– Ойи, Маҳфуза келинойим ақлли, жуда меҳрибонлар. Мен Маҳфуза келинойимни сизларнинг ҳурматларингизни жойига қўйганлари учун ҳам ҳурмат киламан. Қолаверса, келинойим ҳам, акам ҳам отам билан сизнинг гапларингизни сира икки қилмаган.

Зўрға ўзини тутиб турган Санобар ая тутақиб кетди.

– Сенинг нимага ҳам аклинг етарди. Бу келин бир кун эмас, бир кун акангни хонавайрон қилади. Ҳа, аканг севдим, олмасам, ўламан, деб қаёқдаги зоти пастга уйланди.

– Акам нега хонавайрон бўлар экан? Ахир келинойимга уйланганларидан кейин ҳамма ишлари юришиб кетди-ку. Мана шу ховлини ҳам акам олиб бердилар-ку.

– Ҳа, тўғри. Мен фақат ўғлим тиниб-тинчиб, униб-ўссин дейман. Лекин бу узоққа бормайди, ҳали мени айтди дерсан.

Элбек онасининг гапларини эшитиб, жаҳли чикиб кетди.

– Нималар деяпсиз, ойи?

– Негаки, аканг хотинининг ота-онаси, кариндошлари учун, керак бўлса, ўзини томдан ташлайди. Мен ўғлимни улар учун тугиб, тарбия қилиб қўйибманми? – Онанинг ҳам жазаваси кўзиди.

Сира шу онасини тушуниб бўлмади-тушуниб бўлмади-да. Одам деган шунакаям тор доирада ўйлайдими? Одам деган ҳам шундай мешчан бўладими? Ахир онаси ўкимаган, оми эмас, олий маълумотли, зиёли аёл-ку.

Элбек онасининг гапларига аччикланиб, “Э!” – дея қўлларини силкиди. Она ўглининг энсаси котганини кўриб, пича паст тушди. Орадан бир оз вақт ўтди. Сўнг у ўғлига писанда қилгандай, дона-дона қилиб деди:

– Мен бу гапларни сенга бекорга айтаётганим йўк. Энди аканг қилган хатони сен ҳам такрорламагин, деб огоҳлантириб қўяяпман, холос.

– Тушунмадим, қандай хато? – деди бўғилиб Элбек.

– Тушунмаган бўлсанг, яхшилаб қулоғингга қуйиб ол. Энди акангдан умид йўк. Дунёда энди фақат сендан ҳамма орзу-ҳавасимни кўришим мумкин. Уқдингми, болам, умидим фақат сендан, – деди она ўглининг ҳолатини кўриб, юмшаб. – Мен сенга ишонаман, болам, сен онангни ҳеч қачон кариндошлар орасида хижолатга қўймайсан.

Элбек индамай ўйланиб қолди.

6

Нурнинг отаси ҳар қанча зиқна бўлмасин, қизи учун жонини ҳам аямасди. Ота яқшанба куни қизининг кийим-

ларим етарли, деганига қарамай уни шаҳарга, бозорга олиб тушди. Нур отаси олиб берган янги пальто, этикни кияр экан, юраги ҳаприқиб кетди. “Эртага кийсами, Элбек кўзини узолмай қолади”. У ўзини қоматига ёпишиб турган тимқора, хушбичим янги пальто, баланд пошнали этикда тасаввур қилди, беихтиёр Элбекнинг мамнун назарини ҳис этди. Қиз шундай ширин хаёллар оғушида отаси билан бозор айланди. Бозорда Нур онасига мос бир кўйлак кўрди.

– Отажон, мана шу кўйлакни ойимга сотиб олайлик. Шу кўйлак рангига мос рўмоллари бор, – деб отасига ялинди Нур.

– Ойинг энди келин бўлармиди, борини кийиб турсин, – отаси шундай дея унамади.

Ота-бола қўлларида харид билан хурсанд бўлиб, уйга қайтдилар. Нур шодон, олган нарсаларини бир-бир кийиб, ойисига кўрсатди. Қора пальто кизнинг сутдек оппок, тиник юзлари, қора кошлари-ю, оқ баданини янада бўрттириб, кўрсатиб турарди. Она бу кийимларни худди ўзи кийгандек севинди:

– Муборак бўлсин, кизим, жуда ярашди, кийиб-кийиб адо қилгин.

Зебинисо опа: “Туф-туф, ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин. Бирпасда кизимиз кап-катта бўлиб қопти-я”, деб ичига туфлади.

Эри ҳам кизининг орқасидан қараб қолган хотинининг кўнглидаги ўйини сезгандай деди:

– Ҳа, бу йил ўтди. Уни янаги йилдан қолдирмай турмушга берсак бўларди.

Зебинисо опа ўйланиб қолди.

– Дадаси, кизимизни вақтида узатганимиз яхшику-я, лекин уни бахтли қилоладиган яхши йигит чиқармикин, – деди узок сукутдан сўнг хаёлчан.

Ҳайдар ака бу сафар хотинининг фикрини уқди. У негадир ҳозир бозордан қайтиб, хотинига нина ҳам олмаганигами, хижолат тортгандай бўлди.

– Онаси, бозорда қизинг битта кўйлакни кўриб, тез шуни онамга сотиб олайлик, деб туриб олди. Сенга ўзи кўйлак керакмиди?

Хотини эрининг хижолат бўлганининг ўзиданок кўнгли кўтарилди.

– Раҳмат, кўйлакларим етарли, – деди.

Эри ўзига бозордан сотиб олган кишлоқ ич кийимлар, калин камзул, янги калишларини очиб бирма-бир кўрсатар экан, беихтиёр хотинига қаради. “Зебига ҳам битта калиш олсам бўлар экан. Оёғидаги кийиб юрган калишини кара, ҳадеб ювилаверганидан оқариб, хиралашиб кетибди, – деб ўйлади. Кейин хотинига разм солиб тураркан, яна одатдагидай хотинини ичида яниди. – Зеби деган хотинни Худойим фаросатдан сиккан, кийимларини аяб кийишни билмайди. Либосни ҳам жомашовда чиритади. Ҳадеб юваверса, нарса чидайдимми?”

Нур ҳам бозордан сотиб олган харидларини ичкарига жойлаштириб, айвонга чиқди. Онасининг мунгайиб ўтиришига қараб, негадир хаёлига Элбек билан суҳбати келди. “Исмингиз жуда ажойиб экан. Мен ўзбек қизларида сира бундай исмни учратмаган эдим. Сизга бу исмни ким кўйган?” – деб сўраган эди йигит ундан. Нур, албатта, ўшанда унга шундай ном берган онаси эканлигини айтган эди. Шу суҳбатни хотирларкан, беихтиёр онасининг бир пайтлар айтиб берган ҳикояси эсига тушди.

“Қизалоғим, менинг болалигу ёшлигим ота-она меҳри нималигини билмай ўтди. Эсимни таниганимдан буён тоғамнинг оиласи хизматида бўлдим. Ўн олти ёшга чиқдим у келинойим, жиянингизни нонга бало, ошга бало қилмасдан тезроқ эрга бериб юбориш керак, деб тоғамнинг кўзини очирмай кўйди. Бирор хотини ўлганми, хотин кўйганми, бева-бечорами топила қолмади. Худо бу дардисарни ҳусндан кийган бўлса, кимга берамиз энди? Бу ўтирса, бизнинг қизларимизни ким сўрайди, деб айюҳаннос соларди. Ҳа, отангга турмушга чиқиб, энди таъна-надоматдан қутулдим, десам, беш йилгача фарзанд кўрмадик. Бир куни отанг

чайхонадан кайфияти бузилиб келдилар. Чайхонада нима гап-сўз ўтган, билмайману, ошна-оғайнилар олдида бош кўтариб юролмаёйман, буёғи бўлмайти. Бу дунёдан зурриётсиз ўтамизми энди, деб эзилдилар. Бўлди, Зеби, ажрашамиз, дедилар.

Ўшанда бутун дунё кўзимга қоронғи бўлди. Дардимни ёрар, маслаҳат берар, паноҳ бўлар бир меҳрибоним бўлмаса, каякка борай, қайси тошга бош урай? Кўксимда шундай фарёд билан қандай кўчага чиққанимни билмайман. Бошим оккан томонга равона бўлдим. Бир маҳал оёқларим кабристонга бошлаб боряпти... Бориб, ота-онам мазорларига чўк тушдим.

– Меҳрибон отажоним, онажоним! Бу кунимдан кўра Худо менинг жонимни ола қолсин! Художон, тезроқ жонимни ола қол! Отажон, онажон, мени ҳузурингизга чақира қолинглар! Энди бу дунёда яшаб нима қилдим, мени бағрингизга олинглар! – деб фиғон чекканларим, Худога нола қилганларим...

Ўша кабристон зулмати аро, куюк дарахтзорда бойқушнинг ваҳимали чинқириғи эшитилмоқда эди. Шу дам ота-онам мазорлари узра яшин чакқандай бўлди. Кўкни бир ёруғлик, нур чизиб ўтди. Ғалати бўлиб кетдим. Шунда менга отангнинг уйдан ҳайдаши, энди тоғамнинг оиласига қабул қилмаслиғи қўркуви писанд бўлмай қолди... Ана шу воқеадан бир йил ўтар-ўтмас сен дунёга келдинг. Сен мени зулматдан олиб чиққан нурсан. Сен ҳаётимга нур бўлиб кирдинг. Шунинг учун ҳам отингни Нур қўйдим...”

Нур онасига қараб туриб, юраги тўлқинланди. “Ҳоки-соргина, камсукумгина онажоним...” Онаси бошини кўтариб, қизига қаради-да, жилмайиб деди:

– Яхши бозор қилибсизлар, Нур, буюрсин. Нега турибсан, ўтир, – деди Зебинисо опа унга тикилиб қолган қизига.

Нур нима дейишини билмасдан, каловланди. Кейин оғзига дастлаб келган гапни айтди:

– Ойижон, кечга нима овқат қилай?

– Вақт энди пешиндан ошди. Аввал тушлик қилиб олайлик, кейин бир гап бўлар, – деди она бамайлихотир.

– Ойижон, соат учдан ошди. ҳали тушлик қилмадингизми?

– Сизларни кутдим-да, – деди Зебинисо опа кулганича. – Вараки сомса пиширувдим, бирга ермиз деб.

Нур ҳозир онасига ичида тўпланган, фақат волидайти меҳрибонига аталган гапларни айтгиси келди-ю, айтолмади. Унинг онасига меҳри бир товланди, бир товланди. Нур онасига шундай дегиси келди:

“Ойижон, ҳали қараб турунг, бир яхши доктор бўлайки... Ўшанда доктор бўламан, деганимда менга ишонгансиз, ўзингиз қанот бўлгансиз. Яна менга ишонинг, ҳали қараб турунг, мен яхши ўқийман. Кейин тинмай ўз устимда ишлайман. Ишлаб-ишлаб, машина ҳам оламан. Ўшанда машинага ўтириб, бирга-бирга бозор айланамиз. Мен сизга бозордан истаган нарсангизни олиб бераман...”

* * *

Нур Тиббиёт институтининг учинчи курсида ўқийди. Айтишларича, Тиббиёт институтида ўқиш бошқа соҳа олий юртлариникидан оғирроқмиш. Нур бошқа институтларни билмайди-ку, ҳар ҳолда, отасини жавратиб ярим тунгача чирокни ўчирмай, дарс тайёрлайди. Бўш вақтида онасига томорқа ишларида ёрдамлашади. Афсуски, бўш вақти оз, баъзан дарсларига зўрға улгуради. Назарида ўз олдига қўйган мақсадига етолмаётгандай туюлади. Шундай маҳаллар яхши шифокор бўлиш йўли жуда оғир, хаддан оғир туюлади.

Сўнги пайтлар бу қийинчиликлар ортда қолгандай, ўқишлари осондай туюла бошлади. Чунки руҳи енгил, кайфияти соз эди. Ҳар кун тонг отишини, йўлда кўшни йигитни учратишни орзиқиб кутадиган бўлиб қолди. Ўзи ичида тан олмаса ҳам бир нарсани билади. Гарчанд кўшнисини Элбекни тез-тез учратса-да, уни кўргиси келар, соғинар эди.

Бугун ҳам эрталаб юраги тўла бир олам ҳаяжон билан автобус бекати томон йўл олди. Гарчи ҳали қор ёғмаган бўлса-да, эрта тонгда туриб кечаги олган янги пальто-

этигини кийди. Кейин ташқарига қаради. “Ахир декабрь якин, кунлар совук-ку”. У ичида ўзини ўзи оқлади. Кейин ўзини кўзгуга солди. Кўзгуга қараб, ўз аксидан кўнгли тўлди. Лекин ҳозир ҳеч ким пальто-этик киймаяпти-ку. Қиз ўз шошалоқлигидан ўзи уялиб, пальто-этикни ечиб, кундалик кийимларини кийди.

Бекатга ёндош хонадондаги сербуток ёнғок дарахтининг бир шохи кўчага осилиб тушган, кеч кузнинг совук шамолидан бечора ёнғокнинг ейишга ярагулик меваси уёқда турсин, дарахтда сарғайган барглари ҳам аллақачон тўкилиб битган эди. Қиз беихтиёр боши узра эгилган ёнғок шохидан тутганича йўлга тикилди. Ниҳоят узоқдан Элбек кўринди. Нур тўлқинланиб кетди, шохни кўйиб юборди-да, уст-бошини тўғрилай бошлади. Йўлга қараб турган Нур қизик холга тушди. Кўзларини йигит келаётган томондан олиб, уёк-буёкка қараган киши бўлиб, аланглади. Элбекнинг ёнида дид билан замонавий кийинган бир киз бирга келмоқда эди. Улар бир-бирлари билан гаплашиб кулганларича келмоқда эдилар. Ҳатто ёнидаги қиз Элбекнинг тирсагидан ушлаб олган, худди кишлоқнинг ўнқир-чўнқир кўчаларида оёғидаги баланд пошналар тўфлиси уриниб қоладигандек, аранг, ноз билан юриб келмоқда эди. Нурнинг кўзига бу киз Элбекка ноз билан эркаланиб келаётгандай туюлди. Унинг бирдан юраги уриб кетди, худди бирор кўнгилисиз ҳодиса рўй бергандек оёқлари қалтиради. Ҳозир негадир бекатдан қочиб кетгиси келди. Қани эди ҳозир кўзлари уларни кўрмаса, қани эди уларни учратмаса... Нега юрагида бундай туйғу пайдо бўлди, Нурнинг ўзи ҳам билмайди. Қани эди ҳозир кушга айланса-ю, учиб кетса...

Элбек ҳамроҳи билан тўғри Нурга пешвоз юрди.

– Салом, Нур, – унга якин келиб сўрашди Элбек.

– Салом, яхшимисиз, – дея жавобан сўрашди Нур ҳам ўзини қўлга олиб.

“Нега улар машинада келишмаяпти? – негадир шундай ўй келди хаёлига Нурнинг. – Ҳа-я, тунов куни машина устахонада, деб автобусда кетувди”.

– Автобусни анчадан бери кутяпсизми?

– Йўқ, мен яқинда келдим, – деди Нур йигитнинг саволига жавобан.

– Элбек ака, мени бу чиройли киз билан таништирмайсизми? – гапга аралашди, афтидан, шаҳарлик бўлса керак, Элбекнинг ёнидаги киз.

– Саида, бу киз кўшнимиз Нур. Бу киз эса холамнинг кизлари Саида, – дея таништирди йигит ҳамроҳини.

– Хурсандман, – деди йигитнинг сўзларидан тинчланиб Нур.

– Мен ҳам, – деди Элбекнинг бўласи. Сўнг йигитга эркаланиб, сўради: – Элбек ака, кишлоғингизнинг автобуси ҳали қачон келади, такси тўхтата қолайлик.

– Бу ерларда такси юрмайди, такси тўхтатиш учун ҳам автобусда катта кўчагача чиқиб олиш керак, – деди Элбек.

– Қандай қилиб бунақа жойда яшайсизлар, ҳеч қандай шароити йўқ-ку, – деди Саида.

Нур кизиб кетди. Ҳозир Нур бу олифта шаҳарлик киз улар яшайдиган қишлоқни эмас, уни камситаётгандек юзини тескари бурди. Беихтиёр унга эътироз учун бирор сўз айтишга оғиз жуфтлади. Лекин йигит уни ортда қолдириб деди:

– Менга қишлоқ ана шу шароити йўқлиги, табиийлиги учун ҳам ёқади.

* * *

Нур Элбекни қариндоши бўлган шаҳарлик киз билан кўргач, негадир неча кунгача ғалати бўлиб юрди. Тўғрироғи, у йигитга рўпара келиб қолмасликка интилиб, саҳарлаб биринчи автобус билан шаҳарга кетадиган бўлиб қолди. Нега бундай қилаётганлиги сабабини Нурнинг ўзи ҳам билмасди. Нима, Элбекни рашк қиляптими? Яна кимга зарда қиляпти? Ўзининг қилиги ўзига наشاء қилиб, атайин бугун ўрнидан эрта саҳардан туриб олмади. Бамайлихотир туриб, ювиниб, кийинди, нонушта қилди, кейин ўқишга отланди.

Кўчага чикқач, беихтиёр Элбекларнинг уйи томонга ўғринча нигоҳ ташлади. Шунда чинор дарахти тагида турган Элбекка кўзи тушди. Элбек кизни кўриб, тез-тез у томонга юрди.

– Салом! – Элбек Нурга якин келди. – Хайрият, кетиб колмабсиз. Бугун рейсингизга улгурибман.

Элбек шундай дея кулди. Қиз унинг нимани назарда тутаетганини билиб, жилмайди. Йигитнинг самимий сўзларидан кизнинг юрагида неча кундан бери тўпланиб ётган ғуборлар бир зумда ҳавога учди-кетди.

– Нега кўринмайсиз, Нур?

Қиз индамади. Нима ҳам десин? Айтадиган гапнинг ўзи бўлмаса. Ё бўлмаса, сизни бўлангиздан рашк қилдим. Ундан аччиқланиб, сиз билан учрашгим келмади, деб айтсинми? Ўз хаёлидан ўзи уялди. Кейин ўзини қўлга олиб, одатда шундай вазиятларда айтилажак навбатчи гапларни гапирди:

– Дарсларга улгуролмаяман. Ҳозир назорат жуда кучайган.

Йигит: “Шундай денг”, дея бош ирғади. Йигитнинг самимий бош ирғаши, айбдорона туриши кизнинг аразлаган маънука кўнглини эритиб юборди. Орага сукут тушди.

– Кетдикми? – Йигит кизнинг юмшаганини сезиб, сукутни бузди.

Икковлон бекат томон йўлга тушдилар. Икковлари ҳам гапни нимадан бошлашни билмас, йигит муҳим бир гапни айтмоқчидай, оғиз жуфтларди-ю, айтолмасди. Ахири йигит бор иродасини тўплади, жойида тўхтади. Қиз “Тинчликми?” – дегандай хайрон бўлиб, унга қаради.

– Тўхтаб туринг, Нур.

Қиз яна унга савол назари билан қаради.

– 23 ноябрь куни институтимизда “Ёшлар кечаси” бўлади. Жуда кизик, бизнинг гуруҳимиз ҳам чиқади.

Қиз кизиксиниб, Элбекнинг сўзларига қулоқ тутди.

– Шу кечага сизни ҳам таклиф этмоқчи эдим. Ҳамма курсдошлар ўз якин дўстларини таклиф этипти, шунга... – Элбек кизнинг ўзига тикилиб қолган кўзларига кўзлари тушиб, гапдан тутилди. – Сизга шуни айтмоқчи эдим.

– 23 ноябрда? – сўради қиз. Кейин бу саволи ўзига бемаъни туюлиб, уялиб кетди. “Нима бўпти? Худди борадигандай сўраганини қаранг...”

– Ҳа, ҳа, Нур, уч кундан кейин. Шанба куни, – Элбек унга илтижо билан тикилди. – Соат бешда.

– Йўк, боролмайман, – қатъиян рад жавобини берди қиз.

– Ё кеч бўлиб кетади, қайтгунизмизча автобус юрмай кўяди, деб хавотирланаяпсизми? Қўрқманг, эртага устахонадан машинаманни оламан.

Қиз бошини силкиб кулди.

– Нега бўлмаса, йўк, деяпсиз? – Элбек жони ҳалак бўлиб куюнди. – Айтяпман-ку, ҳамма боради. Дўстлари билан...

Нур тўхтаб, унга қараб қолди.

– Мени дўстларингиз каторига кўшганингиз, таклифингиз учун раҳмат. Лекин дадам менинг кеч юришимга, айниқса, йигитлар билан бирор жойга боришимга қўймайдилар. Ундан кейин дарсларим бошимдан ошиб ётибди, кечирасиз.

Элбек шошилиб қолди. Йигит институтида ўтадиган кечага қизнинг боришини, гуруҳи билан бирга унинг ҳам чиқишини Нур кўришини шундай хоҳлар эдики...

– Бир ўзимман десангиз, унда... унда Саида ҳам боради. Унда мен кечага Саидани ҳам таклиф қиламан!

Йигит бу муаммони ечгандай, қизга мамнун қаради.

“Буёғи ошиб тушди-ку. Саиданимиш...” Нур худди биров ичига совуқ сув қуйиб юборгандай сесканиб кетди.

– Унда Саиданинг ўзини олиб бораверинг! – деган сўз чиқиб кетди Нурнинг оғзидан. – Саида бораверсин!

Қизнинг овозида ўпка-гина яширин эди. Нур Элбек Саиданинг номини атаганида кўнглидаги кинни яширолмай қолганди.

Элбек саросимада қолди. У қизнинг нега жаҳл қилаётганига сира тушунолмасди.

– Йўк, мен ундай демокчи эмасдим... Айтмоқчи бўлганим... – Элбек куюниб тушунтиришга киришди. – Мен...

Нур йигитга қараб туриб, унинг самимиятини тушунди. Бирдан ҳозир ўзининг торкўнгилик қилаётганидан, гўё Элбекнинг хариндошини тўғри тушунмаётгандай туюлганидан уялиб кетди.

– Йўк, сиз мени тўғри тушунинг, – энди Нур тушунтиришга ҳаракат қилиб, йигитга изоҳ берди. – Мен Саида

борсин, деб тўғри маънода айтдим. Элбек, бу ер шаҳар эмас, кишлок. Қишлокнинг ўз қонун-қоидалари бор. Истаганимда ҳам...

Нур беихтиёр кўнглидагини айтиб кўйди.

– Ростдан кечага боргингиз келяптими? Ростдан-а? – шошалоқлик билан сўроққа тутди қизни Элбек.

Бундай оқкўнглилик билан берилган саволга бошқача жавоб кайтариш мумкинми? Асло, мумкин эмас. Чиндан ҳам Нур Элбек таклифига жон-жон деб рози бўлишни, йигит билан бирга “Ёшлар кеча” сига боришни нечоғли истар эди...

– Ростдан, – деди аста Нур.

Қизнинг бу эътирофи – маъшуқа кўнглининг ошиқ изҳорига бефарқ эмаслигининг ифодаси эди.

Элбек буни тушунди. Тушуниб, каловланиб қолди. Бехосдан бекатга келиб тўхтаган автобус уларни нокулай ахволдан қутқарди. Атрофдагилар автобусга интилдилар. Улар ҳам йўловчилар кетидан автобусга чиқишга ҳозирландилар.

7

Гарчанд Нур кечага бориш таклифига унамаган бўлса-да, Элбекнинг кўнгли кўтарилди. Шу куни гўёки ўзини еттинчи осмонда учиб юргандай сизди.

У уйга ҳар кунгидан аъло кайфиятда қайтди. Санобар ая ўғлига бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Мана, неча кундирки, она ўғлини кузатади, зимдан унинг изидан кўчага чиқади, ким билан кетади, ким билан келади, баридан хабар топади. Бугун ҳам билдирмайгина ўғлини кузатиб, кўчага чиқди. Чинор тагида бировни кутаётган ўғлига қўшилиб, девор панасида у ҳам қутди.

Бир маҳал ўғли ўша кимдир билан учрашди, гаплашиб қолди. Улар гаплаша-гаплаша автобус бекати томон юрдилар. Она тахминида хато қилмабди, ўғли маҳалланинг гўзал талаба қизига ошиқ бўлибди.

Санобар аянинг вужуди музлаб қолгандай бўлди, оёқлари қалтираб, юрмай қолди. “Нодон бола, келиб, келиб...” Она депсаб, маҳаллани бошига кўтариб, дод солгиси, ўғлининг

ёнидаги кизни итариб юборгиси, “Сен қиз, ўзингни ким деб ўйлаяпсан? Ўзингни кимга тенг кўряпсан?” – деб кизнинг сочларидан тортиб, юлгиси келди. Шундай қилгиси келди-ю, шайтонга ҳай берди. “Жаҳл келса, ақл кетар”, дейдилар. У ўзини босди. “Буёғига ақл билан иш қилиш керак. Ножўя ҳаракат қилиб, ишни бузиб қўйиши мумкин. Афтидан, ҳали булар унчалик ҳам киришиб, яқин бўлиб кетмаганлар. Ҳаракат қилавериш керак, вақт бор...”

Она ўзига-ўзи тасалли бера-бера, уйига қайтди.

“Энди нима қилсам экан?” – деган ўй Санобар аяга юрса ҳам, турса ҳам сира тинчлик бермади. Ё ўғлини олдига ўтқизволиб, обдан насихат қилса-чи? Йўқ, йўқ, тунов куни келинойисини гапирганда, осмонга сакради-ку, бирор нарса деб бўлармиди. Тўнғич ўғлидай, олмасам, ўламан, деб дод-вой солиб, уйланиб олса, нима қилади? Шу ўғлида ҳам адашмаса бўлгани. Қанча-қанча орзу-ҳаваслари ичида кетади-я. “Агар шу кизни оладиган бўлсанг...” деб шарт қўйиб, дағдаға қилса-чи? Агар шу қиздан бошқасини демайман, деб гапида турволадиган бўлса, шартта юрагим дош беролмади, деб ўзини ташлаб юборса-чи? “Йўғ-э, буниси тўғри келмайди. Уят-е...” Беихтиёр Санобар ая хаёлига келган ўйдан ўзи уялиб кетди. Мабодо шу тарика Элбекка қарши турадиган бўлса, аниқ, ўғлининг онасидан кўнгли қолади. Бундай қиладиган бўлса, ўғлининг: “Олий маълумотли, тушунган аёл бўла туриб, ёқтирган қизимни олиб бермадингиз-а? Сиз қандай онасиз ўзи?” – деган таънаю маломатларига қолади. Ахир у ночор, бечора аёл эмас-ку. Мана шу оилани ҳам қандай ақл билан бошқаряпти, шу кунгача эригаю болаларига ўз сўзини ўтказиб келяпти. У ўзидан-ўзи мамнун бўлиб, мийиғида қулди.

Санобар ая хаёлида шундай ўй-фикрлар билан ҳовлини айланди, баргларини тўкиб, яланғоч бўлиб қолган дарахтларга қаради, олдида пайдо бўлган мушкул муаммога чора излади.

– Ассалому алайкум, амаки, соғлигингиз яхшими?

– Э, дўхтир қизим, сенмидинг? Қаричилик, айбга буюрмайсан, сени танимай қолибман, болам.

Кўшниси Абдулла амакининг ҳовлисида шундай овозлар эшитилди. Санобар ая беихтиёр кизиксиниб, девор тиркишидан мўралади. У мўралади-ю, бирдан юраги орқасига тортди. Бу – ўша киз-ку! Кўшниси ҳам уни “дўхтир кизим”, дедими? Ҳа-я, бу кизни маҳалладагилар Тиббиёт институтида ўқийди, дейишаётувди. Санобар ая тиркишдан кўзларини қисганича, кизга тикилди. “Ҳа, ростдан ҳам уни маҳаллада мактаганларича бор экан, кўхликкина киз”, беихтиёр ичида тан берди у. Лекин... Санобар ая ҳозир дабдурустдан хаёлига келган ўйдан ўзи кўриб кетди. “Йўқ, ҳеч тўғри келмайди...” Унинг лаблари пичирлади.

– Холам тузукмилар? Қон босимларини ўлчаб кўяйми?

Киз шундай дея сўроқларди. Шунда тўсатдан Санобар аянинг миясига бир фикр келиб урилди. У орқасига қалқиб кетди, ўзини девордан нари олди. Бехосдан миясига келган бу фикрдан неча кунлардан бери чорасизлик азобидан қашаган қарахт вужуди ниҳоят ором олгандай, енгил тортди.

“Яратган эгам, ўзинг меҳрибонсан...”

8

Нур ўқишдан қайтаётганида, кўчада дугонаси Гулчеҳрани учратиб қолди. Гулчеҳра – Абдулла амакисининг кизи. Нур Гулчеҳра билан бирга катта бўлган, аслида улар дугонадан ҳам яқин, опа-сингилдай бўлиб кетган. Элбеклар шундок Абдулла амакиларга девордармиён кўшни. Нур Элбек билан танишгач, баъзида “Гулчеҳра узатилмаганида эди, олдига кириб турар, баҳонада уни ҳам кўрардим”, деган хаёлга борган вақтлари ҳам бўлган. Гулчеҳра ота-онасини кўргани келган экан. Токқайчи излаб, кўчага чиққан Гулчеҳра Нурни учратиб қолди-ю, кўярда-қўймай уйига бошлади. Нур ҳам Зайнаб холани уйга кирмасдан илгари бирров кўриб чиқай, дея Гулчеҳрага эргашди. Зайнаб холанинг гунов куни қон босими ошиб, мазаси қочган, ҳаммани шоширган эди.

Сўритоклар кесилган. Абдулла амаки кесик ток новдаларини хазонлар билан ёпмоқда эди.

– Гулчеҳра, тоққайчини тоқдингми? – деб сўради Абдулла амаки.

– Қайчингиз кўшниларикида экан, – деди Гулчеҳра кўлидаги қайчини отасига узатаркан.

– Ассалому алайкум, амаки, соғлигингиз яхшими? – деб сўради Нур.

– Э, дўхтир қизим, сенмидинг! Қаричилик, айбга буюрмайсан, сени танитай қолибман, болам, – деди кулиб.

Касалхона кишлок марказида жойлашгани учун кўпинча Нур уларникига чиқиб, Зайнаб холанинг қон босимини ўлчаб кўяр, шифокорлар буюрган дори-дармонларни ўз вақтида қиларди. Нур кўшнилардан бундай ёрдамни аямагани учун маҳаллада дўхтир киз, деб ном чиқарган. Уч кун аввал Зайнаб холанинг қон босими ошган, “Тез ёрдам” хизмати чақирилган эди. Улар хола касалхонага ётмайман, деб оёқ тираб олгани учун унга керакли муолажаларни қилиб кетишди. Зайнаб холанинг кўнгли айниб, бош оғриғи қолавермагач, Абдулла амаки хавотирланиб Нурни чақириб чикди. Хола Нурни кўриши билан чеҳраси ёришди. Хола қизнинг саломига алик олиб, энди дардини айтишга чоғланаркан, Нур койиди:

– Хола, нега дўхтирларнинг гапига кўнмадингиз? Нега касалхонага ётмадингиз?

– Касалхонада ётишга тоқатим йўқ. Қолаверса, менинг дардимни сандан бошқа ҳеч ким даволай олмайди. – деди хола кулиб.

Нур куюнди:

– Қон босимингиз бунчалик ошиб кетиши яхши эмас, касалхонага ётиб даволаниш керак.

– Мен уларга ўзимнинг дўхтир қизим бор, керакли дори-дармонни ўзи қилади, деб айтдим.

– Хола, нега бундай қилдингиз? Ахир ҳали менинг аклим етмайдиган нарсалар кўп, – деди азбаройи хижолат бўлганидан Нур. – Бугунга етарли ҳамма дори-дармонларни қилишибди. Холажон, мен ҳозир келаман.

У шундай дея ташқарига чикди. Ошхонага бориб, музлатгичдан катик олди-да, косага солиб аталади, устига майда қилиб тўғралган кўкатдан бир чимдим солиб яхшилаб аралаштирди. Сўнгра холанинг ёнига кирди.

– Хола, мана шу катикни ичсангиз, бошингиз оғриғи таққа босилади, – деб холанинг елкасидан ушлаб ўтказди.

Зайнаб хола ёстикдан зўрға бошини кўтариб, катикдан хўплаб-хўплаб ичди. “Тез ёрдам” машинасида келган шифокорларнинг дорилари таъсир килдими ёки Нурнинг мулойим муомаласими, хуллас, катик ичгач, холанинг бош оғриғи қолди. Қорайиб кетган юзи ҳам тиниклашди. Нур холанинг қон босимини ўлчади.

– Қон босимингиз тушибди, лекин бу энгашиб ҳовликўчаларни супуриб, ошхона юмушларини қилаверинг, дегани эмас. Ҳеч бўлмаса уч кун кимирламай ётасиз.

Нур холага шундай фармойиш берди-ю, ўйланиб қолди. Аслида Абдулла амакиси билан Зайнаб холаси ўғилларининг турмушига куяди. Ана шу ўйлов одамни касал қилади-да. Онаси доим бир нарсани такрорлайди: “Яратганнинг ишлари қизик экан, Зайнаб опам қизларим уйимга меҳмон, ҳамма орзу-ҳавасларимга шу ёлғиз ўғлим орқали эришаман, деб Ҳамидга қаттиқ меҳр кўйдилар. Ҳамидни ўқитиб, яхши тарбия қилиб, севган қизига ҳам уйлантиришди. Шаҳноза келинойинг наҳотки бешта фарзанд кўриб бирортасини бағрига босиб, туғуруқхонадан олиб чиқолмаса? Чакалоқлар ёки туғилмасидан олдин, ёки туғилиб, уч-тўрт кун яшаб ўлиб қолади. Айтишларича, Шаҳноза келинойингни қон гуруҳи Ҳамидникига тўғри келмас эмиш. Дўхтирлар Зайнаб опамга ўғлингизни бошқа аёлга уйлантирсангиз, фарзандли бўлади, дейишганини келинлари эшитиб қолиб, ажрашаман деб туриб олди. Қайнона-қайнотасининг ажрашиш шарт эмас, Болалар уйдан битта бола асраб олинглар-да, уни тарбиялаб, вояга етказинглар, деб маслаҳат берганлари уларга малол келибди. Шу гапга эр-хотин аразлаб уйдан чиқиб кетишди. Шу гапга ҳам хафа бўладими? Қайси ота-она боламнинг турмуши бузилсин, дейди. Ақл билан, муроса

килиб иш қилса бўлади-ку. Эшитишимга караганда, Ҳамид аканг кўп ичадиган бўлиб кетганмиш”. Ўғли, келини уйдан чиқиб кетишди-ю, Зайнаб холанинг қон босими тез-тез кўтариладиган бўлиб қолди”. Нур шуларни ўйлаб турганида Абдулла амакининг гапларидан ҳуши ўзига келди.

– Одамларга ҳам ҳайронсан. Ҳеч кимга ҳеч нарса бермай, Ҳайдар жуда тўғри қилади. Бировга нарса берганиндан кейин вақтида опкеб берса-да. Йўқ, ўзингга керак бўлиб қолганда ҳеч қаердан топа олмайсан.

– Холам тузукмилар? Қон босимларини ўлчаб кўяйми?

– Худога шукур, бугун анча яхшилар, боя ухлаётган эдилар. Қарай-чи, турганмикинлар, сени кўриб хурсанд бўладилар.

– Йўқ, йўқ, ухлаётган бўлсалар. безовта қилма, кейинрок чиқиб хабар оларман.

Дугоналар гаплаша-гаплаша дарвоза томон йўл олдилар.

– Майли, мен борай, – Нур шундай дея Гулчехра билан хайрлашди остонадан хатларкан.

– Доктор деганлари шу киз экан-да!

Нур “ялт” этиб бошини кўтарди.

Қаршисида кўринишидан эллик ёшларга борган бўлса-да, ҳали ҳуснини йўқотмаган, малоҳатли аёл турарди. Аёлнинг қўй кўзлари қулиб турар, ковок остидаги майда ажинлар ёйилиб, юзига меҳрибон аёл тусини берган эди.

– Гулчехра, ўртоғинг билан таништирайсанми? – аёл очиқ чехра билан жилмайганича қизлар томон бир-икки одим ташлади.

9

– Ассалому алайкум, – деб салом берди иккала қиз бирваракайига.

Аёл қизларга яқин келиб, уларни бағрига тортди. Нур бу аёл кимлигини дарров фаҳмлади: Элбекнинг онаси! Нурнинг аъзойи бадани алангайи оташ бўлиб ёнди.

– Асал қизларим! – аёлнинг меҳри товланиб, сўзларидан бол томди. – Маҳалламизнинг кўрки-да шундай қизлар!

Гулчеҳра аёл билан сўраша кетди. Нур нима қилишини билмасдан қўлидаги сумкасининг боғичини ўйнай бошлади.

– Санобар ая, бу – амакимнинг кизи Нур. бўлғуси доктор! – Гулчеҳра фахр билан аёлга Нурни таништирди. – Ҳали насиб қилса, маҳалламиз эмас, бутун кишлок Нур билан фахрланади!

Нур: “Ошириб юбординг”, дея Гулчеҳрани туртди.

– Ҳа, илойим шундай бўлсин! – аёл ҳамон жилмайганича Нурга бошдан-оёқ тикилди. – Ўзи ҳам кўғирчоқдай экан! Ҳам доктор, ҳам сохибжамол, дегин, Гулчеҳра! Кўз тегмасин!

Нур хижолатдан ўзини қаерга қўйишини билмай қолди.

– Ҳа. Гулчеҳра, Нур қизим билан таништириб қўйганинг учун катта раҳмат сенга. Ўзим ҳам маҳалламизнинг доктор кизи билан қандай танишсамикин, деб юрувдим.

Нур, жуда унчаликмас, дея эътироз қилишга оғиз жуфтлаганди, аёл гапиришга қўймади.

– Нур қизим, шу десангиз, менинг касалларим бир гулдаста! – деди аёл хандон ташлаб қулиб. – Мен учун ҳам бир вақт топасиз-да, она қизим!

Нур: “Бош устига”, демокчи бўлди-ю, гапиролмай, бош ирғади.

– Шаҳарда ўз докторим бор эди, доим мени кузатиб борар эди. – Нур зимдан аёлнинг ўзини катта олаётганини сизди, индамай гапига қулоқ солди. – Бу ерга кўчиб келиб, докторсиз қолдим.

Нур аёлнинг максadini тушунмай, аста деди:

– Мен ҳали доктор бўлганимча йўқ... ҳали бировга танихис қўёлмайман. Фақат доктор ёзиб берган тавсиясига қараб, муолажа қилишим мумкин...

Аёлга жон кирди.

– Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Ана шуни айтаман-да! Она қизим, келинг, бундок қилайлик. Мен шаҳарга бориб, докторимга учрай. У даволаш йўлларини ёзиб берсин. Кейин шунга қараб, иш қилайлик. Мен сизга хабар қиламан, вақтингизга қараб, кўриб қўясиз, хўпми?

Аёл жилмайиб, майин сўзлар, Нур hozир нималар бўлаётганлигига тушуниб етмай, гарангсиб турарди. Гулчехра, бирор нарса де, дегандай уни туртди.

– Хўп бўлади, – деди ниҳоят Нур.

* * *

Нур хаяжонланиб, уйга кириб келди. Қўлида пакир билан молхонадан келаётган онаси югургилаб келаётган кизини кўриб, тўхтади.

– Ҳа, кизим, тинчликми?

– Ойижон... – Нур нафаси бўғзига тиқилай деди. У кўкси хаяжонга тўлиб, ҳозир бўлиб ўтган воқеани онасига сўзлаб берди. – Жуда ажойиб хотин экан, бирам ширинсўз... Ўқимишли аёллиги шундок кўриниб турибди. Менга қараб кўйинг, деб илтимос қилди.

Она кўлидаги пакирни супага қўйди-да, кизининг сўзларига диққат билан қулок тутди.

– Шундай дегин-а... – она ўйланиб қолди. – Сен нима дединг, хўп дедингми?

– Хўп, демай нима дердим, ойижон? – Нур ойисининг ўйланиб қолганлигидан таажжубланиб деди. – Нега хайрон бўляпсиз, ойи?

– Қизик... – Зебинисо опа билган янги кўшни хотин бўладиган бўлса, кизига бундай муомала қилмасди, демак, бу ерда бир гап бор...

– Ойи?

– Ҳеч нима, кизим... – Она кизига индамади. – Бор, кийимларингни алмаштириб чиқа қол.

Она беихтиёр супага ўтириб қолди.

* * *

Санобар ая узок ўйлади. Зудлик билан ўйлаган ўйини амалга оширишга киришди. Кеч кирди. Аксига олиб, Ғиёс ака ҳам алламаҳалда уйга қайтди. Ишда ҳориганми ё кайфияти йўқми, унча суҳбатга ҳуши бўлмади, овқатдан кейин дам оламан, деб ётоққа кириб кетганича чиқмади. Кейин Элбек

хам уйда, кайфияти чоғ, хуштак чалганича у хонадан-бу хонага ўтиб юрибди. “Бугун мавриди эмас”, деган фикрга келди Санобар ая. Олди мухташам ромли пешайвонда чой ичиб ўтираркан, сирли бўёк берилган, равоқларига гул солиб безалган шифтларга осилган биллур қандиллардан ажиб нур башанглик, чирой бағишлаб турган кенг, мўл хоналарга бир-бир қараб чиқаркан, беихтиёр юраги сиқилди. “Мана шу уйлар, шу дунё анави ота-онаси мумсик, кашшок, таги паст кизга қоладими? Шундай келишган, бамаъни ўгли-чи? Шу қиз ўғлига хам эгалик қиладими? Не-не умидлар билан қурилган иморатда Нур деган кишлоки киз яйраб юрадими? Йўк, йўк, асло! У то тирик экан, бунга йўл қўймайди!” Шундай ўйлар миясини чулғаб олган Санобар аянинг хаёли олислаб кетди.

У шаҳарда яшаётган пайтлари уйига яқин дорихонада ишларди. Аслида эри ва тўнғич ўғлининг топгани оила, рўзғор тебратишга бемалол етиб ортарди. Санобар аянинг топгани эса ҳамма орзу-хавасларини қопларди. Шундай бўлса-да, у ота-онасидан ёдгор синглиси ва укаси қолган, уларга қўлдан келганча ёрдам бериб туриш учун ҳам ишларди. Санобар ая оилада тўнғич фарзанд бўлиб, отаси ёшлигида оғир касалга чалиниб вафот этганди. Онаси дадаси ўтиб кетгач, шу болалар деб яшади. Ўзи емай, едирди, киймай, кийдирди. Санобар ая укаси ва синглисидан тўрт-беш ёш катта бўлгани учун кўп воқеалар ёдида қолган. Масалан, онаси эрта баҳорда ток баргларида тортиб, ўсмагача терар, уларни боғлам-боғлам қилиб бозорда сотар, кечалари кўни-кўшнларининг кийим-кечаги, кўрпа-тўшакларини тикар, шулар билан кун кечирарди. Онаси ёлғизгина ўғлим қариганимда мени боқади, деб ўғлига керагидан ортик меҳр берган эди. Укасини ҳеч нимадан кам қилмай ўстирди, эркалатиб егуликни ҳам, кийим-кечакни ҳам сарасидан едириб-кийдирди. То ўн саккиз ёшга кириб, совчилар қиз қидириб, дарвозаларини қоқа бошлагунча Санобар билан синглиси бозорнинг энг арзон чит матоларидан кийим қиярдилар. Санобар-ку, катта қиз бўлгани учун онда-сонда

кийимлари кичик келиб қолса, янгилаб турарди. Лекин синглиси шўрлик турмушга чиқаётганида ҳам опасига тор келиб қолган кўйлақлар билан узатилди. Иккала қиз ёшлигида кўп кийинчиликлар кўргани учунми ўз бахтларини меҳнатда топдилар. Фақат арзанда ука эрка ўсгани сабабли онасини тоза куйдирди. Ука мактабни битиргач, на ўқишга кирди, на бирор ҳунар эгаллади. Она қизлари кўмагида бир амаллаб шу тантиқ ўғилни уйлантириб кўйишганидан кейин ҳам рўзгор тебратишга укуви бўлмади. Албатта, оила боқиш учун ҳам бирор жойда ишлаши керак эди-да. Ука мактабни зўрға “уч” баҳога битиргани учун бирор жойга кириб ўқишни хаёлига келтирмади. Санобар укасини иш жойига яқин таниш мактабга боғбон ва қоровул қилиб ишга жойлаб қўйди. Унинг эри хотинининг оиласидагиларни ҳам, унинг уруғларини ҳам унчалик ёқтирмас эди. Шунинг учун ҳам хотинининг ўғли Элбекка божасининг қизи Саидани келин қилиш фикрига тиш-тирноғи билан қарши эди. Чунки божаси кўлидан бир иш келмайдиган ношуд бўлиб, фақат мактанишни биларди. Божанинг ўзи қайсидир заводда оддий ишчи бўлиб ишласа ҳам бурни осмонда, унча-мунчани назари илмасди. Шу ношудлигимини ё курук, мактанчоклигимини, на ишхонасида, на маҳалла, на қариндошлар орасида зигирча бўлсин, хурмати йўқ эди. Ўзича алмисоқдан қолган темир-терсақлардан бирор ускуна ихтиро қилмоқчи бўладими-ей, хулласи, доим кўлидан келмайдиган ишларга бошини суқиб юради. Бўлмаган ишга пул сарфлаб, боши қарз балосидан чиқмайди. У э-ҳе, қанча-қанча одамлардан қарз олди-ю... Қарзларини вақтида уза олмай, хотини билан фарзандларини одамлар олдида уятдан бошини эгиб қўйди. Қолаверса, синглиси бечорага жабр бўлди. Шўрлик хотин бўлмаганга бўй, етмаганга енг бўламан, деб доим ўзини ўтга-чўкка уриб юради. Синглиси бир касалхонада ҳамшира бўлиб ишларди. Бўш вақтларида бир фирмага ишга кирди. Фирмадан аёллар пардоз-андоз буюмларини олиб, уйма-уй сотди. Шулар билан тирикчилик қилди, эрининг қарзларини узишга ҳаракат қилди. Яна синглиси кечасилари уйида

тикувчилик қилиб, аёллар кийим-кечакларини тикди. Баъзан Санобар ая синглизининг қийналаётганини кўриб, юраги ачишиб кетарди. “Энди саратон ёз жазирамаси, қаҳратон киш совуғи демай уйма-уй юриб нарса сотишни йиғиштир! Ахир эринг ҳам ишляпти-ку”, деб койиса, сингил кўзларига ёш оларди. “Эримнинг топган пули ўзидан ортмайди. Ҳар куни ким қанчага газета сотволиб ўқийди, яна-тагин эрим ишим юришмаяпти, деб баҳона қилади”, деб арзини айтарди.

Ҳа, нима бўлса, шу синглизига бўлсин. Агар синглизининг кизи Саидани Элбекка олиб берса, ажойиб бўларди-да. Қўйнидан тўкилса кўнжиги, деган гап бор-ку. Нима қилса ҳам ўзиники. Буёғи жигарчилик, йиккан-тергани ётга кетмайди. Не-не умидлар билан тўплаган рўзғорига, шу иморатларга бегона эмас, ўз жияни эгалик қилади. Ундан кейин Саиданинг қайси киздан кам жойи бор? Ҳусну малоҳатда зиёда. Санобар ая шундай дея ўйларкан, беихтиёр хаёлига Нур келди. Қиз уялиб, ерга караганда, коп-кора, кайрилма киприклари жуфт бўлгани, ок-сарикка мойил тиник юзлари лоларанг бўлиб, кизаргани эсига тушиб, ғалати бўлиб кетди. “Ҳа, қуриб кетгур бошқача...” Шундоқ деб, ичида тан берди-ю, бу хаёлини нари қувди. “Ўғил туққан менми, кимни хоҳласам, шунки келин қиламан!”

Санобар ая шу фикрида катъий турди.

“Эртага шанба куни, эри ҳам ишга шошмайди, мавридини топиб айтаман”. Шу гапни кўнглига тугиб қўйди. Эрталаб нонуштадан сўнг бафуржа ўтирдилар. Эри одатдагидай чой ичиб бўлингач, қўлига газета олди.

– Бирпас газета ўқимай туринг, дадаси, – юзланди эрига ёлворганнамо. – Ҳа, нима дейсан? – Ғиёс ака кўзойнаклари тепасидан хотинига қаради.

Санобар ая гапни узоқдан бошлади.

– Шу, Элбекнинг бошини иккита қилиб қўйсақмикин, дегандим...

Хотинининг бу гапи Ғиёс акага очик осмонда тўсатдан яшин чаккандай таъсир қилди.

– Эсинг жойидами, ҳали институтни битирмай туриб-а? Ҳалитдан бўйнига бўйинтурук осмоқчимисан? Олдин ўқишни тугатсин, бир мутахассис бўлиб етишсин, бирор жойга иши тайин бўлсин, ундан кейин ўйлашиб кўрармиз... – гапни шартта кесди Ғиёс ака.

– Ундан кейин кеч бўлади. – ўжарлиги тутди Санобар аянинг ҳам.

– Қиз зотига киргин келгани йўқ. Топилиб қолар унга ҳам! – деди Ғиёс ака тутакиб. – Уйда ўтирволиб, нималарни режа қиляпсан, қани, айт?

– Режа қилганим йўқ, дадаси, – аста паст келиб деди Санобар ая. – Саидани берворишади. Эшигида совчилар тирбанд эмиш.

– Жуда яхши бўпти-да! Берворса, ундан нари! Э, дам олиш куниниям ҳаром қилдинг! – Ғиёс ака жаҳл билан “дик” этиб, ўрнидан туриб кетди. Қўлидаги газета шалдираб ерга тушди.

Санобар ая ичида ўжарлик билан эрининг орқасидан қараб қолди. “Барибир бу уйда менинг айтганим бўлади!”

* * *

Ниҳоят якшанбадан кейин интизорлик билан кутилган душанба ҳам келди. Нур душанба кунини алоҳида ҳаяжон билан қарши олди. Назарида душанба куни унга олам-олам қувонч, бахт ҳадя этадигандай эди. Қиз шундай туйғулар билан автобус бекатига келди. Ҳаво сокин, киш яқин бўлишига қарамасдан қуёш баланд кўкдан нур сочиб турар эди. Хаёллар ичида фарқ Нур шундок олдига машина келиб тўхтаганини ҳам билмай қолди. Бир маҳал машина эшиги очилди-да, Элбек тушди. У машинанинг орқа эшигини очганча деди:

– Марҳамат, ўтирсинлар...

Нур биров кўриб қолмаса эди, деган ҳалиқда атрофига аланглади. Эрта тонг, ҳали бекатга одамлар тўпланганича йўқ эди.

– Йўғ-е, ҳали эрта, автобусда ҳам етволаман... – хижолат бўлиб деди Нур.

Элбек кулганича эгилди, кўлини илтифот билан сил-китиб, машинага ишора қилди.

Нур қаршилиқ кўрсатишга бошқа имкон топмай, аста машинага ўтирди. Элбек хурсанд бўлганича Нур машинага ўтиргач, эшикни ёпди-да, югуриб, жойига келиб ўтирди.

– Кетдикми? – орқага ўгирилиб деди Элбек.

Нур аразлаган каби юзини дераза томонга ўгирди.

– Одамни шундай хижолат қиласиз-да. Кўриб қолганлар нима дейди? Бу қиз доим машинада кетар экан, яхши қиз шундай бўладими, демайдими?

– Унда уч-тўрт кун танаффус қиламиз, – деди кулиб йигит.

– Боринг-э, – деди ноз билан юзини буриб қиз.

Орага сукут тушди. Машина равон йўлдан гизиллаб елди.

– Нур, мен узоқларга кетяпман, – ҳазил аралаш деди Нур томон орқага ўгирилиб Элбек.

– Каёқлардан сўраймиз? – деди қиз ҳам унинг ҳазил оҳангида.

– Камина Қаршига кетяпти. Республика талабалар олимпиадасига.

– Йўг-е, аълочиман, денг.

– Бўлмаса-чи.

Қиз йигитнинг гапидан кулиб юборди. “Мақтанчоқ”, деб юзини ўгирди.

– Нур, рости ҳам олимпиадада уч кун бўламиз. Кейин Самарқанд ва Бухорони томоша қилмоқчимиз, тарихий ёдгорликларни кўрмоқчимиз.

– Унда сизга омад, – кулди қиз.

Машина Нурнинг институтига етиб келди.

Нур раҳмат, деб машинадан тушишга ҳозирланди.

– Нур, бир дақиқа! – Элбек бармоғини кўтарди.

Қиз ажабланиб, жойида тўхтаб қолди.

– Биз эртага Қаршига жўнаймиз. Узоғи билан уч-тўрт кунда Тошкентга қайтамиз. Кейин... – йигит бир фурсат тараддуланиб қолди.

Қиз савол назари билан йигитга тикилди. Негадир унинг юраги тез-тез уриб кетди.

– Кейин сизга айтадиган муҳим гапим бор... – йигит ерга қараганча деди.

Элбек шу гапни айтиб бўлгач, худди елкасидаги оғир юкдан халос бўлгандай енгил нафас олди. Қизнинг машина эшиги туткичидан тутган қўллари хаяжондан қалтиради. Аранг ўзини қўлга олди-да, йигит томон юзланди.

– Яхши бориб келинг. Сизга омад тилайман... – овозида титрок билан деди киз.

У бу сўзларни қандай айтди, йигит билан қандай хайрлашди, билмайди. Хаёлида йигитнинг ўтинч билан, муҳаббат билан қараган нигоҳи михланиб қолди.

10

Элбекнинг Қаршига жўнаши Санобар ая учун айни муддао бўлди. “Худонинг ўзи менга ёрдам берапти.– деб суюнди ичида Санобар ая. – Уч-тўрт кунда бари ишни битирса бўлади”.

* * *

Нур Элбеклар дарвозасига яқин келаркан, хаяжон бутун вужудини чулғаб олди. Кўркибгина дарвоза тугмасини босди. Ичкаридан тап-тап қилган шиппак, сўнг: “Ҳозир”. деган аёл овози эшитилди.

– Келинг, қизим, келинг... – хонадон бекаси очиқ чеҳра билан қарши олди. – Юраверинг.

Нур уй ҳашаматиданми, ана шу уйда ўзи учун яқин, кўнглига жуда яқин бўлиб қолган инсон яшаши туйғусиданми, ўзини йўқотишига сал қолди. Худди сирпаниб йиқиладигандай, мраммар зиналардан зўрға хатлади. Нафис дарпардалари аста ҳилпираб турган ромли пешайвонга чиқаркан, нафаси ичига тикилди. Назарида қаршисидаги хонадан Элбек чиқиб келаётгандай туюлиб, сал бўлмаса, туртиниб кетаёзди. Майин патгиламни аста босаркан, товонлари юмшоқ жунлар ичига кўмилди. Бу ердаги ҳамма нарсадан Элбекнинг нафаси келиб тургандай, ўзига қараб турган йигит нигоҳини ҳис этди. Яхшиямки, Санобар ая

жонига ора кирди. У яхшигина сўзамол аёл экан, зийрактик билан қизни бу ноқулай ҳолатдан чиқариб олди.

Нур Санобар аяга муолажа қилиб бўлгач, кетишга чоғланди.

– Раҳмат, қизим, бахтингизни берсин. Эртага шундай пайтда келасиз-а? – сўради Санобар ая.

Нур бош ирғади. Сўнг ўзини қўлга олиб, ахири келганидан буён айтаман, деб юрган гапни юрак ютиб, тилига чиқарди.

– Мени сенлайверинг. Ахир Гулчеҳрани ҳам сен, дейсиз-ку. Санобар ая бош чайкаганча кулиб, деди:

– Йўқ, қизим. Гулчеҳранинг йўриғи бошқа. Мени уялтирманг-да, жоним. Эрта бир кун катта доктор бўлиб кетсангиз, нима бўлади? Ушанда ҳам сен дейманми? Йўқ, қизим, мени хижолатга қўйманг.

Нур ундан бундай гапни кутмаган эди. Кўзларини катта-катта очиб, Санобар аяга қараб қолди. У аёлнинг сўзлари замирида аллақандай ётлик, ўрталарида аллақандай чегара тортилганини ҳис этди. Яна... яна сен менга доктор бўлишдан бошқа ҳеч ким эмассан, деган маънони ҳам тушунди. Буни англаб етди-ю, вужуди музлаб кетди. “Наҳотки... йўғ-е, шундай аёл-а...” Қиз миясидан шундай хаёлларни қувди.

Санобар ая энди кизни кузатмоқчи бўлиб турган эди, дарвоза очилди. Остонада Ғиёс ака кўринди. Ғиёс ака кизга ажабланиб қараб қолди. Нур ўнғайсиз ҳолатга тушди.

– Ассалому алайкум... – Нур салом берди-да, сўнг Санобар аяга қараб, деди: – Мен борақолай бўлмаса.

Қиз шундай дея ташқарига отилди. У кўчага чиқаркан, ниҳоят енгил тортди.

* * *

Ғиёс ака Нурни уйида кўриб, хайратланиб қолди.

– Қўшни қиз нима қилиб юрибди?

Санобар ая эрининг берган саволидан ажабланиб ўтирмай, қуруккина қилиб деди:

– Айтувдим-ку ахир, анув куни шаҳардаги докторим даволангин, деганди. Шунга дори-дармон қилаётувди.

– Ҳа-а... Мен уни келинликка мўлжаллаяпсанми, деб ўйлабман, – Ғиёс ака хотинини нима деркин, дея муғам-бирона ўсмоқчилади. Кейин жавобини кутиб ўтирмасдан кўнглидаги гапни айтиб юборди: – Ахир Элбекни уйлантирайлик, деганмидинг? Ана, қиз. Ҳам сенга дори-дармон қилади, ҳам оиламизга муносиб келин бўлади.

Санобар ая ловуллаб кетди.

– Нима, мени майна қияпсизми? – деди бўғилиб. – Шу кизни-я? Ана шу таг-зотининг тайини йўқ бечорани-я? Шу кашшок ўғлимизга тенг бўлдимми?

Ғиёс ака лаби лабига тегмай жавраётган хотинига кўлларини пахса қилиб ўшқирди:

– Ҳей, сен ўзи кимсан? Нега одамларни оёгинг билан кўрсатасан? Аввал ўзинг ким эдинг? Қачон одамларни камситишни бас қиласан, қачон?

Санобар ая тутақиб кетди. Эри айтган гапларига бир алами келди, бир алами келди... Зинага ўтирганича, айюҳаннос солди:

– Бир кун келиб, ночор яшаганимизни юзимга солишингизни билардим. Бир кун келиб, менга етимлигимни, камбағаллигимни таъна қилишингизни билардим... Камбағаллик айб бўлдимми? А?!

Ғиёс ака ҳам зинапояга, хотинига яқин ўтирди.

– Ҳа, баракалла, энди ўзингга келдинг. Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга. Камбағаллик айб эмас экан, хўш, нега ўзинг қиз шўрликни кашшок, деяпсан? Нега кашшок бечорани менга дори-дармон қилгин, деб уйга чақирдинг? Нега?

Санобар ая нима дейишини билмасдан, каловланиб қолди.

– Сиз келин қилайлик, деганингизга аччиғимдан шундай дедим. Айтмоқчи бўлганим, бу қиз бизнинг оиламизга муносиб эмас, шу, – деди овозини бир парда пасайтириб Санобар ая.

– Нега муносиб бўлмас экан, хўш? – жаҳл билан хотинини сўроқка тутди Ғиёс ака.

– Чунки мен унинг ота-онасини яхши биламан! Майли, кизи дурустликка дуруст. Лекин ота-онаси менга ёкмайди, – деди Санобар ая дона-дона килиб.

– Нега энди кизнинг ота-онаси сенга ёқиши керак экан?

Ғиёс ака хотинининг мантиқсиз гапларини ортиқ эшитмайин, дедими. қўллари билан қулоқларини беркитди. Хотини эса бунга парво қилмай, авжига чикди:

– Ўзингиз бир ўйланг, манаман деган оилалар биз билан куда бўлишни орзу қилиб ўтирганида, келиб-келиб, мана шу оғзи шалок, оёғи оқсоқ кишига куда бўламизми? Онасини бир кўрсангиз, томоша қиладиган! Қиз минг хурилико бўлса ҳам ахир суяк суриб, болалари ё отасига ўхшаган оқсоқ, ё онасига ўхшаб бадбашара бўлади.

– Бас қиласанми йўқми? – ахири чидаёлмай даҳанаки жангга нукта қўйди Ғиёс ака. – Ё шу уйдан бош олиб кетайми? Шунда бас қиласанми?

Санобар ая бу баҳс бир кўнгилсизликни бошлаб келишига кўзи етиб, гапдан тўхтади. бошка гапирмади.

* * *

Муолажанинг сўнгги куни Санобар ая Нурнинг келишига алоҳида тадорик кўрди. Дастурхонни яхшилаб тузади, сархил мева, чаксанг, есанг, мазаси оғзингдан кетмайдиган сара писта-бодом, конфетлардан қўйди. “Умрида бундай дастурхонни, бундай неъматларни кўрмаган бўлса керак. Бечорани бир сийлай, то умр бўйи бу зиёфатнинг таъми оғзидан кетмасин”. У шундай фикр билан, алоҳида эътибор билан сергўшт қилиб сомса пиширди, палов дамлади. Яна кузатиш чоғи бераман, деб бир кийимлик асл памбархат, замонавий кимматбаҳо кофта, бир кути аъло нав конфет ва яна унингча, Нур деган камбағал кизнинг олишга қудрати етмайдиган тоза француз атири ва пардоз анжомларини битта катта пакетга жойлади.

Нур бари муолажани қилиб бўлиб, кетишга тайёрланди.

– Майли, Санобар ая, мен кетдим бўлмаса...

– Ия, ия, жоним, бу нимаси? Ҳали бир пиёла чой ичиб, гаплашмадик-ку? Нур кизим, биласизми йўқми, менинг ҳам

тиббиётга боғлиқлик жойим бор. Фармацевтман. Баъзан зериксам, шу қишлоқдаги дорихонага ишга тушиб кетгим келади. Тиббиёт тилини мен ҳам тушунаман. Демак, гапимиз бир жойдан чиқади. Атайин қизим билан бирга еймиз, деб ош дамладим. Келинг, илтимосимни ерда қолдирманг.

Нур Санобар аянинг ўтинчидан ўтолмади. Қолаверса, унинг гап орасида “қизим билан бирга еймиз”, деганига кўнгли эриди. Санобар аяга эргашиб, меҳмонлар учун хозирланган хона томон юрди. Нур икки-уч кун келиб, бу уй ҳашаматига анча кўниккан, шунинг учун меҳмонхона дабдабасидан ўзини йўқотиб қўймади. Лекин дастлаб бу хонадон дарвозасидан кирганида беихтиёр ана шу уйда келин бўлиб, ҳовли супуриб юришини тасаввур қилган ва бундан юраги алланечук қалқиб кетган эди.

Санобар ая анча-мунча меҳмоннавоз аёл экан, сомсани ҳам, ошни ҳам емаганига қўймади. Мезбон таомларни танаввул қилиш асноси оиласи тарихидан сўзлади. болалари, неваралари ҳақида тўхталди. Гап Элбекка келганда, Нур нақ ўзини йўқотаёзди. Худди баданига олов киргандай, лов-лов ёнди. Таомдан сўнг, Санобар ая ичкари хонадан бир суратлар альбомини олиб чиқди.

– Қизим, бу оилавий альбом. Мана, қаранг. Бу – биз. – У Гиёс аканинг елкасига қўлини қўйиб тушган келинлик давридаги суратни кўрсатди. Мана, болаларимиз.

Нур Элбекнинг акаси билан болалигида тушган суратни кўриб завқланди. Суратдан беташвиш болалик ҳарорати сезилиб турарди. Яна бир сурат Нурнинг эътиборини ўзига тортди. Гарчанд болалик даври бўлса ҳам Элбек билан қўл ушлашиб турган суратдаги кизалок унга жуда таниш туюлди.

– Бу киз ўғлингизнинг синглисими? – беихтиёр шундай савол берди у.

Санобар ая кўзига кўзойнагини тақди. Сўнг бир фурсат тин олди-да, осойишта гап бошлади:

– Йўқ, Нур, менинг қизим йўқ. Бу киз – Саида, синглимнинг қизи.

Нур “ялт” этиб, Санобар аяга каради. Санобар ая худди бир ниятга чоғлангандай, ютиниб олди. Кейин альбомнинг бошка варагини очди.

– Манави суратга каранг, бу Саиданинг ҳозирги пайти.

Негадир Нурнинг юраги “шув” этди. Суратда Саида гўё унга: “Овора бўласиз, Нур хоним”, деган каби кулиб турарди. Нурнинг юраги оркага тортиб, суратдан кўзини олди.

– Қизим, бу суратнинг тарихи узун. Саида атайин шу суратга Элбек учун тушган.

Нур ғалати бўлиб кетди. Худди кўлларини каёкка кўйишини билмагандай, дастурхон попуқларини тортқилай бошлади.

– Ҳа, шу десангиз, Элбек бултур практикага Москвага кетадиган бўлиб қолди. Уёкка бориб, орадан бир ойча ўтгач, боласи тушмагур хат ёзибди денг. Хатида ҳаммамиз, айникса, Саида суратини жўнатса, дебди. Ўшанда Саида суратга тушган. Бу сурат хат билан бирга Москвани айланиб келган, ҳа, – Санобар ая мамнуният билан кулди.

Нур ўзини қаерга кўйишни билмади. Шартта ўрnidан туриб чиқиб кетгиси келди. Лекин ичида нимадир мезбондан истиҳола қилишга ундар, ўзингни тут, иродали бўл, дея туришга кўймасди.

– Нур қизим, сизга яна бир сирни айтсам, – Санобар ая зимдан Нурга разм солди. Гарчанд Нур хотиржам кўринса-да, шашти паст эди. – Бу, албатта, ҳозирча бизнинг оилавий сиримиз. Биз Саидани келин қилмоқчимиз!

Нурнинг назарида бу гаплар жаранглаб, бутун хонага аксадо бергандай бўлди. Унинг дастурхон попугини ўйнаётган кўллари титради.

– Аслида биз Саидани болалиқдан келин қиламиз, деб айттирганмиз. Болалиқдан уни бировга бермай, кўз остига олиб кўйганмиз. Ҳа, фақат Саида бошка бировники эмас, Элбекники, Элбек эса Саиданики, деб келганмиз. – Санобар ая охирги жумлани “Бопладимми?”– дегандай тантана билан айтди.

Нурни ўрнидан туришга қўймаган ичидаги туйғу: “Энди сен ҳам бирор сўз айт, асло гурурингни поймол қилма”, деб кулоғига шипшигандай бўлди. У бор иродасини жамлади-да, ўз гапини айтди:

– Жуда яхши ўйлабсизлар. Улар бир-бирларига жуда мос.

Санобар ая ушбу хабарни қизнинг осойишталик билан қабул қилишини, унинг бундай дейишини сира кутмаган эди. У шу топда негадир ўзининг шошқалоклигидан хижолат тортгандай ғалати бўлди.

– Бахтли бўлишсин. Мен энди борай, Санобар ая. Анча қолиб кетдим, уйдагилар хавотир олишади. Ундан кейин дарсларим ҳам кўп. – Уни энди ҳеч қандай куч бу уйда ушлаб туrolмас эди.

Нур зиналардан чопкиллаб тушаркан, мезбон унинг кетидан югургилади:

– Ҳай, ҳай, қизим, тўхтанг!

Нур “ялт” этиб, унга қаради. Қизнинг нигоҳида ранж-алам, ғазаб акс этди.

– Қизим, сизга кичкина совғам бор эди, шошмай турунг, – Санобар ая қизнинг қўлига қўярда-қўймай бир пакетни тутқазди. – Жон қизим, олмасангиз, каттик хафа бўламан.

“Бу совға сенинг Элбекдан воз кечишинг учун пора!” – деди Нурнинг ичидаги бояги туйғу.

– Санобар ая, мен ҳеч кимдан ҳеч нарса олмайман. Ҳозир ойм буни кўрсалар, оркамга қайтариб юборадилар! – қатъият билан рад этди Нур.

– Мени хафа қиласиз, қизим, агар қайтариб юборсалар, ойингизга ўзим тушунтирай, – Санобар ая ёлвориб деди.

Нур индамай пакетни олди. Санобар ая уни дарвозагача кузатиб чиқди. Қиз нари кетди. Санобар аянинг негадир юраги увишди. Қизга ачиндими ё ўз қилиғи ўйлангирдими, дарвозани очик қолдирганича хаёл билан ичкарига қайтди.

Нур кўчага чикқач, беихтиёр хўрлиги келди. Аламдан ўкраб-ўкраб йиғлагиси келди. “Мени ўғлига муносиб кўрмади-да...” Камситилиш, хўрланиш туйғуси ич-ичини

ёндирди. У шахд билан изига қайтди. Худога минг қатла шукурки, Санобар аянинг дарвозаси хиёл очик турарди. Нур дарвозадан ичкари ховлига аста назар ташлади. Ховлида ҳеч ким кўринмади. У билдирмайгина дарвозани очди-да, оёк учида ичкарига кирди. Қўлидаги пакетни йўлакка тахланган ғиштлар устига қўйди-да, чопиб ташқарига отилди.

11

– Ойи, ойи! – Санобар ая тўсатдан Элбекнинг овозини эшитиб, турган жойида таққа тўхтади.

Бир маҳал ховлида бир қўлида катта йўл сумкаси, иккинчи қўлида эса катта пакет, Элбек кўринди. Санобар ая Элбекни кўриб, шошиб қолди.

– Бугун келаман, демагандинг-ку, Элбек? – дабдурустан оғзига шу гап келиб қолди унинг.

– Нима, эрта қайтганимга хафамисиз? – ўғли қулди.

Санобар ая ўз гапидан хижолат тортди. Нима бўлди ўзи унга? Бир маҳал унинг кўзи ўғлининг қўлидаги таниш пакетга тушди. Қаёқдан олди бунни? Ёки йўлда кизни кўрган бўлса-я? Ўғлига арзи дод қилиб, қайтариб берган бўлса-чи? Хаёлига шу гаплар келди-ю. хавотир ичида деди:

– Қўлингдаги пакетни ким берди сенга?

– Йўлакда турган экан, ғиштлар устида. Ё бировни кузатдингизми, эшикни очик қолдирибсиз?

Санобар ая Элбекнинг шу гапидан сўнггина ўзига келди. “Чакана эмас феъли. Берган совғанг ўзингга сийлов”, дебди-да. Нима бало, эшикни очик қолдирибдими?

– Ҳа, анув қиз ташлаб кетибди-да, – оғзига шу гап келиб қолди унинг.

– Қанақа қиз? Кимни айтяпсиз?

Санобар ая талмовсираб қолди.

– Ҳа, ҳамшира қизни айтаман-да. Менга дори-дармон килувди... – аранг деди гапида тутилиб.

– Қанақа ҳамшира? Сизга нима бўлди? – ҳеч нарсага тушунмай сўради Элбек.

– Хавотирланма, ўғлим. Менга ҳеч нима бўлгани йўк. Шундок ўзим бир даволанай, деб укол олгандим... Ҳа, буни кўя тур, ўзингдан гапир. Нима бўлди олимпиаданг? – шундай дея у гапни бошқа ёкка буриб юборди.

* * *

Нур Элбекларникидан отилиб чикди-ю, шундай тезлик-да уйига югуриб кирди.

– Ҳа. Нур, тинчликми? – деди ҳовлида юмуш қилиб юрган ойиси кизининг ҳолатига ҳайрон бўлиб. – Нима бўлди, рангингда ранг йўк?

Қиз жавоб бермади. Чопиб хонасига кирди, эшикни зичлаб ёпди.

Она кизининг ҳолатидан ташвишга тушди. Қилиб турган ишини йиғиштириб, уйга кирди. Қараса, кизи эшикни зичлаб ёпибди, сўраса, барибир жавоб бермайди. У ўз кизининг феълени билмайдими, яхши билади. Зебинисо опа хона эшиги олдида турди-турди-да, оркасига кайтди. “Жойи келганда, ўзи ёрилади”. Она эшикка қарай-қарай, ҳовлига тушди.

* * *

“Биз Саидани келин килмоқчимиз!” Нурнинг кулоклари остида Элбекнинг онаси айтган гаплар жаранглаб, вужудини ларзага солди. Мана, Нурни нима учун уйига чақирган экан бу аёл! Демак, ўғлининг менга бўлган туйғуларидан хабар топибди-да! Вой устомон аёл-е, муҳаббатимизни мурғаклигидаёк янчиб ташлади-я! Аммо-лекин койилман! “Ўғлимнинг тенги сен эмас, Саида!” – деди-да! Ҳа, Нур камбағал бўлса-да, ота-онасининг кучли меҳр-муҳаббати оғушида ҳеч нарсадан камчилик сезмай катта бўлди. То шу лаҳзага қадар қиз камситилиш нима, хўрлик нима, билмади. Мана, хўрлик деганини ҳам кўрди. Севиш гуноҳмидики, шундай хўрланса? Севги туфайли у шундай камситилди, шундай хўрланди. Қиз бирдан хўнграб йиғлаб юборди. Йўк, у бундай хўрликни кўтара олмайди! “Нур, ҳали бу аёлга кўрсатиб кўясан!” Ичидаги ҳалиги туйғу яна бош кўтарди.

“Севги шундай хўрликка сабабчи бўлса, ундан воз кечганим бўлсин!” Қиз ичида ўзига-ўзи шундай деди-ю, батгар йиғлаб юборди.

“Нега йиғлайсан? Ундан кўра, ўзингни қўлга ол. Сен ахир иродали кизсан-ку. Ҳамиша олдингга қўйган мақсадингга эришиб келгансан. Бўлмаса, Тиббиёт институтига кириш осонмиди? Сен ўз билиминг билан ўқишга кирдинг. Мана, яна ўқисанг, ўргансанг, катта мутахассис бўласан, хали сени камситганлар бош уриб, остонангга келади, – ичидаги туйғу яна қулоғига шундай деб шивирлади. – Энди нима қилиш кераклигини обдан ўйлаб ол”.

Нур ичидаги туйғу маслаҳатига қулоқ тутди.

12

Элбек Қаршидан бир олам хаяжон, янгиликлар билан қайтди. Йигит тезроқ сафар таассуротларини киз билан ўртоқлашгиси, унга ҳаммасини бир бошдан ҳикоя қилиб бергиси келарди. Яна у... Нурни шунақаям соғиндики... У қайтган кунидек кизни узокдан бўлса-да, лоакал бир марта кўриш умидида кўчага чиқди. Кўчада маҳалладаги йигитлар билан валақлашди, гаплаша туриб ҳам Нурларнинг уйдан кўзини узмади. Йўк, кизни учратмади. Ҳа, уларникига бир одамнинг кирганини кўрди. Нурнинг отаси оксоқланганча қандайдир ходани судраганича уйга кириб кетди. Йўк, шу билан уларникидан биров чиккани ҳам, киргани ҳам йўк. У висол илинжида алламаҳалгача кўчада юрди, бирор натижа чикмади. Ноилож уйга қайтди.

– Болам, қаёқларда юрибсан? Ўзи бугун келган бўлсанг, кўчада тукканим йўк-ку сени? – онаси шундай гинали сўзлар билан уни остонада кутиб олди.

Элбек жавоб бермай, хонасига кириб кетди. Энди эртани кутишдан бошқа чораси қолмаган эди.

* * *

У эрта тонгдан машинани созлади, тузук-курук нонушта ҳам қилмай ўқишга отланди. Онаси кетидан жавраганича қолаверди. Автобус бекатига яқинроққа машинасини

қўйганича қизни кутди. Йўқ, қиздан дарак бўлмади. Ёки Нур бир пайтлардагидай эрта саҳарлаб кетиб бўлган, ё ҳали уйдан чиқмаган. Элбек қизни кута-кута ахийри ўқишга жўнади. Нурга нима бўлди экан? Қиздан хавотир олиб, Элбекнинг бўлари бўлди. Бугун ҳам қизни кутди, барибир кўрмади. Нима қиларини билмай, кўнгли судраган томонга равона бўлди. Бир маҳал Тиббиёт институтига келиб қолибди. Бирдан омади чопди. Бир тўда оқ халатли қизлар орасида таниш чеҳра кўзга ташланди. У хурсанд бўлганидан қизнинг истикболига югурди. Шу маҳал оқ халатли қизлар кулишганларича институт қаҳвахонасига ўтдилар. Хушчақчақ қизлар орасида биргина Нур маъюс кўринарди. Ажабо, ана шу маъюслик ҳам қизга ярашган, унга аллақандай жозиба бағишлаган эди. Энди қизни қандай чақирсамикин, деган ҳадикда қизларга яқинроқ бораверди. Кимдир Нурни чақириб қолди. Қиз чақирилган томонга каради-ю, бирдан кўзи Элбекка тушди. Элбек кулганича қизга яқин келиб қолди. Нур бирдан бошини бурди. Гўё Элбекни кўрмагандай, танимагандай бўлди. Қизлар чуввос солганларича қаҳвахонада ўтириб овқатланишга тушдилар. Элбек изза тортди.

Қизлар овқатланиб бўлдилар, қаҳвахонадан чиқдилар. Нур ҳам улар билан чиқди-кетди. “Балки курсдошлари олдида менинг олдимга келгани истиҳола қилгандир”. Элбек шундай деб ўйлади ва қизни то дарслари тугагунча кутишга қарор қилди. Вақт алламаҳал бўлди. Институтдаги бари талабалар бугунги ўқишларини тугатиб, уй-уйларига равона бўлдилар. “Энди қизни кутишдан маъни йўқ. Нур аллақачон бошқа йўлдан кетиб бўлган”, деган хулосага келди йигит. У бу хулосасида янглишмаган экан, қишлоққа кириб келаркан, бирдан кўча муюлишида бир кўлида китоб-дафтар тўла сумка-ю, яна бошқа кўлида каттакон китоб кўтарган Нурга кўзи тушиб қолди. Қиз аста шивалаётган ёмғирга ҳам парво қилмай, бошини эгганича хаёлчан келмоқда эди.

Элбек хурсанд бўлиб кетганидан аста машина сигнаlines босди. Қиз бошини кўтармади. У каттиқроқ сигнал берди.

Нур шундагина бошини кўтариб қаради. Бир муддат анграйиб қолди-да, сўнг саломлашиш маъносида қисқагина бош ирғади. Кейин худди шошаётган одамдай қадамини тезлатди.

“Нима бўлди унга? Тинчликмикин?” Тўсатдан Элбекнинг кўнглига ғулғула тушди. Ана шу хавотир билан бирга кизга бўлган ҳис-туйғулари бирлашиб, жунбишга келди. Бу туйғулар унга туну кун тинчлик бермади. Оқшом сира уйқуси келмади. Шартта турди-да, ёзув столига ўтирди. Беихтиёр қўлига оппоқ коғоз олди. “Лоақал юрагидаги ҳисларни коғозга тўкса, дарди бир оз енгиллашармиди...” Тўғри ўйлаган экан, у ёзгани сайин, юрагида ботмон тош сингари босиб ётган юк сал аригандай бўлди. Ошиқ маъшуқасига мактуб битди. Ёзганлари ёкмади, ғижимлаб ташлади, яна ёзди, яна йиртди. Ахири бир мактуб ёзди.

Бир маҳал дераза ёришиди. Узок-яқиндан қишлоқ хўрозлари кичкириб, янги кунни қарши олди. “Тонг ҳам отибди-да...” Элбек деразадан кўчага қаради. Кеча куни билан ёккан ёмғир тунда қорга айланган, ҳаммаёқ оппоқ қор эди. “Биринчи қор муборак, севгилим!” Тунда ёзган мактубига ҳамоҳанг шундай сатрлар тилига келиб қолди. Ёккан биринчи қорданми ёки тунда битган мактубиданми, бирдан унинг кўнгли ёришиди. Кайфияти кўтарилиб, ўқишга шошилди. Ҳа, дарвоқе, бугун якшанба-ку. Унинг ҳафсаласи пир бўлди. Истар-истамас нонушта қилди. “Ё кўчага чиқсаммикин?” Унинг сира уйда ўтиргиси келмаётган эди. Элбек шундай хаёллар билан деразадан кўчага қаради. Бир пайт кўчада қўшнилари Абдулла амакининг қизи Гулчехрага кўзи тушди. Гулчехра бошидан тушаёзган рўмолини пешонаси томон тортганича йўл чеккасидан аста юриб келмоқда эди. Элбек ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Шошилиб тунда битган мактубини ғаладондан олди. Нима қилсам экан, деган ўйда уёқ-буёққа аланглади. Ҳа, китоб орасига солиб, хатни китоб билан бирга беради. У дуч келган китобни олди-да, ичига хатни солди. Қўлига илашган курткани эгнига илиб, ташқарига отилди. “Ишқилиб уйига қириб кетмасин-да...” Элбек шошилиб, Гулчехра томон югурди.

Кўшни киз каршисида Элбекни кўриб, хайрон бўлиб қолди.

– Яхшимисиз, Гулчеҳра... – Элбек азбаройи тез югурганидан ҳансираб қолди. У бир оз нафасини ростлаб, сўнг деди: – Сиздан бир нарсани илтимос қилсам бўладими?...

* * *

Тунда ёққан қор неча кунлардан буён азобланиб юрган Нурнинг шикаста кўнглига малҳам бўлгандай, вужуди энгил тортди.

– Ойи, ойи, қаранг, қор ёғибди!

Зебинисо опа, мана, неча кундирки, руҳсиз юрган кизининг тунда ёққан оппоқ қор кайфиятини кўтарганини кўриб қувонди.

– Кўрдим, кўрдим!

– Ассалому алайкум, Ҳайдар амаки, – бир маҳал ховлидан Гулчеҳранинг овози эшитилди.

– Ваалайкум, саломат бўл, уйингдагилар яхшими? – сўрашди ховлида юрган Ҳайдар ака Гулчеҳра билан.

Нур Гулчеҳранинг овозини эшитиб, югуриб ҳовлига тушди.

– Бу кизни қара, шу қорда нима қилиб юрибсан? – Нур Гулчеҳра билан қучоқлашиб кўришди.

У Гулчеҳрани кўриб, севиниб кетди. Ахир улар сирдош дугоналар-ку.

– Биринчи қор билан табриклай, деб келдим-да сизларни, – кулиб деди Гулчеҳра ҳам.

Нур уни айвонга бошлади, хонтахта ёнига ўтиришга таклиф қилди. Зебинисо опа унга яхши фарзандлар сўраб узундан-узук дуо қилди, ҳол-аҳвол сўради. Гулчеҳра турмушга чиққанига уч йилдан ошган бўлса ҳам ҳали фарзанд кўрмаган эди.

– Акаларим кетиб, бир кўнглим шу ёқда қолган, – деб кўнглини очди Гулчеҳра Зебинисо опага қараб. – Бир чолкампирдан хабар олай деб келганим. Бугун якшанба куни, Нур уйдадир, кўриб чиқай, дегандим.

– Ҳа, киз бола ота-онага якин, меҳрибон бўлади-да, – деб бош ирғади Зебинисо опа.

Гулчеҳра Зебинисо опанинг гапини тасдиқлаганча Нурни ичкари хонага судради.

– Бу кизда бир ишим бор эди, – Гулчеҳра Зебинисо опага худди рухсат сўрагандай илтижо билан қаради.

– Боринглар, ичкарига кириб гаплашаверинглар, – деди астойдил Зебинисо опа. Онанинг дилида зора Нур кўнглини ўртоғига ёрса, деган умид ҳам йўқ эмасди.

– Вой, ичидан пишган-ей, – деди ичкарига кириб, эшикни ёпаркан Гулчеҳра.

Нур ажабланиб унга қаради.

– Тинчликми? Бу нима деганинг? – хайрондан-хайрон қолиб деди Нур.

– Зинҳор ўзингни билмаганга солма! Жуда писмиксанда, Нур, одам деган энг якин дугонасидан ҳам шундай янгиликни яширадими?

– Тушунтириброк гапир, писмик бўлиб, сендан нимани яширибман? – деди кизишиб шу гапсиз ҳам асабийлашиб юрган Нур.

Гулчеҳра нимчасини ечди. Қўлтиғидан китоб олди. Нур хайратда ундан кўз узмай турарди.

– Биласанми бу китобнинг ичида нима бор? – Гулчеҳра худди жўрттага қилгандай Нурни сўроққа тутди.

Нур елкасини қисди.

– Мунча жумбок қилдинг, мен каёқдан билай, – деди Нур зарда қилиб.

Гулчеҳра шошмай, китобни очди. Қок ўртасидан икки букланган қоғоз олди. Худди ёш болага хўрозқанд кўрсатиб, кўз-кўз қилгандай қоғозни баланд кўтарди.

Нур яна хайрон бўлиб, Гулчеҳрадан кўзини узмай турарди.

– Бу нима демайсанми? – деди яна ҳазил оҳангида Гулчеҳра. – Майли, ўзим айта қолай. Бунинг отини хат, дейдилар.

– Хат? Сен бунинг хат эканлигини каёқдан била қолдинг? – деди жиғибийрон бўлиб Нур.

Гулчехра ундан бундай саволни кутмаган эди. Нима дейишини билмасдан каловланиб колди.

– Ўзи айтди-да, – шу сўз оғзига келди Гулчехранинг.

– Ким ўзи? – деди бўғилиб Нур. – Ўша одамнинг оти борми?

Нур хат муаллифи ким эканлигини тусмол қилди. Дугонасининг қўлидаги хатни асабийлик билан тортиб олди.

– Янги қўшниларнинг ўглини мафтун қилган экансиз-да.

– Нима?

Гулчехра боягина бўлган воқеани айтиб берди. Нур беҳол каравотига чўкди. Қўлида хат, бошини қўллари билан чангаллаганича ўйланиб қолди. Гулчехра дугонасининг бу ҳолатини кўриб шошиб қолди. Ҳар ҳолда, у, Нурни хатни кўриб, хурсанд бўлиб кетар, жуда бўлмаса, қизиқар, деб ўйлаганди.

– Нима бўлди? Шу хатгаям шунчаликми? – ажабланиб деди Гулчехра.

– Бу хатни бекор олибсан. Кераги йўқ эди, – аста деди Нур.

Гулчехра ҳайрон бўлиб, елкасини қисди.

– Тушунмадим, шундай келишган, замонавий, ўқиган йигит сени севаман деб турса-ю...

Нур бошини кўтариб, Гулчехрага каради. Унинг нигоҳидан: “Ҳали хатни ўқиганмидинг?” – деган маънони уқса бўларди. Дугонаси бунини тушунди-ю, қизариб кетди:

– Ўлай агар, хатни ўқимадим. Шунчаки Элбекка қараб туриб, сени яхши кўришини тушундим... – деди Гулчехра, бир ерга, бир дугонасига қараркан, довдираб.

Нур дугонасига қараб қолди. Бир пайт ўзига келиб, деди:

– Менинг бундай севги-муҳаббат ишларига вақтим йўқ. Ундан кейин уни яхши билмайман ҳам, ёқтирмайман ҳам. – У шундай деркан, ичида ёлгон гапирганидан ўзи уялиб кетди. Бир оздан сўнг ўзини қўлга олди. – Ке, Гули, бундай қиламиз, бу хатни биргаликда йиртиб ташлаймиз. – Нур шундай дея хатни йиртмоққа чоғланди. Гулчехра бирдан Нурнинг қўлларини ушлаб олди.

– Кўй-е, уни яхши кўрмасанг кўрма, хатни йиртиб нима киласан? Олдин ўки, йиртиш қочмас...

– Гулчеҳра, Гулчеҳра! – Ташқаридан Зебинисо опанинг овози эшитилди. Сўнг эшик очилиб, ўзи кўринди. – Гулчеҳра кизим, Зайнаб опам чақиряптилар.

Нур шоша-пиша хатни чойшаб остига яширди. Гулчеҳра сапчиб ўрнидан турди.

– Вой ўлай, кир ювиб кетай, деб самовар кўйгандим. Дарров чиқиб келаман, деб ўйлабман...

Гулчеҳра шундай дея, чопқиллаб хонадан чиқди. Бир пайт эшик очилди-да, унинг боши кўринди: – Ўйлаб иш кил!

Шу сўзлардан сўнг эшик ёпилди.

13

Нур Гулчеҳра кетгач, тезгина чойшаб остидан хатни олди. Мактубни кўлига олиб, яна йиртишга чоғланди-ю, ўйланиб колди. Сира хатни йиртишга кўзи қиймади. Худди ўқиса, бирор нарса бўладигандай, хатни очишга ҳам кўли бормади. Ҳа, хатни ўқиса, ўзига, ўзига берган сўзига хиёнат киладигандай туюлди. Йўк, чидаёлмади. Шартта хатни очди. Нур ичида бир кўз югуртираман-да, йиртиб ташлайман, деб ўзига ўзи ваъда берди. У ҳозиргина ўзига берган сўзида туролмади. Сатрлар уни ўзига оханрабодай тортди.

“Азизам Нур!

Мана шу поёнига етаётган тунда Сизни азизам, дейишга ўзимда журъат топдим. Нур, бундай дейишга ҳали менинг ҳаққим борми, йўқми, билмайман. Лекин мен Сизни умрбод шундай деб чақирганини, ҳар бир тонгни Сиз билан бирга чиройли сўзлар билан қарши олишни нечоғли орзу қилишимни билсангиз эди. Мана, неча кундирки, азобдаман. Мен ахири бу ҳижрон, айрилиқ азоблари тугаб, Сизнинг висолингизга етишимга умид қиламан. Ёдингиздами, ўша кеч Сизни кўрганам? Онангиз бежиз исмингизни Нур, деб атамаган эканлар. Ўша кеч гира-ширасида Сиз кўзимга ҳақиқатан нур бўлиб кўриндингиз, ҳали муҳаббат олами бегона, гафлатда ётган қалбимни ўз нурингиз билан ёритиб юбордингиз. Мен

*ўша илк учрашувимизни эсларканман, беихтиёр ёдимга
А.С.Пушкиннинг машхур мисралари тушади:*

*Эсимдадир ажиб дам ҳати:
Кўз олдимда бўлдинг намоён,
Пок гўзаллик даҳоси каби
Бир лаҳзалик хаёл, тушсимон¹.*

*Ҳа, менинг қалбимда кечаётган галаённи шоир мендан
юз маротаба ортиқроқ таърифлаган. Нур, мен кўнглимни
бошқача йўсинда изҳор этмоқчи эдим. Бўлмади. Тўғрирогои,
қўлимдан келмади. Кейин мен ўз туйғуларимни мактуб орқа-
ли баён этишига жазм этдим. Албатта, ҳар қандай ошиқ каби
мен ҳам ўз муҳаббатим жавобсиз қолишини истамайман.
Азизам, мен бир умр Сиз билан қўлни қўлга бериб, бирга
умр кечиршини орзу қиламан. Эҳтимол мен жуда катта,
ушалмас нарсани орзу қилаётгандирман. Нокамтарлик
қилаётганим учун мени маъзур тутинг. Чунки айни вақт
бутун орзу-умидларим Сизга боғлиқлигини тан олиб
турибман. Тўғриси, келажак ҳаётимни Сизсиз тасаввур
қилишим қийин. Бўлгуси ҳаётим Сизнинг иштирокингиз
билан ёруғ, чарогон.*

*Мен кўнглим изҳорига Сизнинг жавобингизни интиқлик
билан кутаман.*

Эрта тонг Сизни интизорлик билан кутувчи Элбек”.

*Нур мактубни ўқиркан, беҳол коғозга термилиб колди.
Беихтиёр кўзларидан коғозга бир неча томчи ёш томди.
Кўзёшлари ёзувга тушди-ю, ҳарфлар бўялиб, чаплашди.
“Муҳаббат деганлари мунча азоб бўлмаса? Бунча хўрлик,
кайғу келтирмаса?” Шу гаплар хаёлига келиб, коғозни
ғижимлади. Яна ўша хўрлик ҳисси кўксини тирнади, ўпкаси
тўлиб, хўнграб йиғлаб юборди. Кафтлари билан юзини
беркитди. Яна шошиб, ҳозиргина ғижимлаб ташлаган
коғозни ёйди, кўзёшлардан хўл бўлган кафтлари билан*

¹ Зулфия таржимаси.

хатни текислади. Гўё мактубдаги ҳар бир сўзни дилига жо қилмоқчидай, уни яна бир марта ўқиб чиқди. Чорасизлик ич-ичини ёндириб юборди.

“Нима қияпсан ўзи? – боятдан бери жим турган ичидаги ўша туйғу яна бош кўтарди. – Бўлди-да энди! Боя ўзингга-ўзинг нима деб ваъда берган эдинг? Бўлмайдиган ишга намуноча куюндинг? Ҳеч қачон гуруримни топтамайман, бировнинг хўрлашига асло йўл қўймайман, деган ким эди?”

Негадир ўзидан-ўзи уялди. Шартта мактубни кўлига олди, кўзларини чирт юмди-да, уни майда-майда қилиб, йиртиб ташлади.

Элбек душанбани не-не умидлар билан кутди. Тонг отишини қанчалар орзикиб кутганини фақат маъшуқасини бутун вужуди билан севган ошиқларгина билади. Эрта тонгдан автобус бекатига ошиқди. Йўқ, бугун ҳам унинг омади чопмади, бугун ҳам умидларини пучга чикарди, қанчалар кўзлари тўрт бўлиб кутмасин, Нурни учратмади. Дарсда ҳам ўтиролмади. Якин курсдошига, сира мазам бўлмапти, айтиб қўясан, деди-ю, жуфтақни ростлади. У ўқишдан чиқди-ю, ўйлаб ҳам ўтирмасдан Тиббиёт институти томон йўл солди. “Нима қилиб бўлмасин, Нурни учратиб, у билан гаплашиб оламан!” Элбек ичида ўжарлик билан шундай деди-ю, сабр-каноат билан қизни кута бошлади. У тахмин қилганидай, қизни унча кутгани ҳам йўқ. Нурлар бугун қолган дарсларни бошқа касалхоналарда ўтадиларми ё бошқа сабаб борми, бир гуруҳ талабалар гур этиб, институт биносидан чиқиб келдилар. Улар орасида Нур ҳам кўринди. Элбек Нурни кўргач, юраги орзикиб кетди. Қиз гуруҳдошлари билан жўнавормасин тагин, деган хавотирда, бирдан бакириб юборди:

– Нур, Нур!

Қиз уёқ-буёққа олазарак қаради. Ниҳоят Элбекка кўзи тушди. Бу сафар тунов қунгидай, ўзини кўрмаганга олмади. Ёнидаги дугонасига бир нималар деди-ю, йигит томон бир неча одим ташлади.

Элбекнинг назарида Нур етиб келгунча хаяжондан бўлари бўлди. Қиз шошилмай, аста кадам ташлаб, Элбекка яқинлашди. Қиз кўринишдан хотиржам кўринарди. У йигитга яқин келди. Элбек шундагина кизнинг юзлари синикиб, заъфарон тусга кирганини кўрди. “Нима бўлди экан? Тинчликмикин?” Йигитнинг кўнглига беихтиёр шундай гап келди. Элбек киз томон пешвоз юрди.

– Яхшимисиз, – улардан ким олдин сўрашди, билиб бўлмади.

Йигит хавотир ичида кизга қаради. У мана, неча кундирки, согинганида кизнинг очик чеҳрасини, нимтабассумини, ноз аралаш сўзлаган сўзларини хотирлар, шунда дили ёришиб кетарди. Элбек кизни ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмаган эди. Жиддий ва маънос... Қизнинг кўринишидан бирор кўнгилсиз воқеа рўй бергани аниқ эди.

– Тузукмисиз? – дабдурустан Элбек шундай савол берди кизга.

Нур бошини ирғади.

– Нима бўлди, тинчликми? – хавотирланиб сўради у яна. – Мазангиз йўқми?

Нур йигитнинг шу сўзларидан кейин ўзини қўлга олди. Орадан бир оз вақт ўтди. Сўнг гўёки видолашув олдидан бор иродасини тўплаган кишидай, деди:

– Ҳеч нима бўлгани йўқ. – Қиз бошини сарак-сарак қилди. – Сессия яқин, ундан кейин дарслар ҳам одамни кийнаб юборди.

Элбек киз шундай дегач, хотиржам тортди. Орага сукут чўқди. У ютинди. Сўнг кизнинг олдига етаклаган, унга айтаман, деб шахд қилган саволни тилига олди.

– Хатимни олдингизми?

Йигит аста айтган бўлса-да, кизнинг назарида бу сўрок акси садосидан теварак-атроф жаранглаб кетгандай бўлди. Қиз Элбекнинг ҳузурига келишини, ундан мактубига жавоб талаб килишини хис қилган ва бу учрашувга ўзича тайёрланиб келган эди. Лекин манзара киз кутганидай чикмади. Йигитнинг умид билан, изтироб билан термилган

кўзларини, мухаббатдан бор вужуди титраб, интиклик билан киздан жавоб кутаётганини кўриб, ўзини йўқотиб қўйди. Унинг ўпкаси тўлди. Ҳозир ўзини йигитнинг кўксига отгиси, унга бор гапларни айтиб, кўнглини бўшатиб, бари изтироблардан фориг бўлгиси келди.

Киз аранг ҳа, деган маънода бошини ирғади.

– Унда... – Элбек умид билан Нурга жовдираб каради.

Нур бу сафар ўзини идора қилолмай қолди. Бирдан хўнграб йиғлаб юборди. Йигит кўркиб кетди. У беихтиёр кизга яқин келди. Уларнинг нафаслари бирлашди. Қиз қафтлари билан юзларини яширди.

– Нима бўлди, айтинг? – Йигит ҳеч нимага тушунолмай, беихтиёр кизнинг юзини яширган қафтларига қўлини олиб борди.

Киз қафтларида йигитнинг қўлини сезиб, уни кескин силтаб, итариб ташлади.

– Элбек, бўлмайди, ҳеч қачон!

Йигитнинг қўллари ҳавода муаллақ қолди.

– Эшитдингизми?

Элбек бир кадам орқасига тисланди.

Киз унга яна бир нарсалар демоқчи бўлди-ю, ўпкасини тўлдириб келган фарёд халакит қилди. Нур яна қафтлари билан кўзёшларини яширди. Бир фурсат ана шу алфозда турди-турди-да, сўнг ортига қайтди. Худди ўзини қўлга ололмай, йиғлаганидан, хотиржамлик билан Элбекка айтаман, деб келган гапларини айтолмаганидан, ўз заифлигини уялгандай, орқасига қараб югуриб кетди.

Элбек турган жойида қотиб қолди.

14

Санобар ая бугун эшикка термилиб куни ўтди. Шом кирибдики, ўғли Элбекдан дарак йўқ эди. Санобар ая болаларига жуда меҳрибон. Наздида у иккала ўглини яхши тарбия қилди. Гўё икки ўғли ҳам унинг учун дунёдаги энг қимматбаҳо дуру бебаҳо. Афсуски, каттаси уйлангач, кичиги қишлоққа кўчиб келгач, ана шу қимматбаҳо дуру бебаҳолари

хира тортиб, ўз кадр-кимматларини йўқотиб бораётганга ўхшади. Уни кўрқитаётгани – бу ерга кўчиб келгач, ўғли Элбекнинг гап-сўзлари, табиати, овқатланишидан тортиб, юриш-туришигача шу кишлоқликларга ўхшаб кетаётганлиги эди.

Айниқса сўнги кунларда Элбек уни жуда хавотирга солаётган эди. Неча кун бўлибдики, ўғлининг хуши ўзида эмас. Санобар ая бунинг сабабини яхши билади. Бир чеккаси бундан ичида қувонади ҳам. “Вақт ўтсин, ўзига келиб қолади”. У ана шу фикрида собит турса-да, баъзан кўркиб кетади. “Ишқилиб охири бахайр бўлсин-да”.

Ниҳоят дарвоза кўнгироғи жиринглади. Она югуриб бориб, дарвозани очди. Остонада Элбекни кўриб, кўнгли жойига тушди. Лекин ўғли гариб аҳволда, ҳаммаёғи лой, ўзи тушкун кайфиятда кўринарди. Уч кун аввал ёккан ёмғир-кордан кейин ҳаво очилиб кетган, қуёш чарақлаб турарди. Гарчанд ҳали қорнинг захи кетмаган бўлса ҳам ерлар қуриган, кун анча илик эди. Санобар ая ўғлига бошдан-оёқ қараб чиқди.

– Болам, қаердан келяпсан? Ҳеч қаерда лой йўқ, сен қаердан лой топиб, туфлингга илаштириб олдинг?

– Далаларни айландим, – деди Элбек руҳсиз.

Она каловланиб қолди. Кишлоқи ёри ўғлининг мухаббатини рад қилгандирки, у шундай тушкун кайфиятда. Демак, у мўлжални тўғри олибди-да, ўқни нишонга текказибди-да. Санобар ая бошқа пайт бўлганида бундан терисига сизмай хурсанд бўлиб кетарди. Лекин ҳозир ўғлининг аҳволини кўриб, негадир унинг юраги туз сепгандай ачишди.

– Нега ўқишга бормадинг? – дабдурустдан шу сўз оғзига келиб қолди. – Бу нима юриш? Шимингни кара, тиззаларинггача лой-а...

Элбек индамай бошини эгди. Бунга кўриб, одатдагидай, Санобар ая авжига чиқиб, вайсай кетди:

– Сени илгарилари сира бу аҳволда кўрмагандим. Сенга ўзи нима бўлди?

Элбек индамай зинапояга бориб ўтирди.

– Доим ораста юрардинг, дарсларни сира қолдирмасдинг, – деди яна она.

Элбек гўё эшитмаётгандай, онасининг гапига парво қилмади. Унинг хаёли узоқларга кетди. Негадир неча кундан бери унга бир нарса тинчлик бермаётган, жумбок бўлиб турган эди. Ҳозир тўсатдан ана шу жумбокқа жавоб топгандай бўлди. У Қаршида эканлигида онасига муолажа қилган ҳамшира киз Нур бўлмасин тағин?! Бирдан хаёлига келган бу фикрдан юраги орқасига тортиб кетди.

– Ойи, менга нима бўлганлигини ростдан ҳам билмайсизми? – деди ниҳоят Элбек онасига синовчан тикилиб.

Санобар ая ўғлининг гапидан бирдан тутакиб кетди.

– Мен каёқдан билай? Эсинг жойидами. нималар деяпсан? – деди у бобиллаб.

Элбек индамай ерга тикилди. Она эмасми, ўғлининг бош эгиб ўтирганини кўриб, раҳми келди.

– Ўғлим, ўзингни қўлга ол, бу кунлар ўтиб кетади, – деди бирдан жаҳлидан тушиб.

Элбек “ялт” этиб онасига қаради. Санобар ая ўғлининг нигоҳидан алам, азоб ифодасини уқиб, кўзини олиб кочди.

– Элбек болам, ё шаҳарга, акангнинг олдига кетасанми? – деди у орадан бирмунча вақт ўтгач.

Аслида Санобар ая Элбекни шаҳарга жўнатиб юборишни анчадан буён кўнглига тугиб юрарди. Ўғли шаҳарга кетса, кишлоқи севгилисини унутармиди... Ахир меҳр – кўзда, деган гап ҳам бор-ку. Лекин бу ниятини қандай амалга оширишни билмас, ана шу ўй Санобар аяни кийнар эди. Ҳозир кўнглидаги шу фикрини беихтиёр тилига чиқариб юборди. Балки айна вақтида айтгандир. Ҳа, шундай бўлиб чиқди.

Элбек онасининг гапига жавоб қайтармади, индамай ўтираверди. Ўғлининг сукутидан она жонланди.

– Ҳар ҳолда, шаҳар – шаҳар-да. Акангнинг олдида юрасан. Ўз маҳалланг, ўз ўртоқларинг...

Элбек онасининг гапини охиригача эшитмади.

– Ойи, ростдан менинг шаҳарга қайтишимни истай-сизми? – деди у онасининг галини бўлиб.

– Албатта-да. Қаерда бўлсанг ҳам омон бўлсанг бас, – деди она тўтикушдай гапнинг орқа-олдини ўйлаб ҳам ўтирмай.

Ўғил онасига узоқ тикилиб қолди. Сўнг ўрнидан туриб, деди:

– Ойи, бу уйда ҳеч ким сизнинг гапингизни икки қилмаган. Сиз айтгандай бўла қолсин, мен шаҳарга кетаман.

Элбек эртасига эрталаб шаҳарга жўнаб кетди.

15

Нур оёқларини зўрга судраб, уйига кириб келди. Қизининг кайфияти эрталабқидан баттарлигини кўрган Зебинисо опа типирчилаб қолди.

– Келдингми, чой ичасанми?

Нур индамай хонасига кириб кетди. Ечинмай, ўзини каравотга ташлади. Шифтга тикилганча ўйланди. Бир маҳал ташқаридан онасининг овози эшитилди:

– Нур, чиқа қол, Гулчеҳра келди!

Ҳозир Нурни яқин дугонасининг ташрифи ҳам қувонтирмади. “Оббо, яна кепти-да!” У эриниб, кийимини алмаштирди. сумкасидан китоб-дафтарларини олди. Энди хонадан чиқаман, деб турган эди, эшик очилди.

– Нур хоним, биз келдик!

Эшикда бошини қалин рўмол билан танғиган жонсараккина Гулчеҳра кўринди.

– Тунов куни шу ерда эдинг. тагин келдингми? – Нур таажжубини яшириб ўтирмади. – Ё ҳали кетмаганмидинг?

Гулчеҳра қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Тавба, сенга нима? Прокурормисан менга? Хоҳласам, келаман, хоҳласам, кетаман. Ўз ихтиёрим – ўзимда! – Гулчеҳра шундай деркан, овозида кўнгли синиқлик сезилди. – Ана шунақа!

Нур буни сезиб, тилини тишлади.

– Йўқ, уйимдагилар мени тушунишади. Ота-онанг ёлғиз экан, тез-тез хабар олиб тур, дейишади. – Гулчеҳра Нурнинг

тикилиб колганидан хижолат бўлгандай, кўшиб кўйди: – Кейин Ўткир акамнинг мен билан унчалик ишлари ҳам йўқ...

“Ана шундай демайсанми”, деди ичида Нур. У дугонасини кўриб, кўнглидаги дардлари нари чекинди. Гулчехра бир коп ёнғок, шалдир-шулдир қилиб, тинмай гапириб, кўнглини ёзади. Ҳозир ҳам бир неча кундан бери чироқ ёкса ёришмаган кўнгли пича ёришди. Гулчехра унга маъноли каради. Нур дугонасининг нигоҳидан нима демоқчи бўлганлигини уқиб олди: Элбекнинг хати-чи, ўкидингми, унга қандай жавоб қайтардинг, демоқчи!

– Ҳа? – деди Нур худди ўзини тушунмаганга солиб. – Бирор нима демоқчимисан?

Гулчехра ичига туфлади.

– Тавба! Худди ўзингни билмагандай тутасан-а? Бечора йигитнинг тақдири нима бўлди?

Нур кулиб юборди.

– Ол-а, шунинг учун уйимда ўтиролмай, югуриб келдим, дегин? Паттасини қўлига бердим, бўлдимми?

Нур Гулчехра Элбекни эслатаркан, неча кунлардан буён илвираб турган юраги яна эзилиб кетди. Бу қандай азоб бўлди? Энди Гулчехрани тўхтатиб бўлсан, бир насиҳатга тушади! Айтганидай бўлди: Гулчехра бемалол каравотга ўтириб олди-да, кўлини пешлади:

– Одам деган бир иш қилганда ўйл-а-а-б кўради. Ўйламасаям менга ўхшаган турмуш кўрган ўртоқларидан маслаҳат олади.

– Оббо! – Нур кулоқларини қўллари билан беркитиб олди.

– Майли, майли, кулоқларингни бекитавер! Менга деса, билганингни қилмайсанми? Лекин янглишмагин дейман-да, ичим ачишади. Элбекдек йигитни менсимасанг, сенга ўзи канака йигитлар ёқади?

– ...

– Элбекнинг уволига қолиб, менга ўхшаб бахтсиз бўлиб қолишингни истамайман.

Нур бирдан сергак тортди. Қўлларини кулоқларидан олди-да, дугонасининг юзига ҳайратланиб тикилиб қолди.

– Нималар деяпсан, Гули? Бахтсизман, дейсанми? – бирдан саволларни қаторлаштириб ташлади. – Бу нима деганинг, нега энди бахтсиз бўлар экансан?

Гулчеҳра, кўй, сўрама, дегандай қўл силтади. Дугоналар бир муддат жимиб колдилар. Нур яна Гулчеҳрага савол беришга негадир тортинди.

– Мен бахтсизман, жуда бахтсиз, – Гулчеҳра шундай деркан, Нур унинг бундай эътирофини кутмагани учунми, лол бўлиб колди. – Ўз бахтингни ўз қўлларинг билан яксон қилма.

Нур “бошланди”, дея юзини тескари ўгирди.

– Мени қўя тур, ўзингдан гапир, – гапни бошқа ёкка буриб юборди Нур.

– Ҳа, айтсам айтаколай. Мана, сен йигирма бир ёшдасан. турмушга чикдинг ҳам дейлик. Бир йил ўтмасидан бўйингда бўлмаса, ана унда кунингни кўрасан. Ўзинг айтувдингми ё бошқа бировми, бошқа чет мамлакатларда ёшлар турмуш қуришгач, уларни ҳеч ким кистовга олишмас экан. Ўз режаларига қараб, фарзанд кўраверишар экан. Қани эди бизда ҳам шундай бўлса... Йўқ, бизнинг кишлоғимизда тўйдан кейин бир йил ўтар-ўтмас ҳамманинг оғзига тушасан.

Гулчеҳра ўрнидан туриб, дераза ёнига борди. Ташқарига тикилди. Яна Нурга ўгирилди. Дардларини дугонасига тўкди. Гулчеҳранинг айтишича, турмушга чикканидан кейин фақат бир йилгина бахтли яшабди. Ўшанда гўё юрагида куёш порлабди. Бошида Ўткир акасининг ширин сўзлари гўё бир бечора кишлок кизининг кўзларини камаштириш учун айтилгандек экан. Ҳа, дастлаб улар жуда бахтиёр яшабдилар.

Ҳозир бўлса, Гулчеҳра бутунлай бошқа ҳаётга тушиб қолибди. Атрофидаги бари нарсалар ўзгариб кетибди. Кўзига ҳаммаёқ фақат оқ ва қора рангда кўринармиш, туссиз эмиш. Назарида атрофидаги ҳамма нарсалар фақат уни ўкинтириш учун яратилгандай туюлаверармиш. Негаки, Ўткир акаси билан унинг орасида бир аёл пайдо бўлибди.

– Гули, бундай ҳазил қилма! – Нур дугонасининг гапларига ишонмаганидан шундай деганини ўзи ҳам билмай колди.

– Мен ҳозир ҳазиллашадиган аҳволда эмасман.

Нур Гулчеҳранинг ҳикоясига хайрон қолиб, кулоқ тутди.

Ҳақиқа кўчганда, Ўткир акасини Гулчеҳрага мажбуран уйлантиришган экан. Аслида эрининг севган кизи борлигини Гулчеҳра кейинроқ эшитибди. Ана шуниси Гулчеҳрага алам қиларкан. Ўткир акасига севган кизини олиб беришмагани сабаби – у киз касалмандмиш. Ўша кизнинг буйрагида тоши бўлиб, ҳар йили икки-уч мартаба касалхонада ётиб чиқар экан. Тўғриси, у киз тез-тез даволаниб турмаса бўлмас экан.

Гулчеҳранинг қайнонаси бориб, касалхоналардан роса суриштирибди. Докторлар бу киз шу касали бўлса, фарзанд кўриши кийин, дейишибди. Шундан кейин уйдагилар Ўткир акани бошқа кизга уйлантирмоқчи бўлишибди. Аслида Гулчеҳранинг эри акасининг яқин дўсти. У Ҳамид акаси билан уларникига тез-тез келиб турар, уни ота-онаси ҳам жуда ҳурмат қилишарди. Ўшанда Гулчеҳра эндигина ўн саккиз ёшда эди.

– Ўшанда турмушга чиқишга нега бунчалик шошилдим, ўзим ҳам билмайман, – деди Гулчеҳра хўрсиниб.

– Нега афсусланияпсан, ахир эримни севаман деган эдинг-ку, – деди Нур қуюниб.

– Афсуски, шундай, – Гулчеҳра эрини яхши кўришини бўйнига олди.

У, ҳар сафар Ўткир акасини кўрганда ҳаяжонга тушарди. Ўткир акаси дастлаб кўзига нозиктаъб кўринган, бошқаларга бутунлай ўхшамас, хушчакчак кўринарди. Ўткир акасининг худди юзидай қадди-қоммати ҳам чиройли, келишган, қоп-қора сочлари майин эди. Гулчеҳранинг назарида, ҳозир ҳам эридан барно йигит йўқ. То бир йилгача у жуда бахтиёр яшабди. Майда, аҳамиятсиз нарсаларга ҳам ёш бола сингари суюниб боқибди. Энди акли кирдими ё турмуш аччик-чучуклари уни жиддий қилдими, ҳозир қанча-қанча тунларни шубҳа ва гумонлар остида ўтказаётган эмиш.

– Ораларингда бошқа аёл борлигини аниқ биласанми ёки ўзингча эриндан шубҳаланияпсанми? – деб сўради унинг гапини бўлиб Нур.

– Аниқ биламан.

Гулчеҳранинг ишонч билан берган бу жавоби Нурни танг қолдирди.

– Эрингни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилиб кўрмадингни? – деди шошилиб Нур.

– Қандай қилиб? – Гулчеҳра Нурга мадад сўрагандай қараркан, Нурнинг неча кунлардан буён дилини титратган ўз азоби эсдан чиқди. Сўнг болаларча соддадиллик билан деди: – Ҳеч бўлмаса, унинг ота-онасига айт, ўғлини назорат қилсин, тўғри йўлга солсин.

Гулчеҳра Нурнинг куйиб-пишиб айтган сўзларига парво қилмади. Умидсизлик билан елкаларини қисиб, қўлларини силтади.

– Ўз ота-онам мени тушунмаган, улар тушунишармиди.

– Амакиларим билишадими? – деб сўради Нур ҳовлиқиб.

Гулчеҳра дугонасининг гапларига истехзо билан кулди.

– Жуда соддасан-да, Нур. Эшитмаганмисан, халқда “Эр хўрлиги – эл хўрлиги” деган гап бор. Мен эрим учун кераксиз, жонсиз буюмман. Ҳа, мен фақат унинг ота-онаси-ю, ўзининг хизматларини қилиб юрадиган бир бечора чўриман. Мана шунинг учун ҳам у менга тоқат қилиб юрибди. Ҳар сафар унинг кийим-кечакларини ювиб, дазмоллаётганимда менга қанчалик алам қилишини билсанг эди...

Гулчеҳра алам билан шундай деркан, Нур унга нима деб тасалли беришини билмай қолди. Бир муддат ўртага жимлик тушди.

– Ҳали ёшсан, хуснинг бор, бирор чораси топилиб қолар, – деди ниҳоят Нур жимликни бузиб. – Абдулла амакимга айтиб кўрмадингни, балки эрингни чақириб, насиҳат қилсалар, инсофга келиб қолар.

Гулчеҳра қўлларини умидсиз силтади.

– Э, отамга ҳам, онамга ҳам аллақачон айтганман.

Нур кизикқандан-кизикиб, Гулчеҳранинг гапларига қулоқ тутди. У дугонасига тикиларкан, унинг бир нуктага тикилган кўзларида ҳали ҳам умид учқуни сўнмаганини кўрди.

– Э, билмайсан-да, Нур, – деди Гулчеҳра бошини сарак-сарак килиб. – Ҳамид акам хотини билан нега уйдан бош олиб кетганларини биласанми?

Нур бунга Ҳамид аканинг нима алоқаси бор экан, деб ажабланди.

– Мен сенга бир нарсани айтай. Аслида ота-оналаримиз биздан кўра купрок бир-бирларини асраб-авайлайдилар. Дардимни онамга айтсам, отанг эшитмасин, дейди. Агар отамга айтсам, онанг эшитмасин, сиқилади, дейди. Ана шунака. Бунинг учун улардан хафа бўлмайман. Ота-оналаримиз бизни яхши едириб, ҳаммадан яхши кийинтириб, вояга етказишди, қўлдан келганча ўқитиб, илмли қилишди. Йўқ, мен бошқа нарсага хафа бўламан, – деди Гулчеҳра хўрсиниб. – Ўткир акам ҳар сафар мени олиб кетгани келганларида ота-онам унга худди дунёдаги энг улуғ одамга муомала қилгандек муносабатда бўлишади. Буниси ҳам етмагандай кузатаётганларида унга “рахмат”, деб қуллук ҳам қилишади.

– Нега, нима учун? – сира тушунолмамай сўради Нур.

– Оббо, худди билмагандай сўрашини-чи. Ҳа, ахир уч йилдан бери куёвни фарзандли қилолмаётган кизларини талоқ қилмай уйда олиб ўтиргани, шахсан ўзи келиб олиб кетаётгани учун ҳам қуллук қилишади-да. Ойимлар нуқул эрингни сендан кўнгли қолган бўлса, бунга ўзинг айбдорсан, деяверадилар. Дадамлар бўлсалар, ҳалигача туғмадинг, деб ичиб келиб кунда жанжал қилса, сени уриб, сўкиб турса, нима қилар эдинг, дейдилар. Қара, кўрган кунимга шуқур қилишим, бунинг учун эримга минг тавалло қилишим керак эмиш. Сўнгги пайтларда ота-онам мен келганимда аввалгидек қучоқ очиб кутиб олишмайди. Шундай, ўртоқжон, агар эринг сени ёқтирмай қолса атрофдагиларга ҳам ёқмай қоларкансан. Ҳатто дунёда энг азиз кишиларингга ҳам.

Қайнонам ҳам худди ўғли сингари бир йилгача менга яхши муносабатда бўлди, ўз фарзандидек кўрди. Менга эримнинг муомаласи ўзгаргач, қайнонам ҳам ўзгариб қолди. Ўтирсам ўпок, турсам сўпок дейдиган бўлди. Авваллари

хушмуомала, пазанда, эпчил деб мактайдиган қайнонам энди қўшниларга мени ёмонлагани ёмонлаган. Уйимизга меҳмон бўлиб келганларга “худди мен еб, у қуруқ қолгандек ковоғини солиб юради”, деганини ўзим бир неча марта эшитиб қолдим. Ахир мен ҳам тирик жонман. Менда ҳам юрак. кўнгил деган нарсалар бор, атрофингдагиларнинг бирортасидан яхши гап эшитмасанг, ҳеч кимдан меҳр кўрмасанг... Буёқда шунча йилдан бери Худо тирноққа зор қилиб қўйса, қандай қилиб хурсанд бўлиб ўйнаб-қулиб юрасан?

Гулчехранинг ўқинишини кўриб, Нурнинг юраги эзилиб кетди. Ўзининг шу кунда тортаётган азоб-изтироблари Гулчехранинг дарди олдида ҳеч гап бўлмайд қолди.

– Инсон нималарга чидамайди дейсан. – Гулчехра гапида давом этди. – Гўё онамнинг қон босимлари ошиб кетишига ҳам мен айбдор эмишман.

– Нима?

– Шундай. Биласанми, отам менга худди жинниларга карагандек муомала қиляптилар. Охирги пайтларда мени совуқкина қарши оладиган ота-онам, кеча келсам, мулойим бўлиб қолибдилар. Албатта, мен бундан хайрон бўлдим, ҳатто хавотирга тушдим. Анчадан кейин онам менинг соғлиғимни сўраб, отамга маъноли қараб қўйдилар. Шундан кейин мен баттар хавотирландим. Ниҳоят онам ўтган ҳафтада қўшнимиз Ҳанифа холадан эшитганларини юм-юм йиғлаб гапириб бердилар.

Нур баттар хайратга тушиб, анграйиб қолди.

– Ўтган ҳафтада қайнонам ўғли билан бозорга тушишувди. У ерда сабзаёт сотиб ўтирган қўшнимиз Ҳанифа холани кўриб қолишибди. Ҳанифа хола, табиийки, мени сўраган. Шунда қайнонам Гулчехрани руҳий касаллар даволанадиган шифохонага ётқизиб, даволатмоқчимиз, дебди. Гўё мен ҳеч ким билан гаплашмасмишман, хаёлим ҳам паришон эмиш. Ҳанифа хола бозордан қайтишида оймга буларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берган. Қара, мени жиннихонага ётқизмоқчи эмишлар. Бунга

ўласанми, куясанми? – Гулчехранинг кўзларидан ёнокларига йирик-йирик ёш томчилари оқиб тушди.

Нур дугонасининг кўзларига тикилиб қолди. Бу кўзлар болаликдаги Нур билган шўх, беташвиш, қайғусиз Гулчехранинг кўзларига сира ўхшамас эди. У Гулчехрага нима деб маслаҳат беришини ҳам билмай қолди. Лекин дабдурустдан кўнглига келган гапни айтди:

– Гули, ёш умрингни бундай нодон одамлар орасида ўтказиб хазон қилма.

Гулчехра “Сен гапираверасан-да”, дегандай, Нурга истехзо билан қаради.

– Тўғри-да, ҳали ёшсан, балки тақдиринг бошқа жойдадир. У сени хўрласа, жиннихонада даволатаман, деб овоза қилса ҳам яшайверасанми? – деди Нур қуюниб.

Гулчехра бу ҳақиқатни эшитиб, ўйланиб қолди.

У бир оз тин олди-да, қайнонасининг гапларини айтиб берди. Гулчехра эри хизмат сафарига кетгач, қайнонасининг хузурига кириб, уйга бориш учун руҳсат сўраган экан, ундан жавобини олибди. “Гулчехра, кўриб турибсиз, ошибтошиб кетаётганимиз йўқ, – деб гапни узоқдан бошлабди қайнонаси. – Ўткиржондан бошқа яна учта ўғлим бор. Ўткиржонимга ҳамиша қиз топилади. Лекин мен сизнинг умрингиз беҳуда ўтмасин дейман. Қолаверса, ўғлимнинг ҳам сиздан анча кўнгли қолган. Эртага уйга борганингизда ота-онангиз билан маслаҳатлашинг. Энди Ўткиржон билан ажрашмасанглр бўлмайди. Кўкламда укасига қўшиб Ўткиржонни ҳам уйлантириш ниятим бор. Менинг ўғлим ҳам Ҳамид акангизга ўхшаб ичкиликка берилиб кетишини истамайман. Кутиш бўлса, мана, уч йил кутдик. Нима қилай, Худо фарзанд бермади. Мен ўғлимнинг бу дунёдан зурриётсиз ўтишини истамайман”. Қайнонасининг бу гаплари Гулчехранинг юрагига нақ ханжардай санчилибди.

– Ҳа, одам боласини билиб бўлмас экан-да. Бугун катта кетаётган ана шу қайнонам, ойим ҳали ёш, қизимни ҳозир узатмайман, деганларига қарамай, эшигимиз остонасига ётиб олганди. Ҳозир сенга дардимни дoston қилишимдан

мақсад, сен ҳам адашмагин, дейман. Мен қилган хатони сен ҳам такрорламагин, дейман. Аввало эр киши севсин экан. Элбекнинг оиласидагилар тушунган, ўқимишли одамлар. Кўнглим сезиб турибди, Элбекка тегсанг, бахтли бўласан.

То ҳозирги жумлани айтгунга қадар Гулчехранинг дардларига жиддий қулоқ тутган Нурнинг неча кунлардан буён унга азоб бераётган юрагидаги оғрик тўхтагандай бўлган эди. Лекин у ҳозир дугонасининг бу маслаҳатини эшитиб, ўрнидан сапчиб туриб кетди. “Ҳа, қиссадан хисса шу экан-да!” Гулчехра билиб-билмай унинг дилида битмай ётган чуқур ярага тегиб кетган эди.

– Гулчехрахон, ҳеч ташвиш тортмасинлар. Элбекка тегмасам ҳам ҳали бахтли бўламан! – деди қатъият билан дона-дона қилиб.

Ҳозиргина кўзида ёш, дардини тўкиб турган Гулчехра бирдан хушёр тортди. У ҳайратланиб, Нурга қараб қолди.

Нур ҳозир жаҳл билан айтган гапларига, зигирча бўлсин, афсусланмади ҳам, шубҳаланмади ҳам. Ҳа, насиб бўлса, Элбексиз ҳам у бахтли бўлади!

16

Киш кирди. Киш кирса, даладаги ишлар тугайди, деҳқон оёғини узатиб дамани олади, дейдилар. Шундайликка шундайку-я, лекин барибир ҳовлида ҳали у, ҳали бу иш чиқиб туради. Бунди қишлоқда яшаган одамлар яхши билади. Зебинисо опа бугун ҳам ҳовлидан бери келмади. Молларга ем-хашак, товукларга дон берди. Молларнинг тагини тозалади, тандирнинг қулини олди, хуллас, қуни бўйи тинмади. Уни ҳовлидаги ишлар чарчатмади, йўқ, ёлғиз фарзандининг қовоғига қараб яшаш чарчатди. Нур илгари ҳеч бундай эмас эди. Очиққина, қувноққина киз эди. Сира онасининг гапини қайтармас, унинг саволларига тўлиқ жавоб берар, онасига яхши сирдош эди. Тўғри, ҳозир кизи ўз вазифаларини тўла адо этади. Лекин сира очилмайди. Нега бундай бўлиб қолди экан? Онани кизининг қайфияти ўйлатмоқда эди.

– Зебинисо, уйдამисиз?

Зебинисо опа ховлида Зайнаб холани кўриб қувониб кетди.

– Келинг, опа, – у Зайнаб хола билан кўришиб, айвонга бошлади. Кўярда-кўймай кўрпача ёзиб, хонтахта атрофига ўтказди.

Хотинлар уёқ-буёқдан гаплашдилар. Ниҳоят Зайнаб хола хаёлига келган гапни айтди:

– Мунча шаштингиз паст, Зебинисо? Хомуш кўринасиз?

Зебинисо опа худди шу гапни кутиб тургандай, ёрилди:

– Айтманг, опа. Шу Нур қизингиз мени кўп ўйлатяпти-да. Сира чехраси очилмайди. Бирор нарса сўрасам, калта-култа жавоб қайтаради. Индамай хонасига кириб кетади. Секин қарасам, қоғозга бир нарсаларни чизиб ўтирган бўлади.

– Кўп ваҳима килаверманг, ўқиши оғир-да боланинг.

– Ассалому алайкум...

Шу пайт аёллар суҳбати устига Нурнинг ўзи келиб қолса бўладими. Зайнаб холанинг гапи оғзида қолди. Йўқ, у гапини йўқотиб қўймади. Нурнинг келиб қолгани нур устига нурдай, чехраси ёришиб, деди:

– Вой, болам-а, келдингми, айти ўзимам сени гапириб турувдим...

Нур бориб Зайнаб хола билан кўришди.

– Ҳа, мени гийбат килаётувдингларми ҳали? – деди қулганича. Кейин ойисига юзланди: – Ҳозир ечиниб чиқай, овқат қиламан.

Зайнаб хола қўллари билан Нурнинг этагидан тутди.

– Бирпас тутқич бер, болам. Овқат қочмас, қиларсан. Сенга бир воқеани айтиб берай дегандим.

Нур истар-истамас Зайнаб холанинг ёнига чўқди. Зайнаб хола зимдан Зебинисо опага ишора қилди. Сиз бораверинг, дегандай бўлди.

– Мен қўйлардан хабар олай...

Нур, мен ўзим бораман, дегандай, ойисига қараб қўйди. Лекин Зайнаб хола сенга бир воқеани айтиб бераман, дегани учун унинг ҳикоясига қулок тутди.

– Қизим, биз Абдулла амакинг билан бир қишлоқда катта бўлдик. Мен ўртаҳол оилада дунёга келдим, отам далада деҳқончилик қилар, онам уй бекаси эдилар. Биз оилада еттита фарзанд эдик. Мен ота-онамнинг тўнғич фарзанди бўлганлигим учун рўзгорнинг бир учи менинг гарданимга ҳам тушган эди. Бир оз уйдагиларга ёрдамлашай, деб бир тикувчи кўшнимизга шогирдликка тушдим. Мактабдаги ўқишимдан бўш вақтларимда уларникига чикиб чок тикишга ёрдамлашардим. Аксар ёз ойлари устозимнинг қўли кўлига тегмасди. Бундай пайтларда мен ҳатто дарсларимдан қолиб бўлса ҳам унга ёрдамлашгани чиқардим. Орадан оз муддат ўтгач, мен ўзим ҳам мустақил кўйлақлар бичиб тикадиган бўлдим. Ҳар ҳолда бировларга тикмасам ҳам уйда онам, сингилларимга ўзим кўйлақларини бичиб, тикадиган бўлиб қолдим.

Мактабни битирган йилим пахта теримидан сўнг отам менга бозордан битта эски тикув машинаси олиб бердилар. Ўша куни дунёда менадан бахтли одам йўқ эди. Эртасига онам тандирда нон ёпдилар. Иссиқ нон, устига қурук мевалар қўйиб, устозимникига олиб чиқдилар.

– Ҳабибахон, шогирдингизни дуо қилинг. Қизим ҳам сизга ўхшаган эпчил, чевар бўлсин, – дедилар.

Устозим камтар, оқила аёл эди. Ҳабиба опа қўлларини дуога очиб, узундан-узук дуо қилдилар.

– Шогирди устозидан ҳам ўзиб кетибди, деган гапларни эшитишни насиб қилсин, – деб яқунладилар гапларини.

Отам оила боқаман деб ўзларини ўққа-чўққа урардилар. Чунки еттита болани едириб, ичириб, кийинтиришнинг ўзи бўлмасди, буни кўшнимиз Ҳабиба опа яхши билардилар. Қолаверса, отам куч-қувватдан ҳам анча қолгандилар. Ҳабиба опанинг учта ўғиллари бор эди. Уларнинг тўнғичлари Абдулла акангиз эдилар. Устозимни дуоларини олгач, устозим онамга қараб:

– Опажон, қани эди менинг ҳам Зайнабга ўхшаган битта кизим бўлса эди, – дедилар.

Онам кулиб, дедилар:

– Ҳадемай ўғилларингизга келинлар келади. Улар сизга ўз кизингиздек бўлади.

Негадир мен ўнғайсизланиб, ерга қарадим. Чунки Абдулла амакинг билан ҳар куни гаплашмасам ҳам у кишига кундан-кунга қаттиқроқ боғланиб борганимни англадим.

Онамнинг гапига жавобан Ҳабиба опа шундай дедилар:

– Ўғилларимга Зайнабга ўхшаган эпчил, зийрак келинлар келишини истар эдим.

Ҳабиба опанинг бу гапига фаришталар омин дедими, мен амакингга тушдим.

Зайнаб холанинг айтганлари нашъа қилдими, бирдан Нур шарақлаб кулиб юборди.

– Вой, холажон-ей, ҳали қатта муҳаббат билан амакингга текканман, денг.

Ўтмиш хотиралари ичида юрган Зайнаб хола Нурнинг кулишига-ю, сўзларига унча аҳамият бермади. Нурга бир қараб кўйди-ю, гапида давом этди:

– Устозим Ҳабиба опа ҳар якшанба бизникига чиқиб янги-янги андозалар олишинг мумкин, дедилар. Нур қизим, ишонсанг, якшанба кунларини худди байрамни кутгандек кутар эдим. Якшанба кунлари андоза олиш баҳонасида уларникига чиқиб кир-чирларини ювиб, супур-сидир ишларига ёрдамлашардим. Шу баҳонада Ҳабиба опам айтганидек, чеварликда устозимдан ҳам ўзиб кетдим. Саратон ўтиб, куз бошланган бўлса ҳам ҳаво иссиқ эди. Ҳовли, кўчаларга сув сепсанг, қизиб ётган ердан тупрок тафти юзингга уриларди. Бир куни Ҳабиба опам менга шундай деб қолдилар:

– Қизим, қишлоғимиз марказида янги билим юрти очилибди. Абдулла аканг ўша ерга ўқишга ҳужжат топширмакчи. У ҳайдовчиликни ўрганаман дейди. У ерда тикувчилик, тўқувчилик гуруҳлари ҳам бор экан. Истасанг, сен ҳам ўзингни синаб кўр, деб қолдилар.

Мен бу гапни эшитгач, хурсанд бўлиб кетдим. Ўша кунийёк ота-онамдан рухсат олиб, эртаси куни билим юртига Абдулла амакинг билан бирга бордик. Керакли ҳужжатларни

йиғиб уч кундан сўнг хужжатларимизни бир билим юртига топшириб келдик.

Ишга шунчалик берилиб кетдимки, билим юртида факат аёл кишиларнинг либосларини эмас, хатто эркакларнинг ҳам шим, кўйлаklarини тикишни ўрганиб олдим. Баъзан онамнинг: “Қизим, эрталабдан бери чок тикасан, бунақада кўзингни ишдан чиқарасан-ку. Бўлди, йиғиштир”, деган танбехларига парво қилмасдим. “Ойижон, гап пулда эмас, мен эртагача битириб бераман, деб ваъда қилганман”, дердим. Шунда ойим: “Қизим, Худойим тана аъзоларимизни бизга омонатга берган, уларни ҳам аяш керак”, дердилар. Мен эсам: “Хавотир олманг, ўзимнинг ҳам жонимга тегди. Мана шуларни тикиб битирай, кейин ҳаммасини йиғиштираман. Кейин тикув машинаси ёнига йуламайман”, деб ерда сочилиб ётган бир тўда матоларга ишора қилардим. Ойим матоларга караб, ваҳима қилардилар:

– Буни қаранглар-а! Баракалла, мени жуда хурсанд қилдинг-да. Ахир бу ерда ўттиздан ортик мато бор-ку.

Мен уларни кулиб юпатардим: “Бўлди, бўлди, кўп сиқилаверманг, мана йиғиштиряпман”, деб тикув машинам ёнида турган майда-чуйда матоларни йиғиштирган бўлардим. Онам эса мендан ҳадеб хавотирланаверардилар:

– Қизим, сенинг ўзингни тутишинг сира менга ёкмаяпти. Мана бугун ўкишингга ҳам бормадинг. Ўқишга борган кунларинг ҳам худди касалманд, чалажон одамга ўхшаб келасан. Овқат ейишингни ҳам тайини йўқ. Сенга ўзи нима бўляпти?

Мен эсам зўрма-зўраки жилмайиб, онамни тинчлантирардим:

– Ойижон, ҳозир ёз чилласи бўлса... Агар кўчага чиқсам, уйга келганимдан кейин хатто рўмолча ҳам тика олмайман. Чикай десам, кўча ёняпти. Нафас олишга умуман ҳаво йўқ.

– Билмадим, болам, – дердилар онам норизо қиёфада. – Барибир сенинг бунақа ўзингни толиқтириб ишлашинг ҳеч менга ёкмаяпти-да.

Шундай пайтларда онамнинг ёнларида узок ўтириб гаплашгим келар, унинг ҳамма саволларига жавоб беришни хоҳлардим. Лекин доим онамдан вақтимни кизганардим. Гапни чўзгим келмай, бирор баҳона билан хонамга кириб кетардим. Онам бечора менга меҳрибонлик қилаверар, жазирама кунлари овқатлангим келмай эркалик қилсам, атрофимда парвона бўлиб, гирдикапалак бўлардилар:

– Қизим, ош емасанг бошқа бирор енгилроқ таом тайёрлаб берайми?

Ўшанда онамнинг ялинишлари ганиматлигини билганимда эди, соатлар эмас, ойлаб ёнларидан жилмасдим.

Зайнаб хола шундай дея кўзларига ёш олди. Камзулининг чўнтагидан рўмолчасини олиб, кўзларини артди-да, гапини келган жойидан давом эттирди.

– Ахири бир куни онамнинг тоқатлари ток бўлди:

– Буюртмаларинг қачон тугайди? Тезроқ қўлингдаги ишларингни тугатгин-да, бошқа иш олма!

Ойимнинг бу гапини эшитиб, капалагим учиб кетди.

– Ахир ҳавасга тикаётганим йўқ-ку, ойи. – дедим нолиб. – Ўзимнинг ҳам жонимга тегиб кетди. Озгина пул йиғиб кўйсам, ҳали у керак, ҳали бу керак, фалон жойда юриш бор, шунга пул керак, дейсизлар. Кечаю кундуз тинмай ишласам ҳам сира пул йиға олмаяпман.

Ўшанда менинг бу гапимга онам бечоранинг канчалар диллари оғриди экан... Онам шунда ҳам сочларимни силаб, мени юпатдилар:

– Ношукур бўлма, кизим, тавба де. Худойим сенга шундай гўзал ҳунар берибди, шунга яраша куч-қувват ато этибди. Шу ҳунар орқасидан еяпсан, кияяпсан. Яна ана шу ҳунаринг билан кишлоқда ҳурмат топдинг. Зайнаб чевар, деб ўзимизнинг кишлоқдан эмас, кўшни кишлоқлардан ҳам сени излаб келишяпти-ку. Нима, ўзларининг кишлоқларида тикувчилари йўқ дейсанми? Худога шукур қил, болам. Қўлингда шундай ҳунаринг бор экан, ҳеч қачон хор бўлмайсан.

Мен эсам ҳали ёш, гўр эдим. Ўша пайтлар орқа-олдини ўйламасдан гапириб юбораварардим.

– Шундай дейсиз-ку, лекин менинг ҳам дугоналарим катори ўйнаб-кулгим, чиройли кийимлар кийгим, ким-матбаҳо такинчоқлар такким келади. Топган пулим ҳали унга, ҳали бунга кириб кетяпти, – дедим онамга зарда қилиб.

Онамнинг гапимдан диллари оғриган бўлса ҳам буни яшириб, аста менга писанда қилдилар.

– Нима, сен ёмон кийиняпсанми, она кизим? – дедилар онам сочларимни силаб. – Худонинг ўзи сени гўзал қилиб яратган. Нима кийишингдан қатъи назар, кўйлак сени эмас, сен кўйлакни безаб турасан...

Мен тентак, шу гапдан кейин ҳам ўзимга керакли хулоса чиқариб олмабман. Онамнинг қўллари мени эркалар, юпатар, сўзлари кўнглимни кўтарарди. Онам мени эркалаганлари сари мен ўзимдан кетдим. Мени шайтон йўлдан оздирдим. нима бало, бирдан сапчиб туриб, яна онамга зарда қилдим:

– Сиз уйда ўтириб ҳеч нарсани билмайсиз-да. Кўчага чикмайсиз, шунинг учун ҳам ҳозир кизлар қандай кийинишларини билмайсиз.

Мен ўшанда ҳам айтган бу сўзларим билан онамни қаттиқ ранжитганимни пайқаган эдим. Лекин кеч бўлган эди. Айтадилар-ку, айтилган гап – отилган ўқ, деб. Уша кундан бошлаб, чок тикай десам, қўлим бормади. Ҳеч ишим нари силжимади. Менга нима бўлаётганини, нега бундай ҳолга тушганимни сира тушуна олмасдим. Илгари онамдан, укаларимдан унча-мунча нарсани аямаганим учун ҳам ҳамма ишларим силлик, кунларим осуда ўтармиди, билмайман. Онамни ранжитган кунимдан бошлаб ҳамма ишларим орқага кета бошлади. Натижада буюртмачиларимнинг буюртмаларини вақтида тикиб бера олмай, улгуролмай қолдим. Улар уйимизга келиб, тиккан кийиминг қани, деб жанжал қилишарди. Шоша-пиша тиккан нарсаларим ҳам буюртмачиларимга ёкмасди. Буюртмачилар тайёр кўйлакларни чок-чокидан сўктириб, қайта тикишга мажбур қилишарди. Ўшанда қўлимдаги бор ишларимни якунлаб, эга-эгасига топширдим-да, қайта тикув машинасига яқин йўламадим.

Зайнаб хола ниҳоят ҳикоясини якунлади. Кейин бир нуқтага тикилганча жим бўлиб қолди. Нур Зайнаб холанинг ўз ўтмишига ғарқ бўлганини кўриб, хаёлига бир гап келди. “Кеча қизларидан сабоқ олгандик, бугун ўзларидан”. У Гулчехра-ю, Зайнаб холаси унга маслаҳат бера туриб, беихтиёр ўз юракларини эзиб, зилдай юк бўлиб ётган дард-армонларини айтиб, кўнгил бўшатганларини тушунди. Яна шуни ҳам тушундики, бу одамлар Нурнинг яқинлари, улар унинг тақдирига бефарқ эмаслар. Нурнинг ҳаётда бирор хатога йўл кўйишини сира-сира ишташмайди. Нур Зайнаб хола насихат қилиш асносида ўз армонларини айтганида, Гулчехра ҳикоя қилган пайтдагидай, бирдан енгил тортганини ҳис қилди.

Нур меҳри товланиб, Зайнаб холани кучоклаб олди.

– Ўзимнинг холажонимдан ўргилай! Мен ҳеч қачон онамни хафа қилмайман. Сизга сўз бераман!

17

Зебинисо опа кечқурун алламаҳалгача тикиб-чатиб ўтирди. Бир пайт чарчадими, ишларини йиғиштирди. У нина-ипларини жажжигина қутичага жойлади-да, дарс қилаётган кизининг хонасига кирди.

– Қизим, бугун эртароқ ётиб дам ол, кўзларингнинг ичи кизариб кетибди – деди.

– Ойижон, бугун сиз ҳам жуда чарчаганга ўхшайсиз? – деди Нур онасига юзланиб.

Онаси нима деб жавоб қилишини билмай иккиланди. Нур онасининг кўзларида ғамгинлик ифодасини кўриб, шошиб қолди.

– Ойижон, тобингиз йўқми?

Зебинисо опа “йўқ” маъносида бошини силкиди.

– Боя Зайнаб холанг чиқувдилар. Яна ўша гап. Шаҳноза келинойинг ажрашаман деб, Ҳамидни ташлаб, уйига кетиб қолибди. Нима қилсин, наҳотки бешта фарзанд кўриб уларнинг бирортасини бағрига босиб юролмаса.

– Бечора... – Нур бошини чайқади.

– Нимасини айтасан, келин шўрликнинг кони манфийми, мусбатми эмиш. Чақалоклари туғилишига яқин ё қорнида ўлиб қолади, ёки туғилгач, уч-тўрт кун яшаб саргайиб кетиб ўлади.

– Абдулла амаким билан Зайнаб холам Ҳамид акамни жуда яхши кўришади. Болалигимизда Гулчеҳра кўпинча улардан доим ота-онам мендан кўра Ҳамид акамни яхши кўришади, доим уларнинг кўнгилларига қарашади, деб хафа бўларди.

Онаси бошини ирғаб, кизининг гапини маъқуллади.

– Ҳамид аканг ёлғиз ўғил бўлгани учунми, унга қанча кўп меҳр берсак, қариганимизда ўзимизга қайтади, дейишарди. Лекин қиздан буюрадими, ўгилданми, буни фақат Худо билади. Маҳаллада ҳозир Ҳамид ичкиликка берилиб кетган, дейишади. Уни кўрмаганимга ҳам анча бўлди. Зайнаб холаиғ бир чиққанларида ўтлим келинимнинг тилла тақинчоқларигача олиб арзимаган пулга сотиб ичиб юборибди, деган эдилар. Майли, ётақол.

Зебинисо опа шундай дея ўрнидан турди-да, хонадан чиқди. Нурга онасининг гаплари таъсир қилдимиз, шундан кайфияти бузилдимиз, негадир ваҳимага тушди. Қулогига шундок яқиндан зағизғонлар овози эшитилгандай бўлди. Азбаройи ана шу овозни эшитмай, дея кўрпага бурканиб олди. Тун уни ҳеч қачон бундай кўрkitмаган эди. Нур сира ухлай олмади, алламаҳалгача балиқчининг тўрига илинган балиқдай уёқдан-буёққа тўлганди. Ниҳоят тонгга яқин кўзи илинди.

Бир туш кўрибди. Тушида кўчаларида тўй бўлаётган эмиш. Гала-гала лўлилар кўчани тўлдириб, кўшиқ айтганларича рақсга тушиб келаётганмиш. Лўли аёллардан бири бошига каттакон яланғоч бешикни кўндириб олганмиш. Лўли аёл бошидаги бешик белидан синган эмиш. Лўлилар тинмай ашула айтиб, ўйнаганларича Абдулла амакиникига кириб кетаётганмиш. Нур писибгина Абдулла амакисининг дарвозасидан мўралабди. Бундок қараса, дошқозонда сумалак қайнаётганмиш. Қайнаб турган дошқозон ичида

Ҳамид рақсга тушаётганмиш. Сал нарироқда коп-кора либос кийиб олган Зайнаб хола бошига кора шарф ёпиб, келганларга келин салом қилаётганмиш.

Нур бошига бешик кўйиб олган лўли аёлдан: “Бу кимнинг бешиги? Ахир уларнинг уйида чақалоқ йўк-ку?” – деб сўрабди хайрон қолиб. Лўли хотин эса унга шундай жавоб қилибди:

– Бу Ҳамидбекнинг бешиги, ичида беланчаги ҳам бор.

Нур чўчиб уйғониб кетди. Кўнгли ғаш эди. Уни алла-кандай хавотир, тахлика қамраб олди.

Ҳайдар ака субҳ намозини ўқиб бўлгач, дарвозани очиб, ташқарига чиқди. Бирдан Абдулла амакининг дарвозаси ёнида турган “Тез ёрдам” машинасига кўзи тушди. Ҳали тонг ёришмаган, кўча нимқоронги эди. Лекин Абдулла амакининг дарвозаси тепасидаги кўча чироғи ёник эди. У чирок ёруғида амакисиникига шошиб, югуриб кириб кетаётган кўшнилари кўриб, хайрати ошди. У хавотирланиб, уйига кирди. эгнига чопонини илди.

– Яна Зайнаб келинойимнинг қон босимлари ошганга ўхшайди. Эшиклари ёнида “Тез ёрдам” машинаси турибди. Мен ҳозир чиқаман.

Ҳайдар ака шундай дея ховликканича кўчага чиқиб кетди. Зебинисо опа ҳам хавотирланиб, эрининг ортидан кўчага чиқди. У кўчага чиқди-ю, Абдулла амакиларнинг уйдан эшитилаётган бақир-чақир овоздан оёқлари қалтираб юролмай қолди. Уларнинг уйларида Зайнаб хола-нинг: “Онанг ўлсин, болам, онанг ўлсин!” – деган фарёди эшитиларди. Зебинисо опа ўзини қўлга олди. Кейин Абдулла амакиларникига қараб югурди.

Нур ҳеч нимага тушуна олмади. Бирдан гангиб, ховлидаги супага ўтириб қолди. “Наҳотки Гулчеҳра ҳаёт қийинчиликларига дош беролмай, жонига қасд қилган бўлса? Йўк, бундай бўлиши мумкин эмас! Унда нега Зайнаб холам “боламлаб” йиғляпти? Йўк, Гулчеҳра бундай қилмайди! Унинг ақли хуши жойида. Гулчеҳра ҳеч қачон ота-онасига бундай мусибатни раво кўрмайди”. Нур шундай хаёллар билан пича ўзини тинчлангирди-ю, барибир кўнглининг

гашлиги таркамади. Шу ўтирганича қанча ўтирди, ўзи ҳам билмайди. Бир маҳал ховлига онаси кириб келганини кўриб, ўрнидан турди. Шошиб бориб, онасини саволга тутди.

– Ойижон, нима гап?

Зебинисо опанинг кўзлари қизарган, шундок ҳам қорача юзи баттар қорайиб кетганди.

– Мусибат, болам, мусибат! – деб йиғлаб юборди.

– Нима? Мусибат дейсизми? Гулчеҳра тинч эканми? Абдулла амаким билан Зайнаб холам соғми? – Нур хавотир ичида онасига бетўхтов савол устига савол ёғдирадди.

Зебинисо опа беҳол супага ўтирди. Бир оз тин олиб, кизининг саволларига жавоб бера бошлади:

– Энди бу мусибат уларни букиб кўймаса эди... Ҳамид аканг ярим кечаси маст ҳолда девордан ошиб тушаман дебди. Шунда девор тагига тахлаб кўйилган темирлар устига йиқилибди. Бели синиб...

Зебинисо опа шундай деб, бирдан ўкраб йиғлаб юборди. Шу пайт дарвоза очилиб, йўлакда Ҳайдар ака кўринди. Унинг ҳам кўзлари қизарган эди. У ҳам бориб, хотини билан кизининг ёнига ўтирди.

– Сандикни очиб, чопон-қийкчаларимни тайёрла, – деди бир оздан сўнг Ҳайдар ака.

Зебинисо опа: “Хўп”, дея ўрнидан туриб, ичкарига кириб кетди.

Беихтиёр Нурнинг қулоғига Зайнаб холанинг бир пайтлар айтиб берган ҳикояси эшитилди. Тўғриси, Зайнаб хола бу воқеани унга эмас, яқин сирдоши бўлиб қолган Зебинисо опага айтиб берган, шу билан кўнглидаги ғам-армонларни пича нари ҳайдаган эди. Нур уйда дарс тайёрлаб ўтирарди. Балогат ёшидаги қиз эмасми, айвондан эшитилган ишқ киесаси уни бефарқ қолдирмади. Албатта, у бировларнинг суҳбатига қулоқ тутиш яхши одат эмаслигини биларди. Лекин барибир тинглашдан ўзини тия олмади. Бу ҳикояни Нур эшитганлигини на онаси, на Зайнаб хола билган эди.

– “Ёшлик – бебошлик” деб шунга айтишса керак-да, – деб ҳикоя қилган эди ўшанда Зайнаб хола. – Қаранг, онам

билан гаплашгани вақтимни кизганиб, хонамга кириб, соатлаб Абдулла амакингиз хақида хаёл сурардим. Абдулла амакингиз ёшлигида жуда хушрўй йигит эди. У менга сени ёктираман, деб айтмаган бўлса ҳам узоқ тикилиб туришларидан менга бефарқ эмаслигини сезардим.

Орадан ойлар, бир, икки йил ўтиб бир-биримизга кўзга кўринмас иплар билан боғланиб қолганимизни ҳис қилдик. Ўқишдан қайтаётганимизда соатлаб автобус бекатида суҳбатлашиб ўтирардик. Шундай кунларнинг бирида бир воқеа юз берди. Биз ўтирган ўриндикдан сал нарироқда музқаймоқ, сув сотиладиган дўкон бор эди. Одатда ёз ойларида дўкончи музлатгични кўчага қўйиб олганича, музқаймоқ, сув сотарди. Биз дўкондан ўн-ўн беш кадам наридаги бекатда гаплашиб ўтирардик. Музқаймоқ сотилаётган жойда шовқин-сурон кўтарилди. Абдулла ака гоҳ менга, гоҳ тўполон қилаётган йигитга қараб-қараб қўярди. Ниҳоят у жойидан туриб, жанжал бўлаётган жойга борди. У ерда нима гап-сўзлар бўлгани менга номаълум. Лекин Абдулла ака қайтганида ранги докадай оппоқ эди, оёк-қўллари титрарди.

Мен ундан юрагим урганини босолмай сўрадим:

– Тинчликми, сизга нима бўлди? Чап кўзингиз кизариб, кўзингиз, ковокларингизда шиш пайдо бўлибди?

– Бир йигит ичиб маст бўлиб, сотувчи кизни ҳақорат қилаётган экан. Уларни ажратмоқчи эдим, у менга қўл кўтарди. Мен зарб билан кўксига бир мушт туширганимни биламан, у дўкон зинасига бели билан йиқилди. Ишқилиб бели синмаган бўлсин-да...”

Нур ўйга чўмди. Одатда шунга ўхшаш вазиятларда онаси оқилона хулоса чиқариб оларди. Балки онаси ҳозир ҳам: “Қилмиш – қидирмиш, – деган ва: – Ҳа, шундай”, – дея бош ирғаб, ўз гапини маъқуллаган бўларди.

Азали уйдан то аср вақтигача йиғи-сиғи овози тинмади.

Ҳамидни сўнгги манзилга кузатгани унинг хотини Шаҳноза ҳам ота-онаси билан келибди. Нур бу хабарни

уйларига “бирровгина” чиққан кўшнилар шивир-шивиридан билиб олди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас эса Нур худди ана шу кўшнилар орасида юрган яна бир гапдан хабар топди. Эмишки, Шаҳноза ёғоч чўплардан кўғирчоқлар ясармиш. Ҳафсала билан шу кўғирчоқларга турли либослар кийдириб олармиш. Сўнг уларни йўргаклармиш-да, маҳкам бағрига босганича эрининг кабри пойига тиз чўкармиш. У кабристонга ҳар куни келармиш. Қабр пойида тиз чўкканча марҳум эри билан гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб узок вақт суҳбат курармиш. Кейин эса чўпгўдагини бағрига маҳкам босганча сочларини ёйиб, кишлоқ кўчаларида тентираб юрармиш. Айтишларича, ота-онаси Шаҳнозани даволаш учун бир неча марта руҳий касалхоналарга ётқизибди, аммо фойдаси бўлмабди. У сўнгги марта касалхонада ётиб чиққач, ҳеч нарса емай, ичмай қўйибди. Шаҳноза худди ўзи ясаган чўп кўғирчоқлари сингари чўпдай озиб кетибди.

Орадан озгина вақт ўтди. йўкми, кишлоқ бўйлаб Шаҳнозанинг бу дунёдан ўтганлиги ҳақида хабар тарқалди. Энди у ҳам ота-онасини чиркиратиб, севгилиси ёнига абадий бирга бўлмок учун равона бўлибди.

“Дунёда инсон бир-бирига хаддан ортик меҳр-муҳаббат қўйиб бўлмайди”, дея бош чайкади кўшнилари Ҳанифа хола.

“Демак, Элбекдан воз кечиб тўғри қилибман-да?” – Ҳамид ва Шаҳноза ишк-муҳаббатининг бундай фожиий якунидан ўзича хулоса ясади Нур.

18

Қиш яримлади. Элбекнинг кўнгли ана шу қишдай туссиз, нурсиз эди. Шаҳарда кечирган кунлари ҳам ана шундай рангсиз ўтди. Элбек шаҳарга кетсам, барини унутарман, деб хаёл қилган эди. Беҳуда шундай деб ўйлаган экан, уддасидан чиқолмади. Изтироб юрагини парча-парча қилиб юборди. Ахир Нур тамомила: “Бўлмайди!” – деди-я! Кўз олдида Нурнинг дам жилмаяётган, дам йиғлаётган, дам кафтлари билан юзини тўсган киёфаси гавдаланар, шунда ўзини йўқотиб қўяёзарди. Уларнинг ўрталарида ўтиб бўлмас

кудратли тўсик турганлигини англаб турарди. Элбек бу тўсикни суриб ташлаш ё ҳатлаб ўтишга на кучи, на иродаси егарди. Ана шу кудратли тўсик – онаси эканлигини ичичидан хис қиларди. Нафсиламрини айтганда, онасига бирор нарсани уктириб, ниятига етишни хаёлига ҳам келтиролмас, буни аклига ҳам сиғдиролмасди.

Зинапояда ўйчан ўтирган Элбекка Улуғбекнинг раҳми келди. “Нима бўлди экан унга? Келибдики, шу алфоз. На очик-ёруғ гаплашади, на диллашади. Ичимдагини топ, деб тураверади”. Улуғбек укасига караб турди-турди-да, ёнига келиб қолган хотинига имо қилди:

– Нима бўлди унга?

Хотини елкасини қисди:

– Менам хайронман, ҳеч очилмайдилар. Ё мазалари йўқми, билмайман. Ўзим ҳам сизга шуни айтмоқчи бўлиб юрувдим, ҳеч мавриди келмади.

Улуғбек аста укасини чақирди.

Элбек бошини кўтариб, акасига каради.

– Чик буёққа!

Улуғбек укасига ичкарини ишора қилганича рўпарадаги хонага кириб кетди. Элбек акасининг кетидан хонага кирди.

– Ия, ака, нега ишга бормадингиз? – Элбек беихтиёр акасига шундай савол берди.

Акаси кулди. Элбекнинг бошига бир тўртди.

– Бугун якшанба-ку, тентак!

Элбек бошини опқочиб, илжайди. Улуғбек бориб, диванга ясланиб ўтирди. Элбек акасининг рўпарасидаги курсига чўкди. Ака укасига бошдан оёқ разм солиб чикди. Сўнг томоқ кирганича деди:

– Хуш-ш... қани, гапир...

Элбек ажабланиб, уёқ-буёғига каради.

– Нимани гапирай? – деди таажжуб ичида. – Тинчликми, ака?

Басавлат, гапини икки қилишларини ёқтирмайдиган, бир сўзли ака ҳам ўз навбатида ажабланиб, деди:

– Буни сиздан сўраймиз. Куннинг фарқига бормаганинга караганда, унчалик ҳам тинчлик эмас.

Элбек ўнгайсизланди. Акасига нима деб жавоб қайтаришини билмай каловланди.

– Нимаям бўларди... Буёғи имтиҳонлар... одамни шошириб ташляпти.

Улуғбек укасига синчков назар солиб чиқди.

– Шунақа де... – деди ака укасига яна шундай назар билан тикиларкан.

– Ростини... – қисқагина жавоб берди кочиби кетишга жой тополмай ука.

Ака укасига кўп гапларни айтмоқчи, ундан кўп нарсаларни суриштирмоқчи, у билан дилдан гаплашиб олмоқчи эди. Лекин Элбекнинг авзойидан бирор нарсани айтадиганга ўхшамайди. Бундай вазиятда ундан бирор нимани билиб олишнинг ўзи амримаҳол. Демак, укасидан бирор нарса сўрашнинг, айниқса, уни тергашнинг ҳеч фойдаси йўқ. Ҳамиша бир зумда қарор қабул қиладиган, табиатан қатъиятли Улуғбекка бу сафар ҳам шу феъли панд бермади:

– Юр, кишлоққа кетдик. Тез кийин!

Элбек бош силкиди.

– Ўзинглар бораверинглар. Ишим кўп.

Ака уканинг рафторидан кишлоққа бормаслигини, айниқса ҳозир уни бунга мажбур қилолмаслигини тушунди.

– Ҳей, қасқасизлар? – зарда билан ташқарига қараб овоз берди Улуғбек.

Элбек бирпасда акасининг кайфияти бузилганлигини кўриб, ирғиб ўрнидан турди-да, айвонга чиқди.

Элбек бир зумда келинойисини топиб келди.

Остонада Махфуза келин кўринди. Савол назари билан эрига қаради:

– Лаббай?

– Тез тайёрланинглар, кишлоққа кетдик!

* * *

Теварак-атроф кишки либосда. Дарахтлар ялангоч, унда бунда икки кун илгари ёкқан қор парчалари кўзга ташланади. Ҳаво очик бўлса-да, ҳали қор совуғи бор эди. Аксарият дам олиш кунлари хотин-болаларини олиб, кишлоққа борадиган

Улуғбекнинг феълени билган Маҳфуза келин қайнота-қайнонасининг кўнглини оламан, деб эрталабдан тадорик кўрди, ошхонадан чиқмай қуймаланди. Ахир эри хе йўк, бе йўк, тўсатдан кетдик, деб қолади-да. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Бу сафар эрининг кайфияти йўк, шунинг учун у питир-питир қилиб, тезгина кишлоққа олиб борадиган нарсаларни жойлади. У ҳар қанча ҳаракат қилмасин, барибир инжик қайнонасининг кўнглини ололмаслигини билади. Ҳа, қайнонасининг кўнглини олиш шундай қийин... Лекин шундай бўлса-да, бу ҳаракатлари билан эрининг ўзига меҳри товлансин, дейди, гўё унинг олдида мен аслида яхши келинман, дегиси келади. Улуғбек онаси топган қизга уйланмади. Санобар ая тўнғич ўғил унинг гапига кирмай, суйгани Маҳфузага уйлангани учун ҳеч чидай олмайди, иккита болалик бўлсалар ҳам ҳалигача келинининг кўзини очирмайди.

Аслида қатъиятли, бир сўзли, айниқса сўнги пайтлар ишбилармон бўлиб янада камгап бўлиб қолган ўғлининг салобати босади. Унга бирор оғиз гапиролмайди-ю, келинини гап билан узиб-узиб олади.

– Ойимга ёқаман деб ортиқча овора бўлма, ойим барибир пишириб олиб борган нарсаларингни емайдилар, – деди ошхонага кириб келган Улуғбек.

Маҳфуза эрига бир қараб қўйди-ю, индамади.

– Тезроқ бўл! Кечгача ошхонада ўралашмай, болаларни кийинтир! – шоширди хотинини Улуғбек. – Ҳали кишлоққача бир соатлик йўл юришимиз керак. Қор ёққанда кишлоқ кўчалари музлаган бўлса, Худо билади, қачон етиб оламиз.

– Элбек биз билан бормайдими? – деб сўради Маҳфуза.

Улуғбек эшитмадими, индамай машина томон кетди.

Эрининг: “Ҳали бўлмадингми?” – деб койимаслиги учун Маҳфуза уйга кириб тез-тез болаларини кийинтира бошлади. Улуғбек ҳам уларнинг ортидан кириб пальтосини кияркан, деди:

– Қани тез машинага чиқинглар, ҳали бозорга ҳам киришимиз керак.

У тез-тез юриб кўчага чиқди. Унинг кетидан бакир-чакир килиб болалари ва пиширган нарсаларини кўтариб хотини чиқди. Бу сафар эрининг рафторидан бозор катта бўладиганга ўхшайди

Улуғбек машинасини йўл четида тўхтатди. Хотини билан болаларини машинада колдириб, ўзи бозор томон кетди. Маҳфуза эрининг кетидан гапирганича қолди:

– Дадаси, бу тўполончиларингизни ярим соатдан ошик машина ичида ушлаб ўтира олмайман. Тезрок чикинг!

Афтидан, Улуғбек хотинининг гапини эшитмади. Эри томонга қараркан, Маҳфуза ўйланиб қолди. Маҳфузанинг ота-онаси кексалик нафакасига чиккан одамлар. Маҳфуза ота-онасининг кенжатоёи. Акалари. опалари ота-онасининг иззатини ўрнига кўйиб. ҳеч нарсага зориктиришмаса ҳам Маҳфуза ҳар хил байрам, улуг айём кунлари қайнона-қайнотасига нима совға олса. ота-онасига ҳам худди шундай нарсаларни совға килиши Санобар аяга сира ёқмайди. Бундай пайтларда у худди курк товукдек ҳурпайиб, бир неча кунгача аразлаб юради. Бошка оддий кунларда ҳам келини ота-онасини кўргани борса. набираларидан, бувингни кўргани бозордан нималарни олдинглар, ойинг бувингга пул бердими каби саволлари билан безор қилади. Агар набираларидан унинг бозордан бирор нарса сотиб олганини эшитиб қолса борми, қовоғини солиб, расмана келинига эшиттириб, пичинг қилади:

– Ҳа. мен ўғлимни қайнона-қайнотасини ёғлик патирлар билан боқсин деб туғиб, тарбия килиб қўйганман.

Улуғбек роса айланиб бозор қилгач, ниҳоят кишлок томон йўл олдилар. Шаҳар кўчаларида машиналар гавжум бўлгани учунми, музи буткул эриган, кишлок йўлларида эса ёмғир устига ёққан қор хали эрмаган, айрим жойларда болалар чана учиб, худди ойнадек ялтирагиб сирпанчик килиб қўйганди.

Шаҳар ҳаётига ўрганган Улуғбекни кишлок ўзига хос жиҳатлари, яъни қандайдир файзи билан ўзига жалб этмоқда эди.

– Отамга ҳам ҳайронман, қанча-қанча жойларни кўрсатсак, ҳавоси яхши экан, деб сотиб олган жойларини кара, – деди Улуғбек кимсасиз, жимжит кўчалардан ўта туриб.

– Кишлоқ кўчалари қишда шундай тинч бўлади. Одатда бу ерларда баҳорда, ёзда иш қайнайди, – деди Махфуза кўчага караб.

Ниҳоят улар ота-онасининг уйига кириб боришди. Набираларини соғинган Санобар ая уларни маҳкам бағрига босиб, юзлари, пешоналаридан чўлп-чўлп ўпди. Кейин ўғли билан қучоклашиб кўришди, сўнг келинига навбат келди.

– Элбек келмадимми? – деб сўради Санобар ая ўғлига караб.

– Келиб қолар, – қисқа қилиб деди Улуғбек.

Ўтирдилар, ҳол-аҳвол сўрашдилар. Чой ичилди, шаҳардан олиб келинган таомлар ўртага қўйилди, танаввул қилинди. Шулардан сўнг Улуғбек гапни узоқдан бошлаб ўтирмай, дангал мақсадга ўтди:

– Дада, бу Элбекни нима қиламиз, жуда шашти паст-ку? – деди у онасига эмас, Ёиёс акага караб.

Санобар ая шўшиб қолди. Сўзлашга оғиз жуфтлади-ю, Улуғбек: “Сиз эмас, дадам гапирсин”, дегандай, даласига юзланди. Санобар ая индамай қолди.

– Элбекка нима кипти? – хотиржамлик билан сўради чой хўплай туриб Ёиёс ака.

– Қайфияти тушкун, ўзи бир аҳволда, – деди Улуғбек.

– Энди бирор кизга ошиқ бўлгандир-да... Ёш бўлса, ишқ дарди кимнинг бошидан ўтмаган дейсан, – деди Ёиёс ака бамайлихотир. Кейин хотинидан сўради: – Элбек нима учун кишлоқдан кетиб қолди ўзи, а?

Санобар ая ўзини қўярга жой тополмай қолди. Яна бирор оғиз гап айтишга чоғланди. Лекин келини чакконлик қилиб деди:

– Ҳа, дада, тўғри. Менимча, киз шу кишлоқдан бўлса керак. Бир нарса бўлгандирки, Элбек кишлоққа...

Бир маҳал Маҳфузанинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. Келини гапириши билан Санобар ая унга шундай ўқрайиб қаради... Келини қайнонасининг қарашидан: “Сенга гапни ким кўйибди?” – деган маънони уқиб, қаловланиб деди:

– Чой совиб қолгандир, янгилаб кела қолай. – У шундай дея, чойнақни олиб, ташқарига отилди.

– Келинингизнинг гапида жон бор, Элбек шу кишлоқлик қизга ошиқ бўлган, – шартга ҳукм чиқарди Улуғбек. – Ўша қиз бир нарса деган, у бўлса, аразлаб шаҳарда юрибди.

Улуғбек: “Тўғрими?” – дея гапини маъқуллашмоқчи бўлгандай, дадасига қаради. Санобар ая ловуллаб кетди.

– Қанақа ишқ, қанақа севги? Ўзингларча тўн бичаверманглар! Тавба, мен айтдим, борақол бу ерда қийналмай, дедим!

Ғиёс ака хотинини босмоқчидай, қўлини силкиди.

– Онаси, сен шошмай тур! Буларнинг гапида жон бор. Бўлади шундай савдо, бўлади! Тўхта, анув қиз бўлмасин тагин маҳалламиздаги? Сенга уқол қилиб юрувди-ку, чиройликкина?

Ғиёс ака хотинига юзланди. Санобар ая ўғли Элбекдан гап бошлагандаёқ, шу гап очилмасайди, деб кўрқиб турувди. Одатда тўнғич ўғлидан ҳайиқиб турадиган Санобар ая бу гапни эшитиб жони чиқиб кетаёзди:

– Қаяқдаги гапларни гапирманг, дадаси! – энсаси қотиб юзини тесқари ўгирди. – Ўзи ўқишидан сиқилгандир, бошқа ишлари юришмаётгандир, сизлар бўлсангиз, дарров гапни ишқ-мухаббатга бурасизлар...

Улуғбек онасининг гапини эшитиб, ўрнидан туриб кетди. Қўлларини онасининг гапларини рад этиш маъносида силкиди.

– Йўк, йўк, ойи! Дада, қиз шу кишлоқдан! Бу – аниқ! Келинлар, болани кўп қуйдирмайлик-да, ўша қизни топайлик. Ойим келинлари билан бориб келсинлар.

Улуғбек “масала ҳал”, дегандай, қўлларини ёйди. Санобар ая нима қилишини билмай қолди. Назарида ҳаммаёғидан

тер оккандай рўмолчаси билан юзларини артди, пиёладаги совиб қолган чойини устма-уст ичди. Кейин эрига қараб, зарда билан деди:

– Дадаси, мен айтдим ахир, уни уйлантириб қўяйлик, дедим. Сиз бўлсангиз, ҳалитдан бўйнига бўйинтурук осмоқчимисан, дедингиз. Мана, окибати.

Ғиёс ака уф тортгандай, оғир тин олди. Сўнг энсаси котиб, деди:

– Хўш, нима дейсан, яна Саидами?

– Ҳа, Саиданинг нимаси ёмон экан? – Санобар ая яна жиловни қўлига олди. – Чиройли, одобли, институтда ўқийди...

– Бўлди, бўлди! – кулоқларини ёпди Ғиёс ака.

Орага Улуғбек қўшилди.

– Ойи, Элбек-чи, Элбекдан сўрадингизми? Ахир Саида синглизидай гап-ку? Ўйлаб гапиряпсизми? Ўз ўғлингизнинг кўнглидагини сўрадингизми? Кимга кўнгли борлигини билдингизми? – деди у онасига писанда қилиб.

Санобар ая Улуғбекнинг гапини эшитиб, ўрнидан сапчиб туриб кетди.

– Сен гапирма! Аралашма! Ўзингни бил! Сен-ку, ҳамма ишни расво қилган! Энди орзу-ҳавас кўраман деганимда яна...

Улуғбек онасининг нимага шама қилаётганини тушуниб, жаҳли чиқиб кетди.

– Э, боринг-е, ойи, билганингизни қилмайсизми? Менга деса орзу-ҳавас ичида чўмилмайсизми...

Улуғбек қўлини силтаганча ичкари хонага кириб кетди.

Шу билан оилавий кенгаш тарқади.

Улуғбек хотин-болаларини олиб, шаҳарга жўнаб кетди. Ўғлининг совуқ хайрлашишини Санобар ая унчалик ўзига олмади. “Ҳа, гап эгасини топади-да”, деди ичида “мен ҳақман” кабилида. Аммо Ғиёс аканинг юраги туз сепгандай ачишди.

Эр-хотин иккалови қолдилар. Ғиёс ака ховлида юрган хотинини қўли билан “Буёкка кел!” – деб имо қилиб чақирди.

Санобар ая келиб, айвонга чиқди, эрининг ёнидаги курсига ўтирди.

– Ҳа, нима дейсиз? – деди кошларини чимириб.

Ғиёс ака бошдан-оёқ хотинига разм солиб чиқди. Сўнг бир нарсани айтиш олдидан тўхтаб олгандай, пича тин олди. Санобар ая шунча йил яшаб эрининг табиатини яхши билиб олган, шунинг учун унга нима деб жавоб қайтаришини ичида ўйлаб олди.

– Сен нима қилиб қўйганингни биласанми? – деб гап бошлади ниҳоят Ғиёс ака. Кейин хотини одатдагидай бидиллаб кетмасин дедими. сўзида тез давом этди: – Намунча ношукурсан-а? Улуғбек Маҳфузага уйланиб хато қилдими? Келин бечора кўзингга караб турса, хар ҳафта келиб хизматингни қилиб кетса, тўтидай бир-биридан ширин болалари бўлса, яна сенга нима керак? Яна сенга қанака орзу-ҳавас керак? Э, сенинг ўша орзу-ҳавасингдан ўргилдим...

Ғиёс ака чапарастасига сўкинди. Эрининг жаҳли чикканини кўриб, Санобар ая индамади. У эрига қачон ва қаерда нима дейишни, қандай йўл тутишни биладиган уста хотинлардан. Санобар ая эрининг гапира-гапира, кейин жаҳлидан тушишини яхши билгани учун унинг гапларини бўлмаётди.

– Жигар экан, укасининг аҳволидан қайгуриб келибди. Сен бўлсанг, нима қилдинг? Аралашма эмиш! Жигар бўлса, нега аралашмайди-а? Ҳе, сени ўша...

Санобар ая эрининг авзойига зимдан разм солиб, энди гапирсам бўлар деб, аста сўз бошлади:

– Майли, мендан ўтибди, дадаси. Энди Элбекни нима қиламиз?

Ғиёс ака жаҳл билан қўл силтади.

– Э!..

– Дадаси?

...

– Ё мен ўзим шаҳарга борайми? Ўзим Элбекнинг кўнглига қўл солай, қани у нима деркин?

Ғиёс ака “ялт” этиб хотинига қаради.

– Яна Саидангни тикиштирарсан? – деди ўдағайлаб Ғиёс ака.

Эри беихтиёр у ўйлаган ниятини айтиб юборган эди. Аслида ўглининг кўнглини сўраш баҳона, хаёлида секин ундан Саидага розилигини олиш муддаоси ҳам йўқ эмасди.

– Бу ерда Саиданинг нима дахли бор? – деди энди Санобар ая баланд келиб. – Бораман, кўнглингдагини айт, дейман. Энди, дадаси, Элбекнинг хаёли бунақа фаромуш бўлаверса, уйлантириб кўйсак маъкулмикин дейман, а, нима дейсиз?

– Олдин бор-чи, уёғи бир гап бўлар! – деди Ғиёс ака. Эрининг овозида сокинлик сезилди. У табиатан лов этиб ёниб, пов этиб сўнадиганлар хилидан эди.

Санобар ая эрининг бу гапини эшитиб, қувониб кетди. У эртасига тонг-сахардан шаҳарга отланди.

19

Остонада кайнонасини кўрган Маҳфуза хайратга тушди. Асли болаларининг бирини мактабга жўнатган, бирини боғчага опкетаётиб, кейин бир йўла ишга кетишни мўлжаллаган Маҳфуза энди нима қилишини билмай шошиб қолди:

– Ойижон, мен ҳозир неварангизни боғчага ташлаб келай...

Санобар ая бу сафар келини билан иши бўлмади, чунки ўзи билан ўзи андармон эди. Шунинг учун ҳам келинини ўз холига қўйди:

– Отабекни боғчага оборинг-да, уёқдан бемалол ишга кетаверинг. Мен Элбекни кутиб, уйда ўтира тураман.

Келин яна баттар ноқулай аҳволга тушди:

– Ойижон, Элбек ўқишга кетувдилар. Нега кеча биз билан бирга келавермадингиз?

Санобар ая гапни қиска қилди:

– Тўсатдан келадиган бўлиб қолдим. Элбекнинг қачон ўқишдан қайтишини биламан. Уйда кутиб ўтираман, сиз бораверинг.

Келин кайнонасининг самимий гапираётганини кўриб, жонланди:

– Тагин оч ўтирманг, ойижон... Агар ишдан рухсат беришса, балки келиб қоларман.

Ҳозир Санобар ая холи қолгиси келган, яна Элбек билан ёлғиз гаплашса ишини битиришига ишончи қомил эди. У келинининг хижолатпазлигидан тоқати тоқ бўлди:

– Бораверинг, дедим-ку ахир. Мен меҳмонга келганим йўқ-ку, ўз уйимга келдим.

Келин кайнонасининг гапи оҳангидан: “Сен уйимга бека бўлиб қолдингми ҳали?” – деган маънони уқди-ю, тезгина хайрлашиб, жўнаб қолди.

Хайрият, Элбек ўқишда экан, бўлмаса Санобар ая гапни нимадан бошлашни билмасдан шошиб қолармиди. То ўғли келгунича режасини обдан пишитиб олди.

Ниҳоят Элбек келди.

Санобар ая ўғлига тушлик тайёрлади, унинг овқатланишига қараб ўтирди. Ўғлининг илгаригидай иштаҳаси йўқ, онаси тайёрлаган тушлиқдан номига тотинган бўлди. Элбек онасининг нима мақсадда олдига келганига ҳайрон бўлди, қалласида минг хил хаёл айланди. Орага сукут чўқди. Ахири она сукутни бузди. Энди дастурхондан турмоқчи бўлган Элбекни онасининг гапи яна жойига ўтказди.

– Болам, шошмай тур, мен атайин сен учун қишлоқдан келдим.

Элбек “ялт” этиб онасига қаради. Унинг нигоҳида онасидан ранжиш ҳам, қандайдир умид ифодалари ҳам бор эди.

– Нега бизни кўргани қишлоққа бормайсан, деб гина қилмайман. Вақти келиб, борарсан ҳам. Мен сенинг кўнглингни билгани келдим.

– Кўнглимни? – деб киноя қилди Элбек. – Сиз менинг кўнглимни билгани келдингизми, сиз-а?

Санобар ая ўғлининг бу хужумидан сал бўлмаса ўзини йўкотаёзди. Йўқ, ўзини ўнглаб олди. У ўғлини жеркиб ташлашдан ўзини зўрға тийди. Бундай масалада ўйлаб иш

қилиш керак. Санобар ая ўзини олдиндан шунга тайёрлаб утирган эди.

– Ўғлим, сенга душманмидим? – майинлик билан деди Санобар ая. Кейин ўрнидан туриб, курсида утирган ўғлининг елкаларини силади. – Асло ундай дема, болам, онангман ахир.

Элбек индамади.

– Уғлим, биз отанг билан ўйлашиб, бир нарсани мўлжал қилиб турибмиз.

Элбек таажжубда, бошини кўтариб, онасига қаради.

– Нима?

– Шу йил сени уйлантириб қўйсакмикин, деяпмиз...

Элбек онасининг бу гапини эшитиб, худди чўғни босиб олгандай, ирғиб ўрнидан туриб кетди.

– Ойи, менга айтадиган яна бундан бошқа совға гапингиз борми? Айтинг! – деди бўғилиб.

Санобар ая ўғлининг шундай ҳолатга тушишини тасаввур қилган, шунинг учун босиклик билан иш кўрди.

– Қизишма, болам. Ахир бундай эзилиб юришингни кўриб индамай ўтиролмаимиз-ку.

Элбек онасининг гапини бўлди, кизишганча деди:

– Сиз менинг нега эзилиб юрганам сабабини сўранг аввал!

Санобар ая ўғлининг гапларига ҳайрон бўлмади, шундай суҳбат бўлишини олдиндан тахмин қилган эди.

– Кўнглингни сўрадим-ку бошида, болам, – деди вазминлик билан она.

Элбек чуқур уф тортди. Дераза ёнига борди. Худди ҳаво етишмаётгандай, дераза тавақасини ланг очди. Орадан бир оз вақт ўтди. Элбек онасига ўтирилганча деди:

– Хўш, ким экан менга тегадиган ўша бахтиқаро?

Кенжа ўғлининг кўп томонлари, масалан, кўнгилчанлиги, жанжалга ҳуши йўқлиги, кўп пачакилашиб ўтирмай, ён беришлари отасига ўхшаб кетади. Санобар ая шунинг учун ҳам ўз ниятини амалга оширишига унчалик ҳам шубҳа қилгани йўқ. Ҳозир ҳам мақсади сари бир неча одимлар қолганини хис қилиб, енгил тортди.

– Нега ундай дейсан, болам, бахтли дегин, – деди кулиб онаси.

– Одамни майна қиялпсизми, ойи? – деди баттар бўғилиб Элбек. – Эри севмаган қайси аёл бахтли бўлади?

Санобар ая ўғлига караб колди. Элбекнинг бир оз шаштидан тушишини кутди. Ўғли эса хона бўйлаб уёқдан-буёқка юра бошлади.

– Ўтир, болам.

Элбек онасига бир каради-ю, диванга ўтирди. Санобар ая энди гапирсам бўлар, дегандай, сўзлаш учун оғиз жуфтлади.

– Шу Саидани келин қилишни мўлжаллаб турибмиз... – деди у аста.

Элбек кулиб юборди.

– Мен мўлжаллаяпман. денг, – деди киноя қилиб Элбек.

Она ўғлининг гапига парво қилмади.

– Менми, бошқами, Саиданинг ўзи яхши киз. Ҳам ўзимизники, ҳам одобли, мулоҳазали. Биласанми, йўқми, унинг сенда кўнгли борга ўхшайди, – Санобар ая охириги жумлани айтгаркан, ўғлига зимдан караб кўйди.

– Бўлса бордир, – деди энсаси қотиб Элбекнинг. Гапнинг тўғриси, Саида ҳақидаги гаплар унга янгилик эмас эди. Онаси қариндошлари орасида ёшлигидан Саидани унга жуфтлаб гапирганлари ёдида. У бир оздан сўнг онасига караб, деди: – Ойи, Саидани бахтсиз қилмоқчимисиз?

Ахири Санобар ая ўзини тутолмай колди.

– Вой, нега шу гапни ушлаб олдинг, ҳадеб бахтсиз, бахтсиз, деяверасан? Турмуш дегани бошқача бўлади. Яхши кўрмаган бўлсанг, яхши кўриб кетасан. Ҳали бир-биридан ширин фарзандларингиз бўлади...

Элбек онасининг гапларини охиригача эшитмади. Асабийлик билан деди:

– Бўлди, ойи, тушундим. Энди менга барибир. Билганингизни қилинг. Лекин бир саволимга жавоб берсангиз, айтганингизга рози бўламан.

Бирдан Санобар аянинг юраги орқасига тортиб кетди. Ўйлаганидай бўлди, Элбек онаси ханфсираб юрган саволни берди:

– Мен Қаршига олимпиадага кетганимда, сизга муолажа қилган ҳамшира қиз қим эди?

– ...

– Ўша қиз Нур эдимиз?

Санобар аянинг назарида ўғлининг овози теварак-атрофга жаранглаб акс-садо бергандай туюлди. Тез бориб, дераза тавақаларини ёпди.

– Агар ўша қиз Нур эканлигини тан олсангиз, майли, Саидага уйланганим бўлсин, – ўйлаб ўтирмай деди Элбек.

Санобар ая “ҳа” маъносида бошини иргашга мажбур бўлди.

Элбек истехзоли кулди.

– Ойи, мени бахтсиз қилишни ният қилганмидингиз? Табриклайман, ниятингизга етдингиз.

Санобар ая каловланиб қолди. Нима дейишини билмасдан оғзига келган гапни гапира бошлади:

– Элбек, меням тўғри тушун, сен ахир боламсан...

Элбек ортик онасининг гапларини эшитмади. Шарт эшик томонга юрди.

Эшик “тарс” этиб ёпилди.

20

Қиш охирида, ҳаводан баҳор нафаси келиб қолди. Қалбларга ажиб, нафис ҳислар меҳмон бўлди. Нурнинг тонгдан юраги орзикади, кўнгли қимнидир қўмсайди. Мана, неча ой бўлди. Элбекни кўрмади. Ич-ичида ундан воз кечган бўлса-да, барибир юраги, китобларда ёзилганидай, ошиқ мардлигини, жасоратини истайди. У бир бора бўлса-да. Элбекни кўргиси келар, ич-ичида ўша куздаги тотли дамларни қўмсарди. Назарида Элбек бари қийинчилик, синовларни енгиб, қиз ҳузурига келади, қўлларида даста гуллар билан пойига йиқилади. Ўша мактубида ёзганидай, “Азизам, юр кетдик, энди бари тонгларни бирга қарши оламиз”, дейди. Ўздан яшириб нима қилади, соғинч ҳисси юрагини ўртаб юборганида, ўша мактубни йиртиб ташлаганига пушаймон бўларди. Мактубни йиртмаганида эди, ўқиса, унга далда

бўларди. Лекин Нур дилидан бу ҳисларни қувиб чиқармоқчи бўлади. ўзини чалғитади.

Бугун дарсда кўнглида шундай хаёллар билан ўтиролмади ҳам. Сўнгги дарс ички касалликлар эди. Бир маҳал танаффусда аудиториядан чиқингач, дугонаси Матлуба уни туртди:

– Қара, кара, Умумий хирургия! – Талабалар “Умумий хирургия” фанидан дарс берадиган ўқитувчи Сардор Камоловични ўзи дарс берадиган фан номи билан атардилар. – Бу ерда Умумий хирургия нега ўралашиб юрибдийкин?

Ҳақиқатан “Ички касалликлар” кафедраси, шу дарс ўтадиган аудитория атрофида Сардор Камолович юрарди. Нур уни бир неча маротаба бошқа кафедралар атрофида ҳам кўргани учун унча ажабланмади.

– Иши бордир-да. Ҳамма касалликларни жамлаб, бирор илмий иш қилаётгандир, – изох берди ўзича Нур.

– Шу гапингга жуда ишониб кетдик, – деди Матлуба маъноли қилиб.

Дарс тугагач, бамайлихотир Матлуба билан автобус бекатига келдилар. Ёмғир аста шиваламоқда эди. Қизлар бекат соябони панасига биқиндилар. Бир маҳал автобус бекатида турган Сардор Камоловични яна Матлуба биринчи бўлиб пайкаб қолди.

– Ана, Умумий хирургия! У бу ерда ҳам кўчада бари кўрганларини жамлаб, илмий иш қилаётганмикин? – деди пичинг қилиб Матлуба.

– Оббо, сира кўймадинг-да! – деди Нур дугонасининг гапига. – Ана, автобус келяпти, шундай гап сотаверсанг, автобусдан ҳам қолиб кетамиз!

* * *

Нур беихтиёр ўқишдан қайтишида Зайнаб холаникига киргиси келди.

“Зайнаб хола бошларидан шунча ғам-қайғуни ўтказдилар, қон босимларини ўлчаб қўйсам, хабар олсам айбми?” У ўзини-ўзи шундай сўзлар билан оқлади. Лекин

ўзи ошкора тан олмаса-да, кўнглининг туб-тубида Элбекни учратармикинман, деган илинж ҳам йўк эмасди.

Нур Абдулла амакилариникига кираркан, ўғринча кўшнилари уйига разм солди. Аста баланд девор туркишидан уларнинг ҳовлиси томон қараб қўйди. Қўшнилари ҳовлиси жимжит. “Тик” этган товуш эшитилмайди. У девордан нари кетди, Зайнаб холалари уйи томон юрди.

Бир ўзи уйда зерикиб ўтирган Зайнаб хола севинганидан уни ўтказгани жой тополмай қолди. Нурни айвонга бошлади, қаршилигига қарамай дастурхон ёзди.

– Хола, мен учун овора бўлманг, ҳожати йўк. Мен шунчаки сиздан бир хабар олай, қон босимингизни ўлчаб қўяй, деб йўл-йўлақай киргандим. – деди Нур.

– Ахир ўқишдан қеляпсан. қизим, қорнинг очдир. Бир ўзим учун чой дамлашга эриниб ўтиргандим. Яхши кеп қолдинг, бирга чой ичамиз, – деб қўймади Зайнаб хола. – Уйда бир ўзим ўтирибман. Амакинг ҳам бир оғайниларикига кетувдилар.

Зайнаб хола ёлғиз ўзи зерикканиданми, тинмай гапирарди. Афтидан, ҳозир келиб қолган Нурдан миннатдор эди. У Нур эътироз қилишига қарамай, қанд-курс, туршак, майиз-ёнғок ва яна ичкаридан алланималарни олиб чиқиб, дастурхонни тўлдириб юборди. Нур Зайнаб холанинг кўлидан “Менга бера қолинг”, деб чойнақни олди. Ҳозиргина дамланган чойни бир-икки марта чойнаққа қайтарди, сўнг пиёлага қуйиб, Зайнаб холага узатди.

– Қизим, ўзинг ҳам ич. Нур, манави патир, майиз-конфетларни кеча қўшнимиз Санобар олиб чиқибди.

Нур “Санобар” исмини эшитиб, қулоғи динг бўлди, кўлидаги пиёлани хонтахтага қўйди. Негадир юраги тез-тез уриб кетди.

Зайнаб хола бамайлихотир чойдан ҳўлади.

– Қизим, тунов қуни кенжа ўғлини унаштиришибди.

Нурнинг бутун вужуди музлаб қолгандай бўлди. Назарида Зайнаб холанинг “... кенжа ўғлини унаштиришибди!” – деган сўзлари теварак-атрофга жаранглаб кетгандай бўлди. Титраган қўлларини хонтахта остига яширди.



– Ол, болам, ният қилиб е, – деб ликопчадаги конфетлардан бир қисим олиб, Нурнинг олдига сочди Зайнаб хола. – Бу конфетлар фотиҳа патнисидан, Нур кизим. Элбекни холасининг кизига унаштиришибди. Илоҳим, сенга ҳам яхши жойлардан ато қилсин.

Нур жойида қотиб қолди.

– Ҳа, дўхтирларнинг айтишича, яқин кариндошларнинг куда бўлишлари мумкин эмас экан, – деди Зайнаб хола.

– Тугри, мумкин эмас, – хаёли ўзида бўлмай тасдиқлади Зайнаб холанинг гапини Нур.

– Тагин ким билади, дейсан. Ўзимники, дегандир-да. Санобар, бор-йўғи иккитагина ўғлим бор, каттаси оиласи билан шаҳарда яшайди. Кичиги шу ерда яшаб, ўқишга қатнаб юрганди, билмадим, бу ер ёкмадим. шаҳарга қайтиб кетди, дейди, – Зайнаб хола Нурга парво қилмасдан гапирмоқда эди. Хайрият, Зайнаб холанинг тинмай гапиргани, бўлмаса, Нурнинг сири ошқор бўлармиди. – Ол, нега ҳеч нарсага қарамайсан, ахир ўқишдан келяпсан-ку.

Нур беихтиёр конфетлардан бирини олиб, секин очди, оғзига олиб борди. Конфет уни бўғаетгандай бўлди. Негадир ичидаги хўрлик томоғига келди. Конфетни аста олиб, қоғозига ўради.

– Ҳа, нима бўлди, шираси томоғингга ёпишдими? – сўради Зайнаб хола.

“Йўқ, бу конфет мени бўғди, холажон! Шундай бўғдики, ўлиб қолаёздим! Иккинчи бор бундай конфетларни емаганим бўлсин!” – Нурнинг дилидан шундай ўйлар ўтди.

Бирдан Нур ўрнидан турди. У ҳозир бундай унаштирув белгилари – неъматлари қўйилган дастурхон атрофида бир лаҳза ҳам ўтиролмас эди. Нур шу қарорга келди. Зайнаб хола унга хайрон бўлиб қаради.

– Тинчликми, кизим, бирданига турдинг?

– Холажон, тонометримни уйда қолдириб келибман. Ҳозир ёнимда йўқлиги эсимга тушиб қолди. Эрталаб олмаган эканман-да. Кейин чиқарман, хўпми, холажон? – У оғзига келган сўзларни айтди.

Зайнаб хола ажабланиб: “Майли, майли”, деганича қолди. Нур томоғига тикилган фарёдни аранг кайтариб, югурганича амакисиникидан чикди.

Нур ёғаётган ёмғирга парво ҳам қилмай, бошини пана ҳам қилмай, югуриб кетди. У уйларига етиб қолгандагина кадамини секинлатди. Қўлида бир ёпишқоқ нарса сумкасига илашди. Ҳа, боя дастурхондан олган конфети-ку. Конфет эриб, сумка туткичига суркалибди. У конфетни олди-да, бор кучи билан улоқтириб юборди. Беихтиёр кўзёшлари қуйилиб келди. “Кўрқоқ, журъатсиз! Бевафо! Яна сендан, сендай кўрқокдан жасоратни умид қилиб ўтирибман-а! Севдим, дегани шундай бўлса, тупурдим бундай муҳаббатга!”

Юрагини тўлдирган ўкинчга ҳамоҳанг боягина шивалаб турган ёмғир тезлашди. Ёмғир сочларидан, кўйлақлари ёқасидан сизиб, бадан-баданига ўтди. Назарида баҳордан дарак берувчи бу ёмғир юрагидаги ёниб турган оташни совитмоқчи, унга далда, таскин бермоқчидай, янада шиддатлашган эди.

Ёмғир киз кўнглидаги илк баҳор чечаги мисол нозик ва соф муҳаббат туйғуларини ювиб, окизиб кетди.





ИККИНЧИ ҚИСМ

1

Энди биз китобхонимиз билан бирга Сардорлар хонадонига кириб келамиз.

– Келдингми, Сардор? – одатдагидай онаси уни остонада кутиб олди.

Она боёкиш: “Нега кеч қолдинг?” – деб сўрамади. Чунки Наима опа ўғлининг уйдан барвакт чикиб, жуда кеч қайтишига ўрганиб қолган. Опаси Феруза ҳам укаси билан кўришиш учун олдига келди.

– Э, кепкопсиз-да! Болалар қалай? – опаси билан сўрашган бўлди Сардор.

Сардор хонасига кириб кетди. Уйга келгач, унинг толиққани билинди. Кийимларини алмаштирмасдан ўзини диванга ташлади, бир лаҳза кўзларини юмди. Назарида бир хаяжон шабадаси баданини елпиб ўтгандай бўлди. Мана, куздан буён шу ахвол. Қаёқдан ҳам Нур деган кизни учратди? Биров эшитса уялтириши, у эса хижолатда қолиши турган гап: ўқитувчи ўз талабасига ошиқ бўлиб ўтирса-я! Илк дарсданок бу талаба киз Сардорнинг эътиборини ўзига тортган эди. Ушандан буён Сардор бу ёш, кўхликкина, илмга чанкок кизга кизиқиб қолди. Мана, иккинчи йилдирки, у талабаларга таҳсил беради, ҳеч бир кизга йигит кизга кизиккани каби кизиккан эмас. Ушандан буён ўзи билмаган ҳолда кизни кузатади. Нурлар ўқийдиган гуруҳ дарс жадвалини-ку, ёдлаб олган. Қиз уйига қачон ва қандай, қайси транспортда кетади, буни ҳам билиб олди. Сардор кизнинг кўпинча маъюс, хаёлчан юришини ҳам сезиб қолди. Лекин шуниси эътиборга сазовор эдики, киз қанчалик тушкун кайфиятда, қандай ҳолатда бўлмасин, дарс

колдирмас, тиришкок эди. Қиз ўша биринчи дарсда хаёл суриб ўтиргани учун чалкаш жавоб бериб, ҳамкурслари олдида кулги бўлганини ёдда тутармиди, ишқилиб, бундай ҳолатни қайтармаслик учун ҳаракат қиларди. Қизнинг ана шундай қобилиятлилиги, ўз устида ишлашдай фазилатлари ҳам Сардорга жуда маъқул эди. У кизни кузатишда давом этди. Ҳатто бир куни шундай бўлдики, караса, кизнинг изидан то қишлоғигача бориб қолибди. Сал бўлмаса, киз сезиб қоларди, бир йўловчи машина жонига ора кирди. Жонҳолатда у машинани тўхтатди-ю, шаҳарга жўнаб қолди.

Назарида бу киз эмас, унинг ҳамкурс дугоналари Сардорнинг кузатаётганини пайқаб қолди шекилли, унга шивир-шивир қилаётгандай туюлди. Диванда хаёл суриб ётаркан, шу воқеаларни эслаб, беихтиёр ўзининг устидан қулди. Қани эди ҳозир у ўқитувчи эмас, холис ва бегона, оддий бир йигитга айланиб қолса. Шунда Нур билан яқиндан танишиши, дилдан суҳбатлашиши осон бўлармиди.

Бирдан сапчиб, дивандан турди. Сардор бир кунни орзиқиб кутарди. У сумкасини шошилиб очди-да, ёндафтарини олди. Ха, шу киш сессиясида Нурлар “Умумий хирургия” фанидан имтихон топширадидлар. Имтихонгача тўрт кун қолибди. Юраги орзиқиб кетди. Ана шу тўрт кундан кейин киз топширадиган имтихон унинг тақдирини ҳал қиладиганга ўхшарди. Гўёки бу кизнинг эмас, унинг имтихони эди.

Ниҳоят, орзиқиб қутилган имтихон куни етиб келди.

Имтихон олинадиган аудитория эшиги олдида талабалар гавжум.

– Нур ҳали чиқмадимми? – деб сўради Нурнинг ҳамкурси, ўлгудай кўрқок Зафар.

– Э, тамом, Умумий хирургия Нурнинг сиқиб сувини оляпти!

Зафарнинг рангида ранг қолмади.

– Йўғ-е!

– Тавба. Умумий хирургия одам-подам эмас экан, бир студентни шунчалик ҳам қийнайдимми?

Бир маҳал эшик очилиб, ранги оқариб кетган, лекин хушнуд кайфиятда Нур чиқиб келди.

Ҳамкурслари Нурни ўраб олдилар.

– Нима бўлди, баҳо олдингми?

Нур индамай тураверди.

– Тамом, қолдирибди! – деди сал нарсага ваҳима кўтарадиган Лобар.

Шунда Нур хурсанд бўлиб, кўлларини очди: “Беш!”

– Йўғ-е, “беш” олдингми? Курумсок Умумий хирургия “беш” қўйдими-а? Кеча Лолани қон йиглатиб, баҳо қўймай чиқарган эди-ку? – деди ишонмай Лобар.

– Сен кимни ким билан солиштиряпсан? – деди Матлуба Нурга ён босиб. – Лоланг азалдан иккичи эди-ю. Уни қўй, Нур, айт, қандай саволлар берди?

Талабалар чуввос солдилар.

– Саволлар десанг, бири тоғдан, бири боғдан. Масалан, шокда қандай биринчи ёрдам кўрсатилади-ю. травмада қандай? Дейлик, сафарга чикдингиз. бир одамдан қон кетиб қолса, қандай ёрдам кўрсатасиз? Оёғи синганда-чи? Эхинококк касали деганда нимани назарда тутасиз? Қисқаси, шундай саволлар-да. Аммо кўп нарсаларни билар экан. – деди ўқитувчининг билимдонлигидан хайратини яширолмаган Нур.

2

Ниҳоят узун кишдан сўнг орзикиб кутилган баҳор келди. Кўклам қишлоқни яшилликка буркади. Баҳор ёмғири кўнгилдан кишки ғуборларни тарқатгандай бўлди, олам нозик ифор, сарин ҳавога тўлди.

Автобусда ўтирганича қишлоққа қайтаётган Нур ховур босган дераза ойнасини артиб ташқарига қаради. Боғлардаги чаман бўлиб гуллаган дарахтлар ёмғирда эгилиб қолган, далалардаги ям-яшил майсалар сувда ювилгандай нам кўринарди. Бу манзара дилида негадир маъносизлик уйғотди. Бир маҳал орқадан таниш овозларни эшитди. Орқасига ўгирилиб қаради: уларнинг маҳалласидаги аёллар экан.

Улар шу яқиндаги бекатдан чиқишган шекилли, Нур уларни шаҳардан автобустга чиққанларини кўрмаган эди. Нур уларга салом берди-да, яна олдинга қараб кетаверди. Бир пайт аёллар ўзаро маҳалла хабарларидан гаплаша бошладилар.

– Ёмғирни каранг, бугун Санобар опа ўғил уйлантираётган эканлар.

Нурнинг қулоқлари динг бўлди.

– Вой, маҳаллада тўй бўлаётгани билинмади-ку.

– Келинни шаҳардаги ҳовлиларига туширишаётган экан.

Ишқилиб ёмғир тинсин-да.

– Баҳор ҳавоси, тиниб қолар.

Нурнинг бутун вужуди қалтиради. Яхшиямки, олдинда ўтиргани, унинг бу ҳолатини маҳалладошлари кўриб қолганида нима бўларди. Қишлоққа етганида чаққонлик билан автобусдан тушди-да, аёлларга тўқнаш келмаслик учун тез-тез юриб кетди. Кўлидаги зонтни тутиб олиш хаёлида ҳам йўқ, ёмғир остида кетаверди. У йиғламади. Энди кўзларида ёшлари ҳам қолгани йўқ. “Шундай журъатсиз, кўрқокка йиғи ҳам ҳайф!” – деди ичида жаҳл билан Нур.

Ранг-баранг тусда чаман бўлиб гуллаган йўл чеккасидаги олча, шафтоли дарахтлари ёмғир остида ерга эгилиб турар эди. Нур кўча чеккасида гуллаган, шохлари ерга эгик дарахтларни кўриб, юраги эзилди.

Нур уйга яқинлашгач, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. Бўлмаса онаси сўрайвериб, безор қилиб юборади. Худонинг бошқа кунни йўқдай, шу ёмғирда отаси билан онаси сабзавот ўрасидан картошка, сабзи олишаётган экан. Уларнинг иш қилаётганларини кўриб, Нур енгил тортди. Дарров ишга тутинса, аччиғи тарқайди, таранг вазият юмшайди.

– Келдингми, кизим, иш билан овора бўлиб келганингни пайкамай ҳам қолибмиз, – деди онаси унга қараб жилмайиб.

Онасининг табассумидан Нурнинг кўнгли ёришиб кетди. Шундай қалби дарё онасининг борлигига шукур! Шундай оғир пайтларда онасининг табассуми кўнглига малҳам бўларди.

У ота-онасига ёрдамлашгани тутинди.

– Сен кўлингни урмай кўя қол, ўзи озгина қолди, – деди онаси. – Яхшиси, овқатни сузиб, чой дамлай қол.

Отаси ўрнидан туриб, икки кўли билан белини ушлади.

– Қолгани эртага бўлар. Бу ёмғир менинг эски бел оғриғимни кўзгади чоғи. Овқатдан кейин иккалангиз белимни яхшилаб укалаб кўймасангиз бўлмайди, – деди отаси. – Овқатингни суза қол, қизим, қорин очди.

Нур онаси пишириб кўйган овқатни келтиришга тараддулланди.

Отаси деразадан ёмғир остида ерпарчин бўлиб ётган митти кўкатларга қараганча, ачиниб деди:

– Ёмғир икки кундан бери тинмай ёғади-я. Эндигина кулок чиқарган кўкатларни ҳам хароб қилди.

Нур ҳам ошхона деразасидан ҳовлига қаради. Тўсатдан хаёлига бир нарса келиб қолди-ю, бирдан ғалати бўлиб кетди.

– Ота, энди бу кўкатлар кўкариб кетармикин? – деб сўради.

У отасидан илҳақ бўлиб жавоб кутди. Худди бутун хаёти отасининг жавобига боғлиқдай, юраги тўлқинланди. Гўё отасининг жавоби унинг келгуси хаётини ҳал қилиб берарди.

– Агар кўкатларнинг илдизи бақувват бўлса, яна жонланиб, кўтарилади. – деди отаси хотиржам.

Нур ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Юрагининг туб-тубидаги ўша ички туйғу яна бош кўтарди ва унинг қулоғига шивирлади: “Сен ахир кучли қизсан-ку, оёғингда маҳкам турасан. Демак, сен ҳам бу дўл ва тўфонлардан омон чиқасан. Ўз олдингга катта мақсад кўйгансан. Ҳали, Худо хоҳласа, мақсадингга етасан. Ўзингни ҳам, ота-онангни ҳам юзага чиқарасан! Ҳа, сен севганингга етолмадинг. Дунёда муҳаббатига етолмаган биргина сенми? Ҳа, севгида ютқаздинг, лекин ҳаётда, танлаган мақсадинг йўлида ютқазмайсан. Бир нарса борки, сени ҳеч ким яхши кўрган касбингдан айиролмайди. Ҳа, Нур, келажакда эгаллайдиган ана шу касбинг, меҳнатинг, қобилиятинг билан албатта ўз олдингга кўйган эзгу мақсадингга эришасан!” У беихтиёр ички туйғу шивирлашини тасдиқлаб, бош ирғади.

Кўчадан толикиб, руҳсиз келган қизининг тўсатдан кайфияти кўтарилиб, жонланганини кўриб, Ҳайдар ака ҳайрон бўлиб, ичида сўзланди:

– Буларга сира тушуниб бўлмади-бўлмади-да. Худди баҳор ҳавосига ўхшайди-я.

3

Мана, Сардор орзиқиб кутган имтиҳон ҳам аллақачон ўтиб кетди. Сардор энди бу семестрда III курсга дарс ўтмайди. Тўғрироғи, у сабоқ берадиган фандан ўтиладиган дарслар тугади. Энди Сардор Нурни кўрмайди. Тўғри, кўрса-да, бундай яқиндан мулоқот қила олмайди. Лоакал ўқитувчи билан талаба ўртасидаги мулоқот бўлмайди. Мана, бир неча ҳафта ўтиб кетган бўлса-да, ўша имтиҳон куни ҳаёлидан кетмайди. Э-хе, бу имтиҳонга озмунча тайёргарлик кўрдими. Сирим ошкор бўлмасин, деб ўта жиддий бўлишга ҳаракат қилди. Бирор оғиз ортиқча сўз айтмади. Айтишга ҳам ҳожат қолмади. Чунки у истаганда ҳам гапиролмайдиган ҳолатда эди. Агар сўзласа, кўнглидаги туйғуларини фош қилиб қўйиши турган гап эди. Кейин у ҳали виждонини унчалик ҳам ютмаган. Сардор ўқитувчи, киз эса талаба бўлса. Ўз мақсади йўлида касби орқали кечадиган мулоқотдан фойдаланиш унинг иш қоидаларига тўғри келмайди. Кейин бундай танишувни у шилқимлик, нари борса, субтсизлик деб билади. Нима қилса экан? Ўша куни ҳамма талабалардан ўта талабчанлик билан имтиҳон олди. Нурдан-ку, айникса. Сардор бошини кўтармай савол бераркан, қизнинг жавобидан, унинг бу қадар тиришқоқлигидан қойил қоларди. Албатта, ҳар қандай ошик қаби у ҳам қизнинг аудиторияда кўпроқ ўтиришини истарди. Лекин унинг иш қоидалари билан кўнгли ҳеч қачон бир бўлган эмас. Охири касб масъулияти голиб келди: жиддий туриб қиздан синов дафтарчасини олди-да, баҳо қўйди. Кейин ташқарига овоз берди:

– Навбатдаги одам кирсин!

Қиз шу билан имтиҳон тугаганини билди-да, хонадан чиқди.

Ўзини шундай жиддий тутиш унга қанчалик қийин бўлганини қиз билармикин? Сардор ҳозир уйига келгач, диванда ўтирганича неча марталардир ўша имтиҳон кунини таҳлил қилар экан, ўзидан-ўзи уялиб кетди. Уят эмасми, дерди виждони, ахир ўз талабасига ҳам кўнгили кўядими? У худди томоғини бўғаётгандай, бўйинбоғини бўшатди.

Бир пайт эшик қия очилди. Сардор бошини буриб, эшикка қаради.

– Кираверайми? – онаси аста эшикни очиб ўғлидан сўради.

– Ҳа, ойи? – деди у ўрнидан туриб.

– Болам, бўш бўлсанг, гаплашиб олсак, дегандим...

У савол назари билан онасига қаради.

– Доим бандсан, доим вақтинг йўқ. биламан... Лекин умр ўтиб кетяпти, Сардор.

Сардор онасининг нима демоқчи эканини билди. Онаси тезроқ сенинг ҳам бошингни иккита қилиб кўяйлик, ўзинг топмасанг, биз айтганларимизни бир кўр, тезроқ ҳал қил, демоқчи. Сардор онасига қараб турди-да, бирдан бир нарса ёдига тушди. Эсидан чиқишига сал қолибди: бугун 15-касалхонада Нурлар ўқийдиган гуруҳ дарслари бўляпти. Бугун кизни кўрмаса, қандай чидайди?

У тезгина қийим илгичдан куртқасини олди-да, эшик томон юрди.

– Ойи, кечирасиз, ишда бир нарсани унутибман. Кейин гаплашамиз, бўптими?

Ўғли билан жиддий суҳбатга тайёрланиб келган Наима опа сўзга оғиз жуфтлаганча қолаверди.

Сардор югурганича хонадан чиқиб кетди. У ҳозиргина ўзига-ўзи танбеҳ берганларини унутган эди.

Сардор бир оз кеч қолибди. Нурларнинг гуруҳи ўқишларини тугатиб, кетиб бўлган экан. Унинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, уйга қайтди.

– Келдингми? – онаси эшикда уни кутиб олди. – Ишинг битдими?

Афтидан, онаси ниманидир сезган, унинг киёфасидан Сардор шуни фаҳмлади.

– Дадам уйдадилар? – у онасини чалғитиш учун сўради.

– Йўқ. ишда мажлислари бор экан, кечроқ келарканлар.

Онаси бу гапи билан, энди бемалол гаплашсак бўлади, дегандай бўлди. Сардор буни тушуниб, индамай хонасига кирди. Наима опа ўғлига эргашди.

Сардор онасига нима гап, дегандай қаради.

– Ўзингни билмасликка олма, болам. Ўтир, бирпас гаплашиб олайлик.

Сардор онасининг шошқалоқлигидан кулди.

– Тинчликми, ойи, қорнинг очми, тўқми, деб сўрамасдан нимани гаплашмоқчисиз мен билан?

Онаси кўйлаги ичига туфлади.

– Вой, ўғлим-а, боя сўраганимда, қорним тўқ, ҳеч нима емайман, демаганмидинг? Сенга нима бўлди ўзи? Аслида тинчликми, деб мен сўрашим керак.

Наима опанинг кўнгли ниманидир сезгандай бўлди. Ким билади, балки ўғли... Агар гумони тўғри чикса, ҳам қувонади, ҳам... Ўғлининг юрагини асир этган ўша бахтли қиз ким экан? Ўша қизнинг кимлиги уни ҳам қизиқтирмоқда, ҳам ташвишлантирмоқда эди. Кейин фарзандини яхши кўрган ҳар бир она ўз ўғлини унинг маҳбубасидан жиндай қизганиши табиий.

Наима опа индамай бориб, диванга ўтириб олди.

– Ҳозир гаплашиб олайлик, Сардоржон. Бари ишларингни йиғиштириб тур.

Сардор жойида тўхтаб қолди.

– Олдин кийимларимни алмаштириб олиб, кейин гаплашсак бўладими?

– Йўқ, ҳозир гаплашамиз. Бўлмаса сен бир нарсани баҳона қилиб яна жўнаворасан, – деди зада бўлиб қолган она.

Сардор онасининг болаларча гапларига қулиб, диванга ўтирди.

– Хўп, хўп, ойи, гапиринг.

– Ўғлим, нима гап, тобинг йўқми ё касалхонада бирор нохушлик юз бердимиз? – гапни узоқдан бошлади Наима опа.

Сардор бошини сарак-сарак килди.

– Бўлмаса нега бундай тундсан? Сира очилмайсан? Доим каёққадир шошганинг шошган. Нега гапимизга кўнмаяпсан? Ахир яқинда йигирма саккизга кирасан-а. Тенгдошларинг...

Сардор қулганича онасининг гапини улаб кетди:

– Тенгдошларим набираларининг суннат тўйини қилаётганларида мен боламини боғчадан олиб қайтаман...

Наима опа аразлаганнамо юзини тескари ўгирди.

– Яна мазах қилади-я бу бола. Уни нима қилса бўлади?

Сардор қараса, онаси жиддий хафа бўладиган. У онасига қараб турди-турди-да, кўнглини очишга қарор килди.

– Ойи, тўғриси айтсам, бир қиз бор менга ёқадиган. – Сардор шундай деб дилидагини тилига чиқариб юборди-ю, онасига зимдан разм солди.

Дастлаб онаси хотиржам ўтирди. Бир оздан сўнг ўглининг гапларини англади шекилли, жилмайди:

– Ростданми, ўғлим? У ким, қаерда яшайди? – она кетмакет ўғлини саволларга тутди.

Сардор онасининг гапларига елкаларини қисди.

– Тўғриси, ойи, нима қилишимни билмаяпман. У қиз менинг студентим. Шундан хижолатдаман.

У онасига дилидагиларни ёраркан, бирдан енгил тортганини ҳис қилди. Сардор онасидан хайрихоҳлик истаб, қаради. Ҳеч сир айтмайдиган, табиатан камгап, жиддий ўглининг бирдан кўнглини очганига она хурсанд бўлиб кетди.

– Вой болам-а, бунинг ҳеч хижолат бўладиган жойи йўқ. Кўнгил-да... кўнгилга буюриб бўларканми?

Сардор онасининг гапларидан тўлқинланиб кетди.

– Лекин у қиз буни билмайди.

Она бунга хайрон ҳам бўлмади. У ўглининг елкасига қокди.

– Бундан сира ташвишланма, болам. Биз совчи бўлиб борсак, билади, бўлди.

Сардор сапчиб ўрнидан туриб кетди.

– Ойи, нималар деяпсиз? Ҳали кизнинг фикрини билмасдан туриб, нега уйига борасиз, кизик-ку. Ҳали у бунга нима дейди? Қизнинг розилигини олмай туриб-а?

Онаси хандон ташлаб кулди.

– Ажойиб, содда болам бор-да. Осмондан тушдингми? Совчи ҳам сўраб борадими ҳеч замонда? Удумимизни билмайсанми...

Сардор ноқулай аҳволга тушди. Онасининг бундай фаоллик кўрсатиши унга ҳеч ёқмаётган эди.

– Барибир уникига билдирмасдан боришингиз менга ёқмаяпти.

Ўғлига совчилик сир-асрорини тушунтиргунча Наима опанинг анча-мунча тер тўкишига тўғри келди.

– Биладан, ойи, ўзбекман-ку, лекин барибир ғалати...

Она ўглининг ҳолатини, уни нималар кийнаётганини ҳис қилди.

– Сардор, мен бориб кўрай, кейин ўзингга осон бўлади гаплашишинг, тушундингми? – деди она ёлворганнамо.

Сардор онаси айтган сўнгги жумлани эшитиб, совчи бўлиб бориш таклифига рози бўлди.

4

Нур бугун толикиб ўқишдан қайтди. Илик узилди пайт дегувчи эди отаси одамнинг баҳорда шундай тинкаси қуриб кетаверса. Уйга келса, онаси супада кизининг йўлига кўз тикиб ўтирибди.

– Ойи, нима қилиб ўтирибсиз бундай офтобда? – хайрон бўлиб сўради Нур.

– Нима, қорайиб кетармидим, таги ўзи қора бўлсам, – деди онаси ҳазил қилиб.

Нур, тулинг, дегандай, онасига қаради. Онаси ўрнидан туриб, кизи билан айвонга чиқди.

– Тез кийимларингни алмаштириб чиқа қол.

Нур онасининг бундай шоширишидан таажжубланди. Қизининг ажабланишини кўриб, онаси ўзича изоҳ берди:

– Кўчадан келяпсан, қорнинг очдир, тезроқ овкатлангин, демоқчиман.

Онасининг шоширишида гап бор экан. Нур ёғоч қошиқни шўрвага ботираркан, она узоқдан гап бошлади:

– Бир ўқитувчи йигит сизларга дарс берган экан-а?

Нур онасининг гапини эшитиб, кўлидан қошиқни ташлаб юборди. Онаси кимни айтяпти? Мабодо...

– Ич, ичавер. – деди онаси қизига. Кейин бир оз тин олди-да, сўзида давом этди: – Исмини нимаям деди-я... Санжармиди... Ҳа, Сардор, адашмасам, онаси Сардор, деди.

Нур шўрва тўла косани ичмасдан нари суриб кўйди. Ахир нималар бўляпти ҳаётда? Тавба, буёғи қизик бўлди-ку. Нур хайратдан қотиб қолди. У онасининг шундай хабарларига кўникиб қолган, лекин ким-ким, Умумий хирургия совчи юборади деб, етти ухлаб тушига кирмаган эди. Онаси гоҳ ундан, гоҳ бундан совчилар келганини айтиш билан тез узатамизга тушиб қолар, бу ҳаракати билан кизини бирмунча жиғибийрон қилар эди. Қизли эшикка совчиларнинг келиши табиий ҳол. Худди биринчи марта совчи эшик очаётгандай, онасининг ҳаяжонланиши нимаси? Илк марта онасининг бундай тўлкинланиши унга ғалати туюлди. Лекин Нур ҳам содда экан. Ахир тунов куни Матлуба пичинг қилувди-я. Демак, Матлуба ҳам сезибди, у бўлса, оғзини очиб юрибди.

– Ҳа, нега ўйланиб қолдинг? – онасининг гапи уни хушига келтирди. – Назаримда яхши жойга ўхшайди. Бир ёғи шаҳарда яшашаркан, бир ёғи ўзига тўқ хонадон. Онасининг кўринишидан тагли-тахтликка ўхшайди. Ундан кейин оиласи ўқимишли экан, ўқишидан хавотир олманг, ўкитамиз, дейишяпти.

Нур хайратланганидан онасига бир оғиз сўз айтмади. Зебинисо опа совчи бўлиб келган йигит онасининг ҳадеб, ўғлим кизингизни ёктириб қолибди, деявергани пича нафсониятига теккан бўлса ҳам бу ҳақда чурқ этмади.

– Бир кўргин, қизим, ҳеч нарса қилмайди.

Шу тобгача индамай ўтирган Нурнинг бирдан жаҳли чиқиб кетди.

– Биринчидан, у менинг ўқитувчим бўлса, иккинчидан, бир марта келишлари билан югуриб бораверайми учрашувга? – деди бўғилиб.

Зебинисо опа бу масалада анча вазмин эди. Қизининг куйиб-пишишига унчалик ҳам аҳамият бериб ўтирмади.

– Нур, ўша йигит ўқитувчинг бўлгани билан хали уйланмаган, ёш бўлса. Ундан кейин у йигит сизларга дарсларини ўтиб бўлганмиш.

Нур жиғибийрон бўлди. “Буни қасқдан била қолдингиз?” – дегандай онасига хумрайиб қаради.

– Айтайми, яна келишсинми бўлмаса? – деди онаси худди атайин қилгандай ижикилаб.

Нур юзини тескари ўгирди.

– Кўришнинг кераги йўқ, уни жуда яхши биламан, заҳар-заққум, – деди шартта кесиб Нур.

Зебинисо опа қизининг гапига кулди.

– Вой, қизим-ей, ўз ўқувчиларига бўлар-бўлмас тишининг оқини кўрсатаверсинми бўлмаса? Ўқитувчи дегани ўз обрўсини сақлагани яхши-да. Кейин, қизим, энди сизлар учрашсанглар, йигит-қиз кўришгандай кўришасизлар. Бунинг фарқи бор-да.

Нур онасининг гапига эътироз билдиролмади. Тўғриси ҳам унга ўқитувчи йигитнинг жиддийлиги маъқул эди. Шунда талабалар чуқурроқ ўқишга мажбур бўладилар. Нур ўша кунги имтиҳонни ўйласа, юраги орқасига тортади. Ўша “беш” баҳони зўрга олди-я. Лекин баҳосини ҳалоллаб олди. Ичида тан олади, Нур бу йигитдан бир оз ҳайикарди ҳам.

Зебинисо опа қизининг индамай ўтирганидан энгил тортиб, аста яна гап бошлади:

– Нур, мен жуда кўп ўйладим. Бунақа яхши жой яна чиқадими, йўқми... Бизнинг туриш-турмушимиз бу бўлса...

Нур онасининг ўқиб айтган бу гапини эшитиб, дод, деб ўрнидан туриб кетгиси келди. Зўрга ўзини тутди. Беихтиёр ёдига Элбек, унинг онаси Санобар ая келди. Бирдан кулоқлари остида Санобар аянинг: “Биз Саидани келин қилмоқчимиз!” – деган сўзлари янгради. Неча кунлардан

бери унут бўлган ўша дарди яна янгиланди. Кўнгли чўкди. Бир оз сукутдан сўнг аста деди:

– Нима, учрашувга чиқсам, мени дарров узатворасизми?

Зебинисо опа дабдурустдан кизининг айтган бу гапидан ичида: “Хайрият, ўзига келди”, деб қувонди.

– Олдин кўр-чи, уёғи бир гап бўлар.

– Ойи, айтиб кўяй, ўкишим тугамагунча турмушга чиқиш ниятим йўқ, – деди Нур писанда қилиб.

Зебинисо опа индамади. Унинг сукути, буёғини тақдир билади, деган маънони англатарди.

Нур шу тарика учрашувга чиқишга мажбур бўлди.

5

Сардор онаси Нурларникига совчиликка борадиган куни касалхонада навбатчи эди. У кечқурун ҳеч чидаёлмай уйга қўнғироқ қилди. Дадаси телефон гўшагини олди.

– Ҳозир, Сардор, ойингни чакираман. – Гўшакдан эшитилган дадасининг овозидан кайфияти яхшилиги сезилди.

Демак, бундан дадаси ҳам хабар топибди-да! Сардор хаёлига келган бу гапдан тетикланди.

– Алло, Сардормисан? – Онасининг овози тетик эмас, худди кўнғилсиз воқеанинг гувоҳи бўлгандай, бўғик эшитилди. Онасининг овози унинг ҳозиргина кўтарилган кайфиятини тушириб юборди. – Нима гап, бирор ишинг бормиди?

Онаси нега бундай деяпти? Худди ҳеч нима бўлмагандай, ҳеч жойга бормагандай, нима гап, дейишларини-чи. Ўзлари-ку, тенгингни топ-чи топ, дея қўймаган. Энди бўлса... Тўсатдан Сардорнинг жаҳли чиқиб кетди. Ё Нурнинг уйидагилари, йўқ, бўлмайди, дейишганмикин?

– Нима бўлди, ойи, нима дейишди? – деди у ҳовлиқиб. – Бошқа келманглар, бермаймиз, дейишдими?

– Нега ундай дейишаркан? – Гўшакнинг у томонидан ўзига бино қўйган онасининг кибрли овози эшитилди. – Шошилмай навбатчиликни ўтказиб келавер-чи, уйда гап-лашамиз.

Сардор онасининг бу гапидан юраги баттар ҳовлиқиб кетди. Онасининг феълини билади, баъзи одамларни ўзидан паст кўrsa, баланддан келади. Ё яхши гап бўлмаганмикин? Лекин Сардор ўзига етгунча қайсар эди. Агар унга ёкмайдиган гапни айтишса борми, тўнини тескари кийиб олар. бари ишни аксини қилар эди. Ҳозир унинг шу феъли тутди.

– Йўқ, ҳозир айтасиз!– туриб олди у.

Гўшакнинг у томонида турган онаси ҳам ўглининг шу феълини яхши биларди. Шунинг учун тўғриси айтишга мажбур бўлди.

– Вой, шошқалок болам-ей, олдин бир-бирини яқиндан кўришсин, билишсин, дейишди, бўлдими?

Сардор бу гапдан тўлқинланиб кетди. У гўшакни қандай қўйганини, онаси билан қандай хайрлашганини ҳам билмай қолди. Эртага, ҳа, эртагаёқ Нур билан учрашади! У катъий қарорга келди. Лекин эртани кутиш азоб эди. Яна уни ўша ўқитувчи билан талаба ўртасидаги чегарадан ўтиш қийнай бошлади. Бу иш Сардор учун ўтиш мушкул ниҳоятда қийин имтиҳон бўлиб туюлди.

Эрталабдан Нурнинг юраги сиқилади. Ўйлаган сари ўзига ғалати туюлади: “Мана, шу кунга ҳам етиб келдик. Нур, сен жинни бўлгансан. Энди ўз ўқитувчинг билан йигит-қиздай, учрашувга чиқасан...”

Дарслар 16-касалхонада бўлаётган эди. Дарс бошлангач, орадан ярим соат ўтар-ўтмас хонага бир ҳамшира кирди-да, ўқитувчига юзланди:

– Узр, Саидова Нурни бўлим бошлиғи чақиряпти.

– Бора қолинг, – рухсат берди ўқитувчи Нурга.

Нур бўлим бошлиғи мени нега чақиртирди экан, деган хаёл билан эшикни тақиллатди. Ичкаридан бўлим бошлигининг овози эшитилди:

– Кираверинг!

Нур эшикни очганини билади, хонада бўлим бошлиғи билан кулиб гаплашиб ўтирган Сардорга кўзи тушди. У

эшитилар-эшитилмас салом берди. Худди йикилиб тушадигандек, эшик ёнидаги шкафга суяниб қолди.

– Мени чақиртирган экансиз, – деди аста.

– Қизим, нима қилиб бир бурчакда турибсан, яқинроқ ке, – деди бўлим бошлиғи. – Сенга маслаҳатли иш чиқиб қолди.

Қизнинг юраги “шув” этиб кетди. Бир оз турди-да, сўнг оёқ учида бўлим бошлиғи ва Сардор ўтирган стол ёнига келди. Стол атрофида бошқа курси кўринмади. Нур Сардорнинг қаршисидаги курсига ўтиришга мажбур бўлди. Қизнинг хаёлига нималар келмади. Ичида Умумий хирургияни яниди. “Аниқ, у ҳозир ўзининг аҳмокона таклифи билан мени шарманда қилади”.

Бўлим бошлиғи ёпи элликлардан ошган, шунинг учун бўлса керак, Нурга қизим, деб мурожаат қиларди.

– Қизим, Сардор Камоловичнинг сенда ишлари бор экан. – деди бўлим бошлиғи.

Нурнинг юраги орқасига тортди. “Бўлди, тамом бўлдинг. Нур”. деди ичида кўрқиб.

– Қизим, Сардор Камолович сени шогирдликка муносиб кўрибдилар.

Нур бирдан енгил тортганини хис қилди. “Худога минг катла шукур”, деди ичида. У кирганидан бери энди биринчи марта Сардорнинг юзига қаради. Сардор кизга қарамаётган эди. Агар ҳозир Нур ҳам хаяжонда бўлмаганида эди, йигитнинг кизариб кетганини кўрган, унинг юрак уришини ҳам эшитган бўларди.

– Биласизлар, олдинги семестрда Сардор Камолович сизларга “Умумий хирургия” фанидан дарс ўтдилар. Қасалхонадагилар сени жуда қобилиятли киз деб макташибди. Шунинг учун сени ўзларига шогирд қилиб олмақчилар.

Нур индамади. У мен хирург эмас, кардиолог бўлмоқчиман, демокчи бўлди-ю, бирдан одамнинг юзига сапчимай, деб истиҳола қилди.

– Ўзи қайси ихтисосни танламоқчи бўляпсан? – яна савол берди бўлим бошлиғи Сардорга, сен ҳам гапирмайсанми, дегандай қараб.

Аmmo Сардор чурк этмади.

– Юрак касалликлари бўйича. – деди Нур кискагина.

– Жуда яхши, – деб маъкуллади бўлим бошлиғи. Кейин Нурга худди кизидай маслаҳат берди: – Қизим, хирурглик ҳам ёмон касб эмас. Эшитганмисан, йўқми, Сардоржон бутун шахарда кўли энгил хирург, деб ном чиқарган. Ёш бўлишига карамай фан номзоди бўлди, унинг кетидан қанча-қанча талабалар мени шогирдликка олинг, деб юрибди. Сен жавоб беришга шошилмай, олдин яхшилаб ўйлаб кўр, хўпми?

Нур бўлим бошлиғининг гапларини эшитиб беихтиёр бояги эшикни очгандаги ҳаяжони тарқади.

– Яхши, домла, ўйлаб кўраман, – деди Нур ерга қараб.

Бўлим бошлиғи кизнинг шошаётганини сезди.

– Дарсингга бора қол, кизим, кейин хабарлашарсизлар, а? – у шундай дея Сардорга қаради.

Сардор ҳа, дегандай бошини ирғади.

Кетишга ижозат олган Нур эшик томон қушдай учди.

* * *

Нур ҳамкурслари билан дарсдан чиқди-ю, дугонаси билан дарвоза томон йўналди. Матлуба эрталаб автобусга югураётиб, пошнасини уриб олган экан, шу атрофда яхши пойабзал устаси бор, туфлимни тузаттирмасам бўлмайди, дея ўша томонга кетди. Нур, ичида энди учрашув шу билан тамом шекилли, деб хотиржам тортиб, автобус бекати томон жўнади. Бекатга келгач, бир одам яқинига келди. Бошини кўтариб қаради. Не кўз билан кўрсинки, қаршисида Сардор жилмайиб турарди.

– Кутмаганмидингиз? – йигит шундай деди.

Нур беихтиёр бошини ирғади.

– Кетдикми? – деди Сардор кизга қараб.

Нур ажабланиб, Сардорга қараб қолди. “Ғалати одам экан-ку”, деди ичида. Лекин йигитнинг қатъияти қизни бояги ўнғайсиз ҳолатдан чиқаргандай бўлди.

– Қаёққа? – ажабланди Нур.

Сардор кулиб юборди.

– Қаёққа бўларди, учрашувга-да, – деди ёдингизда йўқ-миди хали, дегандай. – Ростини айтинг, сиз ҳам ғалати бўляпсизми? Гапнинг тўғриси, мен ўзимдан-ўзим уялиб кетяпман.

Нур йигитнинг тан олиб айтган сўзларини эшитиб, кечадан буён ич-этини еб, хижолат бўлганлари унутилгандай бўлди. Нур ҳозир ўзини ўқитувчи билан эмас, ҳамкурси билан ҳамроҳ бўлиб кетаётгандай енгил хис қилди.

– Бунга ким айбдор? – деб узиб олди қиз Сардорни. У яна: “Шундай қилиш керакмиди?” – демокчи бўлди-ю, барибир ўқитувчиси эмасми, уялди.

– Ҳеч ким, – деди ҳозиржавоблик билан Сардор. – Келинг, Нур, фараз қилайликки, сиз менинг студентим эмассиз. Мен эсам сизнинг ўқитувчингиз эмасман. Шунчаки сиздан икки курс юқорида ўқийман, холос. Биз тасодифан учрашиб қолдик. Сиз мендан билмаганларингизни сўрайсиз.

– Ҳо, манави одамни қаранглар, – беихтиёр енгил тортиб, кулиб юборди Нур. – Мен сўрармишманми?

– Ҳа-да, мен ахир сиздан икки курс юқори ўқисам, сўрайсиз-да. Қани, бошладик. Йўқ, аввал овқатланиб олайлик. Ҳа, овқат устида савол-жавоб қиламиз, бўладими?

Нур ўта жиддий ўқитувчисининг ҳозир худди ўзини талабалардай тутиши, самимиятидан ҳам ҳайратланар, ҳам бу унга негадир одатий ҳол бўлиб туюларди.

– Мен овқатланмайман... – Нур йигитга “Сардор Камолович”, деб мурожаат қилишига сал қолди. Шу сўзга оғзини жуфтлади-ю, негадир бу ўзига ғалати туюлиб, индамади.

Сардор қизга қараб қолди. Унинг нигоҳида ўқитувчи йигит эмас, балки ҳамкурс, тенгқур, дўст назари сезилди.

– Раҳмингиз келсин, эрталабдан бери туз тотмаганман, юринг, – ўтинди қиздан Сардор.

Нур янги дўстининг ўтинчини қайтаролмади. Ихтиёрсиз йигитга эргашди. У зимдан Сардорга бир қиз назари билан каради. Йигит дид билан кийинган, баланд бўйига оҳорли кулранг костюм-шим ярашганди. Оппоқ, крахмалланган кўйлақ ёқалари, шунга мос бўйинбоғ, қора ялтирок пойабзали

эгасининг диди ўта нозиклигидан далолат бериб турарди. Негадир хаёлига Элбек келди. Элбек бундай вазиятда ўзини қандай тутган бўларди? Нур ўзининг бу хаёлидан жаҳли чиқди. Дарров бу хаёлни калласидан ҳайдади.

Қаҳвахонага кирдилар.

Официант буюрилган таомларни олиб келгани кетди. Сардор қизга юзланди:

– Қани, гапирмайсизми?

Нур хайрон бўлди. У нимани ҳам гапирсин? Илк марта учрашувга чиқиши, учрашув дегани ҳам шундай бўладими? Гўё институтдоши билан навбатдаги имтиҳонга тайёрланиб ўтирганга ўхшайди.

Қиз, нимани ҳам гапирай, деган маънода елкаларини қисди.

– Боя мендан жаҳлингиз чиқди-а? – деб эслатди эрталабки воқеани Сардор.

Нур эрталаб кўрққанлари ёдига келиб, жилмайди.

– Тоза одамни кўрқитдингиз. Эндиги сафар адашманг, кейинги учрашувни касалхона бош шифокорининг кабинетига тайинланг, бўптими? – деди киноя билан Нур.

Сардор қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Кейин бўлим бошлиғи Қодир ака дадасининг дўсти эканлиги, эрталаб уни касалхона ховлисида кўриб қолгани, Қодир аканинг нима қилиб юрибсан, деб сўрагани, у қизнинг олдига келганини айтганини гапириб берди.

– Кўрқманг, мен Қодир акага шу қизни ёқтираман, деб айтганим йўқ, – деди Сардор.

Сардорнинг шу сўзидан сўнг орага ўнғайсиз сукут тушди.

Бир маҳал официант таомларни келтирди ва шу билан ўртадаги ноқулайлик аригандай бўлди.

Нур жиддий ўқитувчисини яхши ҳикоячи, турли соҳалар билимдони деб ўйламаган эди. Сардор Москвада ўқиб юрган чоғлари, талабалик даврида кечган қизиқарли воқеалардан ҳикоя қиларкан, Нур мириқиб кулди.

– Тўғри гапиряпманми, – деб сўради Сардор. – Кўп нарсаларни тўғри тушунтиролмасам, кечиринг.

Сардорнинг бундай дейишига сабаб, у боғчада ҳам рус тили гуруҳида тарбияланибди. Мактабда ҳам рус гуруҳида ўқибди. Институтда-ку, албатта, рус тилида таҳсил олибди. Нур Сардорнинг самимиятини шундан деб билди.

Бир пайт Нур соатига қаради, кун ҳам алламаҳал бўлибди.
– Мен кетишим керак. Кеч бўлиб қолди.

Сардор уни тўхтатди.

– Шошилманг, уйингизга кузатиб қўяман.

Йигит Нурнинг эътирозига карамай, машина тўхтатди. Манзилга етгач, Сардор йўл бўйи сўзламай келаётган Нурга юзланди:

– Якшанба куни вақтингиз қандай? Шаҳар ташқарисига чиқсак, дегандим.

Нур ўйлаб ҳам ўтирмай, рад жавобини берди:

– Вақтим йўқ, дарс қилишим керак.

Сардор кизнинг гапини эшитиб ўтиргани ҳам йўқ. Нур хайрлашиб, машинадан тушаркан, у киз орқасидан гапириб қолди:

– Мен ҳеч нарсани билмайман. Якшанба куни соат ўн иккиларда кўчангиз бошида кутаман!

Нур орқасига бир қаради-ю, тез-тез йўлида давом этди. Сардор кизнинг нигоҳидан дўстона ифодани уқиб, кўнгли ёришди ва ҳайдовчига юзланди:

– Кетдик шаҳарга, оғайни!

6

Сардор машинада шаҳарга кетаркан, ҳозиргина Нур билан учрашувни қайта кўз олдига келтирар, ўзини илжайишдан тиёлмас эди. Ҳайдовчи машина ойнасидан Сардорга қаради:

– Яхши кўрган кизингизми?

– А? Нима дедингиз? – дастлаб Сардор ҳайдовчининг гапини англамади, сўнг тушуниб деди: – Ҳа, ха...

– Жуда бир-бирларингизга мос экансизлар, бахтли бўлинглар.

Ҳайдовчининг гапи Сардорни канотлантириб юборди. Шунча ҳаяжон, кўркқанлари ортда қолди. Нурни танлаб

янглишмаган экан, киз ўйлаганидан ҳам бошқачарок, ёқимтой ва дилбарроқ экан. Унинг ҳеч қайси кизга ўхшамайдиган табиати, қалби бор экан. Сардор бир суҳбатдаёқ Нурни билиб олгандай шундай фикрга келди.

У кўтаринки кайфиятда уйига кириб келди.

– Ойи, ойи, қаердасиз? – дарвозадан кирибок онасини чакирди.

Одатда ўғлининг кайфияти яхши бўлса, кўчадан “ойи” лаб келишини билган Наима опа нима сабабдан ўғлининг кайфи чоғ эканлигидан пича энсаси қотиб, кўриниш берди.

– Ҳа, Сардор, келдингми? Овқатингни опкелайми, болам?

Онасининг гапларидан руҳсиз кўринди. Ундан кейин худди Сардорнинг қаердан келаётганини билмагандай, овқат опкелайми, дейишлари қизик бўлди-ку.

– Йўқ, ойи, қорним тўқ. Нима бўлди. уйда гаплашамиз, дегандингиз? – деди Сардор онасининг кечқурун телефонда айтган гапларини эслаб.

Тўғриси, у ҳозир ҳар қандай суҳбатга тайёр эди. Яна устига-устак, суҳбат Нур мавзуида бўлса. Сардор ўзини тўсатдан ҳар нарсага қодир, кучли ҳис қилди.

– Болам, олдин кийимларингни алмаштир, кейин бафуржа гаплашамиз, хўпми?

Онасининг сўзлари оҳангидан суҳбат жиддий бўлишини англаган Сардор уйга кириб кетди. Бир оздан сўнг онаси ўтирган меҳмонхонага кириб келди.

Онаси бир нуктага тикилганча диванда ўтирарди. У ўғлининг қаршисига келиб ўтирганини кўриб, бошини кўтарди.

Сардор: “Хўш, гапиринг”, дегандай онасига қаради. Наима опа ўғли келгунича гапирадиган гапларини ўйлаб қўйган эди. Шунинг учун ҳам шошилмай, тутилмай, хотиржам гап бошлади.

– Ўғлим, шу кизга астойдил уйланмоқчимисан?

Сардор, сал бўлмаса, ўрнидан туриб кетаёзди.

– Нималар деяпсиз, ойи? Сизни бекорга овора қилманми бўлмаса? Гапингиз кизик бўлди-ку. Ўзингиз биз топганимизга кўнмасанг, ўзинг топ, дердингиз, топсам, яна нега бундай деяпсиз?

Наима опа шошилмади. Ўғлига синчиклаб разм солди. Ҳа, кизи тушмагур ўғлининг юрагидан тоза урибди. Тўғри, она эмасми, ўғлим нега уйланмаяпти, деб роса куйди. Жуда бўлмаса, ўзи ёктириб қолса-чи, деб Худодан тилади. Лекин топгани...

– Мен у кизни билмайман, – гапни узоқдан бошлади Наима опа. – Балки жуда яхши киздир. Мен у киз ҳақида билмасдан ҳеч нарса дея олмайман. Лекин унинг уйига бордим, сира бизга тўғри келмайди-ку, Сардор?

Тагин ҳам Наима опа кизнинг уйи ундан хароб, ота-онаси бундан хароблигини айтмади. Она "...бизга тўғри келмайди", деганини билади, ўғли ловуллаб, ўрнидан туриб кетди.

– Ойи, сиз ўқимишли, зиёли аёлсиз-а?

Онаси ҳа, дейишга мажбур бўлди.

– Одамларни табақаларга ажратиш, уларни жамият чикиндисига чиқариш яхшими? Бундай килиш қайси ахлоқ коидаларига тўғри келади? Йўқ, зиёли одам шундай қиладими? Одамларни бундай ажратиш бизга ярашмайди, ойи!

Наима опа ўғлига нима дейишини билмасдан, шошилиб қолди.

– Ўғлим, ҳали мен ҳеч нарса деганим йўқ-ку. Дарров тезлик қилма. – Ўзини қандай оқлаш, қандай сўзлашни билмай деди онаси. – Менга шунчаки сенинг шунча ўқиб, ёш бошинг билан фан номзоди бўла туриб, шу кизни танлаганинг алам қиляпти! Қанча-қанча яхши оилаларни рад қилдинг, э-ҳе... Энди келиб-келиб... – она йиғламсиради. У беихтиёр кўнглидагини айтиб қўйган эди.

Сардор онасига қараб турди-турди-да, кейин унинг олдига бориб ўтирди. Онасига караганча жон куйдириб сўзлай бошлади:

– Ойи, менинг шунча қуйиб-пишиб айтган гапларимни тушунмаганга ўхшайсиз. Мен ҳозир сизнинг ҳиссиёт-

ларингизни тушуниб турибман. Ўша сенга тўғри келмайди, деган кизингиз, насиб бўлса, катта доктор бўлади. Шуни биласизми? Балки ўша чиройли кизга мен муносиб келмасман.

Сардор беихтиёр кечалари қизнинг гўзаллиги, ёшлигини ўйлаб, кўнглидан кечган ўйларини ҳозир тилига чиқариб юборган эди. Онаси ўглининг бу гапини эшитиб, унга ҳайратланиб қараб қолди.

– Ўйлаб гапиряпсанми, болам, ахир...

Она гапини охиригача етказолмади.

– Ойи, бир нарсани унутманг...

Онаси ўглининг гапини бўлди. Она бўлиб, фарзандига насиҳат қилай, деса. ўз ўгли онасига ўғит бермоқчи бўл-яптими?

– Сардор, сен менга насиҳат қиляпсанми, онангга-я?

Сардор асабийлашди.

– Тўғри деб билган нарсамни айтмоқчи бўлсам, сиз нега мени нотўғри тушунасиз?

– Нотўғри тушунмаяпман. Мен сенга бир бошдан секин тушунтирмоқчи эдим, ўзинг кўймапсан. Қисқаси, онам менинг турмушимга рози бўлсин, десанг, кўй шу кизингни, у сенинг тенгинг эмас.

Сардор жаҳли чиқиб, ўрнидан туриб кетди.

– Ойи, хозиргина сизга нималар дедим? Яна бир марта айтаман, кейин бу мавзуга бошқа қайтмаймиз. Менга ҳаёт берган ўзингиз. Бунинг учун сизни ҳурмат қиламан.

Наима опа ҳурмат қилмай кўр-чи, дегандай кошени кериб қўйди. Сардор худди аудиторияда талабаларга сабоқ бергандай, куюниб сўзлай бошлади:

– Лекин сизнинг бу қиз, унинг оиласи ҳақидаги фикрингизга қўшилолмаيمان. Ойи, ўзингиз айтганингиздай, фарзандим уйлансин, жойлансин, десангиз, менинг бу танловимга аралашмайсиз.

Наима опа ўглининг гапига эътироз билдирмоқчи бўлиб, сўзга огиз жуфтлади.

– Ойи, бу – менинг ҳаётим, – ўғли чакконлик қилиб қолди, онанинг гапиришига йўл қолмади. – Ҳаётимни бошқа биров эмас, ўзим яшайман. Келинг, шу ҳаётимни ўзим истагандай яшай, хўпми? Кейин афсус, надомат чекмай, ёқтирган одамим билан...

Наима опа ўғлининг бу фалсафасидан анграйиб қолди. Бахсга ўрин қолмаган эди.

Сардор онасининг лол қолганини билди. Бир оздан сўнг у онасининг елкасига қўлини қўйганча деди:

– Келиндикми, ойи? Бошқа ташкилий ишларни дадам келгач, гаплашамиз. Рухсат берсангиз, дам олсам, ўлғудай чарчадим...

Сардор шундай дея хонасига кириб кетди.

Она шу ўтирганча ўтириб қолди.

* * *

Наима опа шу ўтирганича алламаҳалгача ўйланди. Ўзи ўғлини ўта қайсар, чўрткесарлигидан шу тобгача бирорта қизга уйлантириб бўлмаган эди. Мана, бу қизни ёқтириб қолибди, энди ундан айириб кўр-чи. Холис айтганда, Наима опа фарзандларининг кўнглига қарайдиган, уларнинг туйғулари билан ҳисоблашадиган оналардан. Лекин шундай бўлса-да, насл-насабли, бадавлат оилалар билан куда-анда бўлиш, шулар орқасида орзу-хавас кўриш истаги ҳам унга ёт эмас. Зиёли аёл эмасми, баъзан шу ўйлари унча яхши эмаслигини ҳис қилади, лекин ўзи қатори аёллар даврасига кирганида унинг ҳам кўкрак кериб мақтангиси, казоз-казолар билан куда-анда эканлигини билдириб қўйгиси келади. Лекин ҳозир ўғлининг нордон гапларини эшитиб, негадир ўзидан-ўзи хижолат тортди. Унинг хижолат бўлиши сабабларидан бири қизи Ферузанинг тақдири эди. Албатта, бир она каби у ҳам қизига бадавлат, ўзларига мос бообруў жойлардан оғиз солишларидан умидвор бўлди.

Она орзу қилганидай, қизига шундай оиладан совчи келди. Дастлаб бари у ўйлаганидай бўлди. Бирок қудаларининг иши чаппасига айланиб, аввалги мол-дунёларидан

путур кетди. Гарчанд куёви Зокиржон иккита институтни битирган бўлса-да, ҳозир бир заводда оддий инженер бўлиб ишлайди. Куёвнинг унча оғайни-жўралари ҳам йўқ, ўзи бўш-баёвгина бола. Шунақа куёвдан қандай қилиб кўнгли тўлсин? Куёвнинг отаси икки йил илгари қазо қилиб қолди. Қошқи бу куёв отасига ўхшаб, пишиқ-пухта бўлса, мен энди оиламни боқай, деб пича югуриб-елса... Рўзғор дегани эса ғор бўлса. Болаларни ҳам едириш, ҳам кийинтириш керак, дегандай, Феруза икки куннинг бирида ота уйига гоҳ у, гоҳ бу нарса керак, деб келиб қолади.

Наима опа кизининг тақдирини ўйлаб, беихтиёр хўрсиниб қўйди. Инсон тақдирини билиб бўлмас экан-да. Ажаб эмас, Сардор айтган қиз бир кун келиб катта доктор бўлиб кетса... Наима опа бу гапга унчалик ишонмаса-да, Сардорнинг қистовига кўнишдан бошқа иложи ҳам қолмаган эди.

Дарвоза кўнғироғи жиринглади. Сардор турмади. Кеча касалхонада наватчи эди, ухлаб қолган бўлса керак. Наима опа ўзи ховлига тушиб, дарвозани очди. Камол ака машинани йўлакда қолдирди-да, ўзи уйга кирди.

Наима опа тезда дастурхон ёзди, таом келтирди. Сўнг эрига ўз қарорини айтмоқчи бўлиб, гап бошлади:

– Дадаси, овқатланиб олинг, сизга яхши хабарим бор.

7

Нур ғалати кайфиятда уйга кириб келди. Бўлаётган воқеалар уни гангитган эди. Бутун гуруҳ талабчанлигидан зир титрайдиган Сардор Камолович деган ўқитувчиси билан учрашувга чиқса-я. Шу фактнинг ўзини қалласига сиғдиролмас, айниқса, унинг бир талаба кутмаган камтарлиги, самимийлиги хайратда қолдирган эди. Лекин Нур қалбининг туб-тубида ана шу Сардор деган ўқитувчисига нисбатан кўнглида қандайдир тушуниб бўлмас, дўстона, хайрихоҳлик туйғуси уйғонганига иқрор эди.

Қиз уйлари остонасидан хатларкан, беихтиёр дилида, энди ойимга нима дейман, деган ўй ўтди. Бундай саволга

жавоб беришга ҳожат қолмади. Бир маҳал Нур аста дарвозани ёпмай, ҳовлига кираркан, узоқдан отаси гапириб қолди:

– Эшикни ёп, ёп дарров! Энди кўча эшикни ёпмасдан юрмаларинг, уқдингми?

Нур хайрон бўлиб, дарвозани зичлаб ёпди. Супа ёнида турган онаси рўмоли учи билан оғзини беркитиб, пиқ-пиқ кулди.

– Бугун отанг тоза чарчадилар.

Нур хайрон бўлиб, онасини саволга тутди:

– Нима иш қилиб чарчадилар?

Зебинисо опа кулгисини босолмай, қўлларини силкиди.

– Ҳадеб кулаверасанми, бўлди-да энди! – Ҳайдар ака хотинини койиди. – Оти эчки бўлса, менда нима гуноҳ?

Ниҳоят Зебинисо опа кулгидан тўхтади. Кулиб, ёшланган кўзларини артди. Сўнг хотиржам айвонга ўтди-да, кизига бўлган воқеани сўзлаб берди.

– Эчки арқони боғланган қозик бўшаб, суғурилиб кетибди. Эчки арқони-ю, қозикни судраганча югургилаб қочибди. Жонивор югуриб қочавериб, отангни роса сарсон қилди.

Ҳайдар ака хотинига хўмрайди.

– Кўча эшикни ёпиб юринглар, деб минг марта жавраيمان. Сенларнинг бўлса, қулоқларингга гап кирмайди.

Зебинисо опа кизига қараб гапираркан, беихтиёр эрига ўзича ҳисобот бергандай бўлди:

– Ёмғир суви тўпланиб-тўпланиб, захланган. Шундан эшик ёғочлари шишиб, яхши ёпилмайдиган бўлиб қолган. Шунинг учун шамолда эшик очилиб қолибди.

Ҳайдар ака хотинининг бу гапини эшитиб, жаҳли чиқиб кетди. Қўлини паҳса қилиб, бобиллади:

– Шамол очганмиш! Дарров ўзингни оклайсан-а!

Нур бундай вазиятда орага тушмаса бўлмаслигини англади:

– Отажон, шамол қаттиқ турса, эшик экану, томни ҳам кўчирворади-ку, нега ишонмайсиз?

– Э! – қизининг гапини эшитиб, Ҳайдар ака пича юмшагандай бўлди: – Эшик ёпилмаслигини кўрган одам, бирорта тиргак тираб кўяди-да.

Эрининг юмшаганини кўриб, Зебинисо опа сўзга оғиз жуфтлади, лекин яна эри сўзлашга кўймади.

– Кўрдингми, кизим, ойингга шу арзимас нарсани ҳам мен ўргатишим керак.

– Худо хайрингизни берсин, отаси, мендан ўтди, бошка кайтарилмайди. – деди ёлвориб Зебинисо опа яна бу гаплар одатдагидай жанжалга айланиб кетишидан кўркиб.

Лекин хотинининг узри эрини қониктирмади. Яна вайсашга тушди:

– Яна кайтариб айтаман, кўча эшик ҳеч қачон очик қолмасин, Худо кўрсатмасин, уйга ўғри кирса нима бўлади, шуни ўйладингми?

– Уйимизда ўғирлайдиган нарсанинг ўзи бўлмаса, нимадан кўркасиз, отаси? – деди эрини “яна бошидан бошлайди” дегандай, зориллаб Зебинисо опа.

– Битта галдан қолсанг хакинг кетадими, Зеби? – деди Ҳайдар ака тутақиб.

Нур ҳозир уларнинг ўртасида кози бўлиши кераклигини тушунди. У отасига юзланиб астагина деди:

– Отажон, эшик очик қолганда сиз уйда йўқмидингиз?

Қизи отасининг нозик жойидан тутган эди. Ҳайдар ака бундан довдираб қолди. Нима дейишини билмасдан каловланди. Бир оздан сўнг ўзига келиб, Нурга бўлган воқеани бир бошдан айтиб берди:

– Уйда ўтирувдим. Бир маҳал бу ярамас эчки очик қолган эшикдан кўчага, ундан тўғри, қарасанг, ваҳминг келадиган тик жарга қараб югуриб кетса бўладими. Жарга қулаб кетишига сал қолди-я... Лекин бу эчки дегани оёқларини қаерга кўйишини мендан яхшироқ билади. Мен бўлсам оёқларим лойга сирпаниб неча марта йиқилиб тушдим-а... Гўшт бўлгурни ушлаб уйга олиб келгунимча она сутим оғзимга келди-я.

Зебинисо опа яна ўзини тута олмай кулиб юборди. Ҳайдар ака хотинига хўмрайиб каради.

– Кул-а, сенга кулги бўлса!

– Ўша пайт отангнинг аҳволини бир кўрсанг эди. Бошларидан оёқларигача лойга ботган, юз-кўзларига лой сачраган...

Нур бу воқеани эшитиб, сидкидилдан кулди. Ҳозир арқонини узиб, отасини югуртирган эчкидан ҳам, эчки кувиб, чарчаган отасидан ҳам, кулиб, отасидан дакки эшитган онасидан ҳам, умуман, уйдаги ҳаммадан миннатдор бўлди. Шу воқеа сабаб онаси уни сўроққа тутмади. Онаси сўраганида ҳам нима деб жавоб берарди? Ҳали ўзи нималар бўлаётганига тушуниб етгани йўқ-ку.

У каравотга чўзилганича бугун бўлиб ўтган воқеаларни хаёлан таҳлил қила бошлади.

Нима қилса экан? Яқшанба куни Сардор билан бирор жойга бормаса нима бўлади? Лекин борса, нима қилади? Сардор яхши суҳбатдош, билимдон йигит экан, вақт қандай ўтганини билмай ҳам қоларкансан. Бир одам ҳақида юзаки хулоса чиқариб бўлмас экан. Курсдошлари Умумий хирургиянинг бундай фазилатлари борлигини тасаввур ҳам қила олишмаса керак. Нурнинг назарида Сардор билан синфдош, йўқ, курсдошдай, у билан бирор жойга боришнинг ҳеч ёмон томони йўққа ўхшаб туюлди. Лекин бирдан... учрашувга чиқиб кетсанг, қандай киз экан ўзи бу, демайдими? Ростдан табиат кўйни бошқача бўлади-да. Лекин дарров, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бир йигит билан табиат бағрига чикса яхши бўладими? Нима, Сардор йигитими? Шунда юраги орқасига тортиб кетди. Йўқ, унинг ҳеч қачон йигити бўлмайди! Севгилиси, севги, деган гаплардан аллақачон кўнгли қолган. Лекин бирор жойга ҳордиқ чиқариш учун албатта йигити билан бориладими? Дўсти билан борса ҳам бўлади-ку. Яна Сардор буни нотўғри тушунишига ҳам ишонмайди. Лекин ўзи-чи, буни қабул қила оладими? Уят бўлмайдами? Э, ўйлайвериб боши оғриб кетди.

Мактабда ўкиб юрган чоғлари баҳорда синфдошлари билан қирга лола сайлига чиқишарди. Хотирасида ўша лола сайли, бахтиёр кунлар жонланди. Бари ўтиб кетди... У беихтиёр мактаб даври хотираларига чўмди. Беташвиш ўқувчилик кунларини эсларкан, якшанбани, бўлғуси учрашувни унутди. Бор-е, якшанбагача неча кун бору, бир гап бўлар... Нур ўзига хос бўлмаган беғамлик билан кўл силтади. Сўнгги пайтлар уйқусизликдан азоб чекаётган Нур ҳозир осонгина пинакка кетди. Бугун шундок чарчадики...

* * *

Нур эрталаб онам кечаги учрашувни сўраб қолмасинлар, дея тезгина жуфтакни ростлаб қолди. Аста ҳаёти изга тушаётгандай бўлди. Назарида ўша юрагида азобли жароҳат қолдирган куз фасли ҳаётида бўлмагандай эди. У ўзини қушдай енгил сизди. Ўқишдан уйга қайтса, онаси хаяжонланиб яна уни супада кутиб олди.

– Супада ўтиришингиздан кўрқиб қолдим, – дея қулди Нур онасига салом бергач. – Яна нима бўлди?

Зебинисо опа унинг саволига жавоб бермай деди:

– Олдин ечиниб чиқ, кейин гаплашамиз.

Нур онасининг товушидан Сардор билан боғлиқ яна бир воқеа содир бўлганлигини тахмин қилди. У уйга кириб, кийимларини алмаштирди, энди хонасидан чиқай деб турса, онасининг ўзи ичкарига кириб келди.

– Нима гап, ойи?

– Нега кеча менга нима бўлганлигини айтмадинг? – деди онаси ўпка билан.

Нур таажжубланди. Шунга нима бўпти? Онаси бунча хаяжонланмаса? Ҳудди Сардор кизининг сўнгги имкониятидай, мунча ташвишланадилар? Бунга Нурнинг негадир гаши келди.

– Нима бўпти, учрашгин, дедингиз, сўзингизни ерда қолдирмай учрашдим. Яна нима қилишим керак эди? – деди Нур ҳеч нарсага тушунолмамай.

Зебинисо опа кизининг ниманидир яшираётганини сезиб, бошини сарак-сарак килди.

– Бугун ўша ўкитувчинг яна совчи жунатибди. Улай агар, нима дейишни билмайман. Унинг уйлансам ҳам, уйланмасам ҳам шу кизга уйланаман, деб туриб олибди-ку!

Нур ўйланиб қолди. Ахир ҳозир турмушга чиқиш нияти йўқ-ку! Ундан кейин ҳали Сардорга тегишни, умуман, яқин ўртада турмушга чиқишни ўйлаб ҳам кўргани, ҳатто тасаввур қилгани ҳам йўқ! Бу нимаси?

– Ҳадеб кизингиз нима деди, ўғлимиз ҳақида қандай фикрда, деб сўрайверишиб, бошимни оғритиб юборишди!

Нур бошини чангаллаб ўтириб қолди. Бир оздан сўнг бошини кўтариб, дона-дона килиб деди:

– Ойи, анув кун сизга ҳали-вери турмушга чикмайман, дедим-а, эсингиздами? Ҳали турмушга чикмайман, шуни айтинг уларга. Қийинми шундай дейиш?

Зебинисо опанинг ҳам жаҳли чикди.

– Турмушга чикмасмишлар! Шундок шахзодага тегмай, нима қилмоқчилар? Ноз қияптиларми? Ҳа, сени бошимга ёстик қиламан. Ёстигим йўқ-да!

Бу Умумий хирургия нима қияпти-я ўзи? Шахзода эмиш! Ойим ҳам қаёқдан топдилар шахзода деган гапни?

Нур хонада уёқдан-буёқка юрди.

– Йўқ, айтасиз, ҳали турмушга чикмайди, дейсиз! – деди Нур бирдан жойида такка тўхтаб.

Тўгриси, ҳали турмуш қуриш ҳақида жиддий ўйлаб кўргани йўғу. Сардор Камолович жаноби олийлари унинг учун ҳукм чиқариб кўйибдилар-да!

– Бор, ўзига айт! – онаси аччиқ билан юзини тескари ўгирди.

– Айтаман ҳам! Якшанба кун келади-ку, айтмасдан ҳам кўймайман!

Нур шундай деди-ю, тилини тишлади. Негадир якшанба сўзини тилга олгач, кўнгли ёришганини сизди. Жаҳли чиқиб турган онаси кизидан бу гапни эшитгач, беихтиёр мийиғида кулиб кўйди.

Нур не хаёллар билан якшанбани кутди. Яхшиям ўқиши бор, алаҳсийди, тун бўлди дегунча ичида Сардорни янади, унга айтадиган гапларини ўйлайди. Уйлангингиз келса, ана, кўча тўла киз, дейди, менинг бошимни оғритманг, дейди. Ҳали менинг турмушга чикишдан илгари қиладиган ишларим кўп, дейди. Йўк, бундай деса-чи. Албатта, маданий ва юмшоқроқ қилиб, балки сиз ўйлаган қиз эмасдирман, чунки мен ҳали ўқишни битирмадим, сизнинг даражангизда эмасман. Сизга муносиб қизлар кўп, дейди. Йўк, ўзини пастга урадими? Нур хаёлига келган бу фикрдан ўзининг аччиғи чиқди. Нега энди паст келаркан унга? Бўлмаса, мени тинч қўйинг, дейди, тамом – вассалом. Бизнинг йўлларимиз айри-айри, дейди. Ўз олдимга қатта мақсад қўйганман, илтимос, менга халакит қилманг, дейди. Қачон айтади ахир? Қачон келади ўша якшанбаси? Нур беихтиёр кун санаётганини сезиб қолди-да, бу хаёлларни калласидан қувиб, кўрпа ичига бурканиб олди.

Ниҳоят якшанба куни ҳам етиб келди. Баҳор қуёши кўкдан мўл нур сочиб турарди. Осмоннинг у ер-бу ерида сузиб юрган оппоқ булутлар ҳам ярқираб турган қуёш нурларига халакит қилолмаётган эди.

Нур эрталабдан бу учрашувга тайёргарлик кўради. Сочи ҳеч турмакда турмай, кийнаб юборди. Ахири сочларини турмагидан ечди, ёйиб юборди. У қўйлагини кийиб кўрди, бўлмади, бу қўйлагини кийиб кўрди, бўлмади. Нега бунчалик тайёргарлик кўряпти? Ахир Умумий хирургия билан рад жавобини айтиш учун учрашаётган бўлса? Йўк, у маданий ва ўқимишли киз. Нур оддий, кишлоки киз эмас. Тўғри, у Москвада ўқимайди, шаҳарда яшамайди. Барибир қалбан у зиёли, маданий киз, рад жавобини ҳам тўпори қилиб эмас, маданий қилиб беради. Шу туфайли ҳам у учрашувга назокатли бўлиб бориши керак.

У ўзини шундай сўзлар билан оқлади.

Зебинисо опа эрта тонгдан индамай кизини кузатади, ичида кулади. Қизи тушмагур кимни алдаяпти? Бир маҳал

қиз соатга қаради: ўн бештаси кам ўн икки бўлибди. Ҳа, Сардор билан учрашгач, у билан яхшилаб гаплашиб олгач, кейин кутубхонага боради. Шаҳарга бекорга бормаиди, ўқийдиган адабиётлари бор, шуларни олиб, танишади. У кўзгуга қаради, ўзидан кўнгли тўлди. Хонадан чиқаётиб, ёзув столининг кўринарли жойида турган тақинчоқларга кўзи тушди. Ҳа, онаси сездирмай тақсин, деб қўйган. Бир тақинчоқларни тақай, деди, лекин орияти йўл қўймади, онасидан уялди. У тақинчоқларга қаради-ю, кўзини чирт юмди. Тақинчоқларни таққиси келди, лекин тақмади.

Нур уйдан чиқди. Онаси зимдан қизига разм солди, жўрттага қаёққа кетяпсан, демади. Она ишни бузиб қўйишдан кўркди.

– Ойи, мен кетдим, – Нур онасидан бирор бир хайрихоҳ сўз истаб, қаради. Ахир у рад жавобини бераман, деб кетяпти-ку, онаси индамайди-я!

– Яхши бор, – деди онаси.

Нур онасининг бу қилиғидан ажабланиб, уйдан чиқди.

Нур кўчанинг бошланиши томон юраркан, негадир юраги тез-тез урди. У Сардор билан гаплашганда гапидан адашиб, тутилиб қолмаса бўлгани. Кўча бошида сутранг “Волга” машинаси турарди. Дастлаб Нурнинг хаёлига, Сардор келмапти-я, деган ўй келди. Шу ўйдан ўзи галати бўлди-ю, майда кадамлар билан кетаверди. Оёғидаги уёк-буёкка киядиган туфлисининг пошнаси баландлигидан юришга қийналиб, аста қадам ташлашга мажбур бўлди.

Бир маҳал “Волга” машинасидан бир йигит тушди. Бу йигитни кўриб, Нур кўзларига ишонмади. Одатда классик русумда кийинадиган йигит бу сафар спорт йўсинида кийиниб олган эди. Мовий пиджак, оч хаворанг қўйлак, жинси шим Сардорни янада ёш йигитларга ўхшатиб қўйганидан Нур даставвал уни танимади. Унинг кўриниши негадир қизнинг кўнглида аллақандай нотаниш ҳисларни уйғотди. Ўз навбатида Сардор ҳам қизни, ўз талабасини танимади. Йигитга пешвоз келаётган қиз ғоят сирли ва

малоҳатли эди. Қиз ҳар куни йигит кўриб юрган талабасига ўхшамас, қомати, қадам ташлашлари, хаёлий қиёфаси, қадамларига мос эсиб турган шабадада аста тўлқинланиб, силкинаётган сочлари ҳар қандай йигитни ўзига махлиё этиб қўярди. Нафис каймоқранг либос қизни худди эртақларда тасвирланган маликаларга ўхшатиб қўйган эди. Йигит бир лаҳза бу гўзалдан кўзини ололмай қолди.

Нихоят қиз йигитга яқинлашди. Сардор ўзини қўлга олди. бош эгиб, саломлашди.

Шу лаҳза Нурнинг эсига беихтиёр Элбек, унинг илтифот билан қўл силкиб, қизга машинани ишора қилиши тушиб, галати бўлиб кетди. Қуриб кетсин, нега ўша шумшук эсига тушаверади! У ўзи билмаган ҳолда ичида Элбекни Сардор билан солиштириб юборган эди.

Сардор катъият билан машинанинг орқа эшигини очди:
– Марҳамат.

Қиз чурк этмай ўтирди. Сардор газни босди, машина йўлга тушди.

– Нур, машина муборак бўлсин демайсизми? – орқага ўгирилиб деди Сардор.

Нур нима дейишини билмади. Чунки унинг миясида қандай қилиб йигитга ўз мақсадини баён этиш ўйлантирмоқда эди. Ҳозир бу кетишда Сардорга ўз истакларини айтилмаслиги мумкин, шу фикр уни чўчитмоқда эди.

Сардор қизнинг руҳиятини ҳис қилдими, ўз саволига ўзи жавоб берди:

– Дадамдан прокатга олдим. Шаҳардан ташқарига чиқадиган бўлсак, машина керак, дедим-да.

– Сардор Камолович, – қиз йигитга шундай мурожаат қилиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Йигит қизнинг бу мурожаатидан кулиб юборди.

– Йўк, Нур, расмиятчиликни унутинг. Биз ахир бир институтда ўқиймиз, институтдошлармиз, ахир келишиб олмаганмидик? Биз тасодифан институт кечасида танишиб қолганмиз ва дўст бўлганмиз, тушунарлими? Масалан, дискотекада.

Нур йигитнинг бу сафар ҳам ташаббусни қўлга олиб, унга қулай вазият яратиб берганидан бирмунча енгил тортди. Қиз бир қарорга келди. Ўйлаб турган гапларини ҳозир айтади ва кутубхонага қайтади.

– Сардор ака, – энди киз йигитга шундай деб мурожаат қилишга мажбур бўлди. Шундай деди-ю, юзи лов-лов ёнди.

Йигит ҳам кизнинг оғзидан илк маротаба бундай мурожаатни эшитиб, тўлкинланиб кетди. Назарида шу икки оғиз сўз ўрталаридаги талаба ва ўқитувчи ўртасидаги тўсиқни қулатиб юборган эди.

– Мен далага чикмайман... – киз қолган гапни қандай айтишни ўйлаб, бир оз тин олди.

– Бўпти, гап йўқ, бормасак бормаймиз-да, – дарров кўниб деди Сардор. – Бўлмаса шаҳардаги бирор қаҳвахонага борамиз, бўптимми?

Сардор шундай қарорга келиб, кизга қаради. Нур хангу манг бўлиб қолди. Унинг неча кундан буён айтаман, деб юрган юрагидаги гаплари тобора ўз ахамиятини йўқотиб бораётганга ўхшарди.

Бир пайт машина йўл чеккасида тўхтади.

– Ҳозир, бир дақиқа! – Сардор орқага ўгирилиб шундай деди-да, машинадан тушди.

Нур қараса, Сардор рўпарадаги озиқ-овқат дўконига кириб кетяпти. “Магазинда нима иши бор экан?” – хайрон бўлди Нур.

Сардор қўлида бир шиша билан қайтиб келди. Нурнинг яна таажжуби ортди. Кўнглига нималар келмади... Шартта машинадан тушиб кетгилари келди.

Сардор келиб, машинадан очқич топди-да, шишани очди. Сувдан пластмасса стаканга қуйиб, кизга узатди.

– Мана, олинг, бу минерал сув.

Нур ҳозиргина кўнглига келган ўйдан ўзи уялиб кетди.

– Йўқ, раҳмат, сув ичмайман.

Сардор кулди.

– Ичинг, ичинг, ёрдам беради.

Киз лол бўлиб қолди. У беихтиёр стаканни Сардордан олди.

– Ҳозир менга муҳим гап айтмоқчисиз-а, тўғрими, Нур? – Сардор Нурга ўтирилганча жилмайиб, деди: – Жиддий суҳбат бўлади чамамда. Олдин сувдан ичиб олинг.

Нур йигитнинг ундашидан сувни қандай қилиб ичиб юборганини ҳам билмай қолди.

– Бўлдими, анча енгиллашдингизми? – деб сўради ҳамон жилмайганча Сардор. – Энди гапиринг. Менга айтадиган муҳим гапингизни айтинг.

Нур йигитнинг топқирлигидан сал бўлмаса ўзини йўқотаёзди. Энди нима деса бўлади? Тавба, кеча туни билан ўйлаганлари бирпасда ҳавога учди-кетди.

– Сардор ака... – яна бу мурожаатдан ҳаяжонланган йигит кизга “ялт” этиб қаради. Кўз кўзга тушди. Нур кўзларини қаёққа яширишини билмай қолди. – Мен айтмоқчи эдимки...

Киз тутилиб қолди. Гапини қандай давом эттиришни билмасдан ўйланиб қолди. Қани тунлари бийрон-бийрон гапираман, деган гаплари? Бирорта фикр тузук-қурук тилига кела қолмади. Сардор кизга қараб турди-турди-да, қўлини силкиганча деди:

– Бўлди, Нур, қийналманг. Келинг, ҳозир сиз менга айтмоқчи бўлган гапларингизни ўзим айта қолай. Рухсат этасизми?

Нур саросимада қолди. Сардор нималар деяпти?

– Агар нотўғри гапирсам, тузатиб турасиз, бўптимми?

Нур беихтиёр бошини ирғади.

– Кейин англашилмовчилик бўлмаслиги учун ҳозир гаплашиб олганимиз маъқул. тўғрими? – Сардор хайратланиб ўтирган Нурга қараганича сўзида давом этди: – Сиз ҳозир ичингизда мени уришяпсиз, нега бундай қарор қилади, мен ҳали турмушга чиқмоқчи эмасдим, деб, шундайми?

Сардор гапини маъқуллашмоқчидай. Нурга кулиб қаради. Нур ичида “Энди тамом бўлдинг, Нур”, деди. Сардорнинг бу гапи ҳам ҳолва экан, давомини эшитиб, Нур ўтирган жойида тахта бўлиб қолди.

– Мен ўз олдимга катта мақсадларни қўйганман, аввал ўша ниятларимга етишим керак. Кечирасиз, йўлимиз бошқа-

бошка экан. Ана, уйланаман десангиз, кўча тўла киз, мени тинч кўйинг, демокчисиз, шундайми?

Нур хайратдан ўзига келолмай қолди. Орага чуқур сукунат чўкди. Сардор ҳамон кизга қараб кулиб турарди. Нур бир амаллаб ўзини қўлга олди. Сўнг юрак ютиб, аста деди:

– Сардор ака, сизнинг хирургиядан ташқари фолбин эканлигингизни ҳам билмаган эканман.

Шу ўринда Сардор қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Умумий хирургия, денг! Сизлар ахир бутун курсингиз билан мени Умумий хирургия деб чақирмайсизларми?

Нур бу канақа йигит бўлди-а, деб ўзини кўярга жой топмади. Тавба, қаердан ҳам учради йўлида бу одам!

Сардор кизни мулзам қилиб қўйганлигини билиб, дарҳол жиддийлашди.

– Узр, Нур, сизда ўзим ҳақимда бундай нохуш таассурот қолдиришни истамайман. Мени ёмон кўрманг, илтимос. Сизларни кечираман. Ахир ўзим ҳам бир пайтлар студент бўлганман. Гап унда эмас, Нур. агар кўнглингиздаги фикрларни тўғри топган бўлсам, келинг, муаммони ҳал қилиб олайлик. Ахир муаммо нимада?

Нурнинг кўзлари катта-катта очилди.

– Келинг, истасангиз, йўлларимизни бирлаштирайлик, мақсадларимиз битта бўлсин. Мен сизга ёрдам берай, сиз менга. Нима дедингиз?

Нур масаланинг бундай ечимини асло қутмаган эди.

– Мен...

Сардор яна топқирлик қилди. киз айтолмаган гапларни айтди:

– Сиз ҳали бир-биримизни билмаймиз, ўртамизда севги-мухаббат дегандай туйғулар йўқ-ку, дерсиз. Бу гапингизга ҳам кўнаимиз. Келинг, бир-биримизни билайлик. Ахир олдимизда, насиб бўлса, бутун умр турибди. Биргаликда бир-биримизнинг яхши томонларимизни кашф этайлик, ўзимиз кўзлаган катта мақсадларимизга етайлик. А, нима дедингиз?

Сардор илтижо билан қизга қаради. Қиз йигитнинг гапларидан лол бўлиб қолган, бирор оғиз жавоб беришга тили ожиз эди.

Орага яна сукут чўкди. Ахири Нур сукутни бузди:

– Билмай қолдим...

Сардор қизнинг чин кўнгилдан тан олиб айтган сўзларидан кайфияти кўтарилиб кетди:

– Билмасангиз, кетдик бирор яхши қаҳвахонага!

Масала ҳал бўлди.

* * *

Қаҳвахона сўлим сув бўйида жойлашган экан. Уларнинг йўлдаги асаб таранглиги тарқаган, энди иккисининг чехралари ҳам очилган, хушчақчақ эдилар.

– Нур, сизни билмадим, менинг қорним очқаб кетди!

– Мениям, – тан олди Нур.

Официант буюрилган таомларни олиб келгани кетди.

Сардор яна суҳбат жиловини ўз кўлига олди.

– Нур, сизга биринчи муҳаббатимни айтиб берайми?

– Айтинг! – кулди Нур.

– Чамамда саккиз-тўққиз ёшларда эдим. Мени кўшимча мусика дарсига беришган эди. Биласизми, ўшанда юрагимга биринчи марта муҳаббат кириб келди. Мен мусика ўқитувчимизга ошиқ бўлиб қолдим. Муаллима опамиз шундай чиройли эдики, ҳалиям кўз олдимдан кетмайди. Шундан кейин ундай чиройли аёлни учратмадим.

– Сираям-а? – кулиб савол берди Нур.

– Сира! – деб жавоб берди кулганича Сардор. – Мен мусика ўқитувчимизнинг эътиборига сазовор бўлиш учун ҳар куни пианинода машқ қилар, бошқа дарсларни йиғиштириб қўйиб, фақат мусика билан шуғулланар. нота дафтарини тўлдириб ёзиб ўтирар эдим. Ҳатто менинг тиришқоклигим туфайли эришган муваффақиятимдан ота-онам келажакда пианиночи бўлмасайди, деб ҳам ўйлашган. Лекин бирдан ана шу оташин севгимга фожиали тарзда нукта қўйилди.

– Наҳотки? – деди Нур кулганича.

– Бир куни мусика муаллимамизни кўчада бир машина ёнида кўриб қолдим. Муаллима опамиз машина ҳайдовчиси билан кулишиб турарди. Менга муаллима опанинг бошқа бировга кулиб туриши, айникса, ўша одамнинг опага яқин туриб, кулоғига нималарнидир шивирлаши жуда алам қилиб кетди. Танаффусда билдирмасдан бордим-да, ўша машина ойнасини тош билан уриб, чил-чил қилиб синдирдим. Ўшанда айбдор кимлиги дарров топилди. Бу ишни мен қилганимни билган муаллимамиз совуққонлик билан шундай деди:

– Сардор, энди сен билан шуғулланишни истамайман, бошқа келма.

Бу мен учун энг катта жазо эди. Шу билан қайгули севги тарихи ҳам якунига етди. Ҳа, мен шунақа рашкчиман...

Сардорнинг ҳазил аралаш айтиб берган хикоясини эшитган Нур беихтиёр унга тикилиб қолди.

– Ҳозир ҳам рашкчимисиз, демокчимисиз? – деди Сардор Нурнинг нима демокчи бўлганини уққандай. – Рашк кимда бўлмайди дейсиз. Лекин, муҳими, ўртада ишонч бўлиши керак.

Нур Сардорнинг бу сўзларини эшитиб, негадир тинчланди.

Бир пайт Нурнинг кўзи беихтиёр улардан сал нарироқда ўтирган бир йигит билан кизга тушди. Йигит билан киз кулиб гаплашишмоқда эдилар. Афтидан, улар жуда яқин муносабатдалар шекилли, буни ошкора намойиш этмоқда эдилар. Олдиларидаги музқаймоқ идишидан гоҳ йигит ўз қошиқчасида кизнинг, гоҳ киз севгилисининг оғзига соларди.

Нур бу манзарага тикилиб қолди.

– Нур, нимага қараяпсиз? – сўради Сардор кизнинг диққати нимага бўлинганига қизиқиб.

– Анави йигит билан қизга қаранг, – Сардор ҳам уларга қаради. – Уларнинг шундай эхтиросли муҳаббати узокка боришига негадир кўзим етмаяпти.

– Ҳа, уларми, – деди Сардор ҳам рўпараларидаги ошик-маъшуқларга разм соларкан. – Тўғри топдингиз, бундай муҳаббат узокка бормади.

Сардор ишонч билан шундай деб Нурнинг гапини маъкуллади. Орага сукут чўкди. Ким бу ҳақда нима деб ўйлапти, буни айтмадилар. Сукутни Сардор бузди. У бошқа мавзуга ўтиб, яна кизик-кизик воқеаларни ҳикоя қилди. Нур худди неча йиллик кадрдон дўсти билан кўришгандай, йигитнинг ҳикояларига марок билан қулок тутарди. Бир маҳал Нур соатига қаради-ю, ваҳима қилди:

– Вой, кеч бўп қолти, кетайлик энди...

Ҳаво тунд, эрталабки қуёш нурларини энди булутлар тўсган, ёмғир забтига олган эди.

– Югурдик, ёмғир ёғяпти! – Сардор пиджагини ечиб, Нурнинг елкасига ташлади.

Хайрият, машинага кириб олганлари, ёмғир янада жадаллади.

Сардор машинани юргизди. Машина ёмғир билан ювилган асфальт йўлдан елиб кетди. Ёмғир машина деразасини черта бошлади. Улар ёмғир мусиқасига қулок тутиб, индамай кетдилар. Бир пайт Сардор беихтиёр орқага қаради. Нурнинг кўзи илинибди, боши хиёл четга оғибди.

У машинани аста тўхтатиб, кизнинг устига пиджагини ташлади. Беихтиёр кизга тикилиб қолди. Қизнинг бир тутам майин сочи кўзига тушибди. Унинг қора киприклари жуфтлашиб, типик юзларида ажралиб турарди. Йигит секин қўлларини кизнинг сочларига олиб борди, авайлабгина унинг сочини кўтариб қўйди. Уйқудаги малика... Беихтиёр тилига шундай сўзлар келди. Бирдан кўнглида аллақандай кизни авайлашгами, меҳргами ўхшаш туйғулар уйғонди. Ҳа, бугундан бошлаб Сардор кизга ғамхўрлик қилиши керак. Бу унинг бурчи.

Кутилмаганда унинг дилидан шундай гаплар ўтди.

* * *

Ташкарида ёмғир мусиқаси тинганга ўхшади. Томчилар машина деразасига ортик урилмай қўйди. Яна қуёш теваарак-атрофни чарогон қилиб юборди. Нурнинг юзига қуёш нурлари тушиб, кўзлари очилиб кетди. Устидаги пиджакни

кўриб, хайрон бўлди. Қиз пиджакни устидан олиб, ёнига кўйди. Беихтиёр олдинга қаради. Негадир ҳайдовчи ўрни бўш эди. Тавба, қани Сардор, нега юрмаяпмиз? Наҳотки шундай тош қотиб ухлаган бўлса? У шундай хижолат бўлди, шундай хижолат бўлди... “Шунақаям уятсиз қиз бўласанми, Нур, – деди ичида. – Эви билан-да, учрашувга чиққан қиз, уйланаман, деган йигит машинасида ҳам ухлайдими? Қиз бўлмай кет, қилган ишинг қурсин...”

Нур ўзини кўлга олиб, атрофига олазарак қаради. Ташқарига караса, йўл чеккасида, ариқ бўйида Сардор чўккалаганча ўтирибди. Дастлаб қиз ҳеч нарсага тушунмади. Кейин нима гаплигига тушуниб етиб, бошига бир урди. Сардор, “Сен тантиқни қониб ухлаб олсин, деб машинани тўхтатиб қўйиб, ўзи ташқарида кутяпти...” Шунда тўсатдан кўнглида ана шу лаҳзаларгача нотаниш ҳис уйғонганига амин бўлди. Юраги орзиқиб кетди.

У зўрға ўзига келиб, секин машинадан тушди. Машина эшиги очилгани овозини эшитиб, Сардор ўгирилиб қаради. Сўнг ўрнидан туриб, машина томон юрди. Нур нима дейишини билмасдан каловланди.

– Кетдикми? – деди Сардор Нурнинг хижолат бўлаётганини пайқаб.

Йигит шундай дегач, Нурнинг хижолатпазлиги пича таркагандай бўлди. Улар машинага ўтирдилар.

– Уйготмабсиз-да... мени кечиринг... Ҳеч бундай бўлмаган эди, – Нур барибир бу вазият учун ўзини айбдор билиб, кўнглига келган гапларни айта бошлади.

Сардор орқасига ўгирилиб, жилмайиб деди:

– Нур, хижолат бўлманг, биз энди бегона одамлар эмасмиз, тўғрими?

Сардор ҳозир қандай қилиб бундай деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. У қизнинг хижолатпазлигини таркатадиган бошқа бирор жўяли сўз айтмоқчи эди, шу сўзлар оғзидан чиқиб кетди. Эҳтимол йигит бу гапларни дилида барибир қизнинг розилигини унинг ўз тилидан эшитиш истаги бўлганлигиданми, кечалари Нурдай соҳибжамол унга

бефарк эмасми, йўқлиги кийнаганиданми айтиб юборгандир? Балки у юрагининг туб-тубида шунча уринганим билан кизнинг менда кўнгли бўлмаса-чи, деган кийнокли ўйлар яширинлигидан бу сўзларни айтиб юборгандир? Айтилган сўз – отилган ўқ, дейдилар. У энди бу сўзларни айтишга айтиб қўйиб, қиздан жавобини илҳақ бўлиб кута бошлади. Қизнинг жавоби гўё хаёт-мамот масаласи эди.

Сардорнинг бу сўзларини эшитиб, Нур ғалати бўлиб кетди. Ҳа, боягина юрагида уйғонган янги туйғунинг номини энди топди. “Меҳр туйғуси шундай бўлса керак”, деб ичида эътироф этди киз. Ҳа, кизнинг қалбида бу меҳрибон йигитга нисбатан меҳр туйғуси уйғонган эди.

Қиз энди йигитга жавоб айтишга иккиланмади ва кейин бунинг учун афсус чекаман, деб ҳам шубҳа қилмади. Негаки дилида унга маслаҳатдош ички туйғуси бирдан жонланди, ўша туйғу: “Сен ҳозир хўп, десанг, янглишмайсан”, дея қулоғига шивирлади.

У бошини кўтариб, йигитга қаради ва ўз сўзини айтди:

– Тўғри, энди биз бегона эмасмиз...

Йигитнинг назарида қизнинг жавобини бир аср кутганга ўхшаб туюлди. Ниҳоят йигит қиздан бу жавобни эшитиб, хаяжондан ўзини йўқотди. Қиз ҳайрон, ҳозир қаршисида катъиятли, ўз гапини ўтказадиган, бир сўзли йигит эмас, муҳаббатдан эс-ҳушини йўқотган ошиқ турарди. Қиз унга қараб қолди. Ҳозир киз кўнгли шу кунгача нотаниш, аллақандай илиқ туйғуларга лиммо-лим эди. Нур биринчи бўлиб, ўзини қўлга олди:

– Сардор ака, бўлинг, кетайлик...

Йигит бир оз эркалик билан айтилган сўзлардан ҳушига келди. Сардор яна бояги ўз холига қайтди:

– Зумда уйингизда бўласиз, Нур хоним!

9

Баҳор ёмгири бари чанг-губорларни ювиб кетди. Қишлоқ баҳорини ҳеч қайси жаннатга киёслаб бўлмаса керак. Ҳаммаёк кўм-кўк, йўл чеккалари, ариқ бўйлари, далалар,

узумзорларда гуллар чаман бўлиб очилди. Ховлиларда ток новдалари кўтарилиб, худди чирмовукдай сўриларга илашиб, чирмашиб кетди. Маҳаллада Ҳанифа холанинг бир туп жийдаси гуллади. Жийда гулининг иси атроф-теваракни тутиб кетди. Ҳайдар аканинг ховлиси этагидаги тик жар ҳам ям-яшил. Ана шу яшил майсалар орасида лола, чучмомалар ажиб кип-кизил, сиёҳранг бўлиб ажралиб турибди.

Апрель ойи охирлади. Ўрик, олма, шафтоли каби мева-ли дарахтларнинг гуллари буткул тўкилиб, мева тугди, дарахтлар бутوقлари ҳам ям-яшил барглardan либос кийди.

Зебинисо опа айвонда бир нарсаларни тикиб-чатиб ўтирар, якшанбадаги кизининг қилиғи эсига тушиб, ич-ичидан кулги келарди. “Қизимнинг кўнглини жуфтлаштирган Худойимдан ўргилай”, ўзича шундай шукур қилиб ўтирарди.

Бир маҳал ховлида Гулчеҳра кўринди. Зебинисо опа Гулчеҳрани кўриши билан қилиб турган ишини бир четга йигиштирди. У билан кўришди, сўрашди, айвонга таклиф қилди. Зебинисо опанинг сўрашишига жавобан Гулчеҳра қисқа жавоб берди.

– Худоба шукур, ҳаммалари соғ-саломат. Майли, мен айвонга чиқмайман. Ўзим катикка чиққан эдим.

Зебинисо опанинг кўзига Гулчеҳранинг кайфияти аъло кўринди. Ўз навбатида Гулчеҳра ҳам Зебинисо опа билан сўрашди:

– Хола, Ҳайдар амаким, Нур яхши юришибдими? Нур ўқишдан келса, чиқсин, унга айтадиган бир хабарим бор.

Зебинисо опа Гулчеҳранинг бу гапидан сергакланди. Унга катик бераркан, қанақа хабар экан, деган гап хаёлидан кетмади. Қараса, Гулчеҳра катик учун пул узатяпти. “Бу нима қилганинг! Одам ўз кизидан ҳам пул оладими”, деб уни уришиб берди, пулни олмади. Зебинисо опа Гулчеҳрани кўчагача кузатиб қўяркан, бир нарсага разм солди. Гулчеҳранинг икки кўзи кўчадаги ўрик дарахтида эди.

– Хола, довуччалар катта бўлиб қолганмикан?

Аёл эмасми, Зебинисо опанинг кўнгли бир нарсани сезгандек бўлди.

– Шошма, шошма, довучча егинг келяптими?

Гулчехра бошини ирғади. “Мабодо унинг Нурга айтадиган янгилиги яхши хабар бўлмасин тагин?” Зебинисо опанинг кўнглига шундай гап келди-ю, юраги ҳаприкиб кетди. Зора шундай бўлса... Илоё Гулчехраниям юзи ёруғ бўлсин... Кейин чидаб туrolмай, Гулчехрадан сўради:

– Тўхта, кизим, дугонангга айтадиган хабаринг шу эмасми?

Гулчехра уялиб, ерга каради. Зебинисо опа терисига сиғмай қувониб кетди. Гулчехрани бағрига босиб, юзларидан чўлп-чўлп ўпди.

– Худойимдан ўргилай, охиригача берган бўлсин!

Гулчехра уялиб, ерга каради. Она бўлиш янгилиги Гулчехрани ўзгартириб юборган, одатда жонсарак, нималардандир кўнгли ўксик қиз хозир Зебинисо опанинг кўзига қадди тик, ўзи бахтиёр кўринди.

– Энди-чи, кизим, ўзингга караб юр, хўпми? Ўзингни эхтиёт қил, кўкатлардан кўп-кўп егин. Сут-қатикдан ўзингни қисма, қизим. Бошқоронғилик пайтида аёл егиси келган нарсалардан ўзини тиймайди, уялиб ҳам ўтирмайди, – Зебинисо опа шодлигини ичига сиғдиrolмай, тинимсиз гапирарди.

Гулчехра яна умид билан ўрик дарахти бутокларига тикилди. Унинг довучча егиси келаётганини кўрган Зебинисо опа шартта дарахтнинг ўзига яқинрок турган шохини эгдида, тугган мевасини териб олди.

– Вой, буни қаранглар-а, бирпасда довуччалар нўхатдек бўлиб қолибди-я. Ол, қизим, еб ол. – Зебинисо опа ҳовучидаги довуччаларни Гулчехрага узатди. Гулчехра довуччани артмай ҳам оғзига солди. – Ма, яна. Ҳадемай данаги қотиб, еб бўлмайдиган бўлиб қолади. Ҳали Нур ўқишдан келсин, томга чикиб кўпроқ териб беради.

Гулчехра миннатдор бўлиб, тўймай ҳовучидаги довуччаларга каради.

– Холажон, раҳмат, Нур ўқишдан келса чиқсин-а, уни жуда соғинганман.

– Яхшиси ўзинг чиқа қол. Ҳайдар амакинг ҳам бугун укалариникига бормоқчи эдилар. Мен янги ток баргларидан тердим, ток оши қиляпман. Зайнаб опамга ҳам айт, чиксинлар.

Гулчеҳра хурсанд бўлиб, катикни, довуччаларни олиб, уйига кетди. Зебинисо опа кувончи ичига сигмади. Буёқда, насиб қилса, Нур кизи яхши жойларга бўлай, деб турибди, буёқда бу яхши хабар...

“Худойимдан ўргилай, шундай кунларга етказган”... Зебинисо опа шундай яхши кунларни кўрсатган тангрига куллуклар қилди.

* * *

Нур ўқишдан келса, онаси хурсанд ўтирибди. Зебинисо опа кийимларини алмаштириб чиқишини ҳам кутмай, дарров кизидан суюнчи олди. Гулчеҳранинг ўрик дарахтига интиқ бўлиб тикилганини, унга довучча териб берганини, бу тахминини Гулчеҳранинг ўзи ҳам тасдиқлаганини айтиб берди.

– Ойи, довучча егиси келганини кўриб, шундай деяпсизми? Ҳозир ҳомиладорман, деб ўйлайвериши ҳам мумкин, – деди Нур онасининг гапига унча ишонинқирамай. – Уни унча ишонтириш керак эмас. Ахир баҳорда ҳамманинг ҳам шундай нордон нарсаларни егиси келади. Довучча егани билан аёл ҳомиладор бўлавермайди-ку.

Зебинисо опа ҳозир кизини бу хабарга ишонтиролмаслигини билди. Энди, ўртоғи билан учрашса ўзи айтар, деб қўя қолди.

* * *

– Вақт шомдан ўтди, йўлакнинг чирогини мен ёқмасам, ҳеч кимнинг эсига келмайди, ҳаммаёқ зимистон,– ҳовлидан Ҳайдар аканинг овози эшитилди.

“На иссиққа, на совуққа кўнади бу одам”, деди ичида эрининг овозини эшитиб Зебинисо опа.

– Кечагина йўлакнинг чироғини ёкиб қўйсам, ҳисоблагични чархпалак килиб айлантирасан, деб койигандингиз. Шунинг учун чирокни ёкмадим, отаси, – деди.

Ҳайдар ака хотинининг гапига нима деб жавоб кайтаришни билмасдан, каловланди. Сўнг одатича вайсай кетди. Вайсай-вайсай тинчландими, сўнг кизига юзланиб деди:

– Абдулла амакингникига чиққан эдим, Гулчехра келган экан, сени сўраяпти. – деди.

Нур отасининг гапини эшитибок, юраги шошиб кетди. Амакисиникига чиқишга ҳозирланди. Унинг дугонасига айтадиган гаплари шунчалик тўпланиб қолгандики...

Нурнинг амакисиникига боришига ҳожат қолмади. Шу пайт дарвоза очилиб, Гулчехранинг овози эшитилди. Нур айвондан чопқиллаб тушиб, дугонасини бағрига босди. Дугоналар бири олиб, бири қўйиб, сўраша кетдилар. Уларнинг бир-бирларини соғиниб қолганликлари, бир-бирларига айтадиган гаплари тўпланиб қолганлиги уларнинг ҳовликиб, бир-бирларига гап бермасдан, тўлқинланиб гапиришларидан маълум эди.

– Бугун ётиб кетасан-а? – умид билан термилди дугонасига Нур.

Дугонаси ха, деганини билади, Нур Гулчехрани кучоқлаб олиб, айлантира кетди.

– Қўй-е, – ўзини авайлаб четга тортди Гулчехра.

Нур унинг нега бундай қилаётганлигини тушуниб етди. Демак, онасининг гаплари тўғри экан-да. У шодланганидан нима килишини билмасди. Дугонасини айлантирай деса, унда бўлмаса... Нурнинг кўзлари кулди, кўзларини кулдирган кўнгли эди. Кўнгли қувончга тўлди.

* * *

Гулчехранинг қаршилигига қарамай, Нур дастурхон ёзди, нон, қанд-курс, мева-чевалар билан уни тузади.

– Ток оши қилувдик, опкелайми? – деди Нур.

Гулчехра худди биров зўрлаб овқат соладигандек, қўли билан оғзини тўсди:

– Илтимос, овқат ҳақида оғиз очма, ўзи уйдан зўрга кочиб чиқдим, – деди. Нур қўлларини белларига қўйганича дугонасига насиҳат қилишга тушди: – Ия, сен жуда қизик экансан-ку, овқат емайман, деганинг нимаси? Олдин бир киши учун ейдиган бўлсанг, ҳозир икки киши учун овқатланишинг керак, шуни биласанми?

Гулчеҳра шу маҳал қайт қилиб, ўқчиди. Нур унга тикилиб қолди. Гулчеҳра ўқчий-ўқчий дугонасига деди:

– Ҳеч нарса егим келмайди. Ейману қайт қилиб ташлайман. Ичларим нақ узилиб тушай дейди.

Нур дугонасининг аянчли ҳолатига қараб туриб, уни тергашда давом этди:

– Докторга кўриндингми? Аёллар маслаҳатхонасига рўйхатга турдингми?

Гулчеҳра Нурнинг қатор саволларига фақат бошини сарак-сарак қилди, холос. Нур жаҳли чиқиб, уёқдан-буёқка юра бошлади.

– Мен дўхтирга кўринай десам, қайнонам, ҳадеб ваҳима қилаверманг, бошқоронғилик, деб бекорга айтишмайди, ўзи шундай бўлади. Одам деган сал оғиррок бўлади, деб уришиб бердилар.

Нур, жуда билагон экан қайнонанг ҳам, деб энсаси қотиб, пешонаси тиришди. Тўғриси, Гулчеҳранинг ранги унга ёқмаётган эди. Бирдан жойида тўхтаб, Гулчеҳрага хавотирланиб деди:

– Гули, сен албатта яхши гинекологга кўринишинг керак.

Гулчеҳра, кўпам ваҳима қилаверма, дегандай кўлини силтади.

– Уни-бунни қўй, мен шунчалик бахтлиманки... Мен ҳам она бўламан-а, она бўламан!

Нур беихтиёр унинг қувончига шерик бўлди. Лекин Гулчеҳрага қараб туриб, ичи ачишди. “Ҳайронман, ҳомиладорликда жуда бундай бўлмаслиги керак эди... Уни кўп нарсалар безовта қияпти-ю, она бўлиш шодлигидан сезмаяпти. Ҳа, шундай...” Нур шундай ўйлар билан дугонасига

тикилиб колди. Гулчехра унга хайрон бўлиб каради. Нур Гулчехрани кўрkitиб юбормаслик учун ётиги билан унга маслаҳат берди:

– Барибир, ўртоқжон, гапимга кир, гинекологга кўрингин... Менга тўгрисини айт, уйқусизсан-а, – Гулчехранинг хафсаласи пир бўлиб, атрофига каради. – Тўгрими? Менимча, шундай. Ундан кейин овқат ея олмаслик ҳам яхши аломат эмас.

Гулчехра: “Уф, энди қўймайди”, дея пешонасини тириштирди.

– Оббо... Сира қўймадинг-да. кўринсам кўринарман. Буни қўй, ўзингдан гапир.

Гулчехра шундай дея Нурни судраб, унинг хонасига олиб кирди.

– Қани, гапир.

Гулчехра унга синчков тикилди. Гулчехранинг кўзига Нур яқинда кўрганидан анча жонлироқ ва кувноқроқ кўринди.

– Мен турмушга чиқмоқчиман... – аста деди Нур.

Нурнинг бу гапи Гулчехрага очик осмонда чакмоқ чаққандай таъсир қилди.

– Бўлмаган гапни қўй, шундоқ Элбекни кўлдан чиқариб... энди хинони хайитдан кейин қўйиш нимаси?

Элбек номини эшитиб, Нурнинг капалаги учиб кетди. Лаблари пир-пир учиб, ковоғи солинди. Гулчехра дугонасининг жаҳли чиққанини кўриб, гапни бошқа ёкка буриб юборди:

– Сендай парига огиз солган, бошига бахт қуши кўнган ким экан?

Нур бу гапни эшитиб, сал ўзига келди. Сардорга турмушга чиқишимни айтиб тўғри қиялпанми, дегандай, дугонасига караб турди-да, колган гапни ҳам айтишга қарор қилди:

– Ўқитувчим.

Шу пайт Гулчехранинг кўз олдига тасаввуридаги кўз-ойнак такқан, портфель кўтариб, чап томонига қийшайиб

кетаётган институт ўқитувчиси келди. Хаёлига келган ўй ўзига нашъа қилиб, “пик” этиб кулиб юборди.

– Ўқитувчим? Ростданми? Топганинг энди чол бўлдимми?

Нур Гулчеҳранинг овозида оз-моз калака сезгандай бўлиб, аччиғи келди:

– Ўйлаб гапиринг, Гулчеҳрахон, у – шахзода.

У hozир нега бундай деди, ўзи ҳам билмайди. Чунки онаси ўша куни Сардорни шахзода деганидан буён, шу сўз унга таъсир қилар, тавба, онам қаёқдан топдилар бу гапни, деб кулгиси қистарди. Беихтиёр Гулчеҳрага шундай деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

10

Нурларнинг гуруҳи ўқишни тугатиб, кимдир уйига, кимдир кутубхонага, яна кимдир ўз юмушига равона бўлди. Нур билан доим бирга юрадиган Матлуба бугун синфдош дугонасининг тўйи экан, деканатдан жавоб сўраб кетди. Нур ёлғиз ўзи ўқишдан чиқаётиб, ўйланганича автобус бекати томон йўл олди. Негадир уни Гулчеҳранинг аҳволи хавотирга солаётган эди. Тўртинчи йил деганда зўрға бўйида бўлса-ю, қайнона-ю, эри зиғирдай жон куйдиришмаса? Бу нима деган гап? Ахир болага озука керак-ку. Кеча кечқурун Гулчеҳра тоза Нурни сарсон қилди. Нима эмиш, кесак егиси келаётганмиш. Юр, hozир опкелайлик, деб туриб олса бўладими. Алламаҳалда икки киз туртиниб-суртиниб, ошхонадаги тандир орқасидан гилвата олдилар. Демак, Гулчеҳрага кальций моддаси етишмайди. Қайтаётиб, йўлда товук катагига тегиниб кетиб, бўладиганлари бўлди. Сал бўлмаса товуклар қақоғлаб қолармиди, отаси ҳам туриб кетармиди, деб роса кўрқдилар. Ҳам кулгинг келади, ҳам раҳминг. Неча ойлик, десанг уч ойдан ошди, дейди. Шу пайтгача гинекологга кўринмабди, аёллар маслаҳатхонасига ҳам бормабди. Тагин кўркмайдиам, шунча йил кутдим-ку, буёғи нима бўлар, деб ўйламас экан-да. Баъзи одамларга ҳайронсан. Сочлари тўлқин-тўлқин, икки ёноклари ширмой

нондай кип-қизил Гулчеҳранинг ҳозир юзида қони йўк, кош-киприклари ҳам сийраклашгандай, ковоклари кўкимтир.

Нур шундай ўйлар билан автобус бекатига етиб келганини ҳам билмай қолди. Гулчеҳрага қандай ёрдам берса бўларкин?

– Йўл бўлсин, яхши киз, – киз бу овозни эшитиб, бошини кўтарди. Қараса, қаршисида Сардор кулиб турарди.

Одатда Сардор билан институтда учрашишмас, бу негадир иккисига ҳам ноқулай эди. Ноқулайлиги сабаби иккисига ҳам равшан: ўқитувчи ва талаба ўртасида чегара шу ерда яққол кўзга ташланарди. Сардор минг урингани билан бу ерда улар институтдошлар бўлиб қолмасдилар.

– Узр, ёлғиз экансиз, шунинг учун ёнингизга келдим, – деди ўзини оқламоқчидай Сардор. – Бугун навбатчиликдан чиқдим-да, уйга кетмай, тўғри сизнинг ёнингизга келавердим.

Нур Сардорнинг хижолат бўлган каби ёш боладай унга ҳисоб бераётганидан ғалати бўлди.

– Сардор ака, буни ўйламанг, ҳозир сизни кўриб, хурсанд бўлдим, – деди самимийлик билан киз.

Рости ҳам киз қаршисида Сардорни кўриб қувониб кетди. Ҳақиқатан кадрдон дугонаси Гулчеҳра ҳақида ўйлаб ўйига етолмаётган саволларига жавоб бериши мумкин бўлган ягона одам Сардор эди.

– Нималарни ўйлаб келяпсиз?

Сардор бу саволни бергани яхши бўлди, Нур дарҳол яқин дугонаси Гулчеҳранинг аранг тўртинчи йил деганда бўйида бўлганлиги, унинг ҳозирги аҳволи ҳақида гапириб берди.

– У ҳолда дугонангизни зудлик билан касалхонага ёт-кизиш керак. Тушунишимча, бола хавф остида, – деди Сардор ташвишланиб. – Истасангиз, мен ёрдам бераман. Бир курсдошим бор, тажрибали гинеколог, кўрсатамиз, иложи бўлса, касалхонага ётқизишини илтимос қиламиз. Уни олдимга олиб келинг.

Нур нима қилишини билмай қолди. У Гулчеҳранинг оиласидаги аҳвол ҳақида гапириб берди. Гулчеҳра ўзича

бирор иш кила олмаслиги, ҳаммаси кайнонаси ва эрининг назорати остида қилинишини айтиб берди.

– Оилалардаги ана шундай маърифатсизлик одамни адойи тамом килади-да! – деди Сардор астойдил куюниб.

Нур яна ўйланди, Абдулла амакисиникига бориб айтса-чи, касалхонага ётқизмасак бўлмас экан, деса, зора кўниб қолар. У хаёлидан кечган ўйларини Сардорга айтди.

– Мен қачон бўлса ҳам тайёрман. Эртага эрталаб операцияга кириб кетмасимдан илгари келинлар. Кечқурун менга, уйга кўнғирок қилинг.

Нур йигитга, мен кўнғирок қилармишманми, дегандай қаради. Сардор кизнинг бундай қарашига аҳамият ҳам бериб ўтиргани йўқ.

Нур Абдулла амакисидан бирор чорасини қилар, дея умид қилди. Улар чурк этмай кетдилар.

– Нур, кайфиятингиз йўқ шекилли, бирор жойга борамизми, дегандим.

Нур навбатчиликда толиққан йигитга ачиниб қаради. Сардор ака ажойиб, бирор жойга бормасдан дам олсалар бўлмайдами? Қиз беихтиёр йигитдан қайгураётганини сезиб, ғалати бўлиб кетди.

– Сардор ака, бориб, дамингизни олинг, туни билан чарчагансиз, кўринишингиздан навбатчилик унчалик тинч ўтмаганга ўхшайди. – деди. Аслида у юрагидан ўтган туйғуни билдирмаслик учун бошқача қилиб гапирмоқчи эди, барибир кўнғлидаги гапни ошкор қилиб қўйди.

Сардор кизнинг бу гапларини эшитиб, мийиғида кулди. Нима, Нур унга ғамхўрлик қиялпими?

Нур ўз-ўзидан уялиб кетди. Орадаги ўнғайсизликни биринчи бўлиб Сардор тузатди:

– Агар мен билан бирга овқатланиб, бир оз гаплашиб ўтирсангиз, ҳордиғим чиқади.

Нур унга ўпқаланиб қараб қўйди. Улар шу яқиндаги қаҳвахонага кирдилар. Қаҳвахонада хўрандалар сийрак, дилдан суҳбат учун бу айна вазият эди.

Сардор шунчаки гап орасида айтгандай, қўшиб қўйди:

– Эртага уйдагилар сизларникига боришади.

Нур “ялт” этиб унга қаради.

– Шундай юравермаймиз-ку, тўғрими? – изох бергандай деди Сардор. – Унашув ишлари дегандай...

Сардор шу гапни айтди-ю, зиммасидаги оғир юкдан халос бўлгандай енгил тортди.

* * *

Нур Гулчеҳрадан ташвишланиб юргани учунми, Сардорнинг унашув ҳақидаги гапларига унчалик жиддий аҳамият бермади. Назарида ҳозир бўлаётган бу воқеаларнинг унга дахли йўқдай, бошини иргаб ўтираверди.

Хайрлашув олдидан Сардор унга қайта-қайта тайинлади:

– Албатта кўнғирок қилинг-а? Ҳеч тортинманг, телефон гўшагини ўзим кўтараман.

* * *

Нур кўчаларига етиб келаркан, дастлаб уйига эмас, тўғри Абдулла амакисиникига жўнади.

Зайнаб хола дарвозалари олдига ҳар хил гул, райхон, жамбил ўтқазаётган экан, Нурнинг салом берган овозини эшитиб, бошини кўтарди. Хурсанд бўлиб кетиб, кўчат ўтқазаётган лойли кўлини Нурнинг елкасидан ошириб, кўришган бўлди.

– Ваалайкум ассалом, қизим, яхшимисан?

Нур тез юрганидан нафаси ичига тиқилаёзган эди. Зайнаб хола унга қараб, хайрон бўлди:

– Ҳа, қизим, тинчликми?

– Гулчеҳра уйдами, кетмадимми?

Зайнаб холанинг яна ҳайрати ошди.

– Қизим, бирор гап бўлдимми? Нега Гулчеҳрани сўраяпсан? – Хола хавотирланиб деди.

Зайнаб холанинг хавотирланаётганини кўриб, Нур ўзини босди. Агар ваҳима киладиган бўлса, қон босимлари ошиб кетади-ю, касалхонага қизини эмас, онасини ётқизишга тўғри келади.

– Йўқ, хола, хавотир олманг. Ўзим сўраяпман. Мен... – Нур ичида гапирадиган гапларини обдан ўйлаб олиш учун

тўхтаб қолди. Сўнг аста сўзлай бошлади: – Кўриб турибсиз, Гулчехранинг неча йил деганда энди бўйида бўлди. Шу... боласини асраб-авайлаш учун деяпман... Гулининг ўзига ҳам яхши доктор парвариши керак. Шунинг учун уни касалхонага ётқизсак бўлмасмикин, деб ўйладим, холажон.

Нур шундай деди-ю, нега холамга айтяпман, бунини аввал амаким билан маслаҳатлашиб олиш керак эди, деб ўйлади.

– Болам, тўғри, қуюнганинг яхши. Лекин Гулчехра бировнинг хасми. Қайнонаси, бошида эри бор, ўзлари билди-да, – деди Зайнаб хола Нурнинг гапларини унчалик ҳам жиддий қабул қилмасдан.

Нур Зайнаб холага қараб турди-да, астагина амакиси уйда бор-йўқлигини сўраб олди.

– Уйдалар, кира қол олдиларига.

– Мен бўлмасам амаким билан сўрашиб кета қолай. – Нур қувонганидан югуриб, уларникига кириб кетди.

Баҳор қишлоқда ҳаммани ишга солиб қўйган эди. Абдулла амаки ҳам анор тагларини юмшатаётган экан, қўлларини соябон қилиб, Нурга қаради.

– Келавер, қизим...

Нур амакисининг олдига чопқиллаб борди-да, ҳаяжонланганича Гулчехра ҳақидаги гапларини, уни касалхонага ётқизиш кераклигини тушунтира кетди.

– Амакижон, вақт борида унга ёрдам берайлик. – деди гапи охирида қуюниб.

Абдулла амаки белкуракка суянганича Нурнинг гапларига индамай кулок тутди. Сўнг босиқлик билан деди:

– Раҳмат, қизим, шунчалик қуюниб келибсан. Сендан яхши дўхтир чиқади. Лекин, қизим, биз қудамизга ҳеч нима дея олмаймиз. Кейин Гулчехранинг оиласи ишларига аралашсак, қандай бўларкин?

– Наҳотки... амаки, ахир Гулининг аҳволи яхши эмас, деяпман-ку! – деди Нур нима қилишини билмасдан.

Барибир у ҳамон Абдулла амакидан умидини узмаган эди.

Шу пайт Нурнинг хаёлига бир гап келди.

– Амакижон, ўзим борсам-чи, кайнонасига тушунтирардим, а, нима дейсиз?

Абдулла амаки ўйланиб колди. Бир оздан сўнг шундай деди:

– Қизим, уларникига бундай гап билан боришинг тўғри келмайди. Ўзим бориб, бир айтиб кўрай-чи. Ана, гапимизга тушунишса, дўхтирга ўзлари оборишар, лозим бўлса, ётқизишар, тўғрими?

Нур амакисининг бу гапини эшитиб, сал тинчланди.

– Бўлмаса, қачон борасиз, бугунми? – деди Нур ҳовлиқиб.

Бир пайт ҳовлига Зайнаб хола кириб келди. Абдулла амаки бизнинг гапимизни хотиним билиб қолмасин, дегандай, бошини ирғади.

– Бўпти, бўлмаса, – Нур шундай дея орқасига қайтди.

* * *

Нур шу зайлда уйига кириб келди. Онасига Сардорнинг унашув ҳақидаги гапларини ҳам айтиш ёдидан кўтарилибди. Қўшнилари Саттор муаллимникида телефонлари бор, бир Сардорнинг уйига кўнғирок қилай, уни ҳам хавотирга солмай, деди-ю, уялди. Бир куни Сардор ҳар эҳтимолга қарши ёзиб қўйинг, деб уй. иш телефони рақамларини берган, Нур эса ҳеч кўнғирок қилмаган эди. Энди кўнғирок қилса, ғалати бўлар. Қиз шундай истиҳолага борди. “Амаким борсалар, зора кўнишса...” Умид Нурни тарк этмади.

Эрталаб Абдулла амакисиникига Гулчехраникига бордингизми, йўқми, шуни сўрай. деб бирров кирмокчи эди, қараса, дарсга кечикадиган. Ноилож, у дарсдан келиб, сўрарман, деб ўқишга жўнади. Шошилиб, автобус бекатига келди. Нур автобус йўлига илҳак қараркан, бир машина олдида “ғийк” этиб тўхтади. Машинадан бир йигит тушди. Қаршисида Сардорни кўриб, Нур хайрон бўлиб колди. Сардор қиз билан саломлашгач, уёқ-буёққа қаради:

– Қани беморингиз?

Ахир Сардорнинг бугун операция куни-ку, хавотир бўлиб келганини қаранг... Нур Сардорга кўнғирок қилмай, хато

килганини, йигитнинг шунча иши бўла туриб, қишлоққача келганини, унга, унинг дугонасига бўлган эътиборини кўриб, ноқулай аҳволга тушди.

– Кечиринг...

Нур нима қилишини билмай каловланиб қолди. Сардор қизнинг ҳолатига эътибор бериб ўтирмади, машина эшигини очаркан, қатъият билан деди:

– Ўтиринг, йўлда гаплашамиз. – Машинага ўтиришгач, ҳайдовчига юзланди. – Тезрок шаҳарга ҳайданг!

* * *

Нур ўқишдан яна уйига қирмай, тўғри Абдулла амакисиникига ўтиб кетди. Ахир ҳали Сардор Гулчехрани кўрмасдан туриб, Нур айтиб берган аломатлардан хавотирланиб, шаҳардан қишлоққача келибди-я! Ҳазилми! Демак, Гулчехранинг аҳволи унча яхши эмас. Хайрлашаётиб, Сардор Нур, дугонангизни ўзингиз бориб кўринг, деб тайинлади. У ахир доктор бўлса, бекорга айтмайди-ку бу гапни. Нур шошилганича Абдулла амакисиникига кириб келди.

Хайрият, Зайнаб хола кўшниларникида шекилли, ховлида кўринмади. Нур хурсанд бўлиб кетди. “Хайрият, холам уйда бўлганларида Гули ҳақида сўрашим қийин бўларди”. Абдулла амаки томорқада ўт юлаётган экан. Нурнинг овозини эшитиб, бошини кўтариб қаради. Кутилмаганда Нур келиб қолди-ю, Абдулла амаки талмовсираб қолди. Абдулла амаки кеча Нурнинг гаплари таъсир қилибми, Гулчехраникига борган эди. У аввалига қандай қилиб, нима деб қуданинг уйига бораман, деб роса бош қотирди. Боришга борарман, лекин қандай қилиб ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, кизимни касалхонага ётқизайлик, дейман, деб истиҳола қилди. Яна кўз олдига Нурнинг ташвишли киефаси келди-ю, таваккал қилди. Борсам, еб қўймас, бегона эмас, ўз кизим бўлса, деб йўлга тушди.

У қизининг уйи олдида бир муддат қиролмай турди. Бир маҳал куёвининг ўзи уйдан чиқиб қолди. “Шу томондан

ўтиб кетаётувдим, сизларни бир кўриб кетай дедим”, деди қайнота хижолат бўлганидан. Куёви қайнотасини уйга таклиф қилди. Куёвининг уйига кирди, караса, Гулчеҳра бинойидай югуриб-елиб хизмат қилиб юрибди. Бирпас ўтиб, қайнонаси ҳам келиб қолди. Гулчеҳра дастлаб бу ерда дадасини кўриб, хайрон бўлди. Сўнг қувониб, дастурхон ёзди, нон-чой келтирди. Ота кизига зимдан разм солди. Гулчеҳранинг қайфи чоғ кўринарди. “Дўхтирларнинг ҳаммаси ваҳимачи. Она шундай озиб-тўзиб бир инсонни дунёга келтиради-да”, деди ичида Абдулла амаки. У шунда Нурга берган ваъдасини эслаб, ўзини ноқулай сезди.

– Ҳа, куда, нима бўлди, ўйланиб қолдингиз? – деди қудаси.

– Йўғ-е, куда, – деди қизининг қайнонасига нима дейишини билмасдан. – Гулчеҳрага қараб туриб, бир нарсани ўйлаб қолдим.

Куёви қайнотасига савол назари билан қаради. У кўз қарашларидан: “Бу чол бир нарсани фикр қилиб келган”, деган маънони укса бўларди.

– Нима экан, куда?

Абдулла амаки, гапни бошлашга бошлаб қўйиб, энди айтмасам бўлмас, деб ичида ўйлади-да, хотиржам гап бошлади:

– Мана, Гулчеҳрани кўрдим, яхши юрган экан. Энди, ўзинглардан қолар гап йўқ, Ўткиржон болам, шунча йил деганда, энди фарзандли бўляпсизлар. Эҳтиёт қилгани Худоям асрайди, деган гап бор. Энди шу... Гулчеҳрани бир дўхтирга кўрсатсанглар-а?

Отанинг ялингандай бўлиб гапирганидан куёв дарров қайнотасининг нима мақсадда келганини тушуниб олди.

– Вақти келса, боради, дада, – деди куёв гапни қиска қилиб.

Қайнона сўзлаш учун оғиз жуфтлаган эди ҳамки. Абдулла амаки ўрнидан кўзгалди.

– Мен бораёй... айтдим-ку, шу ердан ўта туриб киргандим...

Абдулла амаки кеча қизиникига борганини нохуш воқеани эслагандай эсларкан, юраги орқасига тортди. Ҳозир Абдулла амаки Нурни қаршисида кўриб, қизнинг саволини кутмасдан ўзи гапира бошлади:

– Кеча Гулиникига бордим, қизим. Жуда яхши, ўйнаб-кулиб юрибди. Ҳеч касалга ўхшамайди-ку, Нур?

Нур Абдулла амакининг гапларидан бирдан изза тортгандай бўлди-ю, ўзини қўлга олди.

– Барибир, докторга бориши шарт, амакижон. Бўлмаса...

“Амаким қаёқдан ҳам биладилар? Ташқаридан кўрган одам яхши деярди-да”, деб Нурнинг хафсаласи пир бўлди.

– Кўп ваҳима қилма, қизим, Гулчехра чопқиллаб, қайнонасининг хизматларини қилиб юрибди. Тўғрисини айтсам, менга жуда ноқулай бўлсаям сўзингни ерда қолдирмай бордим, айтдим.

Нур амакисининг бу гапини эшитиб, ичига илиқлик киргандай бўлди:

– Нима дедингиз, амакижон, тез айтинг?

Абдулла амаки куёвининг совуқ муомаласини, гапни қисқа қилганини Нурга айтиб ўтирмади. У бир оз тараддудланиб турди-да, деди:

– Куёвга, дўхтирга оборинглар, дедим...

– У нима деди, хўп дедими, а, амаки? – деди Нур ховликиб.

Абдулла амаки яна куёвини эсларкан, тоқати тоқ бўлди.

– Обормай нима қилади, оборади-да. Энди, қизим, буёғини Худо асрасин.

Нур амакисининг гапига ишонар-ишонмас ховлидан чиқди. Ростдан ҳам Нур Гулчехранинг яхши, омон юрганига шундай ишонгиси келардики...

* * *

Нур уйга келса, онаси бир дунё янгиликларни йиғиб ўтирган экан. Зебинисо опа ҳаяжонланиб, қизини ховлида кутиб олди.

– Тезроқ кела қолсанг бўлмасмиди, қаёқларда юрибсан? – деди она бесабрлик билан.

Нур онасининг бундай шошишидан кулди.

– Мана, келдим-ку, ойи. Амакимларникига кирувдим.

Бошқа пайт бўлганида, онаси қизидан нега амакисини-
кига кирганлигини, нима гаплигини сўраган бўларди. Ҳозир
сўрашга фурсати йўқ. қизидан ёзгирди:

– Айтиб қўймабсан ҳам, бугун келишди...

Нур Гулчехранинг хаёли билан беихтиёр супага ўтирди.

– Нега индамайсан, ахир кўришгандирсан ўша йигит
билан?

Нур негадир ҳозир оёисининг бундай хаяжонланишидан
завқи келди. Онасига бир нарсаларни эслатиб қўйиб, ҳазил
қилгиси келди:

– Ҳа, анув шаҳзодани айтяпсизми?

Зебинисо опа, ҳазиллашадиган пайтми ҳозир, дегандай
қизига хўмрайиб қаради.

– Бугун келишларини айтганингда, менам анқайиб
ўтирмасдим. Унашувни белгилаб кетишди янаги ҳафтага...
Бир ҳафтада ҳаммасига қандай улгураман?

11

Туғриси, Зебинисо опа унашув кунини тайинлангач, шошиб
қолди. Нафақат шошиб, балки нима қиларини билмай қолди.
Кошки, бу хасис эри бир гапга кўна қолса, ёлғиз қизим-ку,
элдан кам қилмай, деса. Унашувга қанча нарса керак, э-ҳе...
Куёву қудаларга сарпо дегандай... Мана, неча ёшга кирди,
қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилар тўй-ҳашамларини ўзи
кўриб турибди-ку. Қани эри гапни оладиган эркак бўлса.
Нонушта, тушлик, кечки таом вақтлари ҳам Зебинисо
опа пайт пойлади, эри сал гапга кўнадиган кайфиятда
бўлармикин, деб умид қилди. Қажда, секин гап очган эди,
эри жизиллаб кетди:

– Мен хотинлар билан эмас, эркаклар билан гаплашаман!
Қани, ўша эркак куда олдимга келсин!

Зебинисо опа индамай, тилини тишлади. Кейин нима
қилишини билмасдан, Зайнаб холаникига чиқди. “Ҳар
қалай, Зайнаб опам киз узатганлар, бундай ишларнинг

паст-баландини биладилар...” Тўғри ўйлаган экан, Зайнаб хола жўяли маслаҳат берди. Аввало куда томонга қайтариладиган таомлардан энг оғирини ўз зиммасига олди. Яна Зебинисо опага шундай маслаҳат берди: “Зебинисо, Ҳайдарнинг укалари-чи, уларга бир маслаҳат қилинг-чи. Зора ёрдам қилишса...” Зайнаб холанинг бу маслаҳати айни вақтида бўлди. Ростдан ҳам Зебинисо опага, қолаверса, акаларининг ёлғиз фарзанди, жиянлари Нур учун қайнилари ёрдам қиладиган бўлишди. Зебинисо опанинг кўнгли сал жойига тушди.

* * *

Қизик, агар бундан атиги бир ойлар аввал биров, масалан, бир яқин дугонаси Нурга, энди сира хаёлингга йўқ ишлар бўлади, чўрткесар, қатъиятли йигит, яъни ёш ўқитувчингга унаштириласан. Курсдошларинг каби сен ҳам устидан Умумий хирургия деб яширин қулиб юрган ўта жиддий йигит сенинг яқин дўстинг бўлиб қолади. Ўша бир сўзли йигит ҳаётингнинг бир қисмига, йўқ, мазмунига айланади, деса, жиннимисан, қаёқдаги гапларни гапиряпсан, деб уришиб ташлаши турган гап эди.

Нур сўнги кунларда бўлаётган воқеалардан гангиган, назарида ҳушида эмас, тушида яшаётганга ўхшарди. Шунинг учун ҳозир ўнгида рўй бераётган воқеалар гўё унинг эмас, бошқа бегона киз ҳаётида содир бўлаётгандай туюларди. Гўё Сардор деган йигит ҳам, Нурга эмас, бошқа кизга уйланмоқчи. Лекин нега Нур Сардор деган йигитни тез-тез кўргиси, у билан суҳбатлашгиси келаверади? Нур шу пайтга доғур ҳеч ким билан учрашишга бундай интилганини эслолмайди. Қизиксан, деди ўзига-ўзи Нур, бирор йигит билан учрашувга чиқибсанмики, шундай дейсан? Тўғри, у дастлаб синфдошлари, кейин курсдошлари билан дўстона мулоқотда бўлган. Аммо Нур улар билан бўлган суҳбатлардан бу қадар завқу янгиликлар олмаган. Ўзига-ўзи тан олиб айтади: Сардор билан гаплашиш енгил ва ёқимли. Балки шунинг учун ҳам киз Сардор билан кўришишга, у билан суҳбатлашишга эҳтиёж сезаётгандир? Элбек билан-

чи? Нега шу дам Элбекни эслаб колди? Элбек юрагида бир умрга битмас жароҳат колдирди, қалбига шу вақтга қадар билмаган хўрлик, камситилиш ҳисларини олиб кирди. Шунинг учун илк мартаба ўзи севги деб билган туйғудан нафратланди. Ўша севги изхори битилган Элбекнинг мактубидан сўнг, унинг шаҳарга ўз-ўзини бадарға этганидан сўнг илк мартаба муҳаббат деган ҳисдан кўнгли колди.

Хўш, бўлмаса, киздаги Сардорга бўлган туйғусини нима деб аташ мумкин? Бу туйғунинг оти нима? Шу топ Нур ўзидан-ўзи уялиб, кўрпага бурканди. Одатда юрагидаги саволларга жавоб тополмаса, у кўрпа ичига яшириниб оларди. Бу сафар кўрпа ҳам ёш кизнинг жунбишга келган ҳисларини беркита олмади. У яна кўрпани очиб ташлади. Шу маҳал ечилиши қийин, ҳал қилиниши мушкул жумбоқларнинг ечимини топишга кўмакчи бўлган Нурнинг кўнглидаги ички туйғу яна бош кўтарди, унга бу гал ҳам ёрдамга келди: “Ҳали шуни ҳам билмадингми, Сардорга бемалол суянишинг мумкин, ўзинг бир синаб кўр-а”... Қиз қалби туб-тубидан келган овоздан бирдан сергак тортди, саволлардан қашаган вужуди ором олди.

Одатда баҳорнинг сўнги ойи – май иссиқ бўлади. Ўзбекистон баҳори шундай. Гўёки олди саратонлигидан дарак бергандай майин, ёмғирли апрелдан бошқачарок – қайноқ кунлар келади. Гилос доналари дарахтларда ёқутдай товланади, олчаларга кизгимтир ранг киради. Ўрик довуччалари думбул бўлади.

Нур уйга келса, бу ердаги унашувга қизғин тайёргарлик ишларига ўзини алоқадордай сезади. Тўғрироғи, уйда ана шу алоқадорликни қизга эслатиб қўйишади. Уйдан чиқдимми, бу ташвишларни унутади, ўз кўнгли билан яшай бошлайди. Нур бугун ҳам дарсдан чиқиши билан бир машина йўлида кўндаланг бўлди. Қиз бундан хайрон қолмади. Сардорнинг тўсатдан қиладиган бундай “сюрпризлари”га ўрганиб қолган, шунинг учун ҳам ёлғондакам ковоғини солганича машинага қаради.

Машина эшиги очилиб, Сардор тушди. У орка эшикни очди:

– Тез чикинг!

Нур каёкка, дейишга улгурмади. Рости, Сардорнинг шоширган нигоҳи уни бирор сўз дейишга қўймади. Қиз машинага чиқди. Сардор хайдовчига имо қилди:

– Кетдик!

Сардор манзилга етгунча қаерга кетаётганларини айтмади. Нур сўраса, “Борганда биласиз”, деди киска қилиб. “Тавба”, деб қўйди ажабланиб ичида Нур.

Нихоят, машина манзилга етиб келди. Кўрғазмалар марказида замонавий тиббий техника асбоб-ускуналари кўрғазмаси ўтаётган экан. Сардор бекорга шоширмабди, кўрғазма ёпилишига атиги бир соат қолибди. Хайрият, улгуришди. Нур бирдан хурсанд бўлиб кетди. Ахир умид билан олий ўқув юртида ўқисангу, жаҳонда ўрганаётган соҳангда нима янгиликлар бўлаётганлиги, қандай кашфиётлар яратилаётганлигидан беҳабар юрсанг.

Сардор Нурга гидлик қилди.

– Бундан беш-олти йил илгари Москвада шундай замонавий медицина техникаси виставкасига кирган эдим. Қаранг, Нур, орада шунчалик ўзгаришлар бўлиб кетибди-я! – деди Сардор тўлқинланиб.

Сардор ўзи хирург эмасми, ҳар хил операцияларда ишлатиладиган янги яратилган ускуналарни кўриб, ҳаяжонланиб кетди. Нурни эса кўпроқ ўзи кизиккан кардиология соҳасига доир асбоб-ускуналар кизиқтирди. Тўғриси, Нур минг ўқигани билан ҳозир кўрганлари кўз олдида унинг қаршисида бутунлай бошқа оламни намоён этганидан хайратда эди.

– Раҳмат, Сардор ака, – деди Нур ўз ҳаяжонини яширолмай.

– Ташаккурингизни қабул қиламан, – деди Сардор. Кейин яна рўпараларидаги экспонатга тўхталиб, қизга тушунтира кетди.

Қиз беихтиёр Сардорга тикилиб қолди. Ҳа, ҳозир тунлари йигит ҳақидаги ўйлаган фикр ва хулосалари ҳақ эканлигига имон келтирди.

* * *

– Эртага қаерга қочмоқчисиз? – сўради Сардор Нур билан хайрлаша туриб.

Нур таажубланиб қолди. “Нега қочар эканман?” – деган гап келди кўнглига. Сардор кизнинг хайрон қолганини кўриб, кулиб юборди. Йигит кизга қараб туриб, “Бечора киз, ҳаётида нималар бўлаётганлигига тушунолмайд гаранг. Эртага-ку, қандай кунлиги ҳам эсида йўқ”, деб ўйлади.

Сардор кулиб тураверди. Шунда бирдан Нурнинг эсига эртага унашув куни эканлиги тушиб қолди.

– Ҳаёлимдаям йўқ, – деди киз жилмайиб.

Шундан кейин Сардор одатдагидай ташаббусни кўлига олди.

– Ҳамон унашув куни айбдорлари эканмиз, келинг, икковлашиб қочамиз!

– Қаёққа? – деди киз соддадиллик билан.

– Токқа.

12

Нурнинг назарида бугун ҳеч тонг отмади. Тонг оқариши билан назарида ҳаётида нималар бўлаётганини эндигина ҳис қилгандай бўлди. “Тўғри қиялпманми?” Шу савол миясига келди-ю, яна мана, ҳозир соат олти бўлади-да, улгуролмай қоламан, дея токқа чиқиш тараддуди билан бунини унутди.

Эрта тонг сарин шабада эсиб турар, қуёш эндигина кўтарилиб, заррин нурларини оламга сочмоқда эди. Нур ҳар куни узоқ-узоқлардан тоғларни кўради, улар кадрдон бўлиб қолган. Лекин умрида тоғни яқиндан кўрмаган, шунинг учун ҳам юраги ҳаяжондан хаприкиб кетмоқда эди. Қиз енгил қадамлар билан кўча бошидаги муюлишга яқинлашаркан, ўша сутранг “Волга”ни кўриб, негадир тўлқинланиб кетди. Ҳа, бу машина қиз қатъий қарорга келган ўша учрашувни

ёдига солиб юборган эди. Бу сафар Нур яна йигитни танимади. Сардор спорт йўсинида кийинган, лекин hozирги либоси аввалгисидан фарқ киларди. Оч жигарранг чийдухоба шим ва пиджак уни янада котма кўрсатиб турар эди.

Ўз навбатида йигит ҳам кунда кўриб юрган киздан фарқ килгани туфайли уни таниёлмади. Нурни ҳеч қачон спорт йўсинида кийинганини кўрмаган эмасми, Сардор бу сафар ҳам киздан кўзини узолмай қолди. Спорт йўсини нозиккина кизни бадийй гимнастикачиларга ўхшатиб кўйган, у оч пуштиранг либосда яқиндагина гуллаган наъматак гулларини ёдга соларди. Қизнинг кўринишидан йигитнинг кўнгли тўлди.

Бир оздан сўнг мусаффо кундан, қувончу ҳаяжондан тўлқинланган, янги ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизни олиб, сутранг “Волга” йўлга тушди. Машина шаҳардан чиқди. Ҳаво ҳам борган сари мусаффолашиб борди. Деразадан туткич бермас шабада кириб, уларнинг сочларини ўйнади. Олам ям-яшил эди. Нур бепоён қирлар, алвон лолақизғалдоқлардан кўзларини узолмай қолди. Худди биров бутун қирларга улкан кип-қизил гилам тўшаб кўйганга ўхшарди.

– Вой, анави лолақизғалдоқларни қаранг, Сардор ака! – киз ҳаяжонга тўлиб деди.

Йигит алвон лолақизғалдоқзорга эмас, завқ-шавққа тўлган кизга ўгирилиб қаради. У hozир шу кизни қувонтира олганидан, бола қалбини қувончларга тўлдиролганидан беҳад мамнун эди.

– Кўрдингизми? – сўради киз яна тўлқинланиб.

– Ажойиб-а? – дея йигит ҳам қизнинг ҳаяжонига шерик бўлди.

Олислардан қўм-қўк кўринган тоғлар аслида ниҳоятда салобатли ва виқорли экан. Тоғ ёнбағирларида ўсиб ётган бутаю дарахтлар энди гуллай бошлаган эди. Нурнинг назарида димоғига ҳамиша ям-яшил арчаларнинг хушбўй иси урилгандай бўлди. Қизда туғилган бошқача руҳ – табиат билан яқинлашиш кайфияти эди.

– Тоғларга баҳор энди келибди-да! – деди Нур ранг-баранг бўлиб гуллаган буталардан кўзларини узолмай.

– Тоғларга баҳор кечроқ келади, – деди Сардор ҳамон хаяжонланиб турган кизга.

Сардорларнинг чорбоғи шундоқ тоғ ёнбағрида экан. Пастликда сой шаркираб окиб турар эди.

– Етиб келдик, – деди Сардор янги кайфият оғушидаги кизга.

Нур теварак-атрофга тўймай тикиларди. Йигит чексиз кувончу хайратга ғарк бўлган кизга кулимсираб қаради.

Сардор дарвозани устма-уст жириглатди. Ичкаридан жавоб бўлмади.

– Бирор жойга кетишганмикин? – хайрон бўлиб деди Сардор. – Дадамнинг шогирдлари оиласи билан келишувди, бирор ёкка кетишган шекилли.

– Вой, киролмаймизми энди? – сўради кўркиб Нур.

Сардор кулганича пиджагининг ён чўнтагидан калит олиб, дарвозани очди.

– Энди сиз ўтириб турасиз, мен меҳмон қиламан, – деди Сардор машинадан егулик-масалликларни олиб келаркан. – Ўзим сизга шундай овқат пишириб берайки, оғзингиз очилиб қолсин!

Нур, сиз-а, дегандай унга ажабланиб қаради.

– Ҳа-да, ишонмаяпсизми? – деди йигит ғурур билан. – Кейин тоққа чикамиз. Олдин нонушта қилиб олайлик.

Сардор шундай дея ошхонага масалликларни олиб кирди. Нур қолган нарсаларни олиб, Сардорнинг кетидан ошхонага кирди. Ростдан ҳам бу ерда одам турганлигини ошхона ҳолатидан билса бўлар, ҳаммаёқ ораста, яқинда дамланган шекилли, чойнак ҳам иссиқ эди.

– Газ қаердан ёкилади? – деди Нур юкоридан ўчирилган газ қувурига қараб.

Сардор хижолат тортди.

– Кўйинг, Нур, меҳмонимсиз, ўзим қиламан. Сиз уйга кириб ўтириб тураверинг.

Нур ташаббусни қўлига олди:

– Сардор ака, ҳозир ўзим нонушта тайёрлайман, бора-веринг.

Қиз бирпасда нонушта тайёрлади. Қуймоқ пиширди, шахардан олиб келинган егуликлар билан дастурхонни чиройли қилиб тузади. Сардор, назарида, қизни янгитдан кашф этгандай, унга тикилиб қолди. Йигит ичида қизни танлаб, янглишмаганлигига амин бўлди.

Нур табиат бағри туғдирган кайфият туфайлими, кувнок, бахтиёр эди. Энди қиз суҳбат жиловини ўз қўлига олди, синфдошлари билан қирларга чиққанлари, лола сайли хотираларини гапириб берди. Нур ҳеч қачон тоққа чиқмаганлиги, бу ерда кўраётганлари ўша қирлардан олган таассуротларидан жуда бошқачалигини жўшиб сўзларкан, йигит унга тикилиб қолган, ҳикоясидан ҳам кўра қизнинг кўнғирокдай овозига махлиё эди.

– Нур хоним, энди сиз ўтириб турасиз. Мен ҳозир қойилмақом таом тайёрлайман-да, кейин тоққа чиқамиз. Тоққа чиққач, чарчаймиз, кейин овқат қилишга ҳам ҳолимиз қолмайди.

Қиз йигитга гина билан қаради.

– Бўпти, кўрайлик-чи, – Нур шундай дея Сардорнинг изидан ошхонага кирди.

У Сардорга синчков назар ташлади.

– Қандай овқат пиширмоқчисиз? – сўради Нур мийиғида қулганича.

– Билмадим, нима қилсак экан-а? – Сардор қизга савол назари билан қаради. – Димламами... билмадим яна...

Нур йигитнинг бу ҳолати нашъа қилиб, кулиб юборди. “Аслида овқат қилишни билмайдилару, яна таом тайёрлайман эмиш...”

– Қочинг, қочинг...

Сардор қизга қараганча бир оз четланди. Нур унинг болаларга ўхшаб қараб туришидан раҳми келиб, деди:

– Майли, ёрдамлашгингиз келса, анави пиёзларни арчиб бера қолинг, – деди Нур столдаги пиёзларга ишора қилиб.

Сардор пиёзлардан энг каттасини олди-да, арчди. Сўнг уни тўграмоқчи бўлиб, тахтакачга қўйди. Энди пиёзни қўйиб, тўғрайман деди-ю...

– А!

Нур йигитнинг овозини эшитиб, ўгирилиб каради. Қараса, Сардорнинг бармоғидан тизиллаб кон окмоқда эди. Йигит пиёз тўғрайман, деб бармоғини кесиб олибди. Сардорнинг рангида ранг йўқ, қўрқиб кетган эди.

Нур шартта кофтаси чўнтагидан рўмолчасини олди-да, Сардорнинг бармоғини боғлади. Йигит ҳамон ўзига келолмай турарди.

Нур унинг бу ҳолатини кўриб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Тинчланинг, бемор, ҳозир...

Қиз югуриб бориб, машинадан эҳтиёт шарт сақланадиган спирт, йод ва бинтларни олди. Сардорнинг ёнига келиб, бармоқка боғланган рўмолчани ечди.

– Ҳозир, бемор... Ўн биринчи билет, иккинчи савол. Дейлик, сафарга чиқдингиз, дўстингиз пиёз тўғрайман, деб бармоғини кесиб олди... Унга қандай биринчи ёрдам кўрсатасиз?

Сардор кизга ўпқаланиб каради.

– Олдин кесилган бармоқни спирт билан яхшилаб артамиз-да, сўнг йод сурқаб, бинт билан маҳкам боғлаб қўямиз. Уч дақиқада кон тўхтайдди, уч дақиқа!

– Бўлдими? – деди кулги билан ўша имтиҳон саволларига такрор жавоб бераётган ва буларни амалда бажараётган Нурга караганча Сардор.

Йигит ниҳоят ўзига келди. У тинимсиз кулаётган кизга қараб туриб, қовоғини солиб олди. Нур Сардорнинг болаларча хафа бўлганидан ўзига келди. Кулмай, югуриб, дастурхондаги чойнақдан пиёлага чой қуйиб, олиб келди. Пиёлани йигитга тутди:

– Мана, Сардор Камолович, чойдан ичиб, тинчланиб олсинлар.

Сардор беихтиёр киздан пиёлани олди-да, чойдан ҳўплади. Ўзининг конини кўриб, қўрқиб кетгани энди унга

таъсир қилди. Истеъдодли хирург бармоғини кесиб олиб, кўрқиб ўтирса-я! Ўзининг қилиғидан ўзи кулиб юборди. Йигитнинг кулганини кўриб киз ҳам кўшилди. Кулгилари ошхонани гутди.

* * *

Нур тоққа чиқиш деганда нима назарда гутилишини энди билиб олди. Илгари тоққа чиқмаганиданми, бу ҳақда тушунчаси йўқ эди. Тоққа чиқиш осон эмас экан. Лекин баландликка чиқиб, пастдаги теварак-атрофни томоша қилиш завқини ҳеч нимага тенглаштириб бўлмаслигини киз бугун тоққа чиқиб билди. Пастга қарасанг, бир-биридан гўзал ва ям-яшил ўрқачма-ўрқач қир-адирлар оёк остингда ясланиб ётади. Тоққа чиқаётганингда турфа гуллар йўлингга пешвоз чиқади. Гуллар гўё сенга салом бераётгандай, шамолда тебраниб, эгилади. Эндигина барг ёзаётган гуллардан шундай ифор тараладики, бундан бошинг айланиб, маст бўлай дейсан.

– Мана буни қаранг, Нур! – деди Сардор йўлда тўхтаганча эндигина куртак ёзаётган гунафшаранг митти гулни кўрсатиб. – Ўзбекчада нима деб аталишини билмайман, бу чебрец. Бу ўт тиш оғриғини таққа босади, кайнатиб ичилса, шамоллашга ҳам яхши фойда қилади.

– Вой, мойчечакни қаранг! – Нур хаяжонланиб Сардорга кўрсатди. – Кони фойда-ку бу гиёҳнинг! Меъда-ичак касалликларида ҳам жуда ёрдам қилади!

Сардор Нур кўрсатган ўтни қўлига ушлади-ю, унинг орқасида турган майда-майда гулли ўсимликка кўзи тушди.

– Буёкка қаранг, манави барбарисми?

Нур Сардорнинг ёнига келиб, каради.

– Ҳа, бу зиркка ўхшайди. Вой, манави кийик ўти эмасми? Сардор ака, айтишларича, кийик ўти гипертонияда жуда яхши даво қилармиш.

Сардор Нур кўрсатган гиёҳга караб қолди. Унинг ёдига талабалик даври, бир гуруҳ курсдошлари билан Подмосковье ўрмонларига гиёҳ тергани борганлари келди.

– Биласизми, Нур, студентлик пайтларим фитотерапияга жуда кизикиб колганман.

Нур жонланиб кетди.

– Менам жуда кизикаман. Ахир илгари Шарк табобатида гиёхлар билан даволашга катта аҳамият берилган, тўғрими? Вой, манави сачратки-ку.

Улар гиёхларни кўрганлари сари завқланишарди. Нур ўтларга кизиксиниб қараб турган Сардорга беихтиёр кўнглидаги орзусини айтиб юборди.

– Сардор ака, замонавий препаратларга гиёхларни кўшиб, юрак касалликларини даволаса бўлмасмикин, деган масала мени жуда кизиктиради. Келажакда шу масалани ўрганиш ниятим бор...

Сардор кўзлари қувнаб, турли ўтларга тикилган кизга кулимсираб қараб колди. Қиз бирдан йигитга қаради-ю, унинг нигоҳида меҳр ифодаларини пайқаб, уялиб кетди.

– Юринг, тўхтамайлик, кетдик! – шоширди сергайрат киз йигитни.

Шу пайт йўлларида сал киярок, тор сўкмок чиқиб колди. Қиз гўё ёрдам бермокчидай, кўлларини йигитга тутди. Нима, киз уни етаклаб кетмокчими? Ўзи нозиккина киз бўлса-ю, баланд бўйли йигитни етаклаб олса-я! Сардор кулиб юбордида, ўзи олдинга ўтди.

– Беринг кўлингизни!

Нур кўлларини йигитга узатди. Қиз кўлларини узатаркан, йигит кўлларининг кайнок тафти бутун вужудини киздириб юборгандай бўлди. Бундан киз уялиб, аста кўлини тортиб олди. Йигит кизнинг тортинганини сезиб, индамади.

Улар шу зайлда юкорига чиқиб олдилар. Тепаликда уларни таргил лолалар, нопармон бинафшалар қарши олди.

– Вой, чиройлилигини!

Гулларни кўриб, завқ-шавқ ва ҳаяжондан ўзини йўкота-ёзган кизни кўриб, йигит аста гулларни тера бошлади. Бу ерга келганларидан бери бир фикр Сардорга тинчлик бермаётган эди. Кизнинг ўзи бу саволга жавоб топди. Энди Нур ҳам гул теришга тушди. Кани, бутун ифори билан ана шу табиатни

ўзи билан бирга олиб кетса. Шундай қилса бўлармикин? Бунинг иложи йўқ. Лоақал гуллар шу табиатни, бугунги ажойиб саёҳатларини эслатиб туради-ку.

Бир пайт турли гуллардан тузилган жуда ранг-баранг, чиройли гулдаста тайёр бўлди.

– Нур, гулларни ўзим кетаётганингизда бераман, хўпми? – деди Сардор Нурга пастга тушганларидан сўнг.

Тоғ саёҳати охирлади. Қуёш уфққа бош қўя бошлади. Қирмизи қуёш пастга тушиб кетай деди. Улар ниҳоят шаҳарга йўл олдилар.

– Нур, бугун жуда чарчадингиз, бемалол ухлайверинг, – деди Сардор кулганича орқасига ўгирилиб.

Нур Сардор нимага шама қилаётганини сезиб, деди:

– Мени жуда уйқучи қиз деб ўйлаяпсизми? Сира ухламасман.

Сардор кизнинг гапига индамай кулиб қўя қолди.

Машина дам пастга тушган, дам юқорига кўтарилган айланма йўллардан равон елиб кетди. Машина ичини дала гулларининг ўткир, муаттар иси тутди. Гуллар иси маст қилди.

Бир маҳал Сардор орқасига қаради.

Қиз бошини деразага қўйганча ухлаб қолган эди. Йигит мийғида кулди-да, аста машинани тўхтатди. Олдинги сафаргидай у пиджагини киз устига ташлади. У, уйғотиб юбормайин, дея секин газни босиб, қизга қаради. Йўқ, қиз уйғонмади. Сардор хотиржам тортиб, машинани юргизди.

Кеч кирди. Ниҳоят, улар шаҳарга кириб келдилар.

Сардор Нурлар кўчаси бошида машинани тўхтатаркан, хижолатга ўрин қолдирмаслик учун тез қизга юзланди.

– Нур, тўхтанг, гулдастангиз, – Сардор шундай дея оппок қоғозга авайлаб ўралган дала гулларини қизга узатди. – Эҳтиёт бўлиб олиб кетинг-а, яна дарров сувга солиш эсингиздан чиқмасин.

Нур Сардор айтгандай, гулларни эҳтиёткорлик билан қўлига олди. Кейин йигитга деди:

– Бугун ажойиб ўтди, раҳмат сизга...

Сардор кизнинг самимий кўнгилдан миннатдорчилик билдирганини сезди.

– Сизга ҳам раҳмат, менга ҳамроҳ бўлганингиз учун...

Нур кўкси тўла янги таассуротлар билан уйига келди. Амакилари, бошка кариндошлар тарқалишган, ойиси кизини одатда киз узатаётган она ҳаяжони билан қарши олди. Онаси кизига келган бир-биридан ажойиб сарполарни кўрсатишга интиқ эди. Лекин кизни бу масала унча кизиқтирмади.

– Ҳозир, мен кийимларимни алмаштириб чиқай, кейин... – у шундай дея хонасига кирди-да, гулдонга солмокчи бўлиб, гулларни олди.

Энди гулдаста ўралган оппоқ қоғозни очганини билади, бир қутича ерга тушди. Нур ажабланиб, нима экан, дея оҳиста қутича копқоғини очди. Шунда қутичанинг нафис копқоғига аёллар қўл соатининг илгаги илиниб чиқди. Қиз хайратланиб ҳам ҳавас билан соатга қаради. Рақамлари майда олмос тошлар билан безалган соатдан бир фурсат кўзини ололмай қолди. Дили аллақандай илик туйғуларга тўлди. “Сардор ака ажойиблар-да. Ахир менинг соатим бор-ку, кўрмаган эканлар-да”, деб ўйлади. Кейин ниҳоятда бежирим, санъаткорона ишланган соатга қараб туриб, кўнглига бир фикр келди.

“Бу соат биргаликда узок ҳаёт кечиримиз рамзи бўлсин”, – қиз йигит совғасини ана шундай талқин этди.

Қиз бу талқинида янглишмаган эди.

13

Нур тоққа чиқиб, қаттиқ чарчаганлигига қарамай, тунни билан юраги тўла ҳаяжон, яхши ухлолмади. Кўксини тўлдирган қувончдан қани тонг отмаса, бу дамлар ўтмаса эди, деб Худодан тилади. Тонгга яқин кўзи илинган экан, онаси отасига бир нарсаларни ташвишланиб гапираётгани қулоғига чалинди-ю, уйғониб кетди.

– Отаси, кечаси Гулчехрани шаҳарга опкетишибди. Бечорадан қон кетиб қопти. Юзсиз эри кечаси шундай хабар билан келганмиш.

Отаси жаҳл билан сўкинди.

– Зўрға тўрт йил деганда энди бўйида бўлган эди-я... Зайнаб опамга бир нарса бўлмасин-да ишкилиб. Кеча бир хурсанд бўлиб ўтирувдилар-а.

Отаси онасига бир нималар деди, кейин ташқарига чиқиб кетди шекилли, унинг овози эшитилмай қолди. Нур ирғиб ўрнидан турди. Шоша-пиша устидан халатини кийди-да, эшикдан мўралади.

– Ойи, Гулчехрага нима қипти?

Ойиси кизига бир каради-да, индамади. Нур онасининг нега жавоб қайтармаганини тушунди: олдин юз-қўлини ювиб келиб, кейин гапиради киз деган.

Нур шоша-пиша юз-қўлларини ювиб келиб, онасининг каршисига чўқди.

– Вой, билмай қолдим. – деди ойиси ташвишланиб. – Энди нима бўларкин-а? Боласини саклаб қолишармикин... Отанг амакингникига чиқиб кетдилар. Нима гаплигини билсинлар-чи...

Негадир Нурнинг юраги “шув” этиб кетди. Ҳали боласи тугул, ўзига ҳам бир нарса бўлмасин-да...

Бир маҳал ҳовликканича Ҳайдар ака келиб қолди.

– Амакиларим ўша ёкка кетишибди, уйларида ҳеч ким йўқ.

– Энди Зайнаб опам ҳам тинч бўлсинлар-да ишкилиб. – деди Зебинисо опа.

Ҳайдар ака унга бир караб қўйди-ю, индамай молхона томонга ўтиб кетди.

– Қайси туғуруқхонада экан, билмадингизми, ойи? – деб сўради Нур хавотир ичида.

Онаси ўйланиб турди-да, кейин топди:

– Ҳа, менимча, саккизинчига. Боя Зайнаб опам шундай деяётувдилар шекилли.

Демак, Гулчехрани шаҳардаги саккизинчи туғуруқхонага олиб кетишибди-да. Нур нима қилишини билмай

колди. Ҳозир ўқишини ташлаб борай, деса бўлмаса. Ундан кейин эрталабдан касалхонага ҳеч кимни яқин йўлатишмайди. Докторлар беморни кўриқдан ўтказди, яна ҳар хил муолажалар дегандай. Яхшиси, биринчи, иккинчи дарсларини ўқийди-да, кейин деканатдан жавоб сўраб боради.

Нур шу қарорга келиб, ўқишга жўнади.

У дарсда ҳам зўрға ўтирди. Нур колган дарсларидан жавоб сўраш учун деканатга кираркан, ҳеч ўзини тутолмай колди. кўзлари жикка ёшга тўлди.

Декан ўз жойида йўқ экан. Котиба Нурнинг ҳолатини кўриб, ачиниб кетди.

– Яқин одамингиз шекилли. Худо шифосини берсин. Майли, бораверинг, деканга ўзим тушунтириб айтиб қўяман.

Ишқилиб Гулчеҳрага ҳеч нима қилмасин-да. Агар бир фалокат бўлса, у ўзини умрбод кечиролмайди...

Нур шундай ўйлар билан кетаётувди, йўлакда бир одамга туртиниб кетаёзди. Бошини кўтариб каради. Не кўз билан кўрсинки, қаршисида Сардор турарди. Сардор ҳам кизни бундай хавотирли аҳволда кўриб, хайрон бўлиб колди.

– Тинчликми, Нур?

Нур Гулчеҳрани, бўлган воқеаларни унга гапириб берди. Сардор кизнинг гапларига диққат билан қулоқ тутди.

– Шошманг, мени кутиб туринг, тезда чиқаман, – Сардор шундай дея шошилиб деканатга кириб кетди.

Киз ҳозир қаршисида Сардорни кўриб бир оз тинчланди. Қандай ажойиб, у зарур пайтда қаршисида пайдо бўлиб қолади. Ҳозир Нурга энг керакли одам Сардор эди-да.

Ростдан ҳам йигит бир зумда деканатдан чиқиб келди.

– Кетдик!

– Сардор ака, унга бир нима бўлмасин-да. Бўлмаса, ўзимни сира кечиролмайман, – деди Нур таксида кетаётганларида ташвишланиб.

Йигит кизга бир қараб қўйди-ю, индамади. Тўғриси, бундай вазиятда ўзини-ўзи қийнаётган кизни қандай қилиб юпатишни ҳам билмас эди.

Улар туғуруқхонага етиб келганларида ҳовлида одамлар гавжум эди. Нур улар орасида Абдулла амакиси, Зайнаб холаси борлигига шубҳа қилмас эди.

Сардор бу ерда таниши бор эканми ёки ўзи шифокор бўлганлигиданми, ишқилиб, бошқа эшикдан Нурни олиб кирди-да, уни йўлақда қолдирди. Кейин мени шу ерда кутиб туришг, деб тайинлаб, ўзи тепага чиқиб кетди.

Орадан бирмунча вақт ўтди. Бир пайт зинада қадам товушлари эшитилди. Нур хавотир ичида уёқдан-буёққа юрмоқда эди.

Нихоят, Сардор Нурнинг қаршисида пайдо бўлди. Қиз умид билан йигитга термилди. Йигит дастлаб Нурга қараб, тараддудланиб турди-да, сўнг аста деди:

– Нур, ўзимни қўлга оламан, ўзимни айбламайман, деб аввал менга сўз беринг.

Нур унинг нима учун бундай деяётганлигидан баттар хавотирга тушди.

– Нима бўлди ахир? – деди чидай олмай ахири Нур.

Сардор бесабр кизга қараб туриб, осойишталик билан гап бошлади:

– Ҳозир дугонангизнинг аҳволи яхши. Унинг ҳаётини сақлаб қолишибди.

Нур дарров боланинг нобуд бўлганини тушунди.

– Бола ўсмай қолибди, шунинг учун...

Шунинг учун онадан қон кетиб қолган, ўлик болани олиб ташлашларига тўғри келган... Нур беихтиёр бошини чангаллаб қолди. Нега у шундоқ жондан азиз ўртоғи бўла туриб, кўргани бормади, нега ўзи бориб, уйдан мажбуран бўлса-да, олиб келиб, касалхонага ётқизмади... Ахир опкетиш учун Сардорнинг ўзи кишлоккача келди-я! Ўз дугонасига ёрдам бера олмаган, бировларнинг дардига лоқайд бўлган киздан қандай доктор чиқсин? У доктор бўлиб етишса, қандай қилиб, қайси кўнгил билан бошқа беморларни даволай олади?

Алам қиз кўксини тўлдирди-ю, бирдан йиғлаб юборди.

– Ахир, Сардор ака, ўзингиз ҳам айтдингиз, бориб кўринг, деб. Мен бўлсам...

Сардор нима қилишини, қизга қандай тасалли беришини билмай қолди. Шу кунлар ичида энг азиз одамига айланган бу қизнинг бундай азобланишига қандай чидай олади? У ихтиёрсиз юпатиш учун қизнинг қифтига аста қўлини қўйди.

– Қўйинг, Нур, бунга сиз айбдор эмассиз...

Айни вақтда қиз шундай ҳамдардликка эҳтиёжманд эди. Бирдан қиз ўзини тутолмай йигитнинг елкаларига бошини қўйди-да, хўнграб йиғлаб юборди.

Йигит бундай ҳолатдан, бундай яқинликдан ниҳоятда ҳаяжонга тушди. У беихтиёр мадад, ҳамдардлик истаб, кўксига бошини қўйган гўзал қизнинг, қайлигининг сочларини силади. Сардор ҳозир қиз уни ўзига яқин олиб, кўнглини бўшатганидан ҳам, айниқса, бировнинг дардини ўзига олиб, шунчалик изтироб чекаётганлиги, қалби тозалигидан ҳайратда эди. Йигит ҳозирги дақиқада қизни қайта кашф этди назарида.

– Бўлди, бўлди...

Нур йигитнинг овозини эшитиб, ўзига келди. Худди айб иш қилиб қўйган қизчадай, ўзини йигитдан тортди:

– Кечирасиз...

Қиз ниҳоят ўзига келиб, оғир дамларда ҳамдард бўлган йигитга қараб қолди. Аёл қалби ҳамиша ўзига паноҳ истайди. Ҳа, ўз навбатида қиз ҳам қайлигини янгитдан кашф этган эди.

14

Орадан кунлар ўтди. Бир куни Нур ўқишдан келса, ойисидан Гулчеҳра касалхонадан чиқибди. Зайнаб хола беш-олти кун ўзига келсин, парвариш қилай, деб куёвидан сўраб, уйига олиб келибди, деб эшитди-ю, шошиб қолди. Дарҳол амакисиникига отланди.

– Ҳой, қиз! Тўхта, бемор олдига қурук бормокчимисан? – онаси Нурни шундай дея тўхтатди.

Нур йўлидан қайтди. Кейин онасининг кўмагида тезда қиймали мастава пиширди-ю, дугонасининг олдига жўнади. Кўчага чиқувди ҳамки, ойиси орқасидан ҳаллослаб келяпти.

– Ҳа, ойи? – оркасига ўгирилди Нур ҳайрон бўлиб.

– Намунча шошасан, манави қатикни ҳам олмайсанми.

Ҳа, ростдан ҳам Нур дугонасини кўришга шошиб кетмоқда эди. Аввало Гулчехрани кўрса, бир оз кўнглидаги уни эзиб ётган азобу пушаймонлар сал босилармиди. Яна Нурни кўрса, Гулчехранинг кўнгли кўтарилармиди.

Нур амакисининг уйига кирганида Гулчехра айвонда хаёлчан ўтирарди. У Нурни кўрди-ю, кўришгани ўрнидан турди.

– Турма, турма, – Нур дугонасига шундай деркан, унга зимдан разм солди. Гулчехранинг ранги синикқан, ўзи ҳам анча паришон кўринарди. – Ўтираверсанг-чи.

Орага ўнғайсиз сукут чўкди.

– Холам кўринмайдилар? – дея сукутни бузди Нур. Аслида у гапни нимадан бошлашни билмаётганди.

– Ҳовлида юрувдилар, – деди бепарволик билан Гулчехра. Кейин пича олдинги ҳолатига қайтгандай деди: – Нур, ўзингдан гапир, сени унаштиришибди, деб эшитдим, табриклайман.

Нур Гулчехранинг шу гапидан сўнг ўзига келди.

– Гули, мени кечир, олдингда айбдорман, – Нур шундай деди-ю, бирдан енгил тортганини сизди. – Ушанда уйингга ўзим бориб, сени мажбуран касалхонага ётқизиб келсам бўларкан.

Гулчехра унга “ялғ” этиб қаради. Нур унинг нигоҳидан кўп гапларни укқандай бўлди. “Бу сенга осонмиди...” Ҳақиқатан ҳозир Гулчехра нигоҳида акс этган гапларни тилида сўзлашга тушди:

– Нур, бошимга тушган бу кўргиликка ўзингни асло айбдор санама. Бу ишда сенинг айбинг йўқ. Борганинда ҳам бекорга орқангга қайтиб келардинг. Чунки улар бунга йўл қўйишмасди, – деди Гулчехра узоқларга тикилиб. – Тағин кеча қайнонам нима дейди-я, ўласанми, коласанми, яна ўлик болангизга аза тутиб ўтирибсизми эмиш. Уғлини-ку, мен билан иши йўқ... Тилда “бола, бола”, дейишади-ю, уларга ўзим тугул, фарзандим ҳам асло керакмас...

Гулчехранинг кўзлари намланди. Нур ичи ачишиб, сўзга огиз жуфтлади.

– Ҳамон шуни биларкансан...

Аммо Гулчехра уни гапиргани кўймади, яна сўзида давом этди:

– Илгари ҳам сенга айтувдим-ку, орамизда бир аёл бор деб, – Нур унга қараб қолди. – Мен бу гапга шубҳаланиб юрувдим, аниқ бўлди.

Гулчехра эрининг ўйнашини кўрганини, ўша аёл у ётган туғурукхонада ҳамшира бўлиб ишлашини айтди. Тагин эрим ўлгур менинг азобларимни кўриб, маза қилиб роҳатлансин, деб ўйнашининг олдига олиб келган-да, деб кўйди гапининг охирида.

Нур Гулчехранинг бу гапига унча ишонинкирамади.

– Аммо мен ҳам, қайнонам ҳам роса бош шифокордан эшитганимизни эшитдик, – деди тўсатдан Гулчехра яна ўша кунги воқеаларга қайтиб. – Ўзингда ҳам айб бор, қизим, шу пайтгача бирор марта шифокор назоратидан ўтмабсан, аёллар маслаҳатхонасида рўйхатга ҳам турмабсан, дейишди.

– Қайнонам катта доктор, унга ишонаман. демадингми? – деди пичинг қилиб Нур.

Гулчехра унинг пичингига эътибор бермади, индамай ўтираверди.

– Нима қилмоқчисан, шундай яшайверасанми? – деди куюниб Нур. – Ахир сен хали даволанишинг, хаётга қайтишинг керак. Камқонлик яхши эмас, сен бу дард билан ҳазиллашма.

Гулчехра гўё Нурнинг гапларини эшитмаётганга ўхшарди. У худди хаёлида юргандай, бир богдан, бир тоғдан келиб гапирарди.

– Мен бир пайт ўзимга келиб, эрим қани, дебман. Жинниман-да ўзим ҳам, – деди ўзича қулиб Гулчехра. – Эрим бўлса, хуштори билан...

Нур унга ажабланиб қараб қолди.

– Ҳа, нега менга бундай қараяпсан? – деди Гулчехра қулиб. – Бечора ўртоғим боласидан айрилиб, телба бўлиб

копти, деб ўйлаяпсанми? Қўркма, ҳали ақлдан озганимча йўқ. Мен шунчаки бари фикрларимни жамлаб ололмаяман, холос.

Гулчеҳранинг шу гапларини эшитгандан сўнггина Нур ўзига келди.

– Гули, бир марта бўлсаям менинг маслаҳатимга ҳам кулоқ сол, – Нур дугонасидан ўтинди. – Илтимос, шу эрингни кўй.

Гулчеҳра худди Нурнинг гапларини эшитиб, гўё бу фикрларни миясида мағзини чақаётгандай унга тикилиб колди. Орага яна сукут чўкди.

– Эрингни кўй, дейсанми? – Ниҳоят Гулчеҳра сукутни бузди, ўтирганларидан бери биринчи марта дугонасининг саволига тўғри жавоб берди. – Сен нима деяётганингни билияпсанми?

Нур унга таажжубланиб караб колди. Нима, нотўғри гапирдими?

– Нотўғрими? Нима қиласан бундай эрни? – деди жон куйдириб Нур. Ростдан ҳам Гулчеҳранинг аянчли тақдирига унинг юраги туз сепгандай ачишиб кетаётган эди. – Ўз боласининг ўлимига сабабчи бўлган, ошқора хотинига хиёнат қилган одам билан қандай яшаш мумкин, хайронман... Ҳали ёшсан, ҳуснинг бор. ҳаётингни бошқатдан қурсанг бўлади-ку. Ҳали ҳам кеч эмас, агар...

– Бас, етар! – Гулчеҳра Нурнинг гапларини охиригача эшитмай, шартта бўлди. – Нур хоним, сиз муҳаббат нималигини биласизми? Эрим хиёнаткор бўлсаям, мен уни яхши кўраман. Ҳа, мен кўз очиб, уни кўрганман.

Нурнинг кўзлари катта-катта очилди. Бунақа бир томонлама, хиёнат ва фаҳш аралашган муҳаббатга унинг сира акли етмас эди. Агар муҳаббат дегани шундай инсонни ерга урадиган, камситадиган бўлса. э...

Бир оз вақт ўтгач, Гулчеҳранинг гаплари Нурга бориб етдими, аччик билан деди:

– Муҳаббатмиш! Қанақа муҳаббат, қанақа севги? Сен кизнинг қани ғуруринг? Оёқ ости қилсалар ҳам, топталаб,

иззат-нафсингни поймол қилсалар ҳам сен ўша бетайин, бевафо, хотинбоз эрингни яхши кўравер! – деди Нур бўғилиб. – Мен боламнинг ўлимига сабабчи бўлган кимса билан бир дақиқа ҳам бирга яшамасдим! Озгина ўзингни ҳурмат қил, илтимос!

Гулчехра дугонасининг куюниб сўзлашларини индамай эшитди-да, сўнг дона-дона қилиб деди:

– Ҳа, мен шунақа одамман, оёк ости бўлсам ҳам эримга, қайнонамга пой-патак бўлиб юравераман. Бир гап, дугонажон, бундай маслаҳатлар беришга ҳали эрта.

Нур, бу билан нима демоқчисан, дегандай унга “ялт” этиб қаради.

– Турмушга чиқ, эр билан яшаб кўр, сен билан ўшанда гаплашамиз.

Гулчехранинг бу гапи Нурнинг жон-жонидан ўтиб кетди.

– Бўпти, кўрамиз. ўртоқжон, – деди дили оғриб Нур. – Майли, ўша тўнка эрингни истаганча яхши кўравер, марҳамат.

– Бошқа иложим ҳам йўқ, – деди Гулчехра.

Икки дугона илк марта шу тариқа бир-бирлари билан келишмай, бир-бирларини тушунмай хайрлашдилар.

15

Тўй ҳаракати бошланиб кетди. Нур ҳозир ҳаётида нималар бўлаётганини хис қилиб, буларни ифодалаб берадиган аҳволда эмас эди. Бу ҳолатни айниқса турмушга чиқаётган қизлар, янаям тўғрироқ айтадиган бўлсак, ўзбек қизлари жуда яхши тушунадилар. Чунки бизнинг одатларимизда инсонни чарчатиб кўядиган, унга ортикча юк бўладиган, мажбуриятга айланган унсурлар кўп. Шу ўринда ана шу мажбуриятга айланган ортикча жиҳатларни эътироф этишимиз керак бўлади. Нур кейинроқ тўй олди кечинмаларини бирор яқин дугонасига ҳикоя қилиб бериши мумкиндиру, лекин ҳозир, тўй арафасида бундай қилишга қодир эмасди.

Нур бугун ўқишдан қилиб ўзи туғилиб ўсган уйни таний олмади. Ниҳоят, уларнинг уйлари ҳам оҳақ, бўёқ

кўрганидан офтобда жилваланиб, чиройли бўлиб турарди. Бу барака толкур амакиларининг саъйи ҳаракати бўлса керак. Ойисининг-ку, қўли кўлига тегмайди. Чунки ягона кизи, кўзининг оқу қораси унақа-бунақа жойга эмас, шаҳарга, ундан кейин шаҳардаги казо-казо оилалардан бирига, кўрсанг кўргудай хушрўй, ўқимишли йигитга турмушга чиқяпти. Маҳаллада ҳамманинг оғзида шу гап. Зайнаб хола гапирганларнинг кўзи тегмасин, дея, ҳе, кўзингга тош, деб қўяди. Гарчанд Сардорлар оиласи келин томонни кўп нарсалардан озод этган бўлса-да, барибир тўйда гоҳ у, гоҳ бу камчилик бўлиши табиий.

Нур энди айвонга чиқай деб турганида, ойиси унга пешвоз югуриб келиб қолди.

– Нур, опанг келибдилар, тез чиқа қол.

У шу пайт оёқларигача қалтирок кирганини ҳис қилди. Қиз ичида Сардорлар оиласидан негадир чўчир, барибир мени менсишмаса керак, деб ўйлар, назарида уни олдинда камситишлар, дилхираликлар кутиб турганга ўхшайверарди. Ҳозир Нур бекорга ҳаяжонланган экан, кўришиш учун ўрнидан турган Сардорнинг опасининг кўзларида самимий табассумни кўриб, бирдан енгил тортди. Аста Феруза опасига салом берди.

– Вой, сизни кўраман, деб неча кун ухламай, ичим қизиб чикди-я, – Феруза очиқкўнгиллик билан қизни бағрига тортиб кўришди.

Бундай муомаладан Нур анча ўзига келди. Секин Феруза билан сўраша бошлади.

– Раҳмат, Нур. – деди қиска қилиб Феруза. – Келинг, мақсадга ўта қолайлик.

Феруза шундай дейиши билан Нур кулиб юборай деди. Опаси дарҳол ҳар хил гапларни йиғиштириб, мақсадга ўтиши билан укасига ўхшаб кетар экан, деди ичида Нур.

– Нур, мен сизга келин кўйлагингизни олиб келувдим.

Нур ҳайрон бўлиб, Ферузага қаради. Одатда куёв томони келин тарафга кўйлақ учун оқ мато бериб юборарди. Келин томон ўзлари кўйлақни тиктириб олаверарди.

– Барака топсин қудамиз, тайёр кўйлак бериб юборибдилар, – деди хурсанд бўлганидан Зебинисо опа.

Нур бу гапни эшитиб, хижолат тортди.

– Сингилжон, – деди ҳамон юзида табассум билан Феруза. – Дадамлар билан ойимлар бултур Германияга саёҳатга боришувди. Ойим ўша ердан атайин келинимга деб ок кўйлак сотиб олибдилар.

Феруза шундай деб, уйдаги кўйлак можаросини эслаб, пича муддат индамай колди...

Кўйлакни шифоньердан олар экан, Наима опа йиглаб юборган, кўйлакни Нурга беришга иккиланган эди.

– Ҳеч шу кўйлакни беришга кўзим киймаяпти-я...

Феруза онасидан норози бўлди.

– Ойи, кўйсангиз-чи энди, бир дугонам ўғлингиз билан кизни кўриб қолибди. Бир қошиқ сув билан ютгудай, суқинг киради, деяпти. Бўлди-да энди, ундан кўра ўғлингизнинг бахтини тиласангиз-чи.

– Қариндош-уруғлар-ку, хайрон. Келин қилмаган жойларимдан тоза гапга қоладиган бўлдим-да. Кимсан Камол акалар юриб-юриб, ахири кишлокдан келин қилишибди-да, деб гапиришаётгандир.

Бу гапни эшитиб, Ферузанинг жаҳли чиқиб кетди. Ҳа, ростдан ҳам табиатан шу тезлиги, қатъияти билан у укасига ўхшаб кетар эди.

– Оббо, ойи, бўлмаган гапларни кўйинг. Сизга ўша гаплар муҳимми? Бу гаплардан нима наф? Сиз бир мешчан аёл эмассиз-ку. Шу илмий текшириш институтининг ходимаси гапирадиган гапми? Беринг кўйлакни, келинимга деб ният қилиб олдингизми, сўзингизда турунг. Агар шундай қилаётганингизни Сардор билиб колса борми, сизга гапирмай ҳам кўяди.

Наима опа Сардор бир нимадан хафа бўлса, умуман, гапирмай қолиши, совуққон бўлиб, одамни адои татом қилишини биларди. Ҳозир ҳам худди ўғли келиб қоладигандай, шоша-пиша кўзёшларини артди-да, кўйлакни кизига берди.

Феруза шуларни ўйлаб, жимиб колганидан ўзи мулзам бўлди-да, тезгина Нурга юзланиб, деди:

– Нур, кани, кўйлакни олиб, кийиб чиқинг-чи. – Нур тортиниб, ерга каради. Зебинисо опа кизига ўтинди:

– Бора қол, кизим, кийиб чик, опангни маҳтал килма.

Феруза Нурнинг уялаётганини сезиб, бу унғайсизликни сўз билан тузатиб юборди:

– Жон, Нур, ҳали бориб, куёвга ҳисобот беришим керак. Кейин ҳозир куёв эмас, мен сизни келин кўйлақда кўраман, тушунарлими?

Ҳа, Нурга худди Сардор сингари Феруза ҳам бирпасда ёқиб қолди. Феруза ҳозир тўйгача куёв келинни оқ кўйлақда кўрмаслиги керак, деган иримга ишора қилганини тушуниб, Нур беихтиёр жилмайди. У кўйлақ солинган қутини олди-да, хонасига кириб кетди.

Нур қутини очди-ю, ўзини йўқотди. Ана кўйлагу мана кўйлақ! Бунақа кўйлакни ҳатто институтларида ўқийдиган энг бой хонадон қизлари, масалан, Нигора, Шаҳлолар ҳам келин бўлганларида киймаганларига Нур ҳозир кафолат бера оларди. Оппок ипақлар билан кашта қилиб тикилган, тўрлари беҳад нафис... Кўйлақ шундай нозик, шундай чиройли, шундай ҳарирки, ҳатто кийишга ҳам кўзинг киймайди. Қиз никоҳ кўйлагига сукланиб тикилиб қолди. Нур, нима бўлди деб, Феруза опам ажабланмасин. дея ниҳоят кўйлакни кийди...

Бир маҳал ичкаридан оқ кўйлақда келин бўлмиш киз чиқиб келди.

Феруза энди очилай-очилай деб турган оқ атиргул янглиг беҳад гўзал, сарвқад ва жозибали бу қиздан кўзларини узолмай қолди. У ниҳоят ўз ҳайратини яширмай, деди:

– Қуз тегмасин сизга, келиним! Сардор ҳам нақ турнанинг кўзидан урибди! Укажонимнинг дидига гап йўк!

Феруза хурсанд бўлиб, шаҳарга қайтмоқчи бўлди. Нур ёлғиз қиз бўлиб ўсган эмасми, хамиша опалари, сингиллари, ака-укалари бор дугоналарига ичида ҳавас қилиб келар,

ичида уларнинг йўклигидан ўксинарди. Ҳозир бирдан кўнглидаги шу кемтик жой тўлгандай бўлди. Қиз Феруза билан танишиб, у билан мулоқотда бўлиб, худди бир жойларда йўқолиб қолган опаси топилиб қолгандай ҳолатга тушди. У Ферузани кўчагача кузатиб чиқди.

– Айтмоқчи, Сардор сизга ҳеч нима демадимиз? – деди хайрлаша туриб Феруза бирдан жойида тўхтаб.

Нур хайрон бўлиб қолди. Сардор унга нима дейиши керак эди?

– Йўқ, Феруза опа...

Феруза ҳозир қовун тушириб қўйганини билиб, тилини тишлади.

– Вой шўрим, Сардор сизга сюрприз қилмоқчи бўлган экан-да. Мен бўлсам, сирни ошқор қилиб қўйибман!

Энди Нур бу гапга қизиқиб қолди. Қизиқишдан ўзини тутолмай Ферузага ялинди:

– Жон, Феруза опа, нима гап, айта қолинг...

Феруза айтсамми, айтмасамми, дегандай, Нурга тикилиб қолди.

– Айтсам, сюрпризлиги қолмайди-да.

Нур қулиб юборди.

– Феруза опа, бирдан хурсанд бўлсам, бўлмайди, бу соғлиққа ҳам тўғри келмайди. Ҳозир айтаверинг, оз-оздан севиниб турай.

Феруза бир қарорга келди.

– Ҳа, майли, айтсам айтдим. Лекин менга Сардорга билдирмай тураман, деб ваъда беринг. Билиб қолса борми, балога қоламан-а... – Феруза қулди. – Ҳа, Москвада ўқиган ўртоқларида шундай анъана бор экан. Сардор сиз билан бирга тўйни ўтказиб, саёҳатга бормоқчи.

Нур хайратдан жойида қотиб қолди.

– Ҳа, шундай, йўлланма ҳам тайёр, авиабилетлар ҳам олинган. Лекин қайси шаҳарга бормоқчи эканликларингизни айтмайман. Буниси ростдан ҳам сюрприз бўла қолсин.

Айтайлик, тушингда гўзал ҳаётни, бир-биридан ажойиб манзараларни кўрасан, кувонч ва завқ-шавқдан ичингга сиғмайсан. Бир маҳал уйғониб кетасан, қарасанг, тушинг эмас, ўнгинг бўлиб чиқади. Нур билан Сардорнинг hozирги кайфиятларини ана шу туш билан ҳуш орасидаги ҳолатга ўхшатса бўлади. Нурни тўй таассуротларидан кўра олдинда турган саёҳат кувончи кўпроқ ҳаяжонлантирмокда эди. Ана шу саёҳат арафасидаги тўлкинланишлар туфайли киз куёвникида ўтадиган илк никоҳ кечаси, қайнотасию қайнонаси, янги қариндошлар олдидаги титроғу ҳаяжонларни бемалол ўтказиб юборди. Нур умрида самолётда учган эмас. У ёш бола кувончи билан эртага тонгда самолётга чиқамиз, дея мижажа қоқмай чиқди. Ҳали тонг отмасдан туриб олган келинини кўриб, жиддий ва вазмин қайнота ҳам мийиғида кулиб, хотинига деди: “Бу келинимиз тушмагур бугун ухламаганга ўхшайди”.

Нур билан Сардор ниҳоят аэропортга келарканлар, самолётга чиқарканлар, бутун вужуди ҳаяжонга лиммо-лим эди.

Сардор келинчакнинг бу қадар ҳаяжонланишини кулиб кузатди.

– Ажойиб романтик кизга уйланибман-да ўзиям! – деди у Нурнинг елкасида мавжланган сочларини тўзғитиб.

Нур унга ўпқаланиб қараб қўйди.

Шу ҳаяжонлар билан Нур самолётнинг кўкда парвоз қилиб, тўрт соат қандай ўтганини ҳам билмай қолди.

– Самолётимиз Бориспол аэропортига келиб кўнди. Экипаж аъзолари сизларга омонлик тилаб, хайрлашади.

Нур стюардессанинг гапларини эшитиб, Сардордан хайрон бўлиб сўради:

– Етиб келдикми?

– Ҳа, Нур хоним, Киев шаҳрига ҳуш келибсиз! – деди Сардор кулганича.

Шундай қилиб, келин-куёвнинг тўй саёҳати Киев шаҳридан бошланди. Ҳурматли китобхон, Сардор билан Нурнинг

илк маротаба тоққа қилган саёхатларини эслайсизми? Нур кишлоқда туғилиб ўсди, дунёнинг азим ва гўзал шаҳарларидан бири бўлган Тошкентда таҳсил олди, уни она шаҳрим деб билди. Лекин ҳозир кўз ўнгида бутунлай бошқа манзара, умрида кўрмагани кўм-кўк ўрмонлар билан ўралган, ўртасидан мовий Днепр дарёси кесиб ўтган Киев шаҳрини кўриб, Нур тоғдагидан яна юз чандон ортиқрок хаяжонланди, десак, янглишмаймиз.

Меҳмонхонага етиб келишганидан кейин ҳам Нурни янги жойларни кўриш ҳаваси тарк этмади. Улар кўнган отелъ – меҳмонхона атрофи ўрмон билан қуршалган экан. Шунинг учун бўлса керак, ҳаво мусаффо ва майин эди. Нурнинг атрофни кўришга кизиқаётганини сезиб, Сардор уни сайрга таклиф этди. Улар ўрмонда сайр қилдилар. Нур туғилиб ўсган уйларида шундоқ кўриниб турган тоғни яқиндан кўрмагани каби ўрмонни ҳам кўрмаслиги табиий эди. Ўрмон қайин, окқайин, эман ва Нур китобдан ҳам билмаган арғувон дарахтлари билан шундай ҳайратга солдики... Сардор ёш боладай қувонган ёш хотинини кўриб, бу саёхатни ташкил этиб, тўғри қилибман, деган хулосага келди.

– Нур хоним, сайримиз бугунга етади. Бугун дам олайлик, эртага бизни узок саёхат кутиб турибди.

Ҳақиқатан эртасига улар Киевдаги машҳур Крешчатик кўчасини айландилар, тарихий музейларни томоша қилдилар. Яна Сардор бу ерда ҳам гидлик вазифасини зиммасига олди. Айниқса, Нурни катта ва осойишта оқаётган Днепр дарёси ўзининг шукуҳи ва чиройи билан ҳайратда қолдирди.

Оқшом эртага каерга борар эканмиз, деб у кизиксиниб, Сардорга қаради.

– Насиб қилса, эртага меҳмонга борамиз.

Шу, Сардор акаси жуда сюрприз қилишни яхши кўрадида. Ана шу шаҳарда курсдошлари яшаркан, улар меҳмонга таклиф этишибди, қаранг, Сардор бу ҳақда бир огиз Нурга ҳеч нима демабди.

Сардорнинг курсдошлари ёш келин-куёвни ҳурмат билан кутиб олишди.

– Эр-хотин иккалови билан ҳам бирга ўқиганман, – деди мезбонлар уйига яқинлашаркан Сардор.

Тўғрироғи, курсдошлар бирга ўқишган, кейин турмуш қуришган экан.

– Андрей – хирург, Алёна эса кардиолог, – курсдошлари билан таништирди Нурни Сардор. – Ҳа, Нур ҳам кардиолог бўлиш орзусида. Биз Нурнинг албатта кардиолог бўлишига ҳаракат қиламиз, тўғрими, хоним? – деди сўнгги жумлани ўзбекчалаб Сардор.

Сардор шундай дейиши билан Нур тўлқинланиб кетди. Ҳали Нур Сардорга кардиолог бўламан, деб ҳам, умуман, ҳали келажак орзуларини ҳам айтмаган эди. Тўғриси, буни айтишнинг мавриди бўлмаганди. Ҳа, ўша биринчи учрашувларида Нур шунчаки касалхона бўлими мудири Қодир акага ўз мақсадини айтганди, холос. Сардорнинг бу эътиборидан Нурнинг кўнгли кўтарилиб кетди.

– Унда ҳамкасаба бўларканмиз-да! – деди Алёна жилмайиб.

Мезбонлар тошкентлик келин-куёвни алоҳида эътибор билан меҳмон қилдилар. Андрей олчадан қўлбола шароб тайёрлаган экан, энди Киевда ҳам тўйинглари нишонламасак бўлмайди, дея қўймади. Алёна украинча харчо тайёрлабди, курка димлабди, торт пиширибди. Андрей гитара чаларкан, эр-хотин қўшиқ айтишди. Алёна торт келтирмокчи бўлиб, ошхонага йўл олди. Нур ёрдамлашай, дея унга эргашди. Бир маҳал Нур Алёна билан меҳмонхонага қайтаркан, қулоғига дўстлар гаплари чалиниб, кизиқиб қолди. Гап Нур устида кетаётди шекилли, Сардор шундай дерди:

– Ҳа. Нур менинг студентим эди.

– Балли, йигит дегани ана шундай бўлади-да, яхши кизни қўлдан чиқармайди! – дерди Андрей.

Аёллар келишлари билан дарҳол бошқа мавзуга ўтилди.

Меҳмонлар алламаҳалгача ўтириб, кейин кўтаринки кайфиятда меҳмонхонага қайтдилар.

Бир маҳал йўлда кетишаркан, Нур аста Сардорни саволга тутди:

– Бир савол берсам бўладими, Сардор ака?

Сардор жойида тўхтаб, унга ҳайрон бўлиб қаради.

– Биз ахир институт дискотекасида танишиб колган институтдошлар эмасмидик? – деди гина билан Нур. – Нега сўзингизда турмайсиз?

Сардор кулиб юборди.

– Шуниям эшитдингизми? Тўғри, шундай. Лекин бу гапимга Андрей ишонармиди. Чунки дискотекада сиздай гўзал кизни мендан олдин бошқаси илиб кетишига Андрей эмас, ўзим ҳам ишонаман. Андрей бу сохибжамол кизни каердан топдинг, деганди. тўғрисини айтишимга тўғри келди.

Нур жойида такка тўхтади.

– Шуни билиб кўйинг, – Сардор “ялт” этиб унга қаради. Нур яна ҳар бир сўзини таъкидлаб, такрорлаб гапирди. – Сардор ака, агар биз ростдан ҳам дискотекада бўлсагу, сиз ҳам қатнашсангиз, бир нарсани билиб кўйинг...

Сардорнинг бутун вужуди кулокка айланди. Нур кўрсаткич бармоғини унга нуқиб, писанда килиб деди:

– Ўша дискотекада сиздай йигитни мен кўлдан чиқармасдим, билиб кўйинг. Бошқа кизлардан сизни ўзим тортиб олардим...

Сардор ҳаяжондан ўзини йўқотди, кувонч тўла кўзларини севгилисидан узолмай қолди.

17

Нур турмушга чикмасидан илгари дугоналари, танишбилишлар ҳикояларидан қайнона қандай бўлиши ҳақида эшитган, бу ҳақдаги тасаввури бирмунча шаклланган эди. Аммо ўзи турмушга чиккач. қайнона ҳақидаги кизлик тасаввурлари бугунлай ўз аҳамиятини йўқотди. Тўғрироғи, Нур қайнона ҳақида, у қандай бўлиши ҳақида умуман билмас экан!

Наима опа Нурнинг дугоналари ҳикоя қилиб берган қайноналардан фаркли ўларок, келинига зуғум ўтказмайди, яъни пичинг, киноя қилмайди, ортикча танбеҳ, дашном

бермайди. Лекин... уни келинининг бу уйда бор-йўқлиги умуман кизиқтирмайди, бунга парво ҳам қилмайди! Гўё бу хонадонга келин тушмагандек, илгари ўзи қилиб юрган юмушларини қилиб юраверади. Кейин эри, ўгли ва келинини кузатиб, ўзи ишга жўнайди. Нурни ана шу эътиборсизлик эзиб юборди. У рисоладаги ўзбек келинлари сингари эрта тонгда туриб олар, ўзича кўча-ховли супурарди. Кейин нонушта тайёрлай, дея ошхонага кирарди-ю... у ердан қайтиб чиқиб кетишига тўғри келарди. Чунки қайнонаси аллақачон нонушта тайёрлаб қўйган бўлар, шу туфайли у тамадди қилиб, ўқишига кетишга мажбур бўларди.

Бугун ҳам шундай бўлди. Эрталаб ўқишига шошди. Институтдан эртарок қайтгач, қайнонасини бир хурсанд қилгиси келди. У, мана, келин бўлиб тушганига иккинчи ой бўлибдики, ошхонага нари йўламади, бирор овкат пишириб, янги оиласи аъзоларининг оғзига тутмади. Нима қилса экан? У музлатгични очди-да, нима қилишини билмасдан ўйланиб қолди. Дарров музлатгич эшигини ёпди. Бу оиладагилар овқатни жуда танлаб ейишаркан. Нур қайнонаси тайёрлаган таомларни, салатларни кўриб туриб, умрида буларни ейиш уёқда турсин, кўрмаганлигини ҳам ичида тан олади. Ҳа, у хамирни яхши ёяди, манти қилса-чи? Онасидан хамир ёйишни яхши ўрганиб олган. Зайнаб холаси ҳам Нур кизим хамир ёйса, ипакдай бўлиб, одам ўз аксини кўради, дерди. У манти қилишга қарор қилди-ю, ўйланиб қолди. Гўштни олай деса, музхонада қотиб ётибди. уни зритиш керак. Ундан кейин қасқонни ҳам тополмай сарсон бўлди. Бўлмаса, мантидан бўлак қандай овқат пиширса бўларкин?

Нур нима таом пиширишини билмасдан, ошхонада ўйланиб турган эди, бир маҳал дарвоза очилди. Нур ошхонадан чиқиб қараса, қайнонаси келяпти. У югуриб, қайнонасига пешвоз чикди:

– Ассалому алайкум, ойижон, яхши келдингизми?

Наима опа бошини қимирлатиб, келинининг саломига алик олди. Дастлаб келинининг ошхонадан келаётганини кўриб, хайрон бўлди. Савол назари билан Нурга қаради.

– Шу... бирор овқат қилсаммикин, дегандим... – негадир хижолат бўлиб деди Нур.

Наима опа Нурга синовчан назар солди. Бир оздан сўнг шундай деди:

– Ҳали бошламадингизми?

– Йўк... нима овқат қилишни билмай турувдим, – деди яна баттар нокулай аҳволга тушиб Нур.

Қайнона бир қарорга келди.

– Дарсингизни қилдингизми?

Нур қайнонасининг гапига ҳайрон бўлди. Одатда қайнонаси ундан дарсини ҳам, қачон келишинию кетишини ҳам суриштирмас, гўё келинига тааллуқли нарсаларнинг умуман унга дахли йўқдай, бефарқ эди.

– Бўлмаса-чи, сиз бундай қилинг.

Нур жон деб қайнонасининг гапларига кулок тутди. Чунки қайнонаси келинига камдан-кам мурожаат қилар, гўё унга келинининг уйда нима юмуш қилишининг аҳамияти йўқдай эди. Нур қайнонасининг бу мурожаатидан хурсанд бўлиб кетди.

– Ҳўш, сиз овқатни кўя тулинг, – қайнона уёқ-буёкка назар солиб чиқди-да, деди: – Дам олиш куни меҳмон келадиган, ошхона-ю, ванна, хожатхоналарни яхшилаб тозалаб чиқсангиз. Кафелларни ҳам яхшилаб ювинг-а?

Нур ҳўп, дея ошхонадан чиқди. Ваннахонадан кафель тозалайдиган кукунни олиб, қайнонаси айтганидай, ҳаммаёқни тозалаб ювди.

Кеч кирди. Нур қайнонасига овқатни келтиришга ёрдам берди, чой дамлади. Шу аснода кечки таом тановул қилинди. Нур идиш-товокларни ювиб келиб, яна чой ичиб, суҳбатлашиб ўтирган қайнонаси билан қайнотасининг хузурига ўтирди.

– Сардор кеч колди? – сўради Камол ака хотинига эмас, Нурга қараб.

Нур билмадим, бирор бемор келган бўлса, ушланиб колгандирлар, деб жавоб қайтаришга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Наима опа ҳозиржавоблик қилди:

– Сардор доим жума кунлари кеч қолади, дадаси. Келиб қолар...

Нур индамай қолди. Орага сукут чўкди. Бир маҳал Камол ака Нурга юзланди.

– Қизим, дарсларинг кўпдир?

Наима опа қизиқсиниб эрига қаради. Нур хижолат тортиб, аста деди:

– Ҳа, халирок киларман дарсимни...

Камол ака на кириб кетишни, на ўтиришни билмай андиша қилаётган келинининг ҳолатини тушуниб деди:

– Сен, қизим, биз катталарнинг олдида ҳадеб мук тушиб ўтиришинг шарт эмас. Ишларингни битирдингми, хонангга кириб кетавер. Дарсларингни қил, дарсларинг бўлмаса, дамнингни ол.

Нур қайночасининг бу сўзларини эшитиб, енгил тортди. Ўрнидан туриб, хонасига йўналди. Наима опа эрига бир қараб кўйди. Кейин у ҳам келинининг изидан турди-да, даҳлизда турган телефон гўшагини кўтариб, ракам терди.

Нур хонасига кириб кета туриб, қайночасининг гаплари кулоғига чалинди.

– Алло, алло... Ферузамисан? Индинга меҳмонлар келадиган. Ҳа, ха... шунга тайёргарлик қилиш керак. Энди сенга айтмасам, кимга айтаман. Сомса, ҳар хил пишириқлар пишириш керак дегандай... Кейин салатларни ҳам тайёрлаш керак. Жаҳлинг чиқмасин, ёлғиз қўлман-да. Эртага кела қол. Керак бўлса, қайнонангга ўзим айтаман. Яна..

Нур қайночасининг гапларини эшитиб, эшик кесакисига суяниб қолди. Нима, шундай тайёргарлик қилиш керак экан, келинига айтсалар бўлмайдимиз? У одам эмасми? Ёки қайночаси уни одам ўрнида кўрмайдими?

Нур тўсатдан хаёлига келган бу ўйни миясидан ҳайдади. Наима опа эса ҳамон телефонда гаплашмоқда эди. У бундай гап тинглаш яхши эмас, дея эшикни зичлаб ёпди. Беихтиёр хўрлиги келди, бирдан ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборди. Шу бир-икки ой ичида ўзига олмай юрган бошидан кечирганлари

бары бир бўлди, йиғидан ўзини тўхтатолмади. Ёзув столи устидаги дафтари кўзларидан томган ёшлардан ҳўл бўлди.

Бир пайт хона ёп-ёруғ бўлиб кетди. Кимдир кандилни ёқди. Вой, Сардор ака келибдилар-да. Нур ирғиб ўрнидан турди. Кўзларини кафтлари юзаси билан тез артди-да, кулиб, унга пешвоз юрди. Сардор куни бўйи ёш хотинини соғинганми, жилмайганича Нурга якинлашди.

– Хоним, дарс қилиб чарчамадиларми? – дея у ёзув столи каршисидаги курсига ўтирди.

Нур Сардор билиб колмасин, дея шоша-пиша кўзёшлардан ҳўл дафтари устига дуч келган китобни қўйди.

– Яхши келдингизми? Овқатингизни опкелайми?

Сардор овкат емайман, дегандай бошини сарак-сарак килди. У Нурга каради-ю, бир нарсани сезгандай, ташвишланиб сўради:

– Нима бўлди, йиғладингизми?

Нур бошини силкиди.

– Йўк, ўзим... кўп ўкиганимдан кўзларим кизариб кетибди...

18

Нур тушунарсиз кайфиятда ўкишдан уйга кайтди. Тўғриси, у уйга боргач, нима килишига ҳайрон эди. Эртага меҳмон келаркан, қанча иш туриб, карашмаса бўлмайди. Лекин... унинг ёрдамига эҳтиёж сезишмаса, нима килсин? Индамай хонасига кириб, дарсини килаверса яхши бўладими? Лекин ошхонада ўзича иш қилаверса қандай бўларкин? Қайнонаси ҳар бир ҳаракатида келинини ёктирмаслигини очикдан-очик намоиш қилиб турса, қандай иш қилиш мумкин? “Сен ахир ақлли кизсан-ку, – деди шу пайт доим унга оғир вазиятларда кўмакчи бўлган кўнгли тубидаги ички туйғу. – Наҳотки, бир қайнонанинг кўнглига йўл тополмасанг? Ўша қайнонанинг ўрнига ўзингни қўйиб кўр. Ўшанда уни тушунишинг осон бўлади”.

Нур шундай хаёллар билан уйга етиб келди. Беҳуда ҳар хил саволлар билан юрагини сикқан экан, уйда бутунлай

бошқа манзарани кўриб, хурсанд бўлиб кетди. Феруза опаси келибди! Негалигини Нурнинг ўзиям билмайди, уша келин кўйлагини келтирганидан буён қайнэгачисини ўз опасидай яхши кўриб қолган эди. Феруза ҳам дарвоза очилиши билан уни ҳовлида кўриб, қувониб кетди.

– Вой, ўзим ҳам сизни жуда соғинган эдим. Эндигина бир ўзим Нурсиз нима қиларкинман, деб ўйлаб турувдим. Ҳозир сиздай чаккон ёрдамчи керак эди-да, бизга, а, ойи? – Феруза шундай дея ошхонада куймаланаётган онасига юзланди.

Наима опа бошини кўтариб қаради, келинининг саломига бош кимирлатди-да, яна ўз ишини қилаверди. Нур Феруза билан худди анча вақтдан буён кўришмаган, туғишган опасингиллардай кўришди.

– Нур, чарчаб келгандирсиз, боринг, кийимларингизни алмаштириб чиқинг, овқатланиб олинг. Кейин сиз билан мириқиб гаплашиб, иш қиламиз, бора қолинг.

Нур бирдан енгил тортди, зиналарни ҳатлаб, уйга чиқиб кетди.

* * *

Феруза Нурнинг орқасидан қараб турди-да, онасини ичкарига тортди. У табиатан серғайрат, қатъиятли, яна бир фикр миясига келдими, буни дарҳол амалга оширмаса турулмайдиганлар тоифасига кирарди.

– Ойи, буни қандай тушунайлик? – деди у онасига таъна назари билан қараб.

Наима опа қизининг нима демокчи эканлигига тушунолмай ўғирилди.

– Нимани айтяпсан, тинчликми?

Феруза онасига шундай гина билан қараб турди-турди-да, сўнг бошини сарак-сарак килиб, леди:

– Ўзингизни билмаганликка олманг. Доим шундаймисиз?

Онаси қизининг фикрига энди тушунди. Наима опа қизининг саволига жавоб қайтармади.

– Ойи, биласиз, бу киз кўчадан ўзича уйингизга кириб келмаган. Шу кизни арзанда ўғлингиз яхши кўрганидан минг

ялиниб, совчи кўйиб, олиб келган. Ёки ўзингиз эшигини кокиб, совчи бўлиб бормадингизми? Бу муомалангиз нимаси? Уят-э...

Феруза гапира туриб, тагин эшитиб қолмасин, дея Нур кириб кетган уй томон қараб-қараб кўярди.

– Ҳеч яхши кўролмаяман-да... – Наима опа кизига тан олиб айтди.

Феруза яна уйга қараганча онасига қизишиб деди:

– Шу яхши кўрмаган, сиз писанд қилмаган қизингизни ҳам ота-онаси Худодан тилаб-тилаб олган! Бир ўғлингизнинг кетидан бировнинг ана шу азиз фарзанди уйингизга келиб ўтирибди! Бировнинг боласини бундай хўрлаш нимаси? Эрта бир вақтлар келиб, кунингиз мана шу сиз яхши кўролмаган қизга қолса нима дейсиз? Мана менга, ўз қизингизга қайнонам шундай муомала қилса-чи? Яна худди уйингизда келинингиз йўқдай, қарашишга мени чакириб ўтирганингизга ўлайми? Қайнонамга бу ерга келиш учун баҳона тополмай ўлдим!

Наима опа бирдан сергак тортди.

– Тўхта, тўхта, буни сенга ўзи айтдимми? – деди Наима опа юраги орқага тортиб. У негадир Нур исмини тилга ололмади.

Феруза уй томонга бир қараб кўйди-да, деди:

– Кўркманг, айтса, ўғлингизга айтарди, ана унда кўрардингиз томошани...

Бир пайт ташқарида кадам товушлари эшитилди. Она билан қиз гапни бошка ёкка буриб юбордилар.

* * *

Нурнинг кеча оқшом хафа бўлганлари унутилди. Феруза билан шундай ишладиларки... Нур Феруза опасининг бундай сўзамол, ҳазилкаш деб ўйламаган эди. У Ферузанинг самимий, очиккўнгил жувон эканлигини биларди, лекин ана шундай одам кўнглидаги ғуборларни тарқатиб юборишга кодир, ҳам гапга чечан, ҳам пазанда деб ўйламаган эди. Феруза Нурни дарров ишга солиб юборди. Нурга сомса учун

хамир ёйдирар экан, Ферузанинг оғзи очилиб колди. Дарров онасини чақирди:

– Ойи, ойи, хамирни сиз ҳам ҳеч қачон бундай юпка ёя олмайсиз, каранг...

Наима опа боя кизи билан суҳбатдан сўнг ўйланиб колган эди. Минг бўйнига олмай, рад қилса-да, кизи аччик бўлса ҳам ҳақиқатни гапирган эди.

– Қани... – Наима опа ўзини мажбур қилиб, Нур ёйган хамирга қаради. – Ипак бўлиб кетибди-ку...

Нур тошдай совук муомалали қайнонасининг юзида табассум кўриб, шундай кўнгли ёришдики... Ферузанинг яхши одати бор экан, Нур ана шунисига қойил колди. Бировнинг ютуқларини жар солиб айтаркан-да, бирор камчилигини кўрса, шивирлаб, буни аста тушунтираркан. Нур пазандалик бобида кўп нарсаларни билмаслиги Феруза билан меҳмондорчиликка тайёргарлик асносида аён бўлди. Масалан, товук ичига нок, пиёз солиб, сариеғ билан димлашни, лавлаги, балиқ, ҳар хил сабзавотлар билан испанча салат тайёрлашни у энди Феруза опасидан ўрганиб олди.

– Қойил, Нур, сиз қобилиятли шогирд экансиз! – деб мақтарди Феруза Нур ҳар гал унинг айтганларини кўнгилдагидай бажарса.

Шундай қилиб, улар алламаҳалгача зиёфатга тайёргарлик кўрдилар. Нур вақт қандай ўтганини, Сардор ҳалигача келмаганлигини ҳам сезмай колди. Унинг эрига айтадиган яхши гаплари шундай кўп эдики... Нур одатда Сардорни кутиб, ярим тун бўлса ҳам ухламасди. Агар ухлаб қолса, буни шундай эътиборли умр йўлдошига нисбатан ҳурматсизлик деб биларди. Бугун, албатта, Сардор бирор беморни зудликда операция қилишига тўғри келганлиги, шу сабабли кеч қолишини уйга кўнгирок қилиб, огоҳлантирган бўлса керак-ку, лекин бу ҳақда, одатдагидай, Нур қайнонасидан сўрашга ийманди.

Нихоят тун ярмидан оққанда эшик очилди. Ётоқда қўлига китоб олиб, ўқиб ўтирган Нур чопиб ўрнидан турди. Китоб “шалп” этиб, ерга тушди.

Нур югуриб бориб, Сардорнинг кучоғига ўзини отди. У бугун шундай бахтиёр эдики...

19

Нурни йўлакда кўриб, Зебинисо опа кўзларига ишонмай шошиб колди. Сўнг ўзида йўк кувониб кетди. Ахир ҳар куни отаси иккаласи тамадди устида айланиб келиб, Нурни гапираверишади, гапираверишади... Табиатан қўпол, бадковок Ҳайдар ака ҳам гап кизи ҳақида кетса, оғзи ёйилиб, илжаяди. Ҳа, улар ёлғиз кизларини жуда соғинган эдилар. Ҳатто бир куни Ҳайдар ака хотинини олиб, шаҳарга, Нурнинг ўқишига олиб бориб, кўриб келмоқчи ҳам бўлди. Кейин ўйланиб колди. Бу дўхтир бўламан, деганлар шаҳар бўйлаб касалхонама-касалхона юриб ўкисалар, қаёқдан ҳам топарди кизини?

Ҳайдар ака ҳовлининг бир бурчагидаги товук катагини қайтадан сим билан ўраётган эди. Товукдай бефаросат махлук йўк экан дунёда. Катақдан чикиб кетса борми, томорқадаги бари экинни пайхон қилиб, титиб ташлайди. Бир ўзи титса майли, “қу-қу”лаб, бир тўда шериклариниям ёнига чакириб олади.

Бир маҳал хотинининг овози қулоғига чалинди-ю, уёк-буёкка аланглади. Қараса, хотини уни қўли билан буёкка келинг, дея ишора қилиб, чақиряпти. У тушгунди, ишини йиғиштириб, уй томон йўл олди.

Нур ҳам ота-онасини шундай соғингандики... Бу соғинчни, ота-она меҳрини дунёда ҳеч нимага тенглаштириб бўлмаслигини тўй саёҳатида юрган кезлари, ҳозир эр хонадонида яшаб юрган пайтлари англаб етди. У чидай олмасдан ўзи отасининг ҳузурига йўл олди. Ота кизини узоқдан кўриб, қадамини тезлатди. Тобора оқсоқланиб, жадал одимлади. Ниҳоят ота-бола кўришдилар. Гўёки соғинган кўнгиллар бир-биридан сув ичгандай бўлди.

Ота-она фарзандларига тикилиб тўймасди. Зебинисо опа зимдан разм солди: ҳа, бахти кулгани рост бўлсин, кизи жуда бахтиёр кўринарди. Нур куёвидан, уйдагилардан, қайнотаси, айникса, Феруза опасидан миннатдор бўлиб гапираркан,

Зебинисо опа бир нарсани кузатди. Қизи шунча гап орасида бирор марта ҳам қайнонасини тилга олмабди.

– Наима опам-чи, яхши юрибдиларми? – гап орасида кистириб юборди Зебинисо опа.

Нур дарров онасининг нима демоқчи эканлигини фаҳмлади. Онаси, нима, қайнонанг ёмонми, нега уни гапир-маяпсан, демоқчи.

– Ойимлар жуда вазмин, маданиятлилар. Ойимнинг ўзларини тутишларини кўриб, хар канча ўрганса арзийди. – деди ўртада тушунмовчиликка ўрин қолдирмаслик учун Нур. – Жудаям чакқонлар, ҳамма нарсага улгурадилар. Уларнинг ғайратларини кўриб, мен баъзида ҳайрон қоламан.

Нур шу ўринда қайнонаси ҳақида кўнглидан ўтган гапларни айтиб юборган эди. Зебинисо опа кизининг сидкидилдан шундай деганини сезиб, кўнгли жойига тушди. Гаплашиб ўтирарканлар, бирдан Зебинисо опанинг эсига бир нарса тушиб қолди:

– Ҳа-я, Нур, кеча Гулчеҳра уйига келган экан. Кетиб қолмаганмикин?

Гулчеҳра номини эшитиб, Нур жойида ўтиролмай қолди. У жонажон дугонасини бошқача соғинган эди. Дугонасининг уйига келганини эшитиб, кўчага югурган кизининг орқасидан Зебинисо опа ҳай-ҳайлаб қолди.

– Ҳой, киз, шошмасанг-чи! Кўчадан бирорта болани жўнатармиз амакингникига!

Зебинисо опа кизининг орқасидан гапирганича қолаверди. “Бирпас ўтирса, пича бўлсаям дийдорига тўярмидим...” Онанинг кўнглидан ана шундай ўйлар ўтди.

* * *

Нур шаҳарга келин бўлиб тушиб, худди бошқа юртларга кетгандай, қишлоғи, туғилиб-ўсган уйи, кўчалари, ўртоқларини соғиниб, кўмсарди. Жумладан, Абдулла амакиси, Зайнаб холасини ҳам ҳадеб кўргиси келаверарди. Ахир улар Нурга бегона эмас, ўзининг яқинлари-ку.

Хайрият, хали Гулчеҳра ота уйида бўлиб, эндигина эриникига кетиш учун тараддуд қилаётган экан. Абдулла амакиси, Зайнаб холаси, Гулчеҳра Нурни кўриб, шундай хурсанд бўлиб кетишдики... Абдулла амакиси тинмай, сал бўлмаса, ҳозир келмаганингда чикиб кетган бўлардим иш билан, дерди.

Ниҳоят, кариндошлар соғинчлари сал босилиб, икки дугона холи колдилар. Гулчеҳра Нурга кўзлари кулиб, тикиларди.

– Вой, ўртокжон, чиройли бўлиб кетганингни... – Гулчеҳра Нурга зимдан разм солди. – Қани, гапир...

Нур дугонасидан уялиб, ерга қаради. Тўғриси, ҳозир турмушида бахти кулмаган дугонасидан бир оз хижолатда эди. Агар Сардорникида кечаётган ҳаётини гапираверса, дугонасининг кўнгли ўксимайдими... Шунинг учун у дарров гапни бошқа ёкка буриб юборди.

– Мени нима қиласан, ўзингдан гапир! – Нур Гулчеҳрага синчков назар ташлади.

Ҳозир дугонаси Нурнинг кўзига одатдагидай эзилган, муштипар эмас, беғам, бепарво кўринди. Назарида Гулчеҳра эрининг бари хиёнатларига кўз юмиб, тупурган, ҳаётдан безган, одамларга заррача ишончи қолмаган аёлга ўхшаб туюлди. У тўсатдан ҳаёлига келган бу ўйдан ўзи кўркиб кетди. Дарров бу ўйни миясидан ҳайдади. Лекин бундай ўй кўнглига бекор келмаган экан, Гулчеҳранинг гапларини эшитиб, юраги орқасига тортиб кетди.

– Нур, энди мен бўлар-бўлмасга кийналиб, эзилиб юрмайман.

Нур дугонасига ҳадик билан таажжубланиб қаради.

– Мен бу ҳаётда ортик эзилмайдиган бир йўлини топдим, – деди Гулчеҳра тантана билан. – Нур, биласанми, бир кун жуда жонимдан ўтиб кетди. Ўткир акам бир куни кечаси ўша жонининг олдидан келмади. Уни кутавериб, юракларим сикилиб кетди. Ҳадеганда тонг отмайди, юрагим бўлса, дик-дик ўйнайди. Нима қилишимни билмасдан, буфетни кидирдим. Ҳа, мен ўша ердан эрим баъзида оз-оздан

ичиб, кўнглини кўтарадиган ичкиликни топиб олдим. Ер ютгур эрим шуни ичса, жуда кайфи чоғ, хурсанд, бахтиёр бўлиб кетарди. Бир сеҳри бордир-да шу арок деганнинг, деб ўйладим. Қани озгина тотиб кўрай-чи, дедим-да, оғзимга олиб бордим. Аввал ароқнинг бадбўй исидан кўнглим озиб, қайт қилиб юборай дедим. Бари бир аҳдимдан қайтмадим. Кейин нима бўлса бўлди, ичсам, ўлиб қолмасман, деб шартта кўтариб юбордим... Биласанми, бирпасдан сўнг бирам маза килдим... Бари азобларим эсимдан чиқди, бирдан ичимга ёруғлик киргандай бўлди. Шу топда эримнинг қилиб юрган ишлари менга аҳамияти йўқдай, бари бирдай туюлди. Ўзимдан-ўзим кулгим, ўйнагим келди...

Нурнинг бутун вужуди музлаб қолгандай бўлди, оёқларигача титроқ кирди. Бу ахир... алкоголь, спиртли ичимликку! Ахир бу ичимликка ўрганиб қолса, оқибати яхши бўлмайди! Нур дугонасининг бу гапларини эшитиб, шартта унинг қўлларини ушлаб олди.

– Қўй. бундай килма, ўртоқжон!

Гулчехра унга қараб туриб, шарақлаб қулиб юборди.

– Нима бўлди? Ҳамма сенга ўхшаб, намунали, аълочи киз бўлаверадими? Институтда ўқийдиган, ўзинг айтгандай, шаҳзодага эрга тегадиган!

Ҳозир ҳам ўша сафаргидай дугонасининг гапларидан Нурнинг дили оғриди. У қўлларини Гулчехранинг қўлларидан олди-да, секин деди:

– Бунинг учун институтда ўқиш, шаҳзодага турмушга чиқиш шарт эмас, Гулчехрагон...

Гулчехра Нурнинг хафа бўлганини билди. Ахир Нур болалиқдаги дўсти бўлса, унинг кўнгли оғриси, ўзи ҳам чидолмайди. Шу туфайли ҳозир юзага келган нохуш вазиятни юмшатишга ҳаракат қилди.

– Ҳазил, ўртоқжон, ҳазил. Озгина ичсам, осмон узилиб, эрга тушмас? – Гулчехра Нурнинг ҳамон ковоғи солиқ эканини кўриб деди: – Энди бунақаси бўлмайди, ичмайман. Бўлдими?

Нур Гулчехрага умид билан қараб қолди. У дугонасининг ҳозир айтган гапларига жуда ишонгиси келарди...

Бугун ўқишлари эрта тугади. Курсдошлар ҳар томонга тарқалди. Нур дугоналари билан хайрлашди-да, автобус бекатига келди. Куз қуёши худди ёздагидай кизитяптими, Нур негадир кундан лоҳас бўлиб, сояга ўтди.

– Йўл бўлсин, яхши киз? – Нур бошини кутариб қаради. Қаршисида Сардорни кўриб, бирдан юраги хапريقيб кетди. – Хаёл суриб турибсиз, ҳамроҳ бўлсак бўладими?

Сардор ҳамон ҳазил килиб гапираркан, Нурнинг эсига ўша тўйгача бўлган бетакрор дамлар тушди. Нур ичидан Сардор билан унашгунларича юрганларидай, бирор жойларга боришни, узок суҳбат қуришни истайди, ўша ўтган тотли дамларни қўмсайди. Қиз Сардорни куни билан орзиқиб кутади, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ўзбек хонадонлари келинларига бу манзара жуда таниш. Чунки келин-қуёв ўз ҳис-туйғуларини пардалаб яшашлари керак ва бу аллақачон ҳаётимизга сингиб улгурган.

Нур ҳозир қаршисида Сардорни кўриб, жуда қувониб кетди. У Сардорни қўлтиғидан ушлаб олди.

– Келганингиз яхши бўлди, бирга кетамиз, – деди Нур мамнун бўлиб.

– Нафақат бирга кетамиз, агар рози бўлсангиз, бирор жойга бориб, дам оламиз.

Нур бу таклифга жон деб рози бўлди. Аммо... улар уйга бирга кириб боришса... Ҳозир беихтиёр бирдан Нурнинг кўз олдига қайнонаси келди. “Ҳа, келдингларми”, дейди хойнаҳой қайнонаси совуққонлик билан. Кейин Нурга бошдан-оёқ қарайди-да, индамай ўз иштини килаверади. Нур ҳозир кўз олдига шу манзарани яққол келтириб юборди ва бундан ўзи ғалати бўлди.

– Сардор ака, мен уйдагилардан хижолат бўляпман...

Сардор Нурнинг гапига кулиб, эътироз билдирди.

– Чўчимасинлар, хоним, давлатимизнинг ҳар бир фуқароси меҳнат қилиш ва дам олиш ҳуқуқига эга. Бу конституциямизда ҳам белгилаб қўйилган. Ҳозир айтаман нечанчи моддалигини...

Нур кулиб юборди.

– Бўлди, кайси моддалигини эслаб топаман, деб ўзин-гизни қийнаманг, Сардор ака, кетдик.

Улар илгари бориб турадиган қахвахоналарига, ўша одатда ўзлари ўтирадиган чеккароқдаги холи жойга бориб ўтирдилар.

Официант келди. Сардор шу вақтлар ичида Нурнинг қандай таом, қандай салатларни яхши кўришини билиб олганди. Уйламасдан шу егуликларни буюртма қилди. Официант таомларни келтириш асносида Нур Сардордан кечқурун сўрайман, деган дарсларига тааллуқли саволларни сўради-ю, бирдан кўнгли беҳузур бўлди. Қаёқдандир димоғига қиздирилаётган ёғ иси келди. “Намунча нозик бўлмасанг, Нур, – деди у ўзига-ўзи. – Тоза эрка хотин бўлдинг-да”. У ичида ўзига-ўзи шундай дея, чидашга ҳаракат қилди. Бир пайт официант таомларни келтирди. Ҳа, Нур яхши кўрадиган қиймали шўрва. Улар овқатни тановул қилишга тутиндилар. Нур энди қошиқни оғзига олиб борганини биледи, қиздирилмаган ёғ иси “гуп” этиб димоғига урилди-ю, қайт қилиб юборай деди. У аранг ўзини тутиб, қошиқни қайта косага қўйди. Сардор Нурни кузатиб тураркан, ҳайрон эди. Бирдан Нур агар ҳозир ичидаги нарсаларни тезда ташламаса бўлмайдиган ҳолатга тушди. У ҳозир шу овқат ёнида бир сония ҳам туролмасди. Ҳа, тунов куни ҳам шундай бўлган эди. Сал бўлмаса, кайнота-кайнонаси олдида уятдан ерга кириб кетай деганди. Нур ўзини зўрға қўлга олиб, ўрнидан кўзгалди.

– Сардор ака, узр, қўлимни ювиб келай... – у шундай дея ўрнидан турди-ю, оғзини ушлаганча аёллар қўл ювиш хонаси томон тез-тез юриб кетди.

Сардор ҳайрат ичида Нурнинг ортидан қараб қолди. Беихтиёр хотинининг бу ҳолатини миясида таҳлил қила бошлади. Шунда бирдан ич-ичидан келган бир қувонч бутун вужудини ёритиб юборди. Нахотки... У шартга ўрнидан

турди-да, келгунича сабри чидамай, аёллар қўл ювиш хонаси олдида Нурни кутиб турди.

Бир пайт Нур қўл ювиш хонасидан чиқиб келди. Унинг кўринишидан кайт қилганлиги сезилиб турар эди. Нур Сардорни каршисида кўриб, хайрон бўлиб қолди.

– Нега бу ерда турибсиз, нима бўлди?

Сардор хотинининг қўлларидан ушлаб олди.

– Бу ерда кўнглингиз беҳузур бўляпти, шундайми?

Нур ростдан ҳам қаҳвахонада ўзини лоҳас сезаётган эди. Шунинг учун ҳа, деб бошини ирғади.

– Қачондан бери шундай бўляпсиз, айтинг? – деди ховликиб Сардор.

– Буни нега сўраяпсиз? – деди ҳеч нарсага тушунолмайд Нур. – Беш-олти кун бўлиб қолди, ҳадеб кўнглим айнайверади, овкатни кўргим йўк...

Сардор учун бошқа жавобнинг кераги йўқ, ҳаммаси аён эди. У яқинда ота бўлади! У хурсандчиликдан нима қилишини билмай қолди. Сардор ҳамон Нурнинг қўлларини қўйвормаган эди. Беихтиёр у хотинининг қўлларини ўпа кетди. У ҳозир нималар қилаётгани-ю, нималар деяётганини назорат қиладиган ҳолатда эмас эди.

– Табриклайман... раҳмат...

Сардорнинг тўсатдан ҳаяжонга тушиши, унга қандай воқеа аён бўлганлиги Нурга энди бориб етди. Буни тушунди-ю, аллақандай ширин энтиқиш, ҳаяжон баданидан ўрмалаб ўтди. Юраги хаприкиб кетди: у ахир она бўлади, она!

Қаҳвахонада ўтирган хўрандалар бу икки бахтли ёшнинг қувончига гувоҳ бўлганларича уларга жилмайиб қараб туришар эди.

21

Нур учун келин бўлиб тушган хонадони мисли ўзга бир орол бўлди. Яъни Нур ҳаёт кемасида суза туриб, мутлақо ўзи билмаган, кўрмаган ва ҳаттоки тасаввур қилмаган оролга тушиб қолганга ўхшарди. Тақдир экан, ҳали тажрибасиз, хом кема дарғаси каби у ҳам бу оролни ўрганиб, шунга қараб

иш килишга мажбур бўлди. Аслида бу оролни ўрганишни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Аввало у бу оролни ўзига хос ижобий ва салбий томонларини ўрганиб, ўзлаштириб олгунча анча-мунча заҳмат чекишига тўғри келди.

Дастлаб у қайнотасига разм солди. Камол ака ўзи таниқли докторлардан, нуфузли давлат муассасасида ишлайди. Қайнотаси ниҳоятда зиёли, вазмин одам. Нур баъзан бир сўзли Сардор қатъиятлиликини отасидан олганмикин, деб ўйлаб ҳам қолади. Қайнотаси билимли, Нур зимдан уни дўстлари даврасида ниҳоятда билимдон, зукко, ҳазилкаш, аскиячи эканини кузатди. Нур шундай қайнотага келин бўлганлигидан ич-ичидан фахрланарди. Қайнотасининг хотини, болаларига бўлган муносабати киз учун ибрат бўларли мактаб бўлди. Айниқса Нурни шу фарзандлари каторида кўриши, уни ажратмаслигидан боши кўкка етарди.

Бу борада Нур қайнонасидан ҳам кўп нарсаларни ўрганиши кераклигини ҳис этди. Наима опа ҳам билимли, маданиятли аёл экан, Нур буни тан олмаса бўлмайди. Нур қайнонаси шу кунгача ўзи кўрган, билган аёллардан мутлақо фарқ қилишини шу хонадонга келин бўлиб тушган илк кунлариданоқ билиб олган эди. Наима опа келинига нисбатан камгап бўлса-да, қараб туриб, унинг ютуқларини эътироф эта оларди. Нур қайнонасидаги яна бир хислатни кузатди: у ҳам бўлса, эрига муносабати, Камол акага бўлган чексиз ҳурмат-эҳтироми эди. Масалан, қайнотаси тиббиёт соҳасида газетами журналда бирор бир мақола ёқа хабар ўқиган бўлса, ўзи асли филолог-лингвист Наима опа дарҳол шу мақолани топиб ўқишга ҳаракат қилар, келгуси сафар эрига албатта бу ҳақда ўз фикрини билдирар эди. Кейин Нур қайнонасининг эри қизиққан нарсалар, дейлик, спортми, уни кузатишга ҳам ҳаракат қилар экан. Бир куни футбол бўйича аллақандай мусобақани алламаҳалгача эри, ўғли билан бирга телевизорда томоша қилиб, ўйин иштироки бўлганини кўрган Нур хайратда қолган эди.

Сардор акасидан ҳеч нимани яширишнинг имкони йўқ. Кунлардан бир кун Сардор Нурнинг бўйида бўлгани ҳақида-

ги хабарни ота-онасига айтиб, суюнчи олди. Нур ўта вазмин, салобатли қайнотасини бу қадар хурсанд бўлиб кетади, деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Шунда Нур уялганидан ўзини қаерга қўйишни билмади. Эрининг табиатига мослашган жиддий қайнонаси ҳам бу сафар очилди.

– Бир ўғлимиз ўздан кўпаяётганлиги билан табриклайман, дадаси, – деди Наима опа эрига. Кейин Нурга юзланди: – Қизим, энди ўзингизни эҳтиёт қиласиз-да?

Нур қайнонасининг “қизим”, деганидан терисига сигмай қувониб кетди.

– Онаси, бўлғуси неварамиз шарафига бугун ўзлари бир паловхонтўра дамлайдилар-да энди? – деди Камол ака хотинига.

Ха, Нур ўша кунги қувончли дақиқаларни умрбод эсидан чиқаролмайди.

Бугун ҳам Нур хонасида дарс килар, қайнотаси билан қайнонаси айвонда ўтирганларича гаплашиб ўтирар эдилар.

– Онаси, болалардан кўнглим тўк, – деди Камол ака. – Мана, Сардор ўқиди, бир касбни эгаллади, ишляпти. Феруза ҳам куёв билан кўшақарисин, болалари аста-секин катта бўлишяпти. Энди келин ҳам эсон-омон кутулиб, боласини бағрига босиб олсин. Менимча, келин тиришқоқ қизга ўхшайди. чамамда, ундан яхши доктор чиқади. Боласи билан ўқишини қийналмасдан битириб олиши керак. Назаримда келинимизга бир оз кўмак керак.

Наима опа дабдурустдан гапирган эрининг бу сўзларидан хайрон бўлди.

– Тинчликми, дадаси? Нега бундай гапларни гапиряпсиз? Камол ака хотинининг ажабланганига изоҳ берди:

– Ўзим айтаман-да. Онаси, мен эртага эрта билан командировкага кетяпман. Нарсаларимни тайёрлаб қўярсан, – деди шунчаки айтгандай гап орасида Камол ака. Чунки сўнгги пайтлар эридан хизмат сафари деган гапни эшитдим, Наима опанинг тепа сочи тикка бўлиб кетарди. У эрини ўзича ҳар хил сафарлардан аяр, кўнгли негадир нотинч бўлаверар эди.

– Энди командировкага ёшлар борса бўларди, дадаси. Соғлигингиз илгаригидай бўлмаса, – деди Наима опа огриниб.

Камол ака вазиятни юмшатишга ҳаракат қилди:

– Онаси, кўпам хавотир олаверма. Машинада атиги бир ҳафтада бориб келамиз, – Камол ака шундай деди-ю, гапни кўпайтирмаслик учун ўрнидан кўзгалди.

Наима опа ҳам норози қиёфада ўрнидан турди-да, эрининг сафар анжомларини йиғиштириш учун ичкарига кириб кетди.

Эрта тонгда кўчада машина сигнал чалди.

– Ана, машина ҳам келди! – деди Камол ака.

Наима опа ҳам беихтиёр деразадан кўчага каради. Бир ёшгина йигит машина олдида турарди. Бу йигитни кўриб, негадир Наима опанинг юраги орқасига тортди.

– Вой, шофёр шуми, ҳали ёш экан-ку! – деди кўнглидан ўтган гапни яширолмай Наима опа.

– Ҳа. Тўлкинжонни яқинда ишга олганмиз, – деди бамайлихотир Камол ака.

Хайрлашилди ҳамки, Наима опа, сабабини ўзи билмайди, ҳеч уйдан чиққиси келмас, юраги хижил эди. Нурларнинг бугун дарслари юкумли касалликлар касалхонасида ўтадиган. Бугун бу дарсга уларнинг гуруҳи бемалол бораверса ҳам бўларди. Шунинг учун Нур хотиржам уйдаги ишларини қилди, аввал кайнотаси билан хайрлашди, сўнг Сардорни ишга жўнатди-да, кийиниш учун хонасига кирди.

Камол аканинг жўнаганига икки соатча бўлди, лекин Наима опанинг кўнгли нотинч эди. Энди кийиниб, мен ҳам ишхонага бориб келмасам бўлмайди, дея ўйланиб, ичкарига йўналган эди ҳамки, даҳлиздаги телефон жиринглаб колди.

Наима опа изига қайтди, телефон гўшагини кўтарди. Бир маҳал гўшак унинг кўлидан тушиб кетди. Телефон тинимсиз “дуг-дуг”лади.

Нур даҳлиздан “шилк” этган товушни эшитиб, югуриб чиқди. Қараса, кайнонаси ерда хушсиз ётар эди. Нур

кайнонасини бу ҳолатда кўриб, шошиб қолди. Чопиб, дорилар турадиган қутидан нашатир спиртини топиб келди-да, унга ҳидлатди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, кайнонаси кўзини очди. Бир пайт Нурнинг миясига бир фикр келиб қолди. Зудлик билан кайнонасининг қон босимини ўлчаш керак! У яна югуриб, тонометрни олиб келиб, кайнонасининг қон босимини ўлчашга киришди. Дарров унинг қўлини ушлаб, пульсини текширди.

– Тўхтанг, Нур... – ниҳоят кайнонаси тилга кирди. – Тез Сардорга кўнғирок қилинг!

Шундагина Нур кайнотасига алоқадор қандайдир кўнғилсизлик содир бўлганини тушунди-ю, тез-тез Сардорнинг ишхонасига кўнғирок кила бошлади.

Нур телефон орқали бўлган воқеадан хабар топди: кайнотаси йўлда автохалокатга учрабди! Лекин кўнғилида умид учкун пайдо бўлди: ҳали кайнотаси тирик экан!

– Ойижон, ўғлингиз 16-қасалхонага кетибдилар! Дадам тирик эканлар-ку! Сақлаб қолса бўлади!

Наима опа келинининг бу гапини эшитиб, ўзига келди. Унинг ҳам кўнғилида умид уйғонди: зора шундай бўлса!

– Шофёр машинани тез ҳайдабди, йўлидан юк машинаси чиқиб, чап беролмай қолибди. Боёқиш қасалхонага боргач, жони узилибди...

– Қисмат-да...

Камол аканинг таъзиясига келганлар шу ҳақда шивир-шивир гаплашар эдилар.

Бир зумда бутун ҳовлини йиғи товушлари тутди. Наима опа беҳол, тош қотганича индамай турар, афтидан, содир бўлган воқеаларга ишонмай, акли бовар қилмаётган эди. Феруза “отам”лаб барала дод солиб йиғлар эди. Нур ҳам бу воқеага сира ишоналмас, худди қайнонаси каби у ҳам қарахт эди.

– Хайрият, ўғилларини уйлантирган эканлар...

– Бу хонадонга янги келиннинг қадами хуш келмабди-да... – бу гапни Наима опанинг танишларидан бўлса керак, кўринишдан қалондимоғ бир хотин айтди.

Шу орада юрган Нурнинг кулоғига бу гап чалиниб, бўшашиб колди, кейин аранг бориб, деворга суянди. Энди назарида шу ерда тўпланган тумонат одамнинг бари кайнотасининг ўлимида уни айблашаётганга ўхшарди.

Бир маҳал бу гапга жавобан уй тўридан бир овоз эшитилди. Нур “ялт” этиб, ўша томонга қаради. Камол аканинг узоқ қариндоши, чамаси, кекса аёл шундай деди:

– Бу Оллонинг иродаси. Бунинг учун бир бечора келини айблаш нимаси?

– Тўғри, кимнинг манглайида нима ёзилганлигини бандаси билмайди... – дея яна кимдир кекса аёлнинг гапларини тасдиклади.

Бу гаплардан Нур ўзига келди-ю, барибир қандайдир айбдорлик ҳисси уни тарк этмади.

22

Камол аканинг бевақт ўлими бутун оила аъзоларини қарахт ҳолга солиб кўйди. Айниқса, Наима опанинг аҳволи унча яхши эмасди. Мана, дастлабки маъракалар ўтибдики, ҳамон Наима ола паришон, бир нуқтага тикилганча лоқайд ўтирарди. Таъзия билдириш учун келганлар Камол акани хотирлар, албатта марҳум билан боғлиқ ҳаётда бўлиб ўтган бирор-бир лавҳа тилга олинарди. Баъзан Камол ака ёдланган пайт бирдан Наима опа ўзига келиб қолар, ўқраб йиғлаб, фарёд кўтарарди. Буни кўрган Нур ўзи билибми, билмайми, ёрдамга югурар, қайнонасига тинчлантирувчи дорилар берарди. Мабодо бунақа ҳолларда, тўсатдан ҳушдан кетса, яхши бўлмайди, деб Сардорни чақирар. Нур зудликда қон босимини ўлчар, иккалови керакли дори-дармонни қилишарди.

Бир маъракада Зебинисо опа келиб, кизини кузатди. Бечора кизи тўфонда қолиб, эгилган гулдай сўлиб қолибди. Қандай қувнаб юрувди-я. Она кизини бир чеккага тортиб, насиҳат қилди:

– Қизим, оғир бўл. Ўлим ҳаммамизнинг бошимизда бор савдо. Қара, қайнонанг ҳам, эринг ҳам бир аҳволда. Ўзингни қўлга олиб, уларга мадад бер. Бу сенинг вазифанг.

Нур онасининг гапларига жавобан “хўп” маъносида бошини иргаркан, деразадан кўчада марҳумнинг яқинлари орасида турган Сардорга кўзи тушди. Бирдан Нурнинг унга раҳми келди: “Шўрлик Сардор ака, қадлари букилиб қопти...”

Ростдан ҳам Сардор шу кунларда нималар рўй берганига ишониб, ишонмас, отасининг ортиқ бу ҳаётда йўқлиги эсига тушса, юрак-бағри эзилиб кетар, бошини чангаллаганча ўтириб қоларди.

Хонага нима иш биландир қирган Нур Сардорнинг диванда паришон ўтирганини кўриб, унинг ёнига ўтирди. Аста эрининг сочларига қўлини узатиб, силай бошлади.

– Сардор ака, бундай эзилаверсангиз, дадам хафа бўладилар, – Нур эрига далда бермоқчи эди, шу сўзлар оғзидан чиқиб кетди. Ҳақиқатан назарида кайнотаси барҳаёт, улар орасида юргандай эди.

Сардор бошини кўтариб, Нурга қаради. У хотинининг кўзларида дардига шериклик, ҳамдардлик ифодасини кўриб, кўнгли таскин топди. Лекин бир нарса, бир армон унинг ич-эттини кемираётган эди. Наҳотки ўзи хирург бўла туриб дадасини омон сақлаб қола олмади, бунга улгура олмади? Агар улгурганида ёки дадаси билан бирга ўзи сафарга борганида бу фалокат рўй бермасмиди... Армонда қолиш, пушаймон бўлиш туйғулари унинг юрагини ўртамоқда эди.

– Мени шунча ўқитдилар... Наҳотки ўзим хирург бўла туриб, отамга ёрдам бера олмасам... мен ахир қандай ўгил бўлдим? – У армон, афсус-надомат билан шундай деди.

Нур Сардорга нима деб тасалли беришини билмай, ўйланиб қолди. Орадан бир оз муддат ўтгач, аста деди:

– Эсингиздами. Гулчеҳранинг ёнига борганимизда айтган гапларингиз? Ушанга ўхшаб, бу фалокатда сиз айбдор эмассиз. Келганлар айтишди-ку, шундай бўлиши пешоналарига ёзилган экан. На илож? Лекин мен дадамнинг ўлганларига сира ишонмайман, шундай.

Сардор худди ёш боладай мадад истаб, хотинига қаради.

– Ахир дадам жисман ўлган бўлсалар ҳам рухан ўлмаганлар, биз билан биргалар, ха, рост, – деди Нур ҳар бир сўзини дона-дона қилиб таъкидлаб. – Мана, кўрасиз, агар туш кўрсангиз, бу аён бўлади. Шунда гапларим тўғрилигига ўзингиз ишониб қоласиз.

Сардор Нурнинг сўзларига кулок тутиб, индамай унга тикилиб қолди. Нур шундай ишонч билан сўзлардики... Шу пайт Сардор хотинининг сўзларига, отасининг ёнгиналарида юрганлигига, уларга худди тириклик пайтларидаги сингари паноҳ бўлиб турганлигига жуда ишонгиси келди. У бу сўзларни эшитиб, жудолик азобидан юрагида ёнаётган аланга тафти сал босилгандай бўлди. Бехосдан кўнглига, сен ахир эркаксан-ку, буёқда ҳам-қайгуга кўмилган онанг, буёқда ҳомиладор хотининг бўлса, ўзингни қўлга ол, деган гап келди.

У сочларини силаётган хотинининг майин кўлларини ушлади. Назарида бу кўллар ҳарорати унга далда бераётгандай туюлди. Сардор беихтиёр ҳозир кўнглидан кечган туйгуларни хотинига айтиб юборди:

– Дадам сиздай келинлари билан фахрланган бўлардилар.

Нихоят мотамдор қариндошлар уйларига тарқалдилар. Нур қайнонасининг аҳволидан жуда хавотирда эди. Бугун ҳам не хаёллар билан ўқишга аранг бориб келди. Кейин онасидан кам эзилмаётган Сардорни чақирди.

– Нима қиламиз, ойимни қаранг!

Сардор бари нарсаларга бефарқ ўтирган ойисини кўриб, бу депрессияга тушиш оқибати, деган хулосага келди. Кейин бу ҳолатда қилинажак муолажаларни тайинлади. Нур Сардор тайинлаган муолажаларни қилди.

Нур окшом ҳеч ўрнида ётолмади. Узоқ қариндошлари бўлган Карима холани ялиниб бўлса ҳам олиб қолса бўларкан, Наима опа билан гаплашиб, кўнглини кўтариб ўтирармиди. Тўсатдан Нурнинг хаёлига шундай гап келди-ю, ўрнидан туриб кетди. Ёнидаги эрини безовта қилмаслик учун аста кўрпани кўтариб, қараваддан тушди.

Тахмон ўрнида ишланган жавондан кўрпа-кўрпача олиб, хонадан чиқди...

Бир пайт Сардор ёнбошига ўгирилди-ю, хотини ёнида йўклигини кўриб, ажабланди. Дастлаб Нур ташқарига чикқандир, деб ўйлади. Хотини ҳадеганда келавермагач, ўрнидан турди, уни кидира бошлади. Тўсатдан Нур ойимнинг олдиларида бўлмасин тагин, деб хиёл очик эшиқдан онасининг хонасига мўраллади. Ҳа, ҳақиқатан Нур шу ерда экан. Онаси каравотда, хотини эса ерга ўрин солиб ётган эди.

Сардор уларга қараб туриб, ўзига таъсир қилди: бири бемор, бири ҳомиладор бўлса... Шартга бориб, ётоғидан кўрпасини олди-да, у ҳам онасининг хонасига кириб, ётиб олди.

Тун яримдан оғди. Наима опа алоқ-чалок туш кўрдими ё захар танг қилдими, уйғониб кетди. Тўлин ой деразадан мўлкўл нур сочиб, хонани ёритиб турарди. У кўзларини катта-катта очиб, ерга пала-партиш ўрин солганларича ётган ўғли билан келинига қараб қолди. Шу пайт кўксига қандайдир илиқлик куйилиб келди. Ҳа, у ёлғиз эмас. ёнида болалари бор...

23

Наима опа аста-секин эрининг ўлимига кўника бошлади. Яна секин-секин унинг соғлиги ҳам тиклана бошлади. Бунда Наима опа, албатта, келини билан ўғлининг ҳиссаси катталигини кеча уни кўриб кетган психолог, невропатолог гапларидан билиб олди. Ҳа, Наима опа ўзига келиб, обдан ўйлади. Аксарият таъзия билдирувчиларнинг айтган гаплари тўғри эди: эрининг ўлими – Оллонинг иродаси. Лекин бунда, баъзи пайтлар чидай олмади қолади. дод солиб йиғлагиси келади.

Нур эса қайнонасининг қовоғига қараб яшарди. Минг эсламайин деб, хаёлидан қувса ҳам барибир маъракаларда қулоғига чалинган, “барига сабаб – келиннинг шум қадами”, деганга ўхшаш гаплар сира хаёлидан кетмасди. “Агар мен бу хонадонга келин бўлиб тушмаганимда балки бу фалокат юз бермасмиди...” – деб юраги сиқиларди. Бунинг устига-устак,

отасининг ўлимидан сўнг Сардорнинг ҳам унча кайфияти йўқ, руҳсиз. Кеча бир бемор Сардорни касалхонадан тутолмай уйгача излаб келибди.

Сардор уйда йўқ эди. Агар уйда бўлгандаям у ўша бемор билан мулокот қиладиган кайфиятда бўлармиди, бўлмасдими, буни Нур билмайди. Нур нима қилишини билмасдан бемор билан ўзи билганича савол-жавоб қилди. Ахир Сардорнинг ўзи бундай ҳолатларда доктор ўзини қандай тутиши, бемордан нималарни сўраш, нималарга аҳамият бериш кераклиги хақида бутун курсларига сабоқ берган-ку.

Нурнинг гапларидан сўнг беморнинг кўзларида умид пайдо бўлди. Кейин бемор: “Ҳа, эртага докторнинг ўзларига учрарканман-да”, деб кетди. Алламаҳалда Сардор келди. У кайфиятсиз ва беҳол кўринарди. Нур Сардор билан ёлғиз қолганларида, жойи билан, уйларига келган бемор хақида тўхталди. Юрагининг бир чеккасида эридан, ҳали сен доктор бўлиб қолдингми, бундай қилишга нима ҳақкинг бор, деганга ўхшаш дашном эшитаман, деб чўчиди. Йўқ. Сардор бундай демади, фақат Нурга синчковлик билан қараб қолди.

– Нотўғри қилдим-а, тўғрими? – деди ичида ҳайиқиб Нур.

– Йўқ, нега, тўғри қилгансиз, – деди ниҳоят Сардор.

Нур Сардорнинг самимий сўзлаётганини пайқаб, ўзига келди. Сўнг одатда эри фикрини маъқуллаганда илҳомланиб, жиловни қўлга оладиган аёллар каби у ҳам аста Сардорнинг кўнглига қўл солди.

– Сардор ака, агар мен ҳам шу институтда ўқимаганимда, касбим бошка бўлганида ўша бемор қайтиб кетаверарди, сизни тополмай сарсон бўлиб юраверарди, тўғрими?

Сардор Нурнинг куюнчаклик билан гапираётгани таъсир қилиб, жилмайди. Унинг юзига табассум югурганини кўриб, Нур янада илҳомланиб кетди.

– Ахир доктор беморнинг дардига асло лоқайд бўлмаслиги, уни дарддан фориғ қилишига ишонтириши, нажоткор бўлиши керак, деб бизга сиз ўқитувчилар шундай ўқитмаганмидинглар? Шундай экан, нега ўзингиз...

Нур гапларини тугатолмай колди. Сардор хотинининг гапларидан завкланиб, кулиб юборди. Қўлларини унинг кифтларига кўйиб, деди:

– Қойил! Хатоларимни топиб ташладингиз, хўп, айтинг, мен нима қилай?

Нур унга ўпкаланиб қаради. Сардор Нурнинг нигоҳидан, шуни ҳам билмайсизми, деган маънони англади. Лекин Сардор ҳозир ёш бола сингари ўта ҳиссиётга бой хотинининг куюниб сўзлашларидан янада завклангиси келди.

– Қани, айтсинлар-чи, эшитайлик.

Нурнинг назарида ҳозир илгариги Сардор қайтиб келгандай бўлди. Унинг гаплари, табассуми Нурга ўша, эски Сардорни эслатиб юборган эди. Нур ҳам юрагидаги ана шу туйғу билан эрига ўжарлик килди:

– Ҳаётга қайтинг, тилагим шу.

Сардор унга ҳамон кулиб қараб турар эди. Нур ана шундан фойдаланиб колди:

– Ўз бурчингизни унутманг-да энди. Сиз даволайдиган қанча беморлар юрибди, эҳе...

Нур шундай деб Сардорга зимдан назар солди. Сардор Нурнинг сўнгги гапларидан сўнг жиддий тортиб, ўйланиб колди.

– Сардор ака, илтимос... – Нур Сардорнинг жиддий киёфага кирганини кўриб, ўтинди. – Менга ваъда беринг...

Сардор ўзининг эзгин ва руҳсиз ҳолати хотинини бунчалик ташвишга солганини кўриб, ғалати бўлди. Нозиккина қиз шунча иродани қаердан оляпти? Демак, хотини уни ҳаётга қайтармоқчи. У бирдан рухланиб, хотинининг елкаларидан кучди:

– Бўпти, ваъда бераман...

24

Наима опа ниҳоят соғайиб ишга чиқди. Бугун ишдан келаркан, унга югуриб пешвоз чиққан келинини кўриб, кўнгли ёришди. “Ҳартугул уйда экан...” Наима опа шу дам эри бевақт қазо қилиб, келини билан ўғлига суяниб колганини

хис этди. У айникса келинига суяниб қолганини ичида тан олади. Чунки эркак киши кўчанинг одами, ўғли алламаҳалда келади. Шунда беихтиёр хаёлига қизи Феруза айтган гаплар келади: "...ҳали кунингиз шу сиз яхши кўролмаган қизга қолса-чи?" Қизи ҳақ гапни айтган экан. Олдиндан нима бўлишини бандаси ҳеч қачон била олмас экан. У айвонда ўтирганича ўзи хомиладор, ҳовлидан ошхонага чикканича югуриб-елиб хизмат қилиб юрган келинига қараб, ичида Худодан тилади: "Тўдагини эсон-омон туғиб, бағрига босиб олсин-да ишкилиб". Эртага имтиҳонини топшириб олса, уёғи туғишига яқин қолади.

Наима опа ичида шундай деб хаёл қилди.

Бугун Нурларнинг сўнгги имтиҳони. Негадир Нурнинг эрталабдан юраги ғаш. Аслида у ана шу сўнгги имтиҳони "Ички касалликлар"ни бошидан кунт қилиб ўқиган, унча кўркмаса ҳам бўлади-ю...

Нур эрталабки гуруҳ билан имтиҳонга киролмади, пешинга қолиб кетди. Бу йил ёз жазирама келади шекилли, бошланишидан шундай иссиқ бўляпти, эрта чилла кирса нима бўларкин?

Нур иссиққа чидай олмай, кўлидаги дафтари билан ўзини елпир, қани эди имтиҳон тезроқ тугай қолса, деб бетокат бўларди. У пешиндан кейингина имтиҳонга кирди, кўркмаса ҳам бўларкан, билган саволи тушди, яхши жавоб берди. Имтиҳондан қушдай енгил бўлиб чиқди. Энди бемалол уйга кетаверса ҳам бўлади. У имтиҳон топшириб, зил-залбил юкни аудиторияга ташлаб чиққандай енгил тортиб, уй томон йўлга тушди. Бир маҳал шундок автобус бекати яқинида таниш сутранг "Волга" машинасини кўриб қолиб, жойида тўхтади.

– Тўхтаманг, келаверинг, – дея Сардор машинадан тушди.

Сардор имтиҳонингизга бораман, деб айтмаган эди. У машина эшигини очди. Одатда эрининг шу тарика сюрпризларига кўниккан Нур: "Тавба", дея машинага ўтирди.

– Ҳайрон қолдингизми? – деди орқасига ўғирилганча кулиб Сардор.

– Сиз мени ҳар гал ҳайрон қолдирасиз, – деди Нур.

Нур ҳозир Сардорнинг эътиборидан ҳар сафаргидай хурсанд бўлиб кетди-ю, лекин нима учунлигини билмайди, барибир юрагининг гашлиги ёзилмади. Сардор Нурдан сўраб ҳам ўтирмай, шаҳар марказидаги бир қаҳвахона олдига келиб, машинани тўхтатди.

Нур савол назари билан эрига қаради.

– Юраверинг... Сиз тўртинчи курсни битирасизу, индамай уйга кетаверамизми? – деди Сардор хотинига изох бериб.

Нур индамай Сардорга эргашди.

Қаҳвахона салкин экан. Нур бу ерга кириб салкиндан бадани ором олиб, енгил тортди. Улар чеккароқдаги холироқ стол атрофига ўтирдилар. Официантнинг олдиларига келишини кутиб ўтиришаркан, Сардор Нурдан имтиҳонда қандай саволлар тушганини сўради. Шу пайт Нур жавоб бериш учун оғиз жуфтлади-ю, бирдан таниш овозни эшитиб, тўхтаб қолди. У бошини кўтариб қаради.

– Салом бердик!

Нур Гулчеҳранинг овозини таниб, уни қаршисида кўриб, ҳайрон бўлиб қолди. У ҳайрат ичида дугонаси билан сўрашиб кўришди, шунда Гулчеҳранинг ширакайфлигини сизди.

– Биз анув ерда ўтирибмиз, – деди қаҳвахонанинг бошка бурчагини кўрсатиб Гулчеҳра. – Анави дугонам. Сизларни киришларингиз билан танидиму тўғри олдиларингизга келавердим.

Нур беихтиёр Гулчеҳра кўрсатган томонга қаради. У бир бурчакда ўтирган, кўриниши дарҳол кишининг эътиборини тортадиган, ёркин рангли либос кийган, Гулчеҳра дугонам, деб кўрсатган жувонни танимади. Гулчеҳра таклифни кутиб ҳам ўтирмай, уларнинг олдиларига ўтирди. Нур негадир Сардорнинг олдида Гулчеҳранинг ўзини бундай тутишидан хижолат тортди. Гап гапга қовушмади. Нур бу ерда Гулчеҳрани кўриб, ҳайрону лол бўлиб қолган эди.

– Имтиҳонларни тугатдингми? – шунчаки йўлига сўради Гулчеҳра.

Нур бошини ирғади. У Гулчеҳра ширакайфлигиданми, ҳозир суҳбатга эҳтиёж сезаётганини пайқади.

– Почча, – Сардор Гулчеҳра менга нима демокчи экан, дея ажабландими, унга савол назари билан қаради. – Бахтингиз бор экан, шундай қизга уйландингиз.

Сардор унинг гапини маъқуллаб, бош ирғади-ю, Гулчеҳранинг нима учун бундай гап бошлаганидан таажжубланиб қолди. Бирдан Нурнинг юраги гурс-гурс урди.

– Тунов кунни Элбекни кўрувдим хотини билан, – деди Гулчеҳра Нурга юзланиб. – Қишлоққа келган экан, унча бахтли кўринмади.

Шу пайт Элбек исмини эшитиб, Нурнинг юраги “шув” этиб кетди. Тавба, кадрдон дугонаси бўлмиш Гулчеҳра нима қилмоқчи, эрининг олдида уни шарманда қилмоқчимми? Нур зимдан эрига назар солди. Сардор ҳамон Гулчеҳранинг килиқларига лол, афтидан, Элбек деган одам ҳозир уни унча қизиқтирмаётганга ўхшаб кўринарди. Нур ичида эри одатича, Элбек уларнинг бир танишларидандир-да, деб ўтиргандир, деб ўйлади.

– Почча, – деди яна Гулчеҳра Сардорга қараб. – Нур сизга айтганми йўқми, маҳалламизда Элбек деган йигит бўларди.

Сардор Гулчеҳранинг нима демокчи эканлигини энди фаҳмлагандай, “ялт” этиб унга қаради. Нурнинг бутун вужуди қалт-қалт титрай бошлади.

– Ўша йигит Нурни яхши кўрарди!

Энди Сардорнинг бутун вужуди кулоққа айланди. Нур ҳозир қулаб тушадиган алфозга тушди. У йикилиб қолай-йикилиб қолай деб аранг курси суянчиғини маҳкам ушлади.

– У Нурга бир хат ёзганки... Мен ўзим уларга почтальонлик қилганман.

Гулчеҳранинг бу гапларини эшитиб, Сардор бирдан ўзини йўқотди.

Нур бехосдан кўлларини силкиб, бакириб юборди:

– Бас!

Гулчехра Нурга кайфдан бегам, бетакаллуф сузилган кўзларини кадади:

– Ёлгон деб кўр-чи? Почча, янглишмасам, хатда шундай сатрлар ҳам бор эди: *“Онангиз бежиз исмингизни Нур, деб атамаган эканлар. Ўша кеч гира-ширасида Сиз кўзимга ҳақиқатан нур бўлиб кўриндингиз, ҳали муҳаббат олами бегона, гафлатда ётган қалбимни ўз нурингиз билан ёритиб юбордингиз”*. Шундаймиди, а, тўғрими, Нур?

Нур Гулчехранинг бу гапларини эшитиб, ўрнидан туриб кетаёзди. Ҳозир унга барибир эди. Чунки Гулчехра эрининг олдида бари гапларни фош қилиб бўлган эди.

– Ўқиган экансан, айтавер қолганини ҳам! – деди Нур газабланиб.

Гулчехра унинг бу гапига истехзо билан кулди.

– Почча, тагин кўнглингизга келмасин, Нур ростдан ҳам бу хатни ўқимаган...

Сардор Гулчехранинг гапларини эшитишга ортиқ тоқати қолмаган эди. У ҳозир ўзини жуда ноқулай ҳис этди. У шартта ўрнидан турди.

– Кечирасизлар...

Сардор шундай дея курсини нари сурди-ю, ўрнидан турди ва шахдам қадамлар билан қаҳвахонадан чиқиб кетди.

Нур бир Сардорнинг орқасидан, бир Гулчехрага қаради. У ҳозир бирпасда собик дугонасига айланиб улгурган Гулчехранинг ҳузурда бир сония ҳам тура олмас эди.

Нур Гулчехрага нафрат билан тикилди. Беихтиёр кўзларига ёш келди. Тез-тез юриб у ҳам қаҳвахонадан чиқиб кетди.

Нур қаҳвахонадан чиқса, машина Сардор қўйган жойида турарди. Нур ҳолсизланиб, машина ёнига борди. Машина ичида Сардор кўринмади. У беихтиёр машинага суянди. Нур ҳозир нималар бўлаётгани ва бу воқеа энди қандай ривожланишини ўйлаб, таҳлил қилиб, идрок эта оладиган аҳволда эмас эди. Орадан бир оз вақт ўтди. Нур Сардор қаердан келиб қолганлигини ҳам билмай қолди.

Сардор шахд билан Нурга ўтиринг, дегандай, машинанинг орка эшигини очди. Нур индамай машинага ўтирди. Машина жойидан жилди. Бирмунча муддат юргач, Нур ўзига келгандай бўлди. У жим кетаётган Сардорга мурожаат қилди:

– Сардор ака, сизга айтмоқчи эдимки... – Нур гапини тугатолмай қолди. Чунки Сардор унинг гапларига парво қилмади, индамай машинани ҳайдаб кетаверди. Афтидан, Сардор Нурнинг гапини эшитмади.

Нур ичини ёндириб юборган Элбек воқеасини унга айтиб, Гулчеҳранинг гапларига изоҳ бермоқчи эди. Сардор Нурнинг гапларини эшитмади, тўғриси, эшитишни ҳам истамади. Нур бахтидан кўнгли тўлиб, шод юрган кезлари, баъзан, бахтиёр кунларимга кўз тегмасин, деб кўрқар, балки Элбек ҳақида Сардорга гапириб берсаммикин, деб ўйлаб ҳам қоларди. Лекин бу ҳақда эрига айтишни негадир ўзига эп кўрмас, тўғриси, ўша журъатсиз Элбек, у туфайли чеккан изтироблари, онасининг камситишлари, юрагида қолиб кетган битмас жароҳат ҳақида эслашни ҳам истамас эди. Ҳозир кутилмаганда бўлган ипни қаранг!

Нур машина деразасидан қараганча ўйга ботиб, уйларига етиб келганларини ҳам билмай қолибди. Сардор чурк этмай машинани йўлакда қолдирди. Нур тушиб олсин, деб индамай машина эшигини очди. Кейин ана шундай тундлик билан уй зиналаридан тез чиқиб кетди. Сардор ҳатто йўлидан чиққан онасининг нимадир деб берган саволига ҳам жавоб бермади шекилли, Нур унинг овозини эшитмади. Нур беҳол машинадан тушди, секин уй томон юраркан, унга қайнонаси рўпара келди.

– Нур, имтиҳонни яхши топшириб олдингизми? – деб сўради Наима опа. – Сардордан сўрасам, индамайди, бирга келдинглар шекилли?

Нур қайнонасининг хавотирини тушуниб, секин жавоб қайтарди:

– Ўғлингиз шошганлар шекилли. Топшириб олдим.

– Худога шукур, – деди Наима опа чин дилдан.

Нурнинг беихтиёр оғзига келган “ўғлингиз шошганлар”, деган гапни бежиз айтмаган экан, бир маҳал ичкаридан шошилишчи қиёфада Сардор чиқиб келди.

– Ойи, мен ҳозир навбатчиликка кетишим керак. – деди у Нурнинг гапини исботлагандай. У Нурга эмас, онасига қараб гапирди.

Наима опа ҳайрон эди. Чунки Сардор бугун, тоқ кунлари навбатчиликда турмас эди.

– Бўпти, мен кетдим, – деди яна Сардор онасига қараб.

Нур жойида қотиб қолди. У йўл-йўлакай дугоналари, танишлари ҳикоя қилган одатдаги рашк саҳнасини кутган, ўзича йўлда ана шунга тайёрланиб келган, ичида не-не изоҳларни ҳозирлаб қўйган, ҳозир бундай воқеа содир бўлмаганлиги учун ҳам ҳангу манг эди.

Сардор бир зумда оромини йўқотди. Ҳозир ана шу воқеа юз берган кунни ҳам, унга Нурнинг биринчи муҳаббати ҳақида хабар қилган Гулчеҳрани ҳам, аввало қиздан ҳеч сўрамай-нетмай уйланиб олган ўзини ҳам лаънатламоқда эди. “Ўтакетган галварс экансан, – деб ичида ўзини-ўзи яниб, ўзига-ўзи савол бериб, жавоб кайтарди Сардор. – Шундай чиройли қизнинг йигити бўлмаслиги мумкинмиди? Албатта, ошиғи ҳам мингта бўлган. Ушанда, биринчи марта учрашганларида Нур сен билан гаплашишни ҳам хоҳламаган эди, эсингдами? Кейин-чи?”

Шунда Сардорнинг ёдига ўша қизнинг розилигини олган якшанба кунги учрашув келди. Ҳа, киз ўшанда мен рози эмасман, демоқчи бўлган, у эса... У нима қилди? У бўлса, муаммо нимада, деди! Муаммо нимада эмиш! Аслида энг катта хатони ўшанда қилган. “Бир умр давомида бир-биримизнинг фазилатларимизни кашф этамиз, эмиш!” Аввал ёқтирган йигитингиз ким, де, менга кўнглингиз борми, де, ундан кейин бунақа олифта гапларни гапир-да! Ким, қайси аҳмоқ шундай дейди? Қиз ахир аллақачонлар бировга кўнгил қўйган бўлса... Ана шу дам Сардорнинг ёдига қизни илк марта кўрган ўша дарс чоғи келди. Қиз ўшанда кўзига жуда

сирли ва хаёлий кўринган эди. Ҳа, ўшанда қиз хаёл ичида унинг саволига ҳам тўғри жавоб қайтаролмаганди. Демак, ўшанда кизнинг кўнгли Элбек деган эшшакда бўлган.

Сардор чидай олмай худди бўйнини бўғиб кўяётгандай, бўйинбоғини ечиб ташлади. *“Онангиз бежиз исмингизни Нур, деб атамаган эканлар. Ўша кеч гира-ширасида Сиз кўзимга ҳақиқатан нур бўлиб кўриндингиз, ҳали муҳаббат олами бегона, гафлатда ётган қалбимни ўз нурингиз билан ёритиб юбордингиз”*. Мактубни кара, шоир бўлиб кет-э! Сардор Гулчеҳра айтиб берган мактуб сатрлари бутун вужуди кулоққа айланиб тинглаганидан бирпасда ёд бўлиб қолган эди. Ўзи бунақа хат ҳам ёзмабди. “Сардор, мана, йигитлар қизларни қандай қилиб илинтираркан! Албатта, Нур сингари романтик, ҳиссиётларга тўлиқ қиз “Умумий хирургия”дан бошқасини билмайдиган сендақа кўпол, галварсларни эмас, ўшанақа чиройли хат ёзадиган, чиройли гаплар қиладиган Элбекка ўхшаган силлиққина мўминтойларни яхши кўради-да!”

Сардор ўзи билан ўзи савол-жавоб қилавериш чарчади. Бир пайт бугун навбатчи бўлиши керак бўлган ҳамкасабаси Эргаш унинг елкасига қокди. Азбаройи хаёлида ўзи билан ўзи баҳс қилаверганидан хонага ҳамкасабасининг кириб келганини ҳам сезмай қолибди.

– Жўра, нега кеча айтмадинг? Чиндан бугун қоласанми? – Эргаш ишонинқирамай Сардорга синчиклаб тикилди.

– Қизиқсан, келдим-ку ахир. Уйингга кетавер! – Сардор сабри чидамай ҳамкасабасига бақирди. – Ундан кейин эртага навбатчи ким, унга ҳам айтиб қўй, келиб ўтирмасин. Ўзим қоламан!

Сардорнинг аҳди қатъий эди. Ҳақиқатан ҳозир унинг уйга боргиси келмаётган эди. Аслида у Нур деган соҳибжамолнинг кўнглидаги ёр ўзи эмаслиги аён бўлганлигидан ўзини кўярга жой тополмаётган, бунинг аламини кимдан олишини билмаётган эди.

Нур шу кунгача тушмаган ғалати аҳволга тушди. У турмушга чиқиб, ўзи илгари тасаввур қилган, эшитган

нарсалари ҳозир яшаб турган ҳаётига умуман тўғри келмаслигини англаб етди. Ҳа, эшитган бошка, кўрган, бу ҳаётда яшаган бошка экан. Нур ҳар куни, ҳар соат Сардорни кутавериб, кўзи тўрт бўлди. У Сардор билан Элбек масаласини очик-ойдин гаплашиб олишни, ўртага аниқлик киритишни истар, юраги илгариги эрининг меҳр-муҳаббати, эътиборини кўмсарди. Мана, неча кундирки, Сардор уйга бирровгина келиб кетади, унга бормисан, йўкмисан, деб аҳамият ҳам бериб ўтирмайди. Қиз ана шу эътиборсизликдан куймоқда эди. Нур ўз розилигини берган ўша якшанба кундаги учрашув чоғи Сардор ҳазил аралаш биринчи муҳаббатини ҳикоя қилиб берганида нега у ҳам Элбекни, ўзи муҳаббат деб билган севги тарихини гапириб бермади? Нега? Сардор акаси шундай самимий одамки, Нурни нотўғри тушунмасди. Айникса, ўша пайтда Сардор кизни тўғри тушунган бўларди. Барини бирпасда ўз қатъияти билан ҳал қилиб қўя қоларди. Нега Нур Сардорнинг юрагида бундай шубҳа, бундай гумонлар ин қуришига йўл қўйди?

Нур ўзига ўзи савол беравериб, ўзини қойийвериб, чарчади. Бир маҳал чаккаларида оғриқ туриб, зилдай оғир бўлиб кетган бошини кўтаролмай қолди. Бирдан қон босимим ошган бўлса-я, деган гап ҳаёлига келиб қолди. У тез туриб тонометрни олди-да, қийналиб бўлса-да, қон босимини ўлчади. Ўлчади-ю, кўркиб кетди: 150 га 100! Ҳеч қачон унинг қон босими бундай кўтарилмаган эди. Нур кўрканидан дарров валерьяна ичди, наъматак, қийик ўти дамлади. Ана шу дамламаларни ичса-да, барибир бош оғриғи қолмади.

Сардор бугун уйга ўтиб келиши зарур бўлиб қолди. Ундан кейин ҳар куни навбатчиликда қолавериб, роса ҳолдан тойган эди. У ишдан тўғри уйга кетгиси келмади. Йўл-йўлакай Кўрғазмалар павильони ертўласидаги машҳур барга кирди. Официантга озгина коньяк билан газак буюртма қилди. Ўзи ҳаммавақт ҳам ичавермайди, ҳамиша ишда, ҳамиша соғлом ақл билан қилинадиган ишлар турганида

ичкилик ичса бўладими? У ҳозир ўзида ичкилик ичишга кучли эҳтиёж сезди. Официант буюртмаларни келтирди. Сардор аста коньякни ичаркан, бирдан бадани яйраганини ҳис қилди. У қўли билан официантни чақирди: яна 250 грамм!

Кўз олдида ажойиб тоғ манзараси гавдаланди. Наъматак гуллари сингари нафис, нозик қиз, наъматак гуллари сингари гўзал қиз унга табассум қилади: “Тинчланинг, бемор... Ўн биринчи билет, иккинчи савол...” Ўша пайтлар улар нақадар бахтли эдилар! Ўшанда чиндан ҳам Сардорнинг юраги бахтга лиммо-лим эди. Қизнинг табассуми, ноз билан қарашлари ўзиники, Сардорники эди. У ўша пайтлар бунга заррача шубҳа қилмаган эди! Маълум бўлишича... кейин маълум бўлишича, бу эркалик нигоҳлар, бу ноз-истиғнолар унга аталмаган экан! Нур исмли парининг юраги аллақачонлар забт этилган экан!

У чидай олмай, официантни баланд овозда чақирди:

– Официант, официант!

Официант унинг ҳузурига етиб келди.

– Коньякдан келтиринг! Яна 250 грамм!

Шу пайт яна кўз ўнгида бошқа манзара гавдаланди. Оппок капалак мисол нозик қиз тўй либосида, куёвга андак ғамза, андак эркалик, андак муҳаббат билан боқади, “Сардор ака...” дея эрка тил билан уни чақиради.

Яна бахтли кунлар, уларнинг умрлик хотирасида муҳрланган тўй саёҳати кўз олдида келди. Майин ҳаволи гўзал Киев шаҳри, улар йўлда кетаётibdилар:

“...Агар ростдан ҳам ўша дискотекада бўлсагу... ўша дискотекада сиздай йигитни мен кўлдан чиқармасдим, билиб қўйинг. Бошқа қизлардан сизни ўзим тортиб олардим...” Бу сўзларни унга ростдан ҳам Нур айтганмиди? Ўшанда кизнинг кўзлари бахт, муҳаббатдан ёнмоқда эди, ана шу кўзлар йигитга бир умрлик вафо-садоқатни ваъда қилмоқда эди! Наҳотки ҳар окшом уни ухламасдан кутиб оладиган, куни бўйи соғинчдан интиқиб, унга пешвоз кучоғига отиладиган қиз юраги қачонлардир бировга ҳада этилган бўлса? Наҳотки?

Бир пайт унга хизмат қилаётган официант ёнига келиб, аста деди:

– Биз барни ёпмоқчимиз, турсангиз...

Дарвоза ярим тунда жиринглади. Нур кўнгирок овозини эшитиб, дарвоза томон югургилади: Сардор ака бугун навбатчиликда эмас эканлар-да! Ичига қандайдир ёруғлик киргандай бўлди. Дарвозани очса, эри оёқда туролмайди, маст. Хайрият, Сардор кўпинча, айникса навбатчиликда турган кунлари машинада юрмайди. Энди Сардор отаси ҳайдаган машинани авайлаб минар эди.

Нур Сардорни аранг уйга олиб чиқди. Ойим туриб қолмасинлар, кўрсалар, хафа бўладилар, деган мулоҳазада Нур Сардорни эҳтиёткорлик билан ётоқларига олиб кирди. У эрининг кийимларини ечишга чоғланди. Бир маҳал Сардор Нурга “ялт” этиб қаради. У шу қараганича Нурга тикилиб қолди. Нур тўсатдан эрининг кўзларида мастлик аралаш қандайдир бегоналик, ётлик ифодаларини пайқаб, ғалати бўлиб кетди.

– Тегма менга! – дея Сардор Нурнинг кўлларидан кўйлаги барини тортиб олди.

Нур жойида қотиб қолди.

Сардор гандирақлаганича ётоқдан чикиб кетди.

Нур шу турганича қачон ўзига келганини билмади. Демак, Сардор ундан, севганидан, Нурдан нафратланяпти! Унга ишонмаяпти! У каравотда ўтирганича ўша машъум кунни яна миясида таҳлил қила бошлади. Ҳа, Сардор Нурга ишонмаяпти! “Ўзиям қишлоқи деганларича борсан-да, Нур, – деди ичида Нур ўзини ўзи айблаб. – Агар ўтакетган содда, гўл бўлмаганингда ўша куни эринг машинада саволингга жавоб бермаганидаёқ унинг нега бундай қилаётганини билиб олган бўлардинг. Неча кундан бери уйга келмаяпти, сенга гапирмаяпти, шундан ҳам сезмадингми? У сендан нафратланяпти, кўнглида бошқа ёри бўла туриб, менга турмушга чиқди, деяпти! Мени балки кейинчалик ҳам алдар, менга хиёнат қилар, деб ўйляпти, сенга ишонмаяпти!”

Бирдан томоғига муштумдай нарса келиб тикилди, у хўнграб йиглаб юборди. Тағин овозим чиқиб, уйдагиларни безовта қилмай, уларни турғазиб юбормай, деб каравотга осиглиқ аллақандай рўмолми, сочикми, дуч келган нарсани оғзига тутди. Буям бўлмади. Бошини ёстикка қўйди. Шунда балки йиғи овози ташқаридагиларга эшитилмас. Шу пайт Гулчехранинг Нур турмушга чикмасидан илгари, тўй арафасида айтган гаплари эсига тушди. “Турмушга чик, эр билан яшаб кўр, сен билан ўшанда гаплашамиз”, деганди унга Гулчехра. Бир томондан унинг гапларида жон бор экан. Бирдан кўнглидаги ўша ички туйғу яна жонланди. “Сардор сени жуда рашк қияпти. Лекин бир нарсани билиб қўй, сен Гулчехра эмассан!”

Ҳа, у Гулчехрага ўхшаб ўзини хор қилдириб, оёк ости бўлиб яшамайди. Унга ишонмаган одам билан бир дақиқа ҳам яшай олмайди! Нур ичида шундай қарорга келди-ю, бирдан Сардордай азиз одамидан айрилиш туйғуси юрагига тиг теккандай ботди. Наҳотки... Бирдан фарёд кўксини тўлдирди, яна ўкраб йиглаб юборди.

Ёстиқ Нурнинг кўз ёшларидан жикка ҳўл бўлди.

Сардор қараса, меҳмонхонадаги диванда ётибди. Бошини кўтаролмайди, оғир, зил-замбил. Ҳа, бу кечаги ичишинг оқибати. У зўрға туриб, ювинди, душ қабул қилди. Шундан сўнгина бир оз ўзига келди. Қараса, ойиси нонушта дастурхони тепасида уни кутиб ўтирибди. Сардор тевааракка зимдан разм солди. Ҳа, Нур кўринмади. Йўк, у бир маҳал кўлида коса кўтариб келиб қолди.

Ойиси ўғлига синчков назар солди. Аслида Наима опа келини билан ўғли ўртасидаги муносабатларни тахминан чамалаб ўтирар, кеча Сардор тунда маст бўлиб келганини, Нур уни билдирмасдан уйга олиб кирганини кўрган эди. Лекин у ўғлига бу ҳақда чурк этмади. Тўғриси, у Камол акадай жиддий, вазмин табиатли одам билан бирга яшаб, кимга қайси вазиятда қандай муомала қилиш, қачон нима дейиш, умуман, шароитга қараб иш кўриш санъатини ал-

лақачонлар яхши эгаллаб олган эди. Наима опа ҳозир келинининг бекорга аччиқ хўрда қилмаганини ҳам тушунди. У келинини нега эрталаб аччиқ хўрда пиширдингиз, деб сўроққа тутиб ўтирмади.

– Ичиб ол, ўғлим, бош оғриғини босади. – деди она фақат.

Нур аста эрининг олдига таомли косани кўяркан, Сардор ер остидан унга разм солди. Нима, йиғлаганми, кўзлари кизариб, қовоқлари шишиб кетибди. Негадир буни кўриб, Сардорнинг ичи туз сепгандай ачишди. Нур секин косани дастурхонга қўйиб, изига кайтди, ҳовлига тушиб, ошхонага кириб кетди.

Сардор серкатиқ, аччиқ хўрдадан бир-икки қошиқ ичди-ю, кўзлари очилгандай, бош оғриғи қўйиб юборгандай бўлди. У шартта косани кўтариб ичиб қўя қолди. Онаси унга қараб туриб, деди:

– Енгил тортдингми?

Сардор бошини ирғади-да, ўрнидан туришга чоғланди. Наима опа ўғлига бир неча оғиз насиҳат қилмоқчи эди, бўлмади, жойи келмади.

Бир оздан сўнг Сардор ичкарига кириб, кийиниб чиқди. Ҳовлига тушаркан, ойисига деди:

– Бугун навбатчиликда қолсам керак, ойи.

Наима опа ўша ишхонангга така боғлаганмисан, буёқда хотинингнинг ой-қуни яқин бўлса, сен касалхонадан бери келмасанг, деб ўғлини қойимокчи бўлди-ю, яна индамади. Ўғли аллақачон дарвозага яқинлашиб қолган эди.

Сардор дарвозадан чиқаркан, аста орқасига қаради. Одатда у индамаса ҳам: “Яхши боринг”, дея дарвозагача кузатиб қўядиган Нур негадир бугун кузатмади, ошхонадан чиқмади.

Сардор бундан ичида ғалати бўлиб, уйдан чиқди.

Нур туни билан эртага тонг отсин, эрта билан Сардор ака билан гаплашаман, кўнглимдаги бор гапларни айтаман. “Бундай ишончсизликда яшаб бўлмайди. Майли, менга ишонмасангиз, ажрашайлик. Мени ҳам, ўзингизни ҳам

кийнаманг”, деб айтаман, деб ўзига ўзи ваъда берган эди. Лекин тонг отиши билан мутлақо бошқа вазият юзага келди. У эрига зимдан разм солиб, бундай қатъий қарорни ҳозир айтиш ўринли эмаслигини тушунди. Кейин шунча пайтдан бери Сардор Нурнинг якин одамига айланган, унга бирор қор-ҳол бўлишини асло истамайди. Ҳозир гапирса-ю, кейин Сардор бориб операцияга кирса, Худо кўрсатмасин, бирор хатога йўл қўйса... Бирдан ҳаёлига келган бу фикрдан ўзи кўркиб кетди. Яна Сардор тунги ичкилик сабаб худди беморга ўхшаб кўринарди. Қишлоқда кўшниларида, кимдандир эшитган эди: бундай пайтларда аччиқ хўрда ёрдам беради! Майли, эртага ажрашиб кетса ҳам ахир Сардор унга бегона эмас-ку! Нур эрининг ахволини зимдан кузатиб, ичи ачишди, унга аччиқ ёвғон хўрда қилишга тутинди.

“Кечқурун ишдан келсалар, бор гапни ётиғи билан тушунтириб айтаман”. Нур шундай қарорга келди.

Нур эрталаб одатдагидай Сардорни кузатиб қўймоқчи бўлди-ю, бирдан юраги гурс-гурс урди. Сабабини ўзи билмайди, кеча тундаги йиғи яна хуруж қилди. У тагин Сардорни ишга кузатиш чоғи йиғлаб, бари ишни бузиб, расвосини чиқармай, деб ўйлади. Ундан кейин негадир ўзини Сардорнинг олдида ожиз қилиб кўрсатгиси, йиғлаганини эрига сездиргиси келмади. Шу сабаб у Сардорни кузата олмади. Сардор кетгач, қайнонасини ишга кузатди, одатдаги уй юмушларини қилди. “Агар кетадиган бўлсам, бечора ойимга қийин бўлади, дея ошхона, ванна кафелларини топ-тоза қилиб ювди. Бари хоналарни чангютгич билан обдан тозалаб чиқди. Сўнг бирпас дам олай, кейин чиқиб, овқат қиламан, деб хонасига кирди. Беихтиёр кўзи рўпарадаги кичик жавон устида турган, Сардор билан бирга тўй пайти тушган суратига тушди. Бу сурат хонадаги ашёларнинг бир қисмига айланган, шунинг учун ҳар қуни бунга эътибор ҳам бермасди. Бугун негадир бу сурат хонага кириши билан яққол кўзига ташланди. Беихтиёр қўлига суратни олди. Қандай бахтиёр эди ўшанда улар! Наҳотки у шундай бахтли бўлган

бўлса? Яна кўзларига ёш тўлди. Жуда йиглоки бўлдим-да ўзим ҳам, деб кўзларини артди. Бирдан боши оғирлашди. Кечаги бош оғриги яна кўзгалди. У шоша-пиша ўзининг кон босимини ўлчади: яна 150 га 100! Яна кечаги дамламаларни ичди. Нима бало, бугун бу дамламалар унга заррача ҳам таъсир қилмаганга ўхшар, ҳамон боши оғир эди.

Кеч кирди. Нур ҳаётини ҳал қиладиган бўлажак суҳбатга каттик тайёргарлик кўриб, Сардорни кутмоқда эди. Лекин окшом алламаҳал бўлди-ю, ҳамон Сардордан дарак йўқ эди. “Ўғлингиз сизга ҳеч нима демасларми, бугун ҳам навбатчиликда қолар эканларми?” – деб қайнонасида сўрамокчи бўлди-ю, тортинди.

Қайнонаси уйкуга ётди. Нур ҳам хонасига кирди. Бир маҳал бели, қорни остида каттик оғрик турди. У бундай кучли оғриққа чидаёлмади. Назарида худди ҳаво етишмаётганга ўхшади. Зора ҳовлига тушсам, тоза ҳавода ўзимга келарман. деган умидда ҳовлига тушди. Оғрик бир тўхтаб, яна кучаймоқда эди. У бир амаллаб деворга суяниб олди. Назарида деворга суянса яхши бўладигандай эди.

Наима опа чўчидими, бирдан уйғониб кетди. Назарида кулогига келинининг инграган овози эшитилгандай бўлди-да, сапчиб ўрнидан турди. Тез хонасидан чиқиб, ўгли билан келинининг ётоғига йўналди. Хона эшиги очик эди. Қараса, келини хонада йўқ экан. Наима опа ҳайрон бўлиб, айвонга чиқди. Уёк-буёққа назар ташлади. Бир пайт кўзи ҳовлида белини ушлаганча деворга суяниб юрган келинига тушиб, кўркиб кетди. “Нима бўлдийкин? Дард тутдимикин? Ҳали эрта эмасми? Чамаси, келинининг хомиласи ўттиз олти-ўттиз етти ҳафталаров... Э, дард дегани ҳафтани сўраб ўтирадимми сендан?” У тўсатдан акли ўзига келиб, чопиб ҳовлига тушди. Келинининг ёнига борди-да, шошилиб деди:

– Қизим, қаерингиз оғрияпти?

Нур дабдурустан қаршисида қайнонасини кўриб, уялиб кетди.

– Ойи, нега турдингиз? Худди ҳаво етишмаётганга ўхшади. Шунинг учун пастга тушувдим...

Наима опа келинининг рафтorigа қараб, нима гаплигига дарров тушунди.

– Сиз кўркманг... мен ҳозир... – у яна шошиб, тез даҳлизга чиқди. кетма-кет ўғлига кўнғирок қила бошлади.

Қани энди касалхонада бир инсон телефон гўшагини кўтарса... Нима бало, тош қотиб ухлаб қолганми булар? Ўғлининг ишхонасига кўнғирок қилишдан наф чикмади. Наима она ўйланиб қолди. Ҳа, “Тез ёрдам”-чи, ўша ерга кўнғирок қилиш керак! У бетўхтов “Тез ёрдам”га кўнғирок қила бошлади.

Хайрият, бу ерда тезда телефон гўшагини кўтаришди. Бефарво овоз телефон гўшагидан деди:

– Адресингизни айтинг...

* * *

Нур нималар бўлаётганига тушунолмаётган эди. “Тез ёрдам” машинаси уни тезликда туғуруқхонага олиб келди. Туғуруқхонага келдилару, Нурни зудлик билан туғуруқ залига олиб кириб, махсус креслога ётқиздилар. Бирпасда кресло атрофини гинеколог-акушер, микропедиатрлар ўраб олди.

Нима дори-дармон қилишди, Нур билмайди, белидаги оғрик тўхтагандай бўлди. Бир маҳал кўзи бир доктор кўлидаги чақалокка тушди. Доктор чақалокни дарров бағрига олди. Элас-элас қулоғига докторнинг хавотирли овози чалинди:

– Дархол қувезга ётқизиш керак! Кислород!

Унинг боласи... Демак, унинг кўзи ёрибди-да... Унинг ичига аллакандай иликлик қуйилиб келди. Тепасида бола кўтарган доктордан кўзини узмаганча уйкуга кетди.

Наима опанинг ўғлидан шундай жаҳли чиқди, шундай жаҳли чиқди! Қани Сардор ёнида бўлса-ю, савалаб ташласа, гапириб-гапириб, хумордан чиқса! Тагин ҳам келини дардга оғир, ўзи фаҳм-фаросатли экан. Бир оғиз ўғлингиз қани,

демади-я! У қабул бўлимида уйқуга конмаган, эснаб ўтирган ўрта ёшли аёлга вазиятни куйиб-пишиб тушунтирди. Аёл индамай Наима опанинг сўзларига кулок тутди-да, рухсат этди:

– Ана, телефон ичкарида!

Наима опа кўнғирок қилишга рухсат этганлари учун миннатдор бўлиб, ўғлига кўнғирок килди. Узундан-узок гудокдан сўнг ахийри кимдир телефон гўшагини кўтарди:

– Алло, Сардор Камоловичними? – деди уйқули овоз.

Наима опа қабул бўлими ичкарасида ўғлини кутишга сабри чидамай, ташкарига чиқди. Наима опа қўлида боя ичкарида беришган Нурнинг кийимларини кўтарганича туғуруқхона дарвозасидан қандай чиқиб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. У сабрсизлик билан йўлга кўз тутди.

Тонг ёришиб келмоқда, кўча сокин эди. Шу маҳал бир машина Наима опанинг олдида “ғийк” этиб тўхтади. Таксидан Сардор тушиб келди.

Наима опа ўғлини кўрди-ю, боя гапираман, деган гапларини унутди.

– Нима бўлди, тинчликми? – Ўғли хавотирланиб сўради.

Она ана шундан кейингина ўзига келди.

– Бўлгани бўлди! Энди сўраб нима қиласан, эси йўқ бола!

Сардор онасининг бу гапларидан ўзини йўқотиб қўйди.

– Тушунтириб гапиринг, оий! – деди ҳеч нимага тушунолмай Сардор.

Наима опа энди боя ўғлига айтаман, деган гапларини бир чеккадан миясида тартибга солиб, сўнг осойишталик билан деди:

– Манави скамейкага ўтирайлик, айтаман.

Улар туғуруқхона ховлисидаги қатор ўтирғичлардан бирига ўтирдилар.

– Ҳали дунёга келмаган, зиғирдай гўдак сенга нима гуноҳ қилган эди? Ё болага тўйган эдингми?

Сардор онасининг гапларидан эсанкираб қолди. Бошини эгганича онасининг гапларига кулок тутди.

– Нур билан ораларингдан қандай ола мушук ўтди? – Наима опа таъна билан ўғлига қаради. Сардор нима дейишини билмасдан каловланиб қолди. – Сен ахир дехкон эмассан, косиб эмассан, ўзинг докторсан-ку! Наҳотки эрта-индин туғиладиган боланинг онаси сиқилиши мумкин эмаслигига ақлинг етмаса, нодон бола! Э, сўзига амал қилмаган сендай доктордан ўргилдим!

Сардор уят, надоматдан бошини кўтаролмай қолди.

– Индамай юрибман. неча кундан бери ўша касалхонангдан бери келмайсан! Хотиним оғироёк, унга яхши сўз, яхши эътибор керак, демайсан! Тагин ҳам келин оғир экан, мен бўлганимдами, кунингни кўрсатардим...

Наима опа ҳозир беихтиёр охирги пайтлар кўнглига келган гапларни ўғлига гапириб юборган эди. Орага бирдан сукут чўкди.

– Ҳали вақт бор эди шекилли? – деди аста сукутни бузиб Сардор.

Наима опа ўғлининг гапига истехзоли кулди.

– Ҳа, бола кутиб туради, қачон отам аразини бас қиладиди, онам билан ярашади, кейин ёруғ оламга тушаман деб!

Онасининг “ота”, деган гапини эшитиб, беихтиёр Сардорнинг ичи бирдан ёришди. У кўнглида илик туйғулар билан онасига қаради.

– Айт, бола яхши бўлиб кетсин, агар бир нарса бўлса борми...

Наима опа гапларини тугатолмай ҳам қолди. Сардор онасининг сўнгги сўзларини эшитгач, сапчиб турди-да, туғуруқхона томон югуриб кетди.

Наима опа ўғлининг кетидан ҳайҳайлади, ўрнидан туриб, бир-икки кадам олдинга юрди. Ўғли анча олислаб, ниҳоят бино ичкарасига кириб кетди. Наима опа орқасига қайтиб, беҳол ўтирғичга чўкди. Қанча ўтирди, билмайди. Ўғли келавермагач, секин юриб, қабул бўлимига келди, ичкарига ҳам кирди. Бирдан онанинг кўзи ўғлига тушди.

Сардор кўллари билан бошини чангаллаб ўтирар эди.

Сардор шу кеча туғуруқхонада навбатчилик килган, Нурни туғдирган докторни танир эди. Бу гинекологни тиббиётга оид илмий анжуманларда кўрган, у ҳақда яхши гапларни эшитган эди. Уз навбатида Манзура Самаровна ҳам Сардорни таниди.

– Сиз ҳақингизда эшитганман, Сардор Камолович. Нур Саидова сизнинг рафиқангиз экан-да? – деди Манзура Самаровна Сардорга синчков назар ташлаб.

Сардор тўсатдан ўзини ноқулай ҳис этди. Назарида Манзура Самаровна худди ўзинг доктор бўла туриб, хотинингни шу аҳволга олиб келибсан-да, деб таъна қилаётганга ўхшаб туюлди.

– Бола оғир асфиксия¹ билан туғилди. Йўлдош ҳам вақтидан олдин кўчган. Болани кувезга олдик. Ҳозир хотинингиз реанимацияда. Балки аҳволи яхши бўлса, эртага палатага олармиз. Докторсиз, сизга тушунтириб ўтиришимнинг хожати йўқ, боланинг ҳозирги ҳолатини ўзингиз яхши биласиз.

Сардор қай аҳволда онаси билан уйга келганини ўзи билмайди. Онаси ундан хафсаласи пир бўлгандай, юзини тескари ўгирганича машина деразасидан кўз узмай келди.

Уйга келишгач, Сардор ётоққа кириб, ўзини каравотга ташлади. Беихтиёр бошига қўймоқчи бўлиб, ёстикни оларкан, хотинининг исини туйди, кўнгли музтар бўлди. Энди ёстикни бошига қўйган ҳам эдики, кўзи ёстик сиртидаги бир нечта доғларга тушди. Ёстикни кўзига яқинлаштириб каради, бирдан ғалати аҳволга тушди. Бу доғлар қотиб қолган кўз ёшлари эди! Ҳа, бу доғлар Нурнинг кўз ёшлари эди! Тўсатдан кеча эрталаб Нурнинг кизарган кўзлари, шишиб кетган ковокларини кўргани ёдига келди.

Сардор ўзини билмай қолди. Пушаймонлик ҳисси юрагини ўртади, хонада уёқдан-буёққа асабий юра бошлади. Бирдан қокилиб, каравот ёнидаги жавонга урилиб кетди.

¹ Кислород етишмаслиги натижасида бўғилиш.

Жавонга кўйилган сурат ерга тушиб кетди. У ерга эгилиб, суратни оларкан, унга назар ташлади. Тўй пайтида тушган сурат, улар бахтиёр турибдилар. Нур унинг кўлтигидан ушлаб олган, худди оқ атиргулдай нозик ва нафис. Нур бахтидан мамнун, жилмайиб турибди. Наҳотки шу киз риёкорлик қилса, уни алдаса? Хаёлида яна Киев саёҳати жонланди, киз унга кўлларини нуқиб, писанда қилади: "... шуни билиб кўйинг, агар ростдан ҳам ўша дискотекада бўлсак... ўша дискотекада сиздай йигитни мен кўлдан чиқармасдим, билиб кўйинг. Бошқа кизлардан сизни ўзим тортиб олардим..."

Юрагидаги афсус, пушаймонлик азоби уни тобора каттиқроқ ўртай бошлади. "Наҳотки бир ҳақиқатни билмасанг, – дерди акли. – Нурдай гўзал киз шунча ошиқлари ичидан сени танлаган, шунга ҳам ақлинг етмадими? Бу шунчаки бир хат бўлса-чи? Гўзал кизлар остонасига йиллаб ётиб олганлар канча! Шундай соҳибжамол киз шунча ишқида куйган ошиқлар ичидан сени танлаганига дўппингни осмонга отсанг-чи! Сен ахир унинг бу воқеани изоҳлаб, тушунтириб беришига кўйдингни, бунга имкон бердингни? Худди факат ўзинг ҳақдай, ковок-тумшук қилиб, хотинингга ҳам, болангга ҳам жабр қилиб ўтирибсан! Ўтакетган худбин экансан! Сенинг бу қилигингни бориб турган худбин ҳам қилмайди!"

Ҳа, раҳматли дадаси бир гапни кўп қайтарар эди: "Гумон имондан айирар". Сардор бу гапни энди боши бориб, деворга урилгандагина тушунди.

Йўк, у ортик чидай олмайди! У шартта хонадан отилиб чикди.

Наима опа Сардорнинг кўчага чиқиб кетаётганини кўриб, орқасидан бақирди:

– Ҳой, бола, туғурукхонага кетяпсанми?

Сардор онасига ўгирилиб караб, бошини ирғади.

– Тўхта, янги бўшанган аёлнинг олдига ҳам курук кўл билан борадими? Овқат қиялман, бечора уни тўқилган копдай бўшашиб ётгандир.

Нур дастлаб нималар бўлаётганига тушунолмади. Қайнонаси уни тезликда туғурукхонага олиб келди, туғурук залига олиб кирдилар. Чакалоқ туғилди, сўнг Нурни реанимацияга олиб кетдилар.

Мана, уни палатага олдилар. Бир пайт қулоғига чакалоқларнинг “инга-инга”лаб йиғлаган товушлари эшитилди. Унинг юраги хаприқиб кетди. Шулар ичида балки Нурни ўглининг ҳам овози бордир. Ҳа, реанимацияда сўраганида унга ўғил туғдингиз, дейишган эди. У бирдан чакалоқлар овозини эшитиб, шу кеча-кундузда нималар бўлганини англаб, идрок эта бошлади. Биринчи сўрагани боланинг аҳволи қандай, деган савол бўлди. Бу саволга ҳамшира, ҳозир докторнинг ўзлари айтадилар, деди.

Нур докторни узок кутмади. Эшик очилиб, палатага ёруғ чехралли, узун бўйли, қорачадан келган аёл кириб келди. Нур бу аёлни дарров таниди. Бу доктор шу йил уларнинг курсларига акушерлик цикли бўйича туғурукхонада дарс ўтган Манзура Самаровна эди.

– Хўш, ишлар қалай? – деди Манзура Самаровна юзида табассум билан Нурга юзланиб.

Нур дабдурустдан нима дейишини билмай колди. Манзура Самаровна хона бурчагидаги курсини суриб, унинг рўпарасига ўтирди. У жилмайганича Нурдан жавоб кутмоқда эди. Нур докторнинг самимий жилмайиб туришидан ўзини кўлга олди-да, аста сўради:

– Бола... боланинг аҳволи қалай?

У докторга шундай деб савол берди-ю, жавобини интиқ бўлиб кута бошлади. Манзура Самаровна курсини Нурга яқинроқ сурди, унинг кўлларини ушлади-да, гапни узокдан бошлади:

– Мана, ўзингиз ҳам салкам медиксиз. Менимча, бўлган воқеаларга тўғри баҳо бера оласиз, шундайми? – У Нурнинг юзига худди таскин бермоқчи бўлган одам каби тикилди.

Нур бирдан докторнинг нигохидан юраги оркасига тортиб кетди. У беихтиёр бошини ирғади. Тўсатдан доим

унга ҳамроҳ кўнгли тубидаги ички туйғу: “Бардам бўл, Нур!” – деб шивирлади.

– Бола асфикция билан туғилди. Ҳозир куvezда. Мен бу вазиятни Сардор Камоловичга ҳам тушунтирдим.

Демак, боласи димикиб, нафас етишмасдан туғилибди-да. Яна аллақандай хўрлик томоғига келди-ю, ўзини қўлга олди.

– Кутайлик-чи, балки бола яхши бўлиб кетар. Вазиятни ўзингиз тушуниб турибсиз. Лекин барибир бардам бўлинг.

Нур Манзура Самаровнанинг бу гапидан юраги “шув” этиб кетди.

Боя Манзура Самаровна, “Сардор Камоловичга ҳам тушунтирдим”, деганида Нур Сардор исмини эшитиб, бирдан ўзининг енгил тортганини сезган эди. Демак, Сардор ака бари воқеалардан хабардор. У шу пайт ғалати аҳволга тушди.

Нур ҳар хил саволлар исканжасида қолди. Лекин бари саволлардан битта, ягона савол уни кийнай бошлади. Бу ҳам бўлса, қандай қилиб, боламини кўрсам бўларкин, деган савол эди. Чақалоклар йиғисининг эшитилишига қараганда, гўдаклар бўлими шу яқин-атрофда жойлашган.

У аста ўрнидан турди-да, эшик олдига келди. Шунда кўзи йўлакда югуриб кетаётган нозиккина кизга тушди. Вой, бу Роҳила эмасми? Улар туғуруқхонада дарс ўтганларида танишиб қолувди. Роҳила Тиббиёт институтига киришни орзу қиларкан, ўшанда шу ҳақда гаплашган эдилар. “Худойимдан ўргилай, ўзи меҳрибон!” – деди ичида Нур суюниб. У хурсанд бўлганидан бор овози билан: “Роҳила!” – деб бакириб юборганини ҳам билмай қолди. Йўлакдан ўтиб кетаётганлар Нурга ажабсиниб қараб ўтдилар. Қиз орқасига ўгирилиб қаради-ю, Нурни таниди.

Роҳила югуриб Нурнинг олдига келди.

– Вой, орқангиздан бировни сизга ўхшатдимми, дебман, – деди киз ҳаяжонга тўлиб. Унинг Нурга саволлари шундай кўп экан, бирин-кетин қалаштириб ташлади: – Турмушга чикдингизми, тугдингизми?

Нур Роҳиланинг бари саволларига азбаройи ҳаяжонланганидан фақат бошини ирғарди, холос. Роҳиланинг саволлари тугади, сўнг Нур бесабрлик билан мақсадга ўтди:

– Роҳила, сиздан бир илтимосим бор эди...

Роҳила Нурнинг ўтинчига дарров тушунди.

– Дугонажон, ҳозир бунинг ҳечам иложи йўқ.

Нур унга илтижо билан тикилди.

– Сира кўрмасам бўлмайди... бир иложини қилинг, илтимос...

Роҳила ўйланиб турди-да, сўнг деди:

– Майли, фақат докторлар кетишсин, пешиндан кейин, хўпми?

Нур азбаройи суюнганидан Роҳиланинг юзларидан ўпа кетди.

Атиги уч-тўрт соатни ўтказиш Нур учун қони азоб бўлди. Назарида соат миллари тўхтаб қолгандай туюлди. Ниҳоят, Роҳила эшиқдан унга имо қилди: “Буёққа юринг!”

Чакалоқлар каравотчалари, “инга-инга” овозларига тўлик хона. Чакалоқлар бу ёруғ дунёга келганлигини, “Энди мен ҳам шу жамият аъзосиман!” – дегандай ўзларининг борлигини баралла овоза қилмоқда эдилар. Нур Роҳила кўрсатган, қувез – кислородли каравотчага яқинлашиши билан ўзини йўкотаёзди. У аста боласи ётган каравотчага яқинлашаркан, бўшашиб кетди, оёқ-қўллари титради, этлари жимир-жимир этди. Ҳозир Нурнинг кўнглидан ўтган туйғуни фақат биринчи марта оналик хиссини туйишга мушарраф бўлганларгина ҳис қила олади.

Нур каравотчада қошларини чимириб ётган болага қараб, кўзларини ололмай қолди. Ана шу дунёда тенги йўқ чиройли болани у, Нур дунёга келтирди! Нурнинг юрагида бирдан ифтихор ҳисси пайдо бўлди. Боланинг чимирилган қошлари, кўзлари, бурунларига қараб, Нур унда Сардор ақасининг аксини кўргандай бўлди. Гўдак энтикиб-энтикиб кўяр, оғриқданми ё қийналаётганиданми, қошларини чимирар, икки қўл-оёқлари икки томонга шалпайиб ётарди.

Нур бехосдан болани бағрига босгиси, кучоғига олгиси келди! Қани бировга бермай боласини кўксига маҳкам босса, ардоқласа, қучса, дардингни олай, болам, деб юпатса! У бирдан гўдагининг қанчалар азоб чекаётганини ҳис қилди, томоғига нақ муштумдай нарса келиб тиқилди: “Дардингни олай, болажоним! Сени асраб-авайлай олмаган, сени азобга қўйган ақлсиз онангни кечир, болам! Сенга қандай ёрдам берай, болажоним, айт? Сени бундай азобларга шерик қилган, ёруғ дунёга ўйнаб келишингга қўймаган нодон онангни кечир!”

Кўз ёшлари юзларини ювди. Бир маҳал ёнида Рохила пайдо бўлиб қолди.

– Ия, ия, бу нима деган гап? Қани бўлди қилинг! Бўлди, кетдик, доктор келиб қолади! – киз шундай дея Нурни чақалоқлар хонасидан олиб чиқиб кетди.

Шу кунларда Сардорнинг бир оёғи туғуруқхонада қолди. У Нурни палатага олиб чиқишгидан хабардор эди. Лекин Сардор хотинининг олдига киришга, гаплашишга юраги бетламасди, шунинг учун келтирган нарсаларини туғуруқхона ходимлари оркали бериб юборарди. Сардор шу кунлар юрагида битта ўтинч билан яшамоқда эди. Қани эди боласини ўз кўзлари билан кўрса!

У бугун шу умидда бўлим мудирининг қабулига кирди.

Бўлим мудирининг ҳолатини тушунди, болани кўришга рухсат берди.

Сардор ҳамшира ҳамроҳлигида чақалоқлар хонасига кираркан, бутун вужудини титроқ, ҳаяжон босди. Ҳамшира унга чеккадаги кислородли каравотчани кўрсатди:

– Ана, ўғлингиз.

Ҳамшира “ўғлингиз”, дейиши билан унинг юраги ҳаяжон, қувончдан қалқиб кетди. У аста каравотчага яқинлашди. Ўғли қошларини чимирганча энтикиб ётарди. Сардор ўғлига қараб тураркан, ғурур ва фахр туйғулари кўксини тўлдирди. Бирдан тўлкинланиб кетди: шу миттигина жонзотни у яратди! Бола бир қарашда ўзига, бежирим лаблари Нурга

Ўхшаб кетгани, уларнинг икковидан нусха олганини кўриб, Сардор ғалати ҳолатга тушди, унинг юраги шу кунгача туймаган хисларга тўлди. Ҳа, оталик хиссини илк марта ота бўлганлардан сўранг!

Сардор каравотчадан кўзларини ололмай тикилди. У қийналиб, азобланаётганиданми, энтикиб-энтикиб қўйган боланинг шалпайган қўл-оёқлари, чимирилган қошларини кўриб, бир изтироб ханжари юрагини тилиб ўтди, гўёки йиқилиб тушадигандай, каравотчани маҳкам ушлади: “Ўғлим, сени шу азоб, қийноқларга била туриб, мен ўзим солдим. Рапк кўзини кўр қилган, сендай ўғлини билмаган гуноҳкор отангнинг гуноҳидан ўт, ўғлим. Калтабин отанг била туриб, сени шу қўйга солди. Қандай қилиб айбимни ювай, сенга қандай ёрдам берай, қанотим, ўғлим?”

– Бўлди, чиқаркансиз...

Сардор ҳамширанинг овозини эшитиб, орқасига ўғирилди. Индамай каравотчадан қўлларини олди-да, хонадан чиқишга чоғланди.

Сардор худди маст одамдай гандираклаб, чакалоқлар хонасидан чиқди. Йўлакдан ўтиб кета туриб, бир палата эшиги олдида тўхтаб қолди. Ҳа, Сардор бу палатада юрагига жуда яқин, азиз инсон – Нур борлигини биларди. У иккиланиб, палата қаршисида туриб қолди. Палатанинг эшиги ним очик эди.

Сардор аста эшикдан ичкарига қаради. Афтидан, палатада Нурнинг бир ўзи шекилли, бошқа ҳеч ким кўринмади. Нур юзини кафтига қўйганича, хаёлчан ўтирарди. Қизнинг юзлари синикқан, ўзи маъюс кўринарди. Сардор уни ҳеч қачон бундай ғамгин ҳолатда кўрмаганлигиданми, юраги эзилиб кетди. Ахир вазият бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эди-ку? Бутунлай бошқача, бахтли манзара бўлиши ҳам мумкин эди-ку! Бунга сабабчи ким? Рапк, гумон уни ақлдан, яқин инсонларидан айириб қўйди. Юрагини аламли изтироб ўртаб юборди. Сардор ҳозир Нурнинг олдига киргиси, унга тасалли бергиси, сочларини силаб, бағрига

босиб, юпатгиси келди. Аммо уят, айбдорлик ҳисси уни севгилиси ҳузурига киришига йўл қўймади. “Қайси юз билан кираман, нима дейман? Қилар ишни қилиб қўйиб, энди келдим дейманми?” У шундай андиша билан Нурнинг олдига кира олмади, индамай палата олдидан ўтиб кетди.

Дунёда аёл зоти борки, ожиза бўлади, мушкул пайтларда бир паноҳига суянгиси келади. Нур ҳам шу кунларда ўзини эзгин, забун ҳис этар, кўнглининг ич-ичидан Сардорни кўргиси келар, унинг далда, тасаллисига зор эди. Шунинг учун шу паноҳи ундан хабар олиб, бирор сўз айтмагани учун ҳам ўксинар, ич-ичидан эзилар эди.

Шундай хаёллар билан эзилиб ўтирган Нурни палатага тўсатдан кириб келган Роҳила чўчитиб юборди.

– Вой, Нур! Эрингизни кўрдингизми? – деди ҳовликиб Роҳила.

Нур чўчиб тушди. Юраги тўсатдан дук-дук урди.

– Бўйи баланд, келишган йигит-а, тўғрими?

Нур жавоб беришга улгурмасидан Роҳиланинг ўзи гапира кетди:

– Тўғри, адашмадим, олдин бўлим мудирининг олдида кўрдим. Бир иш билан кирувдим. Ҳа, сиз ҳақингизда гаплашишаётган экан.

Нур ҳаяжонланиб, каравот суянчиғига суянди.

– Кирмадими? Ҳозиргина палатангиз олдида кўрдим-а...

Нур Роҳиланинг охириги сўзларини эшитиб, сапчиб ўрнидан турди-да, хонадан чиқди. Ҳа, ростдан ҳам Роҳила адашмаган экан. Йўлак охирига етиб қолган йигит ҳақиқатан Сардор эди.

Эрталаб ҳамшира кўлида катта чойшаб билан кирди-да, Нурга: “Кўйлагингизни кўтаринг!” – деди. Бирдан Нурнинг юраги “шув” этиб кетди. Ҳамшира Нур кўйлагини кўтаришини кутиб ўтирмади. Шартта ўзи кўйлакни кўтарди-да, Нурнинг кўкракларини маҳкам боғлади. Кейин шприцни олиб, билагига дори юборди. Нур ҳамширанинг бу

ҳаракатларидан ўзини йўқотиб қўйди. Нима, унинг сўтини қайтармоқчиларми? Демак, боласи... У бирдан боласининг нобуд бўлганини тушунди. Тушунди-ю, қаравотга ўзини отди. Хўрлик, алам, пушаймонлик бари бир бўлди. У деворга ўгирилиб ётганича ўкириб-ўкириб йиғлади. Нур шу ҳаёти давомида кўп марта йиғлади. Ношукур экан, у бир чакага қиммат қимсалар учун, арзимас сабаблар билан йиғлади. Шу кунларгача йиғлаганлари фарзандини йўқотиш, жудолик алами олдида ҳеч нима эмас экан. Афсус-надомат юрагини шундай ўртади...

Бир пайт қимдир елкасига кўлини қўйди. Нур бирдан сесканиб, ўгирилиб қаради. Унинг ёнгинасида, шундоқ қаравотда Сардор ўтирарди. Нур сапчиб, ўрнидан туриб ўтирди. У Сардорни қаршисида кўриб, бир лаҳза қотиб қолди.

Сардор афтода аҳволда эди. Нур уни ҳеч қачон бундай эзгин ва забун ҳолатда кўрмаган эди. У дабдурустдан Сардорнинг кўзларида ёш кўриб, хайрон бўлиб қолди. Нур йиғидан тўхтаб, кўзларини артди. Улар бир-бирларига тикилиб қолдилар. Орага чуқур сукут чўкди. Ниҳоят Сардор сукутни бузди.

– Барига мен айбдорман... – у гапиролмай, кўзларидаги ёшни яширди.

Нур ҳеч қачон Сардорнинг йиғлаганини кўрмаган эди. Унинг аҳволини кўриб, галати бўлди, юраги ачишди. Беихтиёр Нур Сардорнинг ёнокларига юмалаб тушган кўз ёш доналарини қўллари билан артди. Сардор Нурнинг бу ҳаракатидан дадилланди.

– Мен кечириб бўлмайдиган ишни қилдим... Ўғлимизнинг ўлимига мен сабаб бўлдим...

Нур “ўлим” деган сўзни эшитиб, ўзи ишониб-ишонмаган ҳақиқатни энди англаб етди. Англаб етди-ю, бағтар ўкириб йиғлаб юборди. Сардор шошиб қолди. У беихтиёр Нурни бағрига тортди, хотинининг ёнокларини ювган кўзёшларини артди. Нур эрининг кучогида мадад олди, юрагини эзиб ётган ғам-аламлари сал аригандай бўлди. Энтика-энтика ниҳоят ўзига келди.

– Агар бошида мен сизга ўша Элбекни айтиб берганимда бундай бўлмас эди, – деди аста Нур узок жимликдан сўнг. – Мен сабаб бўлдим барига...

Сардор неча кундан бери Нурнинг олдида ўзини айбдор хис этмоқда, ўзини каерга кўйишини билмасдан куймоқда эди. У хотинининг шу тарика бутун гуноҳни ўзига олишини, эрини сира айбдор санамасдан олижаноблик қилишини хаёлига ҳам келтирмаган эди! Сардор бундан жуда мутаассир бўлди, беихтиёр Нурнинг қўлларини ушлади, нам кўзлари, кўзёшлар ювган ёнокларидан ўпа бошлади. Сардорнинг ҳозир кўнглидан кечаётган афсус, пушаймонлик туйғулари миннатдорлик, кечирим сўраш, узр ҳисларига коришиб кетди.

– Йўк, йўк, ундай дема! Мен, мен ўзим буни айтиб беришингизга кўймадим! – дея бошлади ҳаяжон билан Сардор Нурни бир сенсираб, бир сизсираркан. – Мен сабабчиман барига! Олдинига мен кўп ўйладим, Нурдан сўрамай-нетмай, индамай уйланволдим, севгани бор экан, дедим...

Нур Сардорга ўпка билан каради. Бармоқларини Сардорнинг лабларига кўйди:

– Ҳозир айтиб берайми сизга Элбекни? Аслида сиз мен учун онам айтган шахзодам бўлдингиз...

Сардор Нурнинг бу гапидан баттар мутаассир бўлди, ҳаяжондан ўзини йўкотиб кўяёзди:

– Илтимос, Нур, айтма. Мен сенинг булок сувидай тоза эканлигингни биламан, сенга ишонаман, – у яна бир сизсираб, бир сенсирарди. – Керакмас, у ҳақда эшитишни ҳам истамайман. Ҳаётимизда Элбек деган саҳифа ёпилди, тўғрими?

Сардор ёш боладай Нурнинг юзларига тикилди. Ҳозиргина фарзандларидан жудо бўлган икки ёш ота-она бир-бирларига таскин берганларича, бир-бирларига мадад бўлганларича бир-бирларини шу тарика овутмоқда эдилар.

Орадан икки йил ўтди.

Мана, “Ижтимоий гигиена” фанидан сўнги имтиҳонини топшириб олса, Нур институтни битиради. Нур сўнги давлат имтиҳонини топшириб ташқарига чиқаркан, чароғон куёшдан кўзлари камашди. Бир маҳал унга пешвоз келаётган Сардорни кўрди. Унинг ёнида катта гулдаста кўтариб келаётган қайнонасини кўриб, Нур кўзларига ишонмай қолди. Ойиси – қайнонаси имтиҳонга келса-я! Тағин қўлида гул билан! Нурнинг кўксини хаяжон тўлдирди. Уларга яқинлашаркан, бирдан қоқилиб кетай деди. Икки ёшлар чамаси жажжи болакай ўзидан катта гулдаста кўтарганича чопқиллаб унга пешвоз келмоқда эди! Нур хаяжондан бир лаҳза ўзини йўқотиб қўйди.

– Ойингга бер гулни, Азамат!

Боланинг изидан келаётган йигитнинг овозини эшитиб, Нур ўзига келди. Беихтиёр орқасига қаради. У орқада бола билан йигитга кулиб келаётган, бошка гуруҳда Нурлар билан баравар ўқиган қизга кўзи тушди. Ҳа, Замира у билан олдинма-кейин турмушга чиққан эди, ўғли катта бўлиб қолибди-да! Нур бирдан хаёлга чўмди. Нурнинг ҳам ўғли тирик бўлганида уни табриклаш учун шундай Сардор акаси билан гул кўтариб...

Нурни табриклаш учун келаётган Сардор ҳам болани кўрди. Бир зум боладан кўзини узолмай, тўхтаб қолди. Қани эди у ҳам ўғли, онаси билан Нурнинг шундай қувончли кунда бирга келсалар эди... Ўғлининг ёнида келаётган Наима опа дарров ўғли билан келинига қаради:

– Худога шукур, оиламизда докторлар иккита бўлди. Табриклайман, қизим, – деди Наима опа Нурга гулдастани бераркан. Кейин ўғлига юзланди: – Сардор, қани, бизни қаёққа оборасан?

* * *

Нур кечки таомни келтирди. Наима опа телевизордан кўз узмай “Янгиликлар” кўрсатувини томоша қилиб ўтирарди.

Нур оркасига қаради: ҳа, Сардор овқатга келаётган экан.

– Жаҳонда нима гаплар, ойи? – деди Сардор дастурхон атрофига келиб ўтираркан.

Наима опа телевизордан кўзини узмай деди:

– Қаранглар...

Беихтиёр Сардор билан Нур ҳам телевизорга қаради.

“Республикамиз мустақилликка эришгач, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди. Ҳозирда мамлакатимизда хусусий корхоналар сони тобора ортиб бормоқда. Жумладан, кичик бизнес ривожланишига ҳам катта имконият яратилмоқда. Фикримизга ҳозирда республикамизда очилган хусусий шифохоналар фаолияти ҳам мисол бўла олади. Мазкур шифохоналар халқ саломатлиги йўлида бошқа шифо муассасалари билан бир сафда хизмат қилмоқда. Эътиборингизга муҳбиримизнинг куйидаги лавҳасини ҳавола этамиз...” Сухандоннинг шундай сўзларидан сўнг бир кулоқ-бурун ва томоқ касалликлари клиникаси фаолиятини кўрсата бошлашди.

– Республикамиз мустақил бўлиб, кўп яхши ишлар қилиняпти-да, – деди Наима опа ўгли билан келинига қараб.

Нур телевизордан кўз узолмай қолди. Кейин хаёлига бир фикр келдими, Сардорга юзланди.

– Кўп истеъдодли докторлар хусусий клиника ҳақида ўйлаб қолишди. Зиёда Тўхтамуродовна ҳам шундай хусусий клиника очишни ўйлаб юрибди, – деди у кардиолог устозини тилга олиб.

Наима опа Нурнинг бу гапидан қанотландими, ўглига қараб деди:

– Сардор, сен ҳам хусусий клиника очсанг, нима қиларкин?

Сардор дабдурустдан шундай деган онасининг бу таклифидан ҳайрон бўлиб қолди. Шу дам унга бу фикр ҳақиқатдан йироқ хаёл бўлиб кўринди.

– Ойи, нималар деяпсиз, бунинг учун...

Сардор ҳали гапини тугатмасидан онаси яна шундай деди:

– Мана ўзинг кўриб турибсан, хусусий клиника очаетганлар ҳам сенга ўхшаган докторлар-ку. Ушанда беморларинг сени уйгача кидириб сарсон бўлиб юрмасди, дейман-да. Кейин Нурга ҳам бир хона ажратиб берардинг. Ахир у яқинда кардиолог бўлади-ку, а, Нур? – деди Наима опа Нурга қараб.

Нур тўсатдан бундай фикрга борган қайнонасининг гапидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди.

– Ойим тўғри гапиряптилар. Ундан кейин бемалол беморларни даволардик, янги даво чораларини ҳам кидирардик, тажрибамиз ҳам ошарди... – дея Нур қайнонасининг гапини қувватлаб, эрига қаради.

Сардор икки аёлнинг фикрига нима дейишини билмай қолди.

– Ахир бунинг учун жой керак, аппаратура керак... Булар учун эса маблағ керак, – деди Сардор ниҳоят.

– Жойни ижарага олса ҳам бўлар экан-ку! – деди Нур жонланиб. – Ана, Зиёда Тўхтамуродовна туман ҳокимиятидан ҳужжатларни тўғрилагач, ижарага жой кидирмоқчи.

Наима опа келинининг гапидан қанотланиб, “ха, тўғри”, деб маъқуллади.

Сардор кўлидаги пиёлани дастурхонга қўйди-да, жиддий тортди.

– Иккала хотин ўтирволиб, осмондан келманглар-да энди, – деди у онаси билан хотинига танбех бергандай. – Хўп, жой топдик ҳам дейлик. Бу жойга замонавий асбоб-ускуналар керак, биласизларми шуни? Буларсиз бемор кўриб, уни даволаб бўладими? Замонавий аппаратурасиз клиника клиника бўладими?

Нур индамай қолди. Наима опа бир оз ўйланиб турди-да, сўнг бирдан жонланиб деди:

– Чимёндаги дала-ҳовлимиз бор-ку, шуни сотсак-чи?

Сардор онасининг бу гапини эшитиб, ўйланиб қолди.

Нур палатасидаги беморларни кўриб келиб, шифокорлар хонасига келди. Энди беморларнинг касаллик тарихларини кўриб чиқаман, деб кўлидаги қоғозларни кўйиб, столи

каршисига ўтирмоқчи бўлган ҳам эдики, телефон жиринглаб қолди.

– Телефонга қараб юборинг. Нур Ҳайдаровна, – деди кардиология бўлими мудири ёзаётган қоғозидан бошини кўтармасдан.

Нур телефон гўшагини кўтарди. “Алло!” – дегач, жим бўлиб қолди.

– Нур, ўзингмисан? Тез тупа оласанми? – дерди Сардор телефон симининг у томонидан.

Нур телефон гўшагини ёпганича Зиёда Тўхтамуродовнага қаради.

– Сардор ака, мен ҳали ишдаман-ку, – деди у аста.

Зиёда Тўхтамуродовна қоғоздан бошини кўтариб, деди:

– Сардор Камоловичми?

Нур ўнғайсизланиб жавоб қайтарди:

– Ҳа, менда зарур ишлари бор экан, Зиёда Тўхтамуродовна.

– Майли, бора қолинг, биратўла эртага келақоларсиз, – деди Зиёда Тўхтамуродовна яна қоғозларини варақларкан.

Нур югуриб, зиналардан тушди, кўчага чиқди. Сутранг “Волга” шундоқ касалхона дарвозасига яқин жойда турарди. Афтидан, Сардор машина ичида ўтириб кутишга сабри чидамаган шекилли, уёқдан-буёққа юриб турарди.

Сардор Нурни кўриб, унга пешвоз юрди.

– Тез юра қолинг, хоним! – у шундай дея машина эшигини очди.

Нур ажабланиб, ўпка билан Сардорга қаради:

– Тинчликми, Сардор Камолович? Қаёққа?

– Борганда биласиз, – деди қиска қилиб Сардор.

Эрининг шундай одатларини яхши билган Нур ҳам одатича “Тавба”, деб қўйди.

Машина тўққиз қаватли иморат тагида тўхтади. Бинонинг биринчи қаватида дорихона, ателье, яна қандайдир маиший хизматларга оид муассасалар жойлашганди. Шундай бўлсада, бу қаватнинг ярми деярли бўш экан.

– Бўладими? – деди Сардор Нурга караб.

Нур Сардорнинг нимани назарда тутаётганига ҳали ҳам ақли етмаётган эди.

– Нимани айтаяпсиз? – деди Нур ҳеч нимага тушунолмаб.

– Шу ерни ижарага олсак бўладими деяпман, хоним, – деди Сардор дона-дона килиб.

Ҳа, демак, Сардор акаси хусусий шифохона очмоқчи! Нурга Сардорнинг сўзлари энди бориб етгандай бўлди, бирдан терисига сиғмай хурсанд бўлиб кетди:

– Вой, ойим эшитсалар, қанчалик хурсанд бўладилар!

Сардор хотинининг қувончига шерик бўлгандай, индамай кулиб турарди.

– Мана, туман ҳокимиятидан хужжатларни олдим, – деди Сардор машинага ўтирганларидан сўнг хусусий шифохона очишга берилган рухсатномани кўрсатиб. – Энди, хоним, терга ботиб ишлаш керак бўлади!

– Хўп бўлади, капитан, – деб кулди Нур. – Тўхтанг, нималар қилиниши ҳақида келишиб олмадик-ку.

Сардор ҳар сафар Нурнинг ёш боладай ҳаяжонланишидан завқланарди. Ҳозир ҳам хотинининг кўтаринки руҳдаги фикрларини эшитгиси келди:

– Қани, нималар қилиниши керак, деб ўйлайсиз, Нур хоним?

Нур эрининг гапидан руҳи кўтарилиб, жўшиб сўзлай кетди:

– Биринчидан, клиникамиз фақат хирургияга мўлжалланади...

Сардор кулиб, унга кўшимча қилди:

– Шу ерга тузатиш киритсам бўладими, Нур Ҳайдаровна? Бизнинг шифохонамиз клиника эмас, кўп йўналишларга эга поликлиника бўлади. Поликлиникада хирургия, травматология, терапия, невропатология, кардиология ихтисослари бўйича беморлар қабул қилинади.

– Уларга ташхис қўйилади ва тўғри маслаҳат берилади, – деб Сардорнинг гапини улаб кетди Нур.

– Фақат тўғри маслаҳат берибгина қолинмайди, тўғри даволанади, яна лаборатория хизмати ҳам йўлга қўйилади, – деди Сардор.

– Иккинчидан, бир кун, масалан, шанба куни беморларга бепул хизмат кўрсатилади. Талабалар, нафақачилар, кам таъминланган оилаларга чегирмалар қилинади.

– Биринчи, иккинчи гуруҳ ногиронларига бепул хизмат кўрсатилади, – деди Нурнинг гапини давом эттириб Сардор. – Аввал шу ер яхшилаб таъмирланади-да, кейин асбоб-ускуналар келтирилади.

Улар бараварига кулиб юбордилар.

27

Наима опа шу кунларда келинида бир ўзгариш пайдо бўлганлигини пайкаб қолди. Нур бугун ишдан келиб, одатдагидай қайнонасига юзланди.

– Нима овқат қилай, ойи? – деб сўради, кейин қайнонасининг фикрини кутиб ўтирмасдан, ўзи айтди: – Чучвара қилсам-чи?

Наима опа гўё бошка овқат қила қолинг, дейдигандай, келинининг бундай шошганидан ажабланди. Одатда Нур ўзича бирор овқат ҳақидаги таклифни киритмас, қайнонаси нимани айтса, ўша таомни пиширарди. Наима опа келинига зимдан разм солди. Худога шукур, шу кунларда келинининг иштаҳаси яхши. “Чучвара егиси келганмикин?” – деган ўй хаёлига келди унинг. Хаёлига келган ўйдан юраги орзиқиб кетди. У шу ўйда бирмунча вақт ўтказиб, ошхонага кириб келди.

Нур қайнонасини ошхонада кўриб, ҳайрон бўлиб қолди. Қайнонаси келинига ошхонани топшириб қўйганига анча бўлган эди. Нур қийма тайёрлаб бўлган, энди хамир ёймоқда эди. У ишдан тўхтаб, қайнонасига қаради.

– Нур, чучвара майда иш, тугишворай.

Наима опа шундай дея келинига разм солди. Келини худди тезроқ пишира қолай, дегандай, шундай шошиб хамир ёярдики... Бир пайт келини хамирни ҳам кесди. Қиймани олиб, тез-тез чучвара туга бошлади. Наима опа мийиғида

кулди-да, бир идиш олиб, у ҳам чучвара тугишни бошлади. У ер остидан келинига қаради. Нур чучварадан кўз узмас, худди санаётгандай, уларга қараб-қараб қўйганича тез-тез тугмоқда эди. Чучваралар лаганда бир катор бўлиб, саф тортди.

Наима опа ўрнидан турди-да, қозонга сув қуйди, туз солиб қайнатишга қўйди. Нур қайнонасининг ҳаракатларига бир қараб қўйди-да, ишини қилаверди. Қозонда сув қайнади, Наима опа тугилган чучвараларни олиб, қозонга солди. Буни кўриб, Нур хурсанд бўлиб кетди. Ҳозир келинининг хурсанд бўлганини кўриб, Наима опа ҳам тўлқинланиб кетди.

– Пишдимми, ойи? – деди Нур қозондан кўзини узмай.

Сўнгги кунларни айтмаса, табиатан тортинчоқ Нур ҳамон қайнонасининг олдида овқат ейишдан тортинарди. Келинининг шу одатини билган Наима опа унинг: “Пिशдимми?” – деб сўраганига кўнгли қандайдир ҳаяжонга тўлди. Ниҳоят чучвара пишди. Наима опа чучварани лаганга солди-да, келинига тутди:

– Олинг, енг, қизим.

Нур бир қайнонасига, бир чучварага қаради. У ҳайрон эди. Наима опа изоҳ бергандай, деди:

– Олинг, ёшсиз, еяверинг, ош бўлсин.

Нур қайнонасининг шундай дейишини кутиб тургандай, унга манзират ҳам қилмасдан, чучвара ейишга тушди. Наима опа келинининг худди биров қўлидан қошиқни тортиб оладигандай, шошиб, ютоқиб чучвара ейишига қараб туриб, ўз тахминидан янглишмаганлигига амин бўлди.

* * *

Наима опа ўғли билан келинига қараб, ўзича ичида куярди. Сардор ўғли ўзи кеч уйланди, кейин боласи нобуд бўлди. Она бу мавзуда келинидан бирор нима сўрашга истиҳола қиларди. Мана, бола нобуд бўлганига икки йилдан ошди, Наима опа келинидан бирор ўзгаришни сезмай ичида сиқиларди. У ўғли билан келинини ҳам ана шу савол қийнаётганлигини, уларнинг бахти кемтиклигини ўйлаб эзиларди. Она келинининг

хозирги холатини кўриб, жуда севиниб кетишга ҳам кўрқди. “Бўйида бўлгани рост бўлсин, илойим, – ичида Худодан тилади она. – Ҳа, ўзи ҳам Сардорга чучварага бошқоронғи бўлган эди. Ҳа, халигача эсида, раҳматли қайнонасининг пишириб беришини ҳам кутмай, чучварани хомлайин ютган эди. Ҳа, охиригача бергин, Худойим!”

Наима опа шундай ўйлар билан аранг тонг оттирди. Ишга келса, бир келинчак дугоналари билан шивир-шивир қиялпти. Шу пайт Наима опанинг қулоғига бир гап чалиниб қолди: “Наргиза, – яқинда турмушга чиққан кизни чақирди дугонаси. – Мана, сўраган тестингни олиб келдим”.

Наима опа қизларнинг ўзаро гапини эшитиб, худди ёмби топиб олгандай, қувониб кетди. Тунов кун аёллар шу ҳақда гапиришаётувди, хозир дорихоналарда хомиладорлик тести сотилаётганмиш, икки дақиқада аёлнинг бўйида бор ё йўқлигини аниқлаб берармиш! Ҳозир Наима опага айна керак нарса эди шу тест!

У шошиб, тўлқинланиб, келинчакни сўроққа тутди. Шу бугун, ҳа, шу бугунок хомиладорлик тестини келинига олиб боради, насиб бўлса, ўғли билан келинидан суюнчи олади!

Наима опа шундай ҳаяжонлар билан зўрға кунни кеч қилди.

Хайрият, уйга келса, келини уйда экан. Наима опа ҳали Нурни анча кутарман, деб ўйлаган эди. Нур қайнонасини ғалати ҳаяжонда кўриб, ажабланди. Чунки Наима опа табиатан анча вазмин, хис-ҳаяжонларини унча-мунча одамга кўрсатавермасди.

– Нур кизим, сизга бир нарса олиб келувдим, – деди гапни чўзиб ўтирмай ҳали кийимларини алмаштирмасданок Наима опа.

Нур қайнонасининг бу гапидан хайрон бўлиб қолди. Бир пайт қайнонаси унга хомиладорлик тестини бераркан, Нурнинг юзлари лов-лов ёнди. Ҳа, Нур ҳам ўзида бўлаётган ўзгаришларни пайқаган, лекин буни тагин хафа бўлиб қолмай, деб яхши нарсага йўйишга кўрқиб юрган эди.

Ойисини каранг! Демак, кайнонаси ҳам шу нарсани ўйлаб юраркан-да!

– Ойи, сиз каёқдан билдингиз? – деди аста Нур.

– Буни суриштирманг, қизим, бўла қолинг, – шоширди Наима опа. – Ичим қизиб кетяпти!

Ажойиб кайнонаси бор-да! Нур тестни қўлига олиб, ичкарига кириб кетди. То келини қаршисига чиқиб келгунча бир йил ўтди назарида.

Нихоят ичкаридан Нур чиқиб келди. Унинг тест ушлаган қўли титрар эди. Наима опа тушуниб, ўрнидан туриб кетди. Наҳотки, рост бўлса? Нур ўзини қўлга олди, қувонганидан кайнонасининг юзларидан ўпа кетди:

– Раҳмат, ойижон, минг раҳмат!

Қайнона-келин Сардорнинг келишини илҳак бўлиб кутдилар. Шу кунларда Сардорнинг бош қашишга вақти йўқ, буёқда ўз иши, буёқда таъмирлаш ишлари, буёқда шифохона учун асбоб-ускуналарни келтириш... Одатда Наима опа тун ярмигача ўтирмас, хонасига кириб кетар эди. Йўқ, бугун хонасига кетмади, ўғлини сабр билан кутди. Нур ҳам сабрсизлик билан уёқдан-буёққа юрарди. Наима опанинг бир нарсага кулгиси кистар эди: кап-катта хотин ёш боладай бу хабарни айнан шу бугун ўғлига айтиши шартдай, алламаҳалгача кутгани нимаси?

Нихоят, дарвоза қўнғироғи жиринглади. Иккала аёл бирданига сапчиб ўринларидан турдилар. Наима опа дарвоза томон югуриб кетаётган келинини аста койиди:

– Секинроқ, қизим, секинроқ...

Сардор ҳаяжонга тўлган, қувонган онаси билан хотинини кўриб, ҳайрон бўлиб қолди. Айниқса, шу маҳалгача ўтирган онасини кўриб, беихтиёр сўради:

– Ойи, нима бўлди. тинчликми?

Наима опанинг юзларига табассум ёйилди. Одатда вазмин, ҳар бир сўзини ўйлаб, шошилмасдан, осойишта айтадиган аёл бу сафар бундай қилмади, бесабрлик билан ўғлига деди:

– Сардоржон, суюнчи бер, суюнчи!

Нур уялиб, ерга қаради. Сардор ҳеч нимага тушунолмай, хайрат ичида бир онасига, бир хотинига қаради.

– Охиригача берган бўлсин...

Онанинг ҳаяжондан нафаси ичига тиқилаёзди, бирдан гапини тугатолмай қолди. Сардор ҳамон хайратда эди. Онаси ниҳоят ўзига келиб, гапни чўзиб ўтирмади:

– Ўғлим, хотининг хомиладор!

Бу гап Сардорга энди бориб етди. Ниҳоят, ҳеч кимга билдирмай кутганлари, азоб. изтироблари ниҳоясига етибди-да, Нурнинг бўйида бўлибди-да! У ўзини йўқотиб қўйди, шартта бориб, онасини даст кўтариб, айлантира кетди.

– Вой, болам, онангни нима қиласан, ана, хотинингга қара! – дерди она кулганича.

Нур бир чеккада эрининг шунчалик қувонганидан хаёланиб, кулиб турар эди.

* * *

Туғурук залини жарангдор “инга-инга” овозлари тутди. Нурнинг тепасида қўлида бола кўтарган докторнинг очик чеҳраси пайдо бўлди. Докторнинг қўлидаги сочлари коп-қора, дўмбоқ бола бу ёруғ дунёга келганлигини росмана овоза қилиб, айюҳаннос кўтариб йиғлар эди. Доктор қўлидаги болани чапдаст баланд кўтарди:

– Ўғил! Ўғил туғилди!

Нур чинқириб йиғлаётган гўдакка қараб туриб, кўзларидан беихтиёр ёшлар окди. Бу ниҳоят бола, соғлом ўғилни дунёга келтирганлиги сабабли тўкилган севинч кўз ёшлари эди.

Туғурукхона биноси тагида илҳақ бўлиб кутган Сардорнинг ҳолатини қандай ифодалаш мумкин? Бир пайт унга ўғил кўрдингиз, бола соғлом, ўзиям нақ пахлавон, 3 килою 800 грамм туғилди, дея хабар қилишди. У ўзини йўқотиб қўяёзди. Албатта, унинг ҳозирги ҳолатини шоирнинг мана шу сатрлари орқали жуда яхши ҳис қилиш мумкин:

Мана, қандай экан оталик бахти,
Турибман гулларим билан панада.
Бир маҳалла бўлғуси математиклар,
Олимлар чинкирар туғрукхонада¹.

Бугун Нурнинг палатаси гулларга кўмилди. Нур учинчи кават деразасидан қараркан, кўзи бахтиёр Сардорга тушди. У ҳамон туғурукхонадан кетгиси келмас, Нур билан ўғлини ташлаб кетишга кўзи қиймасди.

Нур деразани очиб, унга қичқириб деди:

– Ойимга айтдингизми?

Сардор илжайганича бошини сарак-сарак килди.

Нур эрининг бу ҳолатидан кулгиси келди:

– Уйга бораверинг...

Сардор оркасига қарай-қарай, уйга равона бўлди.

Уйда онаси бесаранжом юрарди. Наима опа ўғлини кўриб, унинг кувончли хабар келтирганини тушунди. Сардор савол беришга оғиз жуфтлаган онасидан дарҳол суюнчи олди:

– Ўғил, ўғил бўлди!

Она шошиб қолди, кейин узундан-узок дуо килди. Сўнг шундай деди:

– Агар сизларга маъқул бўлса, исмини Дилшод кўйсак. Худойим бизни шодликларга етказгани рост бўлсин, энди хамиша ҳаётимизда хурсандчилик, шодлик бўлсин...

Нур туғурукхонада қандай кун ботганини, кеч кирганини ҳам билмай қолди. Соат неча бўлганини билмайди, тун ярмида: “Нур! Нур!” – деган овозларни эшитиб, деразадан ташқарига қаради. Қараса, пастда Сардор яқин икки дўсти билан турарди. Нур Сардорнинг дўстларини яхши билади: улар ҳам докторлар. Учаловининг кўлида биттадан гулдаста. Улар қўлларидаги гулдастани силкитганларича Нурга бакирмоқда, уни ўғил билан қутламоқда эдилар.

¹ Мухаммад Юсуфнинг “Туғрукхонада” шеърдан.

Нур дарров нима гаплигига тушунди. Афтидан, эри дўстларига ўгил кўргани шарафига зиёфат берган, кейин учалови Нурни табриклагани туғурукхона томон жўнаган.

– Нур, Дилшод қалай? – хуррам овозда сўради Сардор.

Дастлаб Нур қандай Дилшод, Сардор ака кимни гапиряптилар, дея таажжубланди. Кейин ўйланиб, топди: демак, ўглининг исмини Дилшод деб кўйишибди-да. Бирдан кўкси иликликка тўлди.

– Дилшод қатта, азамат йигит бўлсин!

– Ҳа, шундай, Дилшод бобосидай, отасидай ажойиб инсон бўлсин!

Бу сўзлардан, ўглига билдирилган тилаклардан Нурнинг боши кўкка етди.

28

Ҳурматли китобхон! Шу ўринда сизни қиссамизнинг биринчи қисмида фаол иштирок этган Элбек, Санобар ая ва Ғиёс акалар нега кўринмаяпти, улар Нурнинг ҳаёти ҳақида бохабармикин, деган савол кизиктириши табиий.

Ёз кунларининг бири эди. Санобар ая билан Ғиёс ака шахарга отландилар. “Бир ўзимиз бориб, болаларни кўриб келайлик, нима дейсан?” – дея Санобар аяга юзланди Ғиёс ака. Санобар ая эрининг бу таклифидан хурсанд бўлиб кетди. Ўзиям болалари, невараларини жуда соғинган, неча кундирки, улар кўз олдидан кетмаётган эди.

Тонгги салқинда шахарга етиб ола қолайлик, деб йўлга тушган эр-хотин энди кўчага чиққан эдилар ҳамки, олдиларига яп-янги “Нексия” машинаси келиб тўхтади. Бир пайт машинадан Ҳайдар ака тушиб келди. Ҳайдар ака кўшнилари билан сўрашаркан, уларни саволга тутди:

– Йўл бўлсин, эрталабдан қаерга отландинглар?

– Шу, шахарга. Болалардан бир хабар олайлик, дегандик, – деб жавоб берди Ғиёс ака.

Бу гапни эшитиб, Ҳайдар ака чин кўнгилдан уларни машинага таклиф қилди:

– Ундай бўлса, чикинглар машинага, йўлимиз бир экан. Бир иш билан туман марказига кетаётувдим.

Ғиёс ака негадир хижолат тортиб, деди:

– Йўк, кўяверинг, кўшни. Чол-кампир гаплашиб, секин етволамиз.

Ҳайдар ака Ғиёс аканинг гапига унамай туриб олди. Санобар ая бир чеккада индамай эркакларнинг гапига кулок солиб турар эди. Ҳайдар ака машинага ўтиринглар, деб туриб олгач, Ғиёс ака, ўтирайликми, дегандай, хотинига қаради. Санобар ая индамай машина томон юрди. Ғиёс ака хотинининг машинага яқинлашганини кўриб, у ҳам машинага чиқди.

– Ассалому алайкум, – бир маҳал машинада ўтирган бири ўн-ўн икки ёшлардаги, иккинчиси саккиз-тўккиз ёшлардаги ўғил болалар уларга бараварига салом бердилар.

Санобар ая беихтиёр орқада ўтирган, сурилиб, унга жой бўшатган соғлом, ёқимтой болалардан кўзларини узолмай қолди. Болаларнинг иккиси ҳам Санобар аяга олис йилларни, Нур исмли гўзал кўшни кизни эслатиб юборган эди. Санобар ая бирдан юраги қалқиб кетганини ҳис қилди. Ҳа, бу болаларнинг қаерларидир, серкиприк катта-катта куралай кўзлари, тиник юзлари, бежирим лаблари ўша кизга ўхшаб кетар эди.

– Ҳа, булар невараларим. Атаманлар ёз таътилини қишлоқда ўтказди. Яна бигтаси бор, боғчага боради, омон бўлгур жудаям шўх, – деди Ҳайдар ака жилмайиб. Унинг овозида боболик меҳри, невараларидан фахрланиш оҳанглари сезилди.

– Униси киздир? – деб сўради Ғиёс ака самимий.

– Йўк, уям ўғил, – деди Ҳайдар ака фахр билан. – Учалови ҳам ўғил.

Хаёл беихтиёр Санобар аяни олисларга етаклаб кетди. Қара-я, орадан ўн беш йиллар чамаси вақт ўтибди-ю, бари ўтган воқеалар кунни кеча содир бўлгандай ёдида турибди. Негадир кўз олдига Элбекнинг ёлғиз кизи Нур келди. Бу қизнинг кўзлари манави болаларники сингари бахтиёрлик-

дан чакнаб турмайди. Санобар ая бунинг сабабини билади. Элбек ўглини-чи, уни уйлантирибдики, кўзлари мунгли, ўзи тунд, хамиша хомуш. Шу сабабдандир Санобар ая кенжа ўглиникида кўп тургиси келмайди. У Элбек ўглининг бундай кувончсиз ҳаётини, бахтсизлигини кўргиси келмайди. Она тўнғич ўглиникида яйраб туради, Улуғбекнинг болаларининг самимий ўйин-кулгилари, ўғли билан келинининг ўзаро илиқ муомаласидан ҳордиғи чиқади. Элбек ўглиникида-чи... Элбек билан Саиданинг муносабати худди илимилиқ, ланж ошга ўхшайди. Элбек билан Саиданинг ягона кизи-чи, у ҳам маъюс. Уларникида турган одам сикилиб ўлади. Элбекдан бирор гап сўрасанг. “ҳа”, “билмадим”, “кайдам”, деган жавобдан нарига ўтмайди. Ўзи қачон Элбек ўглини бахтли кўрганини она эслолмайди ҳам.

Ҳа, шу кишлоқда Элбек бахтиёр эди. Бўлиб ўтган воқеаларнинг бари эсида. Шу пайт кулоклари остида Элбекнинг овози жаранглаб кетди: “Ойи, мени бахтсиз қилишни ният қилганмидингиз? Табриклайман, ниятингизга етдингиз”. Аҳмоқ хотин, шу гапдан кейин ҳам эсини йигиб олмаганини қаранг! Ўз фарзандининг бахтини ўйлаган она ҳеч замонда шундай қиладими? У бўлса, югура солиб, худди Нур деган киз этагига ёпишиб, ўғлига тегиб оладигандай, Элбек кўнди-чи, кўнди, деб даранг-дурунг қилиб, тўй бошлаб юборибди! Ахир ўшанда Элбек ўз тили билан захарҳанда қилиб: “... мени бахтсиз қилишни ният қилганмидингиз...” деди-я! Ўз қўллари билан ўглининг умрини хазон қилди. Кўра-била туриб, ўз фарзандини бахтсиз қилган онани нима қилса бўлади? Шундай оналарга қандай жазо бор экан? Ахир Улуғбек ўғли ҳам айтувди-я аччиқ билан: “...менга деса орзу-ҳавас ичида чўмилмайсизми”, деб... Шундан кейин ҳам эсини йигиб олмаган оналарга нима деса бўлади, уларнинг ишларига қандай изоҳ бериб, уларнинг қилмишларини қандай оқласа бўлади? Ана, орзу-ҳавас ҳам кўрдинг, Санобар, деди ичида, шу билан ўғлинг бахтли бўлиб қолдими? Орзу-ҳавасга кўмилган кунларинг ёккан қордай эриб, ўтди-кетди.

Орада сенинг тўртта хотин ичида қозонаман деган обрў-эътиборинг, орзу-ҳавасинг, деб бечора ўглинг қурбон бўлди!

У шу он ўзини қўярга жой топмади. “Онанинг ўлсин, болам, сени шундай бахтсиз қилган...” Унинг ич-ичдан алами келди.

Ҳа, бир марта Нурни анча йиллар илгари кўрган эди. Эсида, Санобар ая йўлдан ўтиб кета туриб, қизга кўзи тушган эди. Ўшанда Нур ёнида эри бўлса керак, баланд бўйли, хушрўй йигит билан очиш “Волга” машинасидан тушиб, Зебинисо опаларникига кириб кетди. Кўринишдан Нур бахтиёр эди. Афтидан, Нур ҳомиладор бўлса керак, Санобар аяга шундай кўринган эди. Яна бир марта, бундан бир-икки йил илгари қишда Нурни яна бир марта кўрди. Тўсатдан кўчада кўзи қора “Нексия” машинасини ҳайдаб келаётган гўзал жувонга тушди. Санобар ая ўз кўзларига ишонмади. У кузатиб турди, бир маҳал қора “Нексия” машинаси тўғри Ҳайдар аканинг уйи олдида тўхтади. Машинадан бир-биридан суюмли, ёқимтой уч бола тушиб келди. Болалар ердан қор олдилар-да, бир-бирларига отиб, ўйнашдилар. Нур ҳам машинадан тушди-да, жўжаларини етаклаган она товук сингари болаларини олдига солганича уйга кириб кетди.

– Невараларим жуда сергайрат, меҳнаткаш-да, буваси, улар ҳар ёз таътилида менга ёрдам беради, қарашади. – деди Ҳайдар ака фахр билан Ғиёс акага қараб.

– Ҳа, меҳнат қилган кам бўлмайди, – деди Ғиёс ака Ҳайдар аканинг гапини маъқуллаб.

Уларнинг гаплари Санобар аяни гўё уйқудан уйғотиб юборгандай бўлди. Шунча пайтдан бери жим ўтирган Санобар ая энди ҳушига келгандай бўлиб, Ҳайдар акадан сўради:

– Зебинисо опам яхши юрибдиларми? Анчадан буён кўришмадик...

Ҳайдар ака йўлдан кўзларини олиб, орқа ўриндикда ўтирган Санобар аяга ўгирилиб қаради.

– Худога шуқур, яхши. Авваллари у оёқ оғриғидан кўп шикоят қиларди, ҳозир дуруст, – деб жавоб берди Ҳайдар

ака. – Тўрт йил илгари барака топкур куёвимиз ҳамма касаллик шамоллаш, захдан келиб чиқади, деб турган уйимизни таг-туғи билан бузиб, янги иморат солиб берди. Ҳозир уйимиз ҳашаматли бўлмаса ҳам шаҳардаги уйлардан кам эмас. Ҳамма шароитлари бор.

– Жуда маъқул иш бўпти-да! – деди Ҳайдар аканинг ёнида ўтирган Ғиёс ака. – Яхши куёв учрагани – яхши ўғил топганинг, ёмон куёв учрагани – кизингни йўқотганинг, деган гапни бекор айтишмаган ахир.

Ҳайдар ака кўшнисининг гапларини бош ирғаб, маъқуллаб деди:

– Худога шукур, қизимизнинг бахти бор экан. Куёвимизнинг ўзи зўр дўхтир, кизимизга ҳам, бизга ҳам жуда меҳрибон. Бизни ўз ота-онасидай ҳурмат қилади.

Орага бир оз жимлик чўқди.

– Фермада ишлар қандай кетяпти, Ҳайдар ака? – деб сўради жимликни бузиб Ғиёс ака.

– Худога шукур, ёмон эмас, – деди Ҳайдар ака. – Шу ферма кишлоғимиздаги ўн-ўн беш хонадоннинг иқтисодини кўтариб турибди. Эшитгандирсиз, ўтган йили тушган фойдадан кишлок кўчаларини текислаб, асфальтладик, симёғоч қўйиб, чирок ўтказдик.

Ғиёс ака бу гапдан хабарим бор, дегандай бош ирғади. Кейин бир оз жимликдан сўнг Ҳайдар акадан сўради:

– Жуда савоб ишлар қияпсизлар, эшитдим. Марказга нима учун кетяпсиз?

– Ишлар кўп, биродар, фермани кенгайтириш ниятимиз йўқ эмас. Кейин кишлоғимизга битта болалар боғчаси ҳам қурдирсак дегандик. Энди биз ҳам қариб қолдик, ҳамкишлоқларимизга эсдалик бўлиб қолармикин, дейман-да.

– Худо қувват берсин, – дея тилак билдирди Ғиёс ака. – Ҳайдар ака, бу куёвингизни доктор дедингиз. Ёки у ҳам тадбиркор бўлиб кетганми? – эри ҳозир Ҳайдар акага шундай савол бериб, Санобар аянинг аини кўнглидаги, уни қизиқтирган гапни айтган эди.

Хайдар ака қўшнисининг бу гапига кулди-да, жўшиб жавоб берди:

– Униси ҳам, буниси ҳам десам тўғри бўлади. Хуку-матимизга раҳмат, мустақилликка эришганимиздан кейин юрагида ўти бор, ҳар соҳада ишлайман деган кишиларга, тадбиркорликка кенг йўл очиб берди. Куёвим ҳам дўхтир, ҳам хусусий шифохона раҳбари.

Нур кечки пайт ишдан қайта туриб, ўғлини боғчадан олди. Сўнг машинасига ўтириб, уйлар орасидаги тор кўчалардан чиқиб, шоҳкўча томон зувиллаб елаётган машиналар оқимига қўшилиб олди. Қараса, шоҳкўчада машиналар жуда кўп, шунинг учун тезликни пасайтирди. У бозор яқинидаги кўприқдан ўтиб олгач, муюлишдаги светофор ёнида тўхтаб, саф тортган машиналар билан изма-из тўхтади. Халқ ишдан, ўқишдан уйга қайтадиган маҳали, тигиз пайт эмасми, йўл тирбанд эди. Саф тортган машиналарнинг очик деразаларидан минг турли мусиқа садолари кулоққа чалинади. Шу пайт шундок Нурнинг машинаси ёнига оқиш “Жигули” машинаси келиб тўхтади. Бу машина жуда таниш эди. Нур беихтиёр машина ҳайдовчисига кўз қирини ташлади. Ҳа, тирсагини машина деразасига қўйиб ўтирган ҳайдовчи Нурнинг кўзига жуда таниш кўринди. Ҳа, Нур машина ҳайдовчисини таниди. У – Элбек эди. Нур беихтиёр Элбекка қараб қолди. Ҳозирги Элбек Нур сўнгги марта бундан ўн беш йил илгари Тиббиёт институти ҳовлисида кўрган Элбекка сира ўхшамас эди. Унинг юзлари қорайиб, озган, пешонаси тепасидаги сочлари сийраклашган, ўзи маъюс кўринарди. Шу пайт Нурнинг хаёлини ёнидаги ўғлининг овози бўлди.

– Ойижон, дадам дам олиш кунни сени акаларинг билан балиқ овига бирга олиб бораман, девдилар. Эсларидан чиқмаганмикин, эртага якшанба-ку! – деди ўғли ховликиб.

– Ўғлим, билмайсанми, даданг доим ўз ваъдасида турадилар. Олиб бораман, дедиларми. албатта, олиб борадилар.

Шу пайт “Жигули” машинаси ҳайдовчисининг ҳам кўзи дабдурустдан шундок ёнгинасида турган қора ранг “Нексия” машинасига тушди. Ҳайдовчи бирдан хушёр тортди, қаддини ростлади, кўзлари катта-катта очилди, юзига ҳайрат ифодаси қалқди.

Нурнинг кўзлари чакнар, ғунчадай лаблари жилмайиб, ёнида ўтирган ўғлига алланималарни сўйламоқда эди. Светофорнинг сариқ чироғи ёнди, машиналар ҳам секин-аста жойларидан жилди. Бир маҳал Нур шунчаки “Жигули” машинасига қаради. Шунда иккисининг нигоҳи бир-бири билан тўқнашди. Элбек Нурнинг чакнаб турган шахло кўзларидан: “Элбек, сенга ўхшаш кўрқоқ, журъатсиз йигит билан сенинг онангдай худбинлик касалига йўлиқиб, дунёда олижаноб туйғулар, юксак муҳаббатни ҳис қилмай, ғафлатда ўтаётган, бошқалар тугул, ҳатто ўз фарзандининг тақдири ҳам бир чақа бўлган инсонлар билан тақдир йўлимни бирлаштирмагани учун Яратганга шукурлар қиламан”, деган маънони англади. Шу пайт бирдан Нур нигоҳини ундан олди, машинаси газини босди.

Қора “Нексия” жойидан жилиб, елиб кетди.

Нурнинг машинаси аллақачон ўтиб кетган бўлса-да, Элбек ўтирган жойида қотиб қолди. Бир оздан сўнг теваарак-атрофни: “Йўлни бўшат!”, “Юрсанг, юрмайсанми?” – дея орқа томондан тинимсиз сигнал чалаётган машиналар овози тутди. Ана шу сигналлар овози Элбекни ҳушига келтирди, машинасини четга олишга мажбур бўлди.

29

Сардор ўйга толди. Ана шу келаётган якшанба Нурнинг туғилган куни. Нурга нима совға қилсам экан, деб унинг боши қотди. Бирор тилла тақинчок олай деса, хотинининг зеб-зийнатга унчалик ҳуши йўқ.

Сардор бугун шошиб, бир иш билан кундузи уйга келса, онаси билан ўртанча ўғлини ховлида кўрди. У ажабланиб қолди. Буви билан неварга ховлидаги сўрида ўтирганларича берилиб варрак ясамоқда эдилар. Онаси ҳам қизик, ёш

бола нима деса шуни қилиб ўтирадилар. Улар шунчалик ишга шўнғиб кетган эдиларки, хатто Сардорнинг келиб қолганлигини ҳам сезмадилар.

– Ҳорманглар!

Сардорнинг овозини эшитиб, ойиси билан ўгли “ялт” этиб унга қарадилар. Ўгли дабдурустдан отасини тепасида кўриб, дарров салом берди.

– Шамшод, дарсдан куён бўлдингми? – деди Сардор ўглига танбех бериб.

– Йўк, дада. Ўзи бугун дарслар эрта тугади, – деди ўгли ерга қараб.

Наима опа варракдан бошини кўтариб, Сардорга қаради.

– Эртага Шамшодларнинг мактабида варрак учирешдан мусобака бўлар экан. Шунга варрак ясаётувдик, – деди ойиси ўглига изоҳ бериб. Сардор хайрон бўлиб қолди. У дунёда ҳар хил, турфа мусобақаларни эшитган эди-ю, лекин варрак учиреш мусобақасини эшитмаган экан. – Варрак учиреш мусобақаси? Шунақаси ҳам бўлар эканми? – деди у хайрон қолганини яширмасдан.

Онаси куя-пиша Сардорга тушунтира кетди:

– Нега хайрон бўласан, Сардор? Ўзинг ҳам кўкламда роса варрак учирардинг-ку ўртоқларинг билан? Энди варрак учирешни ким ўзари бўлади-да. Эсингдами, Чимёнга дала-ҳовлимизга чиққанимизда-чи? Менинг варрагим баланд учди, деб роса суюнгансан...

Беихтиёр Сардорнинг ёдига кўклам чоғи дўстлари билан томма-том ошиб, варрак учирганлари келди. Тўсатдан болалик хотиралари кўзғалиб, уйга нима иш билан келганини бир дам унутди. Варрак учиреш, баландликка парвоз этиш завқини дунёда ҳеч нимага тенглаштириб бўлмаса керак. Чимёнда-чи, худди варраги тоғ чўкқилари билан тенглашгудай учган эди.

– Эртага Шамшодим биринчи ўринни олсин, деб ўзим яшашворяпман-да, – деди Наима опа неварасини кўллагандай.

Ойисининг бу гапи Сардорни хушига келтиргандай бўлди.

– Шамшод, эртага биринчи ўринни олмасанг кўрасан! – деди у бармоғи билан ўглига ёлғондакам пўписа қилиб.

Шамшод хўп, дегандай, ерга караб, бошини ирғади.

Онаси билан ўглининг варрак яшашлари баҳона Сардорнинг хаёлидан юксакларга парвоз этиш завки, ўша Чимёндаги чорбоғда варрак учирганлари кетмай қолди. Онаси Чимёндаги чорбоғни тез-тез тилга олиб турар. шу аснода беихтиёр дадасининг номи ҳам зикр этиларди. Шундай пайтлар онаси хаёлга чўмар, гўёки ўша тотли ёшлик дамларига қайтгандай бўлар, бир гапни такрор-такрор айтар эди:

– Ҳа, Чимёндаги дала-ҳовлини ўттиз ёшга тўлган куним даданг совға қилганлар...

Сардор ҳозир ҳам онасининг шу гапини эслади. Эслади-ю, бир нарса ёдига келгандай, ўрнидан сапчиб турди.

У бир қарорга келган эди.

Сардор ҳозир ўйлаб ҳам ўтирмай тўғри тоққа йўл олди. “Дала-ҳовлининг ҳозирги эгалари зора сотишса...” Юрагида шу умид билан машина газини босди. “Балки эгаларини кўндираман. Жуда кўнмаса, ўша атрофда сотиладиган бирортаси чиқиб қолар...” У хаёлида минг хил ўй билан Чимёнга чиқиб борди. Ҳа, бундан неча йиллар илгари янги иш лойиҳасини амалга ошириш учун асқотган, дастлаб дадасидан онасига совға қилинган, оилаларининг бетакрор тотли дамларига ошиён бўлган шу чорбоғни қани эди у ҳозир сотиб олса! Бу чорбоғ ширин, ортга қайтмас болалик хотираларию унинг Нурга бўлган пок туйғуларига гувоҳ бўлган. Кўклам чоғлари бу ерда варрак учирган унутилмас болалик дамлари, кейин шу тоғдаги чашма сувидай навкирон йигитлигининг қайнок ва тоза кўнгил туйғулари унинг ёдига келиб, беихтиёр кулимсиради.

Бир маҳал шундоқ ёнидаги ўриндикқа ташлаб қўйган мобил телефони жиринглаб қолди. У телефонни бир қўли билан олиб қаради: Нур экан.

– Қаердасиз, кечки овқатга келасизми? – сўроқларди телефонда Нур.

Яхшиям Нурнинг ўзи қўнғирок қилиб колгани, бўлмаса хавотир олиб ўтирарди! Сардор доим таваккалига иш қилади. Калласига бирор ўй келиб қолдими, эрининг бир огиз айтмасдан қўнгли етаклаган томонга равона бўлишини хотини яхши билиб олганлигидан ҳамиша ўзи қўнғирок қилиб, сўроқлаб туради. Бу Нурнинг кундалик одатлари сирасига кириб колган.

– Йўқ, ишим кўп, боролмайман. Ўзинглар еяверинглар, – у шундай дея телефон тугмасини босиб қўйди.

Сардор шу дам Нурнинг ҳолатини кўз олдига келтирди: у телефонга қараб туриб, “Тавба”, деб қўйгандир одатдагидай.

Ниҳоят Сардор ўзларининг собиқ чорбоғларига етиб келди. У чорбокка кираркан, кўзларига ишонмади. Деворга оқ бўёқда катта-катта ҳарфлар билан: “Сотилади”, деб ёзиб қўйилган эди. У хурсанд бўлиб кетганидан кетма-кет дарвоза қўнғироғини босди. Бузилган шекилли, қўнғирок тугмасидан садо чикмади. Кейин дарвозани каттиқ такиллата бошлади. Бир пайт ичкаридан майда қадам товушлари, сўнг бир боланинг: “Ҳозир”, деган овози эшитилди. Сардорнинг назарида бола келиб, дарвозани очгунча олам-жаҳон вақт ўтганга ўхшади. Ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги ўсмир бола дарвозани очаркан, Сардорни кўриб, унча хайрон бўлмади. Афтидан, у кун ора келиб-кетаётган харидорларга ўрганиб колган шекилли, дарров Сардорни ичкарига таклиф килди.

Сардор уёқ-буёқка караганча ҳовлига кирди. Ҳовли кўзига ўзлари турган пайтдагидан файзсиз, хароб кўринди. Чорбокка яхши қаралмагани буталмаган дарахтлар, нураган деворлардан ҳам сезилиб турарди. Ҳовли дарахтлар шох-шаббаларига тўла, ивирсиган эди.

– Ҳозир бувамни чақираман! – бола шундай дея уйга кириб кетди.

Бир оздан сўнг уйдан ориккина, узун бўйли, чўккисокол қария чиқиб келди. Сардор қария билан сўрашаркан, чол унга: “Ҳизмат?” – дегандай савол назари билан тикилди.

Сардор дархол мақсадга ўтди.

– Ундай бўлса, кани, ичкарига кирайлик, – чол Сардорни уйга таклиф этди.

Чол Сардорни уйга таклиф этаркан, ўзи олдинга тушиб, йўл бошлади. Сардорнинг кўзига бу қария қайғу-ғам қаддини букиб қўйгандек, паришон кўринди. Чол худди бу дунёда омонат тургандек, узун-киска қадам ташларди. Шу пайт Сардорнинг кўзи ҳовлидаги нок дарахти тагига қўйилган стол-стулга тушди.

– Шу ерга ўтириб гаплаша қолайлик, – деди Сардор тўхтаб.

Қария Сардордан хижолат тортди.

– Уйга кира қолайлик. Қаранг, бу ерлар ифлос бўлиб ётибди, – деди чол бир нуқтага тикилганча. – Мен ҳам бу ерга кеча шомдан кейин келдим, ҳали ҳеч қаерга қарашга улгурмадим. Шаҳарда эдим, кеча қизимни ерга қўйганимга уч кун бўлди. Уч кунгача ўша ерда қолиб кетдим.

Сардор қариянинг сўзларида чексиз ғам-андухни сезди. У дастлаб кўнглига келган фикр тўғри чикканлигига ажабланмай, беихтиёр чолнинг дардига хайрихоҳ бўлди.

– Бандалик, отахон, таъзиямни қабул қилинг.

– Такдир экан-да, бандасининг қўлидан оҳ-воҳдан бошқа ҳеч нарса келмас экан.

Сардорнинг хаёлига бугун бемаврид келибман-да, деган ўй келди, ҳозир негадир ўзини ноқулай ҳис этди. Қария Сардорнинг хижолат бўлаётганлигини пайқаб, орадаги хижолатпазликни тарқатиш учун деди:

– Узоқдан келганга ўхшайсиз, зарур гапингиз бўлса, айтаверинг. Қани, ичкарига юринг.

Сардор чолнинг ичкарига қанчалик таклиф қилишига қарамасдан, кўнмай, ҳовлидаги курсига ўтирди. Дарвозани очган бояги бола бир зумда стол устига дастурхон ёзди, чой олиб келди.

– Бу бола ўша раҳматли қизимнинг ўғли. – деди чол хўрсинганича. – Қизим бу жойларни жуда яхши кўрар эди.

Сардор нима дейишини билмасдан ўзича чолни юпатган бўлди:

– Қизингиз ўтган бўлсалар ҳам мана, зурриётлари бор экан. Энди Худо шуларнинг умрини узун қилсин.

Сардор ғам қаддини букиб қўйган қарияга қараб туриб, қайғуси шу қадар зўрлигини, унинг бирор қимса билан гаплашгиси, қимгадир дардини ёргиси келаётганини пайқайди. У шу дам қариянинг дардига ҳамдард бўлгиси келди. Шу сабабли Сардор чолнинг гапларига чин кўнгилдан қулоқ тутди.

– Айтганингиз келсин, – деди чол. – Мен ҳам ўзимни ўзим шундай деб юпатаман. Ўзимга-ўзим бу тақдир, қизимнинг пешонасига шундай кунлар ёзилган экан-да, дейману, барибир баъзида чидамай кетаман. Ох, фарзанд доғи... фарзанд доғини ҳеч қимнинг бошига солмасин. Ахир ҳали қизим ёш, ҳали яшаса бўларди. Қизим бизни армонда қолдириб кетди...

Чол гапини тугатолмай, бирдан хўнграб йиғлаб юборди. Сардор нима қилишини, чолга қандай тасалли беришини билмай, шошиб қолди. Орага ўнғайсиз сукут чўкди. Сардор ҳозир ана шу сукутни бузмокчи бўлиб, дабдурустдан кўнглига келган гапни айтиб юборди.

– Қизингиз неча ёшда эдилар? – Сардор чолдан шундай деб сўраркан, бу саволи ўзига ноўрин туюлди-ю, бирдан ўнғайсиз ҳолга тушди.

– Эҳ ўғлим, фарзандинг хоҳ гўдак бўлсин, хоҳ ўттиз-қирк ёшда бўлсин, ота-она учун у барибир болалигича қолаверади. Қизим эндигина қирк баҳорни кўрган эди. У жуда меҳрибон, хушмуомала эди. Боёкишнинг айби оиласи, фарзандларига керагидан ортик меҳр бергани бўлди. Ўзи бўлса, умрининг сўнгги дақиқаларигача меҳрга зор бўлиб ўтди...

Сардор ғам-мусибатдан ўзини ўнглолмаётган бу қарияга қараб туриб, бу ерга нима мақсадда келганини ҳам унутди. Кўнглига келган гапни сўрашга оғиз жуфтлади-ю, айтолмади. Чол Сардорга қараб туриб, унинг фикрини уккандай деди:

– Қизингиз бетобмиди, демокчимисиз, шундайми? Бешта фарзандимнинг орасида энг соғлом, энг эпчили шу қизим эди. Лекин сўнгги пайтларда тез-тез толикадиган бўлиб

колган эди. Мен буни сезмабман ҳам. Ўзи бир кун шундай деб қолди: дада, арзимаган иш қилсам ҳам чарчаб қоладиган бўлиб қолдим. Қариб қоляпман шекилли, деганди ушанда кулиб. Хом сут эмган бандамиз-да, нега ушанда унинг кўлидан ушлаб, дўхтирга олиб бормадим, деб ҳозир армон қиляпман. Дўхтирлар, агар бир ой олдин олиб келганларингда ҳам умрларини беш-ўн йилга узайтириш мумкин эди, энди иложи йўқ, дейишди. Мен эсам уни дўхтирга олиб бориш ўрнига, кизим чарчаяпман деса, уни койибман-а. Ўзингни сира ўйламайсан, десам, кизим бу гапимга парво ҳам қилмасди. “Отажон, қани мен ҳам бошқа аёллар сингари фарзандларимга ширин-ширин таомлар пишириб, уйимда ўтирсам. Мен ҳам эримнинг топганини пишириб-куйдириб ўтиргим келади, аммо нима қилай, куёвингиз ишламасалар... Отажон, кўриб турибсиз, ўғлимнинг ўқиши, кийим-кечаги, рўзгор, борди-келди... ўзи бўладими? Мен ишламасам, рўзгор нима бўлади”, дерди.

Сардорнинг ҳозир кўнглига бир гап келди. Бу гапни чолдан яширолмади.

– Куёвингиз ногиронмилар?

– Йўқ, у ногирон эмас, намозхон, – деб жавоб берди истеҳзо билан чол.

– Намозхон? – ҳайрон бўлиб сўради Сардор.

– Ҳа, шундай. Ана шу намозхон куёвимизнинг фикрича, уйда Худо деб ўтираверишинг керак экан. Бандасини яратиб қўйган Оллоҳ ризқини ҳам ўзи етказаркан. Ҳа, ўғлим, менинг куёвимга ўхшаган ҳеч қаерда ишламай, текинтомок бўлиб, уйда ўтирадиган намозхонлар ҳам бўлар экан...

Сардор яна беихтиёр чолга кизиктирган саволни беришдан ўзини тия олмади:

– Отахон, сўраганнинг айби йўқ, кизингиз қандай касал билан ўтдилар? Чол Сардорнинг саволига жавоб бермасдан чуқур хўрсинди. Бир оз тин олди-да, сўнг деди:

– Шўрлик кизим бепарволик, меҳр танқислиги касалидан кетди. Шундай касаллик ҳақида эшитганмисиз?

Чол бошини кўтариб, Сардорга қаради. Унинг овози титради. Сардор қариянинг аранг кўз ёшларини тутиб турганини сезди. Орага чуқур сукут чўкди. Ниҳоят чол сукутни бузди. Унинг дардлари дарё бўлди.

– Қизим боёкиш аёл боши билан унча-мунча эркак қила олмайдиган ишларни қилди, эл орасида манаман деган эркак кишилар топмаган обрў-эътибор, давлатни топди. Ҳаётининг сўнгги дамларигача оилам, бола-чакам, деб яшади. Худди ёниб турган шамга урган парвонадек, ўзини ҳаммаёкка урди, ҳали ўзи очган хотин-қизларга хунар ўргатиш фирмасига, ҳали мактабдаги дарсларига югурди. Эҳ-хе, қизимнинг қилмаган иши қолмади. Асли у университетнинг ҳуқуқшунослик факультетини аъло баҳоларга битирган ҳуқуқшунос эди. Турмушга чиккунича ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишлади. Турмушга чикқанидан кейин оила, бирмунча вақт болалар тарбияси билан ўралашиб қолди. У пайтлар куёвим ишлар, қизим жуда бахтли эди. Кейин негадир куёвимнинг ишлари юришмай қолди. Улар рўзғорга қийналиб қолишганидан кейин қизим ўзини ўтга-чўкка уриб иш кидира бошлади. Эри қизимнинг ўз соҳасида ишлашини хоҳламади. Шу сабабли қизим невараларим ўқийдиган мактабга ишга кириб, ҳуқуқшуносликдан дарс бера бошлади. Аммо оилада бир кишининг ишлагани, битта муаллиманинг топгани бутун бошли, етти жонли рўзғорга нима бўлади? У аввал-аввал онасидан ўрганган чеварлик касбини қилди. Кейин шанба-якшанба кунлари, мактабдаги дарсларидан бўшаган вақтлар уйда қизларга хунар ўргата бошлади. Сўнгра, кичикроқ бир бинони ижарага олди. Болалари билан ўша ерни таъмирлаб, тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. Қизим беш-ўн йиллаб дам олиш нима, бирор дўхтирга ўзини кўрсатиб, даволаниш нима, билмади. Биламан, агар у бетобман, деса, эрига ёқмасди. Шунинг учун болам бечора жони оғриса, оғрикни қолдирадиган дориларни ичиб юраверди. Кейин билсак, касали ўтиб кетган экан... Қизим саратон дардига йўлиққан экану... Дўхтирлар саратон деб унга ташхис қўйишганининг саккизинчи куни қизим оламдан ўтди...

Қария бир нуқтага тикилганича ўйланиб қолди. Сардор шу ўринда ўзини тутолмай қолди:

– Отахон, одатда бу касал беморларни икки-уч ой олдин безовта қилади. Нега бундай...

Сардор гапини тугатолмай қолди. Қария унинг гапларини тасдиқлаганча яна ичи тўла дардини гапира кетди:

– Тўғри айтасиз. Қизим бир ой олдин болаларига касалман, дебди. Невараларим отасига онамни дўхтирга кўрсатайлик, деса, эри нима дебди денг? Бу гапни фақат Худодан қайтган, имонсиз одам айтиши мумкин. “Ойингнинг касаллигига ишонапсизларми? Ойинг ахир касал хотин родини ижро этиб, спектакль кўяпти-ку”, дебди!

Сардор чолнинг бу гапларидан этлари жимиралиб кетди.

– Ха, Худо раҳматига олсин, кизим ўз оти ўзи билан Доно эди...

Чол хикоясини тугаллагандай, узок-узокларга тикилиб қолди. Сардор қарияга нима деб, қандай тасалли беришини билмай қолди.

Ниҳоят Сардор ўзида қарияга тасалли бўладиган сўз, куч топди:

– Худо сабр берсин...

Чол дардини айтиб, бир оз енгиллашгандай бўлдими, бирдан хижолат тортиб, Сардорга деди:

– Ҳикоям жуда чўзилиб кетди. Сизни анча зериктириб қўйдим, меҳмон. – Сардор пиёладаги совиб қолган чойидан хўплади.

– Сира хижолат бўлманг. Аксинча, кўнгилдаги дардларингизни менга ишониб айтганингиз учун сиздан хурсандман.

Маълум бўлишича, чорбоғни чолнинг ўғли сотиб олган, нархини ҳам у белгилаган, сотув ишларини ҳам ўша одам ҳал қилар экан. Чол Сардорга ўғлининг телефон рақамини берди. Сардор ишни шу бугундан қолдирмаслик учун шаҳарга шошди. Шу ўйда чол билан хайрлашди.

Сардор тоғнинг айланма йўллари бўйлаб машинада шаҳар томон еларкан, қулоклари остида чолнинг гам-андухга тўла овози эшитилар, кўз олдида ҳеч қачон ўзи кўрмаган, оғир дардга чалингани сабаб бевакт оламдан кўз юмган бемор аёл гавдаланар, ичида ўз яқинига, борингки, бир инсон ҳаётига шу қадар беписанд, ҳиссиз бўлган ноинсоф, худбин эркакни айблаб кетмоқда эди.

“Ҳа, инсонлар нечоғли бир-бирларига меҳрсизлар ва меҳрни билмайдилар, меҳрга муносиб жавоб бера олмайдилар, баъзилар ана шундай ҳиссизлар... Токи бу ҳаётда яшарканмиз, имкон қадар бир-биримизни ардоқлаб, бир-биримизни тушуниб, бир-биримизни асраб яшайлик...”

Сардорнинг кўнглидан шундай гаплар ўтди.

Сардор йўл-йўлакай шаҳарга кириб бораркан, чолнинг ўғлига кўнғирок қилди. Хайрият, чолнинг ўғли уйда экан, манзилини айтди.

Бундан терисига сиғмай қувонган Сардор унинг уйи томон учди.

30

Нур энди дарсни тугатиб, аудиториядан чиқаркан, талабалар уни ўраб олиб, саволга тутди.

– Нур Ҳайдаровна, юрак ишемик касаллиги хуруж қилмаган пайтда ЭКГ қилинса, сезиларли ўзгаришлар бўлиши мумкинми? – бир талаба шундай савол берди.

У энди шу талабанинг саволига жавоб қайтаришга оғиз жуфтлаган эди ҳамки, телефони жиринглаб қолди.

– Кечирасизлар, – у нарирок ўтиб, халати чўнтагига солиб қўйган мобил телефонини олди.

– Ҳа, Сардор Камолович? Тинчликми?

Телефоннинг у томонидан Сардорнинг шошган овози эшитилди:

– Дарсинг тугадими? Пастда кутиб турибман, тезрок тушсанг.

Сардор шу билан гапим тугади, дегандай телефони тугмасини босди шекилли, телефондан қисқа-қисқа гу-

док товуши эшитилди. Эрининг шундай феъл-атворига аллақачон кўниккан, унинг бундай галати одатлари ёд бўлиб кетган Нур талабаларнинг саволларига тез-тез жавоб қайтарди-да, кафедрага кирди. У эҳтиёт шарт котиба қизга кетаётганлиги, бугун келмаслигини айтиб қўйди. Кейин югуриб, зиналардан тушди. Чиндан ҳам Сардор уни пастда кутиб турган экан. У одатда бирор зарур иш олдидан қилганидай, уёқдан-буёққа юрарди.

Сардор Нурни кўриб, олдига келди. Нур савол назари билан унга тикилди.

– Машинангиз қаёқда? – деди Сардор атрофига аланглаб. Улар машина олдига келдилар.

– Хоним, бугун менга машинангизни прокатга бериб турасиз, – деди Сардор Нурдан калитни оларкан.

– Мархамат, ўтиринг, – Сардор машина эшигини Нурга очди ва ўзи рулга ўтирди.

Нур ҳайрон қолганича машинага ўтирди.

– Қаерга олиб кетаётганликларини билсак бўладими? – деди ажабланиб Нур.

Одатда киска қилиб: “Борганда биласиз”, деб гапни кесиб қўядиган Сардор бу сафар астойдил жавоб берди:

– Гўзал қиз, сизни опқочиб кетмоқчиман!

Нур Сардорнинг гапидан хангу манг бўлиб қолди. Тавба, бу одам билан ҳеч қачон зерикмайсан!

– Сардор ака, мен ахир клиникага боришим керак... – ҳеч нарсага тушунолмади деди Нур.

– Ташвишланманг, мен Зиёда Тўхтамуродовнадан илтимос қилдим, бугун ўзи касалларни қабул қилиб туради.

Нур бундан баттар ташвишланди.

– Шаҳзод-чи, уни боғчадан олиш керак...

Сардор Нурнинг гапларига кулди.

– Сира хавотир олманг, Шаҳзодни боғчадан олиб, оймига ташлаб келдим. Ҳадемай болалар мактабдан келади. Улар билан ўйнаб туради, – Сардор шундай дея орқага ўгирилиб, деди: – Бошқа саволлар йўқми?

– Саволлар-ку йўқ... – деди қандайдир тўлкинланиб Нур.

– Саволлар бўлмаса, кетдик! – Сардор шундай дея ёш йигитлардай завк билан машина тезлигини оширди.

Машина равон йўлдан елиб кетди. Шаҳар ташқарисига чикканларидан сўнг ҳаво бирдан мусаффолашди. Киши шаҳарда баҳор гўзаллигини ҳис қилиб, завкланиб улгурмасидан ўтказиб юбориши мумкин. Лекин кир-адирларда бундай бўлмайди. Баҳор ўз гўзаллигини бор бўйича намоён этиб, инсоннинг бундай бефарқ бўлишига йўл қўймайди. Албатта, бу ерда баҳор ўзига эътиборни қаратишга, табиатдан завк олишга мажбур этади.

Бирдан Нурнинг ёдига Сардор билан илк марта токка қилган саёҳати келди. Кўз олдида қип-қизил гилам тўшалгандай лолақизғалдоқзорлар гавдаланди. Ҳозир лолақизғалдоқлар очилмаган, ҳали эрта. Барибир теvarак-атроф ям-яшил. Ана шу яшиллик киши кўнглини орзиқтириб юборади.

– Сардор ака, теvarакни қаранг! – у завк билан деди. – Болаларни ҳам опчиқсак бўлар экан-а!

– Насиб қилса, албатта! – деди Сардор ҳамиша романтик хотинининг гапларига жавобан.

Машина токка кўтарилиб борди. Илк марта кўрганидай, тоғлар ўзининг улуғворлиги билан яна Нурни хайратда қолдирди. Тоғлар ўша пайтлардагидай викорли ва салобатли. Инсон табиат олдида ўзини митти жонзотдай ҳис қилади. Йўқ, ундай эмас, дея ичида ўйлади Нур, инсон шу табиатнинг митти бўлса-да, бир бўлаги.

Бир пайт машина ўша Сардорларнинг чорбоғи олдида тўхтади. Пастда шаркираб сой оқмоқда эди. Нур хайратланиб, Сардорга қаради.

Сардор кулиб, дарвозани очди:

– Марҳамат қилсинлар.

Нур остонадан ҳатларкан, юраги ҳаприқиб кетди. Ҳа, унинг ёдига ўша тоғ саёҳати, беғубор ёшлик дамлари тушган эди. Кулоклари остида ўзларининг овозлари, самимий кулгилари эшитилди. Инсон хотираси унинг қалби сингари

хамиша ёш. У аста ошхонадан мўралади, кейин ховлига синчиклаб қаради.

Сардор Нурга кулиб қараб турарди. Аслида унинг ҳам хаёлида унутилмас хотиралар жонланган эди. Дастлаб кўз олдига бу ерда ўтказган беташвиш болалик чоғлари, отасининг вазмин ва салобатли киффаси, онасининг меҳрибон ва куюнчак ҳаракатлари, сочларига тоғ чечакларидан гулчамбар таккан Феруза опасининг қувноқ ва бахтиёр чехраси, ўзининг варрак учириб, кетидан югурганлари гавдаланди.

Кейин эса... наъматак гуллари сингари нозик ва сарвақд қиз унга ғамза билан жилмаяди, шунда қизнинг эркали табассумидан йигит юраги тўлқинланиб кетади. У беихтиёр жилмайиб, Нурга қаради. Ўша нозик қиз – назарида ўша-ўша гўзал ва мафтункор.

– Вой, энди бу дала-ховли бировники-ку, калитни қаердан олдингиз? – шунча вақт ўтиб, Нурнинг эсига бу гап энди келди.

Нур шундай деб. Сардорнинг хаёлини бузиб юборди.

– Қойил-е, буни энди билибсиз-а? – деди кулиб Сардор.

Нур Сардорнинг бу гапидан изза тортгандай бўлиб, аста ерга қаради. Сардор Нурнинг ёш қизлардай уялганидан мутаассир бўлди, унинг кифтларига қўлини қўйди.

– Бўлди, кетдик, калитни қандай қўлга киритганимни йўлда айтиб бераман.

Улар чорбоғдан чиқдилар. Сардор дарвозани кулфларкан, Нур пастда тошдан-тошга урилиб, шаркираб оқаётган сойга тикилиб қолди. Шабада қайлардандир эндигина ниш уриб, кулок чиқараётган илк чечакларнинг муаттар исини олиб келиб, димокқа урди.

– Бирпас ўтирмаймизми?

Сардорнинг бу таклифи айтилиши Нурнинг кўнглидаги истаги эди. У хурсанд бўлиб кетди. Улар сойга тушаверишдаги ясси харсангтошга ўтирдилар.

Атроф-теваракни ўраган салобатли чўккилар донишмандлик билан, викор билан табиатга кўрк бериб турарди.

Шабада эсиб, Нурнинг эти жунжиккандай бўлди. Сардор пиджагини ечиб, унинг кифтларига ташлади. Нур бундан ҳаяжонланиб кетди. Гўё улар неча йиллик эр-хотинлар эмас, эндигина танишган, масалан, унашув арафасидаги йигит-қизлар эдилар.

– Раҳмат, – деди Нур шундай ҳаяжон билан.

Сардорга ҳам Нурнинг ҳаяжони ўтди. У қўлларини Нурнинг елкаларига ташлади.

“Олис тоғ ёнбағирларидан тобора баландлаб борган биргина ингичка сўкмоқ назарида кўкларга, инсонни энг эзгу орзулари ушаладиган маконга элтадигандай. Мана, ерда илон изи бўлиб чумолилар бир-бирига тирмашиб кетяпти. Чумолиларнинг ана шу бир-бирларига тирмашиб юришларида ҳам ҳикмат бор. Улар заиф ва майда жонзот бўлсалар ҳам бир-бирларига мадад бўлганларича яшайдилар. Чумолилар бир-бирларини қўллаб-қувватлаганларича меҳнат қиладилар, биргаликда катта кучга айланадилар, ақл бовар қилмас ишларни қиладилар. Ҳа, уларни ҳам, онаси ва хотини билан Сардорни ҳам худди ана шу чумолиларга ўхшатиш мумкин. Оилада бизни тушунган, қўллаб-қувватлаган оқила онам, ҳар бир ишда мадад бериб турган, мен билан ҳамнафас қалбим севинчи Нур бўлмаганида, бирга елкама-елка қадам ташламаганида балки мен бундай бахтли бўлмас эдим. Мен ҳозир ана шу чумолилар каби катта ишларга қодирлигимни ҳис қиляпман. Ҳа, болаларимга ҳам ана шундай ҳалол меҳнат қилиб, ахилликда баҳамжиҳат янаш кераклигини ўргатган ва уларга ҳам ана шундай жўшқин ҳаётни тилаган бўлардим”.

Нур учлари нақ кўкларга бориб туташгудай чўккиларга тикилиб қолди.

“Ана шу кўкларга туташган чўккилар остида арчалар, ўт-ўланлар, чечаклар эмин-эркин ўсади, барқ уриб яшнайти, гуллар узра капалаклар бахтиёр виз-виз уचाди. Ана шу тоғлардан сизиб чиққан жилғалар қувнок жилдирайди. Буларнинг бари, гуллар ҳам, капалаклар виз-визининг ҳам ўз сирин бор. Бундай бахтга булар аслида ортида паноҳи, тоғи,

чўккиси борлиги сабабли эришдилар. Улар ана шу панохи борлиги туфайлигина шундай бахтли, хуррам.

Мен тақдиримдан, пешонамга шундай катъиятли инсон билан яшаш битилганидан Худога шукурлар қиламан. Ортимда шундай паноҳим борлиги туфайлигина мен шундай бахтга мушарраф бўлдим. Ҳа, даставвал менга оқ сут бериб, тарбиялаб, вояга етказган она-отамдан, сўнг оиламга файз-кўрк бағишлаб турган қайнонамдан, ҳар ишда мени тушуниб, кўмакчи бўлган паноҳимдан миннатдорман. Улар бўлмаганида мен бундай бахтли бўлмас эдим. Мен фарзандларимга ҳам ана шундай самимий, ҳалолликда, баҳамжиҳат ҳаёт кечирिशни тилаган бўлардим”.

Тўсатдан Сардорнинг бир нарса эсига тушгандай бўлди. Шимининг чўнтагидан бир калит олди. Сардор Нурнинг кўлини ушлади-да, унинг кафтига калитни кўйди.

Нур хайрон бўлиб, Сардорга каради.

– Бу дала-ҳовли калити.

Сардор шундай дея Нурга маъноли каради. Нур ҳеч нарсага тушунмади.

– Бу туғилган кунингизга совға.

Нур энди тушунди. Калитга караб колди. Ҳозир кўнглидан ўтган гапларни Сардорга айтди:

– Дала-ҳовлини сотиб олдингизми? Ахир клиникани кенгайтирмоқчи эдингиз-ку?

Сардор Нурга изоҳ бера бошлади:

– Эсингиздами, москвалик бир дўстим инглизлар билан ҳамкорликда зўр касалхона барпо этибди, деган эдим?

Нурнинг ёдига Сардор айтган гаплар келиб, “ҳа, ҳа”, деди. Сардор кўтаринки руҳ билан сўзида давом этди:

– Ўша курсдошим инглиз дўстлари билан биз ният қилган касалхонага сармоя киритмоқчи. Кейин биз билан ҳамкорликда ишламоқчи.

Нур қувониб кетди:

– Мана буни зўр янгилик деса бўлади! Демак, келажакда бу кўшма корхона бўларкан-да!

Сардор ҳам Нурнинг қувончига шерик бўлгандай, жилмайиб деди:

– Ҳа, шундай деса ҳам бўлади. Энди дала-ҳовлига келсак. Бир пайтлар бу дала-ҳовлини дадам ойимга совға қилган эканлар. Энди оиламиз анъанасига кўра уни мен сизга совға қиляпман.

Нур бир калитга, бир Сардорга хурсанд бўлиб қаради.

– Энди гап бундай, хоним, – Сардор жиддийлик билан қўшиб қўйди: – Дала-ҳовлида дам олиб қайтгач, тинимсиз тер тўкиб ишлаш керак бўлади.

– Албатта! – деди қувонч билан Нур.



МУНДАРИЖА

Биринчи қисм	3
Иккинчи қисм	114



Адабий-бадий нашр

Париза Ҳикматова

ЧИН МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Мухаррир *Маъсума Аҳмедова*

Бадий мухаррир *Шухрат Мирфайёзов*

Техник мухаррир *Татьяна Смирнова*

Мусаххих *Дано Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Умида Валижонова*

Нашриёт лицензия рақами А1 № 154. 14.08.09.

2013 йил 20 ноябрда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108 ¹/₃₂. Times New Roman garniturası.

Офсет босма. 14,91 шартли босма тобок. 12,89 нашр тобоғи.

Адади 5000 нусха. 483 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий
уйида чоп этилган.

100128. Тошкент, Шайхонтохур кўчаси, 86.

www.gglit.uz.

E-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz

Ҳикматова Париза

Чин муҳаббат қиссаси: / П.Ҳикматова. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – 284 б.

Ёш каламкаш Париза Ҳикматованинг кўлингиздаги китобида вафо-садоқат, меҳр-оқибат, поклик ва ҳалоллик каби эзгу ва умрбоқий инсоний туйғулар каламкаш олинади. Китоб қаҳрамони оддий қишлоқ кизи Нурнинг тақдири сиз ҳурматли китобхонларни бефарқ қолдирмайди. Мағрур ва гўзал киз Нурнинг катта мақсадларга интилиб яшаши, шу йўлда меҳнат қилиши кишиларни иродали бўлишга қорлайди, ҳамиша ғолиб эзгуликка даъват этади.

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7